

КИРИШ

Бугун Ўзбекистонда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини камраб олган 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши - ҳаракатлар стратегияси қабул қилинди¹. Шунингдек, 2018 йил «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб қувватлаш» йили² да мамлакатимизда илм-фанга асосланган инновацион жамият куриш стратегик мақсад қилиб олинган бугунги кунда, жамият тараққиёти ва шахс камолотида илм ва фаннинг ўрни беқиёс. Бўларнинг барчаси ижтимоий-гуманитар фанлар олдида ҳам янги вазифалар белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ш.М.Мирзиёевнинг 2016 йил 2 ноябрда Наманган вилоятига қилган ташрифлари¹ натижаси уларок, 2017 йил 13 апрелда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Наманган вилояти Тўрақўрғон туманида атоқли маърифатпарвар Исоқхон Ибрат номидаги ёдгорлик мажмуасини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 7

Исхакъ Ханъ Тюря Джунайдуллзезъ Въ Тюря-Курганъ

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тугрисида»ги фармони. // Халқ сўзи. 2017 йил 7 феврал.

² Улут мақсадлар йўлида барчамиз белимизни маукам ботлаб ишлашимиз, бор ақл заковатимиз, билим ва тажрибамизни, жонажон ватанимизга фарзандлик меҳримиз ва садокатимизни сафарбар этишимиз керак. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 22 декабрдаги Олий мажлисга мурожаатномаси. // Халқ сўзи. 2017 йил. 23 декабр.

июлдаги Наманган вилоятига, хусусан, Тўрақўрғон туманига ташрифлари чоғида Исоқхон Ибрат фаолиятига чуқур баҳо бериб, алломанинг халқимиз учун қилган буюк хизматларини қадрлаш, меросини ўқиб ўрганиш ва тарғиб қилишга алоҳида эътибор қаратилиши кераклигини таъкидладилар^{1 2 3}. Шу нуқтаи назардан монографияда марифатпарвар, жаҳид мунаввари Исоқхон Жунайдуллоххўжа ўғли Ибратнинг тарихий илмий мероси борасида фикр юритиш мақсадга мувофиқдир.

Республикамиз биринчи президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, «Ўзбек олимларининг куч-гайратлари билан тарихимизнинг кўпдан-кўп ғоят муҳим сауифалари, энг аввало... XIX аср охири XX аср бошлари тарихи янгидан кашф этилди». Бу даврнинг асосий хусусияти шундан иборатки, тадқиқотчиларга илгари нотўғри тадқиқ этилган тарихий воқеликлар моҳиятини холисона ёритишга, утмиш ҳақидаги ҳақиқатни аниқлашдек масъули- ятли вазифани бажаришга ундайди. Бундай муҳитнинг яратилиши тарихшунос тадқиқотчиларга нафақат тарих фанининг босиб ўтган йўлини янгидан таҳлил этиш, балки тарих фанини ривожлантиришга муносиб хисса қўшган, аммо давр қурбонига айланган тарихчи олимлар, зиёлилар, уларнинг таъкик ва тазйикларга дучор қилинган асарларини ўрганиб, хулосалар чиқариш заруриятини юзага келтирди. Бу давр воқеликларини чуқур таҳлил этмай туриб, бу соҳада муваффақият келтириб бўлмайдди. Бу уақда таниқли олима

¹ Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси президентлигига номзод Шавкат Мирзиёевнинг Наманган вилояти сайловчилари вакиллари билан учрашувдаги нутқи. // Наманган ҳақиқати газетаси. 2016 йил 5

² Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 июлдаги Наманган вилоятига ташрифи.// Наманган ҳақиқати газетаси. 2017 йил 8 июл.

³ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бусагасида...Б. 141.

Д.А.Алимова: «Бу давр хусусиятларининг тарих фани тараққиётига таъсири ва уларнинг фанда қай тарзда акс этганини, тарих фанининг бу йиллардаги ютуқ ва йўқотишларини аниқлаб, уларни чуқур таҳлил этишдек муҳим муҳаммони ҳал этмай, Ватан тарихини тўғри ва холисона ёритишга, тарих фанининг услубий, назарий ва маълум даражада манбавий тўлақонлигига, келажакни башорат қилиш имкониятига эришиш мумкин эмас¹» - дейди. Юқоригадаги фикрлар бу давр муҳаммолари тарихшунослик фанида жуда масъулиятли ва муҳим эканлигини кўрсатади. Исоқхон Жунайдуллоххўжа ўғли Ибрат(1862-1937) ҳам ана шундай давр қурбонига айланган олим бўлиб, унинг асарлари ҳам бошқа миллатимиз зиёлилари асарлари каби таъкик ва тазйикларга дучор қилинган.

Совет даври тарихшунослигида миллий зиёлилар ҳаёти ва фаолияти етарли даражада ўрганилмаган, ёки ўрганилган тақдирда ҳам бу давр тарихшунослиги ўз миллий анъаналарига эга бўлганми ёки фақат давлат мафкўрасигами? Бундай саволни қуйишга уақлимиз, чунки бу даврда тарихшуносликни ривожлантиришга ўзининг катта улушини қўшган миллий сиёсий арбоблар мавқеи беркитиб келинди, ёхуд тўзум талабига қараб талқин этилди. Улар дунёкараши коммунистик мафкўрага мос келмаганлиги учун «реакцион, аксил инкилобий, миллий буржуазия» каби салбий негизда баҳоланиб келинди, ҳаётининг фаолиятининг мафкўравий талабларга жавоб бера олмаган қисми эса уеч қандай моънеликсиз ташлаб юборилди. Исоқхон Жунайдуллоххўжа ўғли Ибратнинг ҳаёти ва фаолияти,

унинг тарихий илмий меросини ўрганиш борасида ҳам худди шундай йўл тутилди.

Бинобарин, совет даври олимларининг мафкўравий тазйик остида илм қилганликларини ҳисобга олган ҳолда, ишларининг ижобий жихатларини эътироф этиш лозим. Олимлар томонидан Ибратнинг ҳаёти ва ижодига оид аксар манбалар тўпланган ва мазкур шароитда ҳукмрон мафкўрага мослаштирилган ҳолда миллат зиёлиларини юзага чиқариш катта жасорат талаб қилган. Бу даврда яратилган асарлар мафкўравий келишув асосида ёзилган. Ибратнинг «Луғати Ситта ал-Сина», «Жоме ул-хутут» асарларини тилшунослик нуқтаи назаридан тахлили берилган бўлсада, ҳукмрон мафкўра таъсири остида талқин қилинган.

Республикамиз мустакилликка эришгач, утмишга бўлган муносабат кескин ўзгарди, тарихий-илмий, кўлёзма манбаларни ўрганишга бўлган қизиқиш ортиб борди. қатагон қилинган барча миллат зиёлилари қатори Ибрат фаолиятини ўрганиш, миллат зиёлилари ижодини нафақат Ўзбекистон, балки жаҳон цивилизациялари тарихини ўрганишда ўз ўрни билан белгиланганлигини кўрсатиб бериш, тарихшунослик нуқтаи назаридан тахлил қилиш заруриятга айланди. Ўтган йиллар давомида Исоқхон Жунайдуллоххўжа ўғли Ибрат ҳаёти, фаолияти ва ижодини ўрганиш кизгин тус олди. қатор публицистик мақолалар, илмий изланишлар, уакконий тадқиқотлар юзага келди. Жумладан, вақтли матбуотда И.Ибрат фаолиятига холис баҳо бериш юзасидан у.Султон¹ ҳамда мҳаллиф қаламига мансуб 10 дан ортиқ қатор илмий

¹ Султон у. Тарихлар гамни тоза килур//Тафаккур. -1994. -№1.

мақолалар¹ эълон қилинди. Кейинчалик ушбу мақолалар чуқур илмий тадқиқотлар асоси бўлиб хизмат килди.

1991 йилда олимлар Х.,Н.Бобобеков, МДасаний Ибратнинг «Тарихи Фарғона»^{1 2} кўлёмасини нашрга тайёрлади ва чоп эттирди. Шу муносабат билан Х.,Бобобековнинг «Тарихимизда конли излар»³ номли сўзбошиси илова қилинди. У. Долимовнинг 1994 йилда «Исхокхон Ибрат»^{4 5} деб номланган рисоласи нашрдан чиқди. 2001 йилга келиб профессорлар Х.Коматцу ва Б.Бобожоновлар хамкорлигида И.Ибратнинг “Мезон ул замон” асарини араб

5

имлосидаги наشري ва рус тилидаги тахдили эълон этилди . Монография мҳаллифи томонидан худди шу даврда тайёрланган “Исхокхон Жунайдуллоххужа ўғли Ибрат ва унинг тарихий илмий мероси” номли илмий диссертация 2002 йил ноябрда химоя қилинди⁶ ^{7 8}. 2005 йил апрел ойида У.Долимов ва Н.Жабборовлар Исхокхон Ибратнинг араб имлосидаги асарларини крилча ёзувда “Танланган асарлар” номи билан нашр эттирдилар . Шу муносабат билан олим Ш.Юсуповнинг “Ибрат закоси ёхуд бу фазилатни акс эттирган янги нашр номли илмий мақоласи эълон қилинди. Исхокхон Ибрат хаёти ва ижоди, илмий мероси борасида илмий жамоатчилик ва кенг

-

-

¹ Вохидова К. Исхокхон Ибрат //Фан ва турмуш. -1994. -№4. Б.26-27. Исхокхон Ибратнинг “Лутати ситта ал-сина” номли асарининг бугунги кундаги ахамияти // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 1995. 10-11-12 сон. Б. 65-68. Исхокхон Ибратнинг “Тарихи Фарғона”, “Тарихи маданият”, “Мезон ул замон” асарлари тарихий, илмий, маданий манба сифатида // Ўзбекистан тарихининг долзарб мҳаммоларига янги чизгилар. Даврий тўплам. № 2. -Т.: Шарқ. 1999. Б. 112-123. ва бошқ.лар.

² Ибрат И. Тарихи Фарғона. ЎЗР ФА ШИ. Х инв. № 11616.

³ Тарихимизда конли излар//Фарғона тарихи. -Т.: Камалак. 1991. -Б.268-273.

⁴ Долимов У. Исхокхон Ибрат. -Т.: Шарқ. 1994.

⁵ Коматцу Х.Бобожонов Б. Исхакхан тура ибн Джунайдуллах Хаджа. Мизан аз заман.Тошкент-Токио.: 2001.

⁶ Вохидова К. Исхокхон Жунайдуллоххужа ўғли Ибрат ва унинг тарихий илмий мероси. Тарих фанлари номзоди диссертация. Т-2002.

⁷ Исхокхон тура Ибрат. Танланган асарлар. Т.: Манавият. 2005. 198 б.

⁸ Юсупов Ш. Ибрат закоси ёхуд бу фазилатни акс эттирган янги нашр // Ўзбекистан адабиёти ва санъати 2005. 8 апр.

тадқиқотлар унинг кенг қирали фаолиятига янгидан, чин маънода баҳо бериш ва халққа етказиш имкониятини вужудга келтирди.

Масаланинг шу жihatларини ҳисобга олган ҳолда монографияда олим, халқ қозиси, Фарғона жадиdlарининг забардаст вакили Исҳоқхон Жунайдуллоххужа ўғли Ибратнинг хаёти, ижоди ва илмий меросини Ўзбекистан тарихида ўз ўрни билан белгиланганлигини кўрсатиб бериш лозим топилди.

Мазкур монография «Исҳоқхон Жунайдуллоххужа ўғли Ибрат ва унинг тарихий-илмий мероси»ни ўрганишга бағишланган бўлиб, собик совет тўзуми, ҳамда мустикаллик даври тарихшунослигида тадқиқ этилган дастлабки илмий изланишлардан бири ҳисобланади.

Монографияда Ибратнинг тарихчи олим сифатида шаклланиши, жадиdчилик ҳаракатида иштироки илк бор тарихшунослик асосида тадқиқ этилди. Унинг ижтимоий арбоб ҳамда маърифатпарварлик фаолияти, хаётига сиёсий муҳитнинг таъсири мҳаммовий асосда таҳлил қилинди. Исҳоқхон Жунайдуллоххужа ўғли Ибрат меросини қайта тиклаш тарихи ва унинг ҳозирги замон маҳаллий тарихчилари томонидан ёритилиши тарихшунослик асосида таҳлил қилинди ва мавзунинг ўрганилмаган жihatлари аниқлаб олинди.

Ибратнинг Фарғона водийси тарихи, унинг ижтимоий, маънавий аҳоли ва мҳаммоларига қарашлари “Тарихи Фарғона” асари ҳамда мавзуга оид бошқа асарлар билан қиёслаш асосида илмий таҳлил қилинди. Исҳоқхон Ибратнинг миллий маданиятни ривожлантириш концепцияси илмий таҳлили биринчи марта берилди. Ибратнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятига оид XIX аср охири XX аср бошлари даврий матбуотида нашр этилган тарихий йўналишдаги мақолалари, хаёти ва фаолиятига оид унинг аждодларидан қолган шажаралар

рўйхати, БАРС-51-(жанговор, довюрак, илгор изтопарлар) гуруҳига оид маълумотлар биринчи марта тарихий тадқиқот доирасига тортилди.

Ибратнинг маърифий карашлари аниқлаб берилди ва “Мезон ул замон” асаридан ўрин олган жадидчиликка оид фикрлари ўрганилмаган манба сифатида илмий таҳлил доирасига тортилди.

Ибратнинг ижодий ва илмий-тарихий фаолияти натижаларини умумлаштирган ҳолда тарихшунослик юзасидан хулосалар берилди.

Мазкур рисолада Ўзбекистан Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти қўлёзма фондларида сақланаётган Исхокхон Ибрат ҳаёти ва фаолиятига оид манбалар ҳамда Ибратнинг қўлёзма холидаги асарлари, иш фаолиятига тегишли манбалар илмий тадқиқотга асос қилиб олинди. Шунингдек, Алишер Навоий номли Миллий Давлат кутубхонасида сақланаётган «Туркистон вилоятининг газити», «Садойи Фарғона», «Нажот» рўзномалари, «Ал-ислох» журнали XIX аср охири XX аср бошларида нашр қилинган манбалар сифатида муҳим ўрин тутди. Ўзбекистон Республикаси Давлат Архивининг 329, рўйхат 1, иш. 92; 10, рўйхат 15, иш. 690; 715, рўйхат 1, иш. 68; 715. рўйхат 1, иш. 58; 715. рўйхат 1, иш. 14; 715. рўйхат 1, иш. 4; 1009. рўйхат 115, иш 6; 1. рўйхат 2, иш. 1281 фондлари, Наманган вилоят Давлат Архивининг 13, 797 фондлари, Тўрақўрғонда жойлашган «Исхокхон Ибрат» номли мўзей, Наманган шаҳрида жойлашган «Мерос» маданият маркази, Намангандаги «Исхокхон Ибрат» номли нашриёт, Наманган вилоят шаҳар ҳокимлиги, Тўрақўрғон туман ҳокимлиги, Ибрат номли жамоа

ҳужалиги, Тўрақўрғон «Усмирлар саройи»да сақланаётган БАРС-51 гуруҳи фаолиятига оид маълумотлардан жумладан қўндаликлар

йигинларда сўзланган маъруза матнлари, хисоботлар, Ибратни билган ва яқинлари билан ўтказилган суҳбатлар асосида тўпланган ҳамда Ибратнинг набиралари томонидан тақдим этилган «Насабнома»дан монографиянинг асосий манбалари сифатида фойдаланилди.

Олиб борилган изланиш тарихий хақиқатни тиклашга бир қадар ёрдам берса, биз ўз олдимизга қуйилган вазифани уддалаган бўламиз. Мавзу қизиқтирган китобхонлардан ўз мулоҳазаларини билдиришларини кутиб қоламиз. Чексиз хурмат билан,

Мҳаллиф.

I БОБ. ИСОҚОЦХОН ИБРАТНИНГ ИЖОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ПОРТРЕТИ

Тарихий адабиётларда мусулмон дунёсида жадиличлик ҳаракатининг келиб чиқиши конуний тарзда XVIII аср охирларида ислом мақсадларига янгича нуқтаи назар билан караш сифатида пайдо бўлиб, Ал-Курсавий, Утиз-Имёний, К.Носирий, Ш.Маржонийлар унинг асосчилари бўлганликлари эътироф этилади¹. Ал-Курсавий XIX аср бошларида Бухорода бошланган ислохотлар бошида тўрган. Бироқ, бу ҳаракат ижтимоий таянчга эга бўлмаганлиги сабабли реакцион кучлар томонидан қаршиликка учрайди. Рус уукумати томонидан Урта Осиёнинг босиб олиниши ва хом ашё базасига айлантирилиши улканинг Хива ва Бухоро хонлигига нисбатан Туркистон генерал-губернаторлигига карашли бўлган Фарғона водийсида ижтимоий ҳаётни бирмунча ўзгартириб юборади. Бу эса жадиличлик карашларини водийда янги куч билан қайта жонлантириб, ўз қаурамонларини етиштириб беради.

Исоқхон Жунайдуллоххўжа ўғли Ибрат (1862-1937) Фарғона водийсида тўтган ўрни, олиб борган фаолияти куламининг кенглиги, яратган асарлари, ватан, халқ, миллат истикболи учун фидойилиги сабабидан Туркистон жадиличлик ҳаракати тарихида М.Беубудий, М. Абдурашидхоновлар каби энг олдинги қаторда турган арбоблардан бири. У жадида намояндаси, тарихчи олим, атоқли шоир, тилшунос, мақоланавис, ношир, таржимон, хаттот, жахонгашта сайёу^{1 2}

¹ Хасанов М. Феномен Российского мусульманства. //Ислам в татарском мире: История, современность. -Казань, 1997. С.10. /Материалы международного симпозиума/ Казань, 1996, 29-1 май; Салижанова Г. Учебно-просветительские очаги в Туркестане, их общественное значение (конец XIX - начало XX вв.): Автореф. дис. канд. ист. наук. -Т., 1998. С. 38.

² Ёўлдошев Н. Маърифат фидойилари. Гулистон. 1990. - № 4. -Б.20.

хамда муаллимдир¹. Ибратнинг юксак маънавият эгаси, кўп қирали талант сохиби эканлиги уша даврдаёқ замондошлари томонидан эътироф этилган^{1 2}.

Ибрат олим ва мутафаккир бўлиб етишгунига қадар ундан ортик шарқ ва гарб тилларини ўрганади. У фаолияти давомида шарқ ва гарб илм-фани, техникаси, маданияти, тараққиётини уйғунлаштириб, Туркистоннинг ижтимоий ҳаётига тадбиқ этиш, халқининг миллий қадрияти ва маънавиятини кўтариш учун ҳаракат қилади. Исхокхон Ибратнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганишга бугунги кунда катта аҳамият берилмоқда. XX асрнинг дастлабки уттиз йиллиги давомида ёзилган илмий мероси, эски ўзбек ёзуви, форс тилларида бўлган асарлари миллий руҳда ёзилганлиги сабабли рус ҳукумати ва советлар даврида ғоявий талабларга жавоб бера олмади. Мустақиллик шароитидагина республикамизда Исхокхон Ибратнинг ҳаёти ва фаолияти, ижодий тажрибалари, ғоя ва қарашларини кенг ўрганиш имконияти тугилди. Бу эса ёш авлодни миллий қадриятлар руҳида тарбиялашда, бугунги кундаги сиёсий ислохотлар моҳиятини тушуниб етишда жуда катта аҳамиятга эга. Халқнинг миллий қадриятлари «миллий ўзликни англашни, таъбир жоиз бўлса, миллий ифтихорни тиклаш ва устириш жараёнида ғоят муҳим ўрин тутади»¹.

1 §. Ибратнинг тарихчи олим сифатида шаклланиши, жадидчилик ҳаракатида иштироки.

¹ Асрлар нидоси. Тўплам. -Т.: 1982. -Б. 534-541.

² Мухаррир. Ахборотнома//Туркистон вилоятининг газети. -1901. 4 авг; Даврон И. Ҳақ сўз//Туркистон вилоятининг газети. -1908. 20 июль; Ҳаюмов П.Д. Тазкираи Ҳаюмий. 1998. -Б.420.

Исоқхон Жунайдуллоххўжа ўғли Ибратнинг ҳаёти ва ижоди, унинг тарихий-илмий мероси, архиви ва кутубхонаси, жаид мактаби, нашриёти алоҳида тарих. Ибрат ижодига оид мақолалар, рисоалар пайдо булгунига қадар, у уақда ХХ асрнинг дастлабки уттиз йиллигига оид ўзи томонидан қолдирилган тарихий-илмий, лингвистик, педагогик, шеърий асарлари, вақтли матбуотда эълон қилган мақолалари, унинг қаламига мансуб қўлёзма уолида сақланиб қолган, ҳамда замондошлари, кариндошлари томонидан ёзиб қолдирилган манбалар дастлабки манбалар ҳисобланади². Бизгача етиб келган, муаррих томонидан 1916 йилда ёзилган «Тарихи Фарғона» асари унинг ҳаёти ва фаолиятининг дастлабки даврлари ҳақида мукамал маълумот берувчи тарихий манбадир. Асарнинг «Мукаддима» қисмида у Туркистон иклимига карашли Фарғона водийси Қўқон хонлиги касабодларидан бири Тўрақўрғонда тугилганлигини⁴ ёзиб қолдирган. Бу маълумотлар унинг 1905 йил «Туркистон вилоятининг газити»да эълон қилинган «Тарихи ҳаммом»⁵ шеърида, «Ильми Ибрат» номли 1909 йилда ёзган шеърий тўпламида⁶ берилган. Ибратнинг туғилган жойи ва таваллуд йили ҳақидаги маълумотлар кейинчалик даврий манбаларда тилга

7

олинали . 1 2 3 4 5 6 7

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон ХХI аср бусагасида: уавфсизликка таудид, барқарорлик шартлари, тараккиёт кафолатлари. -Т., 1997. Б.-140.

² Ибрат И. Турли марсия ва фикриёт масалаларига оид жамланган туркум қўлёзмалар. Бу қўлёзмалар шахсий кутубхоналарда, Ибрат авлодлари кулларида сақланади.

³ Ибрат И. Тарихи Фарғона. ЎзР ФА ШИ. У инв. 11616. -Б.1.

⁴ Уша жойда. -Б. 1.

⁵ Ибрат И. Тарихи ҳаммом//Туркистон вилоятининг газити. -1905. 10 июль.

⁶ Ибрат И. Ильми Ибрат. Матбааи Исоқия. Тўрақўрғон. 1909. ЎзР ФАШИ. Т. инв. № -9987. -Б. 15.

⁷ Иброуимов М. Уосил учун. Тўрақўрғон. 1960. 8 дек.; Усмон О. Зулмат ичра нур//Шарқ юлдўзи. -1961. -№ 1-2. -Б.102; Ўзбекистонда рус тилининг илк тарғиботчилари. -Т.: Фан. 1962. -Б.40; Долимов У. Ибрат маърифатпарвар олим//ҳаёт ва адабиёт. -Т., 1968. № 331. -Б. 109; Маърифатпарвар шоир//Наманган ҳақиқати. -1968. 19 июнь; Ибрат ўзбек тилшунос олими//Ўзбек тили ва адабиёти. -1970. -№6. -Б.76; Туяда келтирилган матбаа. //Гулистон. -1972. -№7. -Б. 27-28; Исоқхон Ибрат. -Т.: Шарқ. 194. -Б.7.

Замондошларидан бири П.ДДаюмовнинг 1960 йилга қадар ёзилган ва угиллари томонидан 1998 йилда чоп этилган «Тазкираи қаюмий» асарида Ибрат тугилган 1862 йил санаси 1876 йил¹ деб, янглиш кўрсатилади. Шунга карамай, Ибратни фарғоналик олимлар қаторида тазкирага киритилганлиги эътиборга лойик.

«Илми Ибрат» шеърий тўпламида берилишича, олимнинг асли исми Исхокхон, отасининг исми Жунайдуллоххужа, Ибрат эса унинг тахаллусидир . П.ДДаюмов маълумотига кўра, Ибрат туралар авлодидан бўлиб, «Умархон даврида булмиш машхур шоир Афсуснинг набирасидир»³. Тазкиранинг Васфийга бағишланган қисмида /Бухоролик Васфий эмаслиги П.Д. қаюмов томонидан аниқланган/ унинг Исхокхонга қариндош бўлганлиги, Ибратнинг Васфий ҳақидаги марсияси борлиги таъкидланади. Бу марсия бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик Институти қўлёзмалар фондида сақланади⁴.

Манбаларда кўрсатилишича, Ибрат шажара жихатидан Ахмад Яссавий авлодларидан ҳисобланади. Бунга унинг авлодлари кулида сақланиб қолган «Насабнома»си далил бўла олади⁵. Унда келтирилишича: «Жунайдуллоххужа шубҳасиз ворисдир, такводор Саид Олим Султонхужа Ахмад Яссавийнинг авлодларидандур»⁶ - деб ёзилган.

Авлодлари кулида сақланиб қолган ёдгорликда Ахмад Яссавийдан то Ибратга қадар шажаралар рўйхати номма-ном келтирилади ҳамда ¹

¹ қаюмов П.Д. Тазкираи қаюмий. II қисм. -Т., 1998. -Б.420.

² Ибрат И. Илми Ибрат. Тўрақўрғон. Матбааи Исхокия. 1909. ЎзР ФА ШИ. Т. инв. № 9987. -Б.15.

³ қаюмов П.Д. Тазкираи қаюмий. II қисм. -Б.420.

⁴ Ибрат И. Турли марсия, иборат ва фикриёт масалалари. ЎзР ФА ШИ. қ. инв. № -11620. -Б.20.

⁵ Насабнома (араб тилида). Асл нусхаси Ибратнинг авлодлари кулида, кучирма нусхаси кулимизда сақланади.

⁶ Уша жойда. -Б.2.

Ўз даврининг қозилари томонидан учта мухр босиб исботланади¹. Насабноманнинг бир қисми «Гувохнома» деб номланган иккинчи хужжатда Ибратнинг ота-боболари Ахмад Яссавий авлодларидан эканлиги, уларнинг халқ орасидаги эътиборлари хақида маълумот берилиб, бу сўзларга далил сифатида қозилар томонидан 40 дан ортиқ мухр босилганлигини гувоҳи бўламиз^{1 2 3}.

Ибратнинг шажаралари араб тилида ёзилган бўлиб, арабшунос олим Ахмад Убайдуллохнинг бу борадаги мақолалари муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, олим Исхокхон Ибрат мазкур шажарада ўз авлодларининг Туркистон томонлардан келиб, Наманган, Тўрақўрғон туманлари ҳудудларида жойлашиб қолганлиги хақида муфассал маълумот берганлигини, бу авлод вакиллари хазрат Алининг Рум маликаси Биби Хднифадан тугилган угиллари хазрат Имом Мухаммад Хднафияга бориб етиши, шу жихатдан улар пайгамбаримиз авлодларига боғланишлари хақида маълумот келтирганлигини таъкидлайди¹. Бинобарин, шажаралар рўйхатидан шу нарса маълум бўладики, Исхокхон авлодлари Туркистондан Наманганга XVIII асрнинг иккинчи ярмида келиб урнашганлар. Наманган туманига карашли Муллакудунг кишлоғи чеккасида бир қабристон бўлиб, бу жой аввалда қозоккурғон деб аталган. қабристонда ихчам гумбазли бино бўлиб, бу бино зиёратхона ва чиллахона вазифаларини утаб келган. Бино ёнида 300 килога яқин бир қабр тоши бўлиб, унда араб тилидаги маълумотлар қуйидагича берилган: ”Бу каби яхши хислатлар ва одатлар ҳамда кароматлар

¹ Уша жойда.

² Гувохнома, Ибрат авлодлари кулида сақланади, нусхаси кулимизда сақланади. -Б.1-4.

³ Убайдуллох Ахмад. Хожа Ахмад Яссавийнинг Наманганлик авлодлари. Халқ сўзи рўзномаси. 2005. 14 сон.

эгаси, етук ва комил Шайх Неъматуллох хожи Эшони Туркистонийникидир. У киши хижрий 1251 (1835) йилда вафот этдилар. У кишидан сўнг Суннатуллох хожи Эшон хижрий 1267 (мелодий -1851) йилда казо килдилар. Бўлар хазрат Султон Хожа Ахмад Яссавий авлодларидандир. Уларга Оллохнинг рахмати бўлсин. Бўлардан бошқа яна Неъматуллох хожа авлодларидан бўлган Суннатуллох хожанинг угиллари Атоуллох хожа Эшондир” . Бу маълумотлар мазкур кабрда ётган мутабар зотларнинг бири машхур аллома Исхокхон Ибратнинг катта бобоси, яна бири бобоси ва яна бирлари амакилари эканлигини билдиради.

Ибратнинг фаолиятини ўрганиш давомида унинг оиласи, ота-онаси хамда у вояга етган мухитни тадқиқ қилиш ахамиятлидир. Ота-онаси хақидаги маълумотлар унинг «Мезон ул-замон»³, «Жоме ул хутут»⁴ асарларида, тарих-марсияларда⁵ учрайди. Бу манбалар унинг ота-онасигагина тегишли булмай, Исхокхон хаётининг айрим жихатларини очиб беришда мухим ўрин тутди. Жумладан, унинг «Мезон ул-замон», «Жоме ул хутут» асарларида келтирилган маълумотлар бевосита Ибратнинг ёшлик йилларига оид фактларни берса⁶, тарих марсиялари ота-онасининг вафотига оид бўлиб, Ибратнинг шу даврдаги кечинмалари билан боғлиқдир. Бу ҳақда П.Д.Даюмовнинг тазкирасида Ибратни «...номи Исхокхон бўлиб, Жунайдуллоххон туранинг ўғлидир»⁷ - деб кўрсатилади. * 2 3 4 5 6 7

¹Уша жойда.

² Арабчадан Ахмад Убайдуллох, таржимасидан фойдаланилди.

³ Ибрат И. Мезон ул-замон. ЎзР фА ШИ. X № 11618.

⁴ Ибрат И. Жоме ул хутут. ЎзР фА ШИ. X № -621.

⁵ Ибрат И. Турли марсия ва фикриёт масалалари. Бу марсиялар Ибратнинг кариндош уруғлари кулларида, айрим шахслар кулларида сақланади.

⁶ Ибрат И. Мезон ул-замон... -Б. 36-37; Жомеул хутут... -Б.4.

⁷ қаюмов П.Д. Тазкираи қаюмий. II қисм. -Б.420.

«Турли марсия ва фикриёт масалалари жамланган кўлёмалар» тўплами ҳам Ибрат ҳаёти ва фаолиятини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Унда кўрсатилишича, Ибратнинг ота-онаси ҳам ўз даврининг илмли инсонларидан бўлган. Шунингдек, улар ўзбек, форс тилларини мукаммал билган ва бу тилларда ижод қилганлар. Бироқ, уларнинг ижодига оид фактлар бугунга қадар кам сақланган. Олимнинг онаси томонидан турмуш уртоғи Жунайдуллоххўжа улимига бағишлаб ёзилган марсияси тадқиқотчи олим У. Долимовнинг шахсий кутубхонасида сақланиб қолган¹. Бу марсия Хурибиби онанинг уша пайтдаги ауволи рууияси ҳақидагина маълумот бериб қолмай, унинг ўзбек ва форс-тожик классиклари асарларини мутолаа қилган, билимли, оқила аёл бўлганлиги ҳақидаги мулоазаларимизнинг далилидир².

Манбаларда келтирилишича, 1871 йилда Исоқхон отаси Жунайдуллоххўжа Суннатуллоухужа ўғли вафотидан сўнг дастлабки маълумотни онаси Хурибибидан олган . Бу уакдаги «Мезон ул-замон»⁴ асарида Ибрат томонидан келтирилган фактлар уша даврдаги Хурибиби каби илмли отинбибилар мактабларининг савия жихатидан мактабдор домлалар мактабларидан юқорига даражада бўлганлигини

5

кўрсатади .

Хурибиби она ҳаёти билан боғлиқ манбалар жумласига Ибрат

1 2 3 4 5

¹ Ибрат И. Марсиялар (кўлёмза, араб шрифтида). Хулёмза У. Долимов шахсий кутубхонасида сақланади. -Б.82.

² Уша жойда.

³ Гарант. Иброуимов М. Тўрақўрғонлик матбаачи//Хосил учун. -Тўрақўрғон. 1860. 8 дек; Усмон О. Зулмат ичра нур//Шарқ юлдўзи. - 1961. № 1-2. -Б.132; Рус тилининг илк тарғиботчилари. -Т., 1962. -Б.40; Долимов У. /Маърифатпарвар шоир//Наманган ҳақиқати. 1968. 19 июнь; Ибрат Маърифатпарвар олим//Хаёт ва адабиёт. ТошДу. - 1968. -Б.109; Бобобеков Х. Тарихимизда конли излар. Ибрат И. Тарихи Фарғона асарига ёзилган сўзбоши. - Т.: Камалак. 1991. -Б.268.

⁴ Ибрат И. Мезон ул-замон. ЎзР ФА ШИ, X- инв., № 11618. -Б. 36-37.

⁵ Ибрат И. Мезон ул-замон. ЎзР ФА ШИ, X- инв., № 11618. -Б. 36-37.

киритиш мумкин¹. Марсиянинг характерли жихати шундаки, Ибрат абжад хисоби* билан онасининг вафот йилини тарих қилиб қолдирган^{1 2}. Унга кўра, «Хури гилмон, деди» мисраси тарихий сана бўлиб, унда олим онасининг вафот этган йили 1891^{3 4} йил эканлиги маълум бўлади. Бу марсия 1994 йилда У. Долимовнинг Исхокхон Ибрат номли рисоласида берилган бўлиб, унда мҳаллиф абжад хисобидан фойдаланиб 1309-хижрийни, 1891-милодий йилига

4

айлантиради .

Манба фақат унинг онаси вафот этган йилини аниқлаб берувчи бўлиб қолмай, Ибратнинг хорижий Шарққа саёхатини давом эттиришга туртки бўлган. Ибратнинг набираси Ж.Низомова билан олиб борилган суҳбатда берилган муълумотларга кўра, Ибрат онаси вафотидан сўнг 6-ой мобайнида Жидда шаҳрида қолиб кетган ва шундан сўнг Шарқ мамлакатларига саёхатини давом эттиришга қарор қилган⁵. Исхокхон томонидан ёзилган, хаёти ва фаолияти ҳақида маълумот берадиган яна бир манба, унинг «Жоме ул хутут»^{6 7} яъни «Хатлар мажмуи» рисоласидир. Унда олимнинг ёшлик даврида меъморликка ихлоси баланд бўлганлиги, нақшнинг турли йўлларини ўрганиш учун ўзок вақт мобайнида умрини сарфлаганлиги, бунинг натижасида у олами ислом ёзувларини, яъни финикия, сурия, юнон, инглиз хатларини Хиндистоннинг Бомбей шаҳрида ўрганганлиги

п

¹ Ибрат И. Марсиялар. -Б. 118-119. қулёзма У.Долимов шахсий кутубхонасида сақланади.

* Сон тушунчасини харфлар билан ифода этишга абжад хисоби дейилади. Абжад атамасининг махсус бир маъноси йўқ. Р. Жуманиёзов. Эски ўзбек ёзуви. - Т.: Ўқитувчи. 1989. 138-б.

² Уша жойда.

³ Долимов У. Исхокхон Ибрат. - Б. 13.

⁴ Ибрат И. Марсиялар. Марсия У.Долимов. шахсий кутубхонасида сақланади. (Араб шрифтида). -Б. 118-119.

⁵ Долимов У. Исхокхон И. -Б.13.

⁶ Ибрат И. Жоме ул хутут. Матбааи Исхокхия. Наманган. 1912. ЎЗР ФА ШИ, қ. фонди. Инв. № -621.

⁷ Ибрат И. Жоме ул хутут... Б. 4-5.

Бинобарин, асарда Исхокхоннинг ёзувларга бўлган иштиёки ёшликдан эканлиги ҳамда бу меҳр бора-бора истеъдодга айланиб, унинг «Ёзувлар тарихи» рисоласининг ёзилишига олиб келганлигини, бу эса мҳаллифнинг хаттотгина эмас, наққош сифатида ҳам шухрат топишига ўз таъсирини кўрсатганлигини кўрамыз¹.

Ибратнинг ёшлик йиллари ҳақидаги кейинги маълумотлар У. Долимов ишида ҳамда олимнинг «Исхокхон Ибрат» номли рисоласида келтирилади. Ишдаги мулоҳазалар масалага ёндошишнинг коммунистик мафкўра ҳукмронлик қилган совет тўзумидаги бирёклама карашлардан холи эмаслигини кўрсатсада, бу икки асар Ибрат ҳақида маълумот берувчи манба сифатида ўз ахамиятига эга.

Тарихдан маълумки, мадрасаларда таълим олган олимлар кадим - дан фаннинг бир неча соҳасида иш юритганлар. XIX асрнинг сўнгги чорагида Қўқонда яшаб ижод этган илм ахллари ҳам масжид ва мадрасаларда тахсил олганлар. Ибрат ҳам ўз навбатида онаси Хурибиби мактабида мукаммал саводга эга булгач, ўқишини давом эттириш мақсадида Қўқоннинг Сиддик Тунқатор мадрасасида ўқийди. Бу ҳақда Пулатжон Домулло қаюмов «Тазкираи қаюмий» асарида Исхокхон Қўқон мадрасаларидан бирида тахсил олган^{1 2 3 4}, - деган фактни келтиради. Кейинчалик даврий манбаларда ҳам айнан шу фикр қисман ўзгартиришлар билан берилади.⁵ Туликрок маълумот

¹ Уша асар. -Б.4.

² Долимов У. Жизнь и творчество ўзбекского поэта, просветителя Ибрата. Автореф. дисс. канд. фил. наук. -Т., 1971. - С.26.

³ Уша мҳаллиф. Исхокхон Ибрат. -Т., 1994. -Б. 1-17.

⁴ қаюмов П.Д. Тазкираи қаюмий. -Т., 1998. -Б.420.

⁵ Иброхимов М. Тўрақўрғонлик матбаачи//Хосил учун. Тўрақўрғон. 1960. 8 дек.; Усмон О. Зулмат ичра нур//Шарк юлдўзи. -1961. -1-2 сон. Б. 132.; Долимов У. Ибрат маърифатпарвар олим//Хаёт в адабиёт. Тўплам. ТошДУ. 331 чиқарилиши; Маърифатпарвар шоир//Наманган хақиқати. 1968. 19 июнь ва ҳакозо.

эса У. Долимов ва З.Добуловлар хамкорликда эълон қилган «Эрк ва маърифат куйчилари» хамда У. Долимовнинг «Исхокхон Ибрат» номли рисоласида келтирилади. Исхокхон ўз устида кўп ишлаган, мадрасада берилган сабоқларни, шарқ классиклари асарларини кунт билан ўрганади¹.

Махаллий манбалардан бири бўлган «Туркистон вилоятининг газети» саҳифаларидан ўрин олган Фуркатнинг «Саргўзаштнома» мақоласида келтирилишича, Ибрат мадрасада тахсил олган вақтларда, яъни XIX аср 80-йилларида Урта Осиёнинг бошқа шаҳарларига нисбатан Қўқонда ижтимоий ҳаёт ва маданият бирмунча тараққий этади².

Я.Гаффаров бошчилигидаги БАРС-51 гуруҳи томонидан тўпланган материалларда кўрсатилишича, Ибратни билган, Қўқон ва Наманганда уюштирилган кўп илмий йигинларда у билан бўлган шогирдларидан бири Искандар домла Абдувахоб ўғли олимнинг Қўқондаги Сиддик Тунқатор мадрасасида ўқиб юргандаёқ Муқумий, Фуркат, Нодим, Хазинийлар билан яқиндан алоқада бўлганлигини эътироф этади³. Мулла Йўлдош Туроббой ўғли Хилватий, Исхокхон Жунайдуллоххужа ўғли Ибрат, мулла Шамсий Шавкий Намонгоний⁴, Мухаммад Шариф Суфизода каби қаламкашлар ва Низомхон⁵, Абдулла Тарок каби созанда ва хонандалар кўпинча Нодим уйида тўпланганлар. Бунда самаркандлик Хужа Абдулазиз Расул ўғли,

¹ Долимов У. Жизнь и творчество узбекского поэта-просветителя Ибрата. Автореф. дисс. канд. фил. наук. -Т., 1971. С.26.

² Фуркат. Саргўзаштнома//Туркистон вилоятининг газети. 1891. №16.

³ БАРС-51 отряди аъзоларининг Искандар Абдувахоб ўғли билан олиб борилган суҳбати қўлёзмаси. Тўрақўрғон. Усмирлар саройи. 1963.

⁴ Каримов Ф. Шавкий поэзиясининг реалистик кучи//Шарқ юлдўзи. -1963. 2-сон. -Б. 143-149.

⁵ 1868-1937 йилларда Наманганнинг Шамсикул кишлоғида яшаган, машшок ва бастакор бўлган.

Содирхон ва бошқа машхур хофиз ва бастакорлар ҳам катнашганлар¹. Бундан маълум бўладики, Ибрат Мадраса талабаси бўлиб юрган давридаёқ бу илмий йиғин иштирокчилари билан мунтазам алоқада бўлади, уларнинг Ибрат дунёкарашининг шаклланишидаги таъсири унинг кейинги ижодий фаолиятида аниқ кўринади. Бундай илмий мухит Ибрат хаётида мактаб бўлиб, илм-фанга, янгиликка ва тараққиётга бўлган қизиқишининг янада ортиб боришида муҳим роль уйнайди.

Фарғона водийсида миллий матбуот юзага келгунга қадар Хукондаги маърифатпарварлар хаётида Боғчасаройдан чиқадиган «Таржумон», Хозонда чоп этиладиган «Вақт», «Юлдўз» каби газета ва журналлар ўзининг сезиларли таъсирига эга бўлиб, бу нашрлар орқали тараққийпарварлар дунё халқларининг миллий уйғониш ғоялари билан танишиб борганлар^{1 2}.

Юқоригада келтирилган фактларни тадқиқотчи олим Б.Хосимов фикрлари ҳам тасдиқлаб, «Исмоилбек Гаспирали» номли рисоласида: «1884 йилнинг ўзида «Таржумон» рўзномасининг минг кишилик обуначиларидан икки юзтаси Туркистонда экани»³ни таъкидлайди. Ибрат икки юз кишилик Туркистон обуначиларидан бири бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институтида сақланаётган Ибрат хаёти ва фаолиятига оид «Турли марсия, иборат ва фикриёт масалалари»га оид папкадаги «Исхокия кутубхонасида сақланаётган китоблар рўйхати»да кўрсатилишича, Ибрат томонидан ташкил қилинган «Исхокия» кутубхонасида

¹ Халилбеков А. Кўрсатилган асар. Уша бет.

² Ўз МДА. ФИ-1, рўйхат-31, 1144 иш, в.36.

³ Хосимов Б. Исмоилбек Гаспирали. -Т., 1992. -Б.24.

Исмоилбек Гаспринскийнинг «Таржумон» рўзномасини 1884 йилги бойламлари хам бўлганлигини¹ кўрсатади. Бу маълумот Ибратни Исмоилбек Гаспринский ғоялари билан Қўқонда, Сиддик Тунқатор мадрасасида ўқиб юрган давридаёқ таниш бўлганлигидан далолат беради хамда шу вақтлардан жадинлар ғоялари билан танишиб бораётганлиги хақидаги асосли хулосаларни чиқариш имкониятини беради. Шунингдек, Фарғона водийсида кучайиб бораётган рус истибдодига қарши миллат зиёлиларининг турли кўринишларда бўлсада, мустамлакага қарши кўрашни давом эттираётганликларини исботлайди. Бу кўраш дастлаб уларнинг мактаб, маориф, ёш авлод таълим ва тарбиясини ислох этиш ғоясидан бошланади.

Бу ҳақда Д.А.Алимова: «Жадинлар энг долзарб бўлган илм-фан, маориф ва маданият, таълим ва тарбия ва янги мактаблар масалаларини биринчи ўринга қўйганлар»^{1 2 3} - ёки, «илгор мусулмон зиёлилари мамлакат, тараққиёт даражаси орқадалигини, ижтимоий ва мустамлака зулмининг асосий сабабини авваламбор халқнинг ... маърифатсизлигидан кидирдики, ... шунинг учун мхаммоларнинг хал қилишнинг энг асосий йўли деб маориф ва маърифат кўзда тutilди. Бунинг оқибатида дастлаб жадинлар диққат эътибори марказида маорифни ислох қилиш вазифаси турди. Улар бу ислохотларни амалга оширишнинг зарур эканлигини нафақат назарий жихатдан асослаб бердилар, балки янги усулда ўқитиладиган мактаблар очиб, кутубхоналар, кироатхоналар барпо этиб, укув кулланмалари ёзиб, ўз ғояларини амалда қўллаш йўлида улкан ишлар килдилар» - дейди.

¹ Ибрат И. Турли марсия, иборат ва фикриёт масалалари. ЎзР ФА ШИ. қ. инв. № -11620.

² Алимова Д.А. XX асрнинг дастлабки уттиз йиллигида Ўзбекистонда маданият мхаммоларини ўрганиш тарихидан//Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. -1995. -№ 10. -Б.93.

³ Ўзбекистон тарихи: янги нигоҳ//Жадинлар харакатидан миллий мустакилликка қадар. -Т., 1998. -Б.4.

Бинобарин, Н. Каримовнинг 1995 йил нашр қилинган жадиличлик ҳаракатига оид мақолаларидан бирида ёзилишича, «ўзбек зиёлилари улкани маданий-ижтимоий қолоқликдан, халқни эса хорликдан ва зорликдан олиб чиқиш учун аввало уни маърифатлаштириш зарур, деган қарорга келдилар»¹ - деган фикр билдирилади. Мана шундай негизлар асосида XIX аср охири XX аср бошларида оммавий тарзда жади́д мактаблари ташкил этила бошланади.

Туркистондаги XIX аср охирларида ташкил топган дастлабки жади́д мактаби ҳақида сўнги тадқиқотларда, жумладан, А.Худойкулов ишида Самарканддаги 1893 йилда очилган савдогар Хусаинов мактабини^{1 2 3} кўрсатса, Г.Солижонова биринчи жади́д мактаби сифатида 1898 йилда Андижонда очилган Салоҳиддин домла мактабини келтиради. Аммо бугунги кундаги маълумотлар шуни таъкидламоқдаки, Туркистондаги биринчи жади́д мактаби Исҳоқхон Жунайдуллоххужа ўғли Ибрат томонидан 1886 йилда очилган⁴. Исҳоқхон Ибрат томонидан очилган мактаб ҳақидаги дастлабки маълумотлар унинг «қалам» номли шеърда келтирилган. Бу ҳақда БАРС-51 отряди раҳбари Я.Гаффаров кундаликларида ёзиб қолдирган⁵. Бу шеър тошбосма рисоланинг сақланиб қолган икки варагидан иборат бўлиб, у БАРС-51 гуруҳи томонидан тўпланган материаллар орасида сақланади.

¹ Каримов Н. XX аср бошларидаги тарихий вазият ва жади́дчилик ҳаракатининг вужудга келиши. //Ўзбекистоннинг янги тарихи. Концептхал-методологик мҳаммолар мавзуидаги илмий анжуман материаллари. -Т., 1995. -Б.38.

² Худойкулов А.М. Просветительская деятельность джади́дов Туркестана (конец XIX-нач. XX вв.). Автореф. дис...канд. ист. наук. -Т., 1995. С.28.

³ Солижонова Г.Ф. Учебно-просветительские очаги в Туркестане, их общественное значение. /конец XIX-XX вв.: Автореф...дис. канд. ист. наук. Т., 1998. -С.38.

⁴ Ибрат И. БАРС-51 гуруҳи томонидан тўпланган материаллар. Тўрақўрғон. Усмирлар саройи.

⁵ БАРС-51 гуруҳи кундаликларидан. Тўрақўрғон. Усмирлар саройи.

Я.Гаффаров томонидан ёзилган БАРС-51 гуруҳининг кундалик дафтари саҳифаларидаги маълумотга кўра, янги мактаб тизимининг юзага келиши Туркистонда илгор ғоя бўлиб, Ибрат ижодида муҳим ўрин тутади¹.

Ибрат замондошлари, хариндош-уруғлари, авлодлари билан суҳбат асосида йигилган манбаларда ҳамда ўғли Р. Исходов^{1 2} берган маълумотга кўра, у жаҳид мактабини Сиддих Тунхатор мадрасасини тугатиб қайтгач, хорижга кетгунига қадар очган³. Бундан маълум бўладики, Ибратнинг 1886 йилда Сиддих Тунхатор мадрасасини тугатганлигини ҳамда 1887 йилда хорижга сафарга борганлигини эътиборга олсак, шу вахт оралигида жаҳид мактаби очилган.

У. Долимов « Исхохон Ибрат қухонда уҳиб юрган вахтларидаёҳ улкада очилаётган рус мактабларидаги ухув методларининг эски мактабларда ҳукм сўрган хижо ҳамда хурух ёдлаш усулидан устунлигини сезган эди»^{4 5} - дейиш билан Ибратнинг бу мактаби улкада очилаётган рус мактаблари таъсири остида очилган, деган фикрни илгари суради. Аслида ҳам шундайми? В.В.Бартольд фикрича, уша даврда рус-тўзем мактабларида қўйтиш ишлари жуда паст савияда бўлган . Ўз вахтида Ибрат ҳам шу фикрда бўлган. Бу ҳақда «Туркистон вилоятининг газити» редактори Мулла Олим 1909 йил 21 майда «Мулла Олимнинг Фарғонага ташрифи» номли маҳоласида: «Бул русский тўземнуй ушкул ривожу хандай, болаларингиз бул мактабдин наф оладурми?»⁶ - деб сўраган саволига

¹ Уша жойда.

² Ротифхон Исхохов. Ибратнинг ўғли. 1995 йил 21 мартда вафот этган.

³ БАРС-51 гуруҳи томонидан тўпланган маълумотлардан. Турахургон. Усмирлар саройи.

⁴ Долимов У. Исхохон Ибрат... - Б. 11; Исхохон тура Ибрат. Танланган асарлар. Т.: Манавият. 2005. Б.7.

⁵ Бартольд В.В. Сочинения. Том 2. Часть 1. -М., 1963. -С.308.

⁶ Мулла Олим. Из поездки Муллы Алима в Фергану//Туркистон вилоятининг газети. 1999. №37. 21 май.

Исхокхон «Бул вақтдаги Кволуф домлани вақтида ул мактабхонада ўқийдургон болалар йўқ хисобида, зероки домла таълим тўғрисида кўп бепарво, аксар тахсил вақтида мактабхонада турмай, баъзи вақт дехкончилик харакатида хам бўладир. Шул сабабдин мактаб болаларни аксари укимайдургон бўлиб таркаб кетгон. Алхол ул домла вазифани бекор олиб ётадир»¹ - деб, махаллий миллат болалари учун очилган рус-тўзем мактабларидаги ўқитишга бўлган муносабатни кўрсатиб беради. Бу эса Ибратнинг жаид мактаби рус- тўзем мактаблари таъсирида очилмаганлигини кўрсатади.

Шунга ўхшаш ғоялар маърифатпарвар жаид Махмудхужа Бехбудий мақолаларида хам учрайди^{1 2}.

Ибрат «Тарихи Фарғона» асарида улкадаги мавжуд укув тизими, мактабларнинг ахволи, ахолининг илмга муносабати, илмсизликнинг тараққиётга кўрсатаётган салбий таъсирини кўрсатиб ўтган холда, жаид мактабларининг заруриятини: «Аммоки, илмия тўғрисида бизни халқда чандон ахамияти йўқ, таназзулда турур... Маданият учун хар кайси вақтдаги замона илмини, кайси бири ривожда бўлса, ани билмак зарурдир»³ - деб ёзади.

Архив маълумотларини кўрсатишича, бу вақтда Ибратнинг жаид мактаби каби мактаблар ва уларнинг муаллимлари полиция маъмурларининг доимий назорати остида бўлган. Миршаблар улар уйларини тез-тез тинтув қилиб туришган, баъзан ўқитувчиларнинг ўзларини хам махкамага олиб кетишган⁴. Чунки, мустамлакачилар эхтиёткорлик юзасидан махаллий зиёлилар томонидан амалга

¹ Уша жойда.

² Бехбудий М. Бизга ислохот керак//Нажот. 1917. 17 апр.

³ Ибрат И. Тарихи Фарғона. ЎЗР ФА ШИ. Х инв. № 11616. -Б.22.

⁴ Наманган вилояти Давлат Архиви. Ф. № 796. Рўйхат-1. 26-иш. -Б.4.

оширилган уар кандай ишлардан шубҳаланган, чор мустамлакачилиги манфаатларига мос келиш-келишмаслигини ҳисоб-китоб қилган. Мамлакатда очилаётган жаид мактабларига ҳам шубуа остида қараган. Жумладан, 1883-1903 йилларда Россиянинг қашкардаги консули лавозимида хизмат қилган Перовский Туркистонда бирин-кетин очилаётган мусулмон мактабларидан шубҳаланиб, 1887 йил 23 июнда Н.П. Остроумовга ёзган мактубида жаид мактаблари оқибатини уйламасдан очилаётган бўлса, очмасликни маъкул кўрган.¹ Ибратнинг жаид мактаби ҳам чор амалдорлари томонидан тазйикка учради ва ёптириб ташланди^{1 2}. Бу мактаб Туркистон жаидларининг И.Гаспрани ғояларини амалга оширишдаги дастлабки ўринишлари бўлган. Кейинроқ эса 1900 йилда Андижон шаурида жаид мактаби очган татар маърифатпарвари Шоазим қодиров 1909 йилда Қўқонда 12 та, Тўрақўрғонда 1 та, Наманганда 2 та, Андижонда 5 та жаид мактаби очилганлиги ҳақидаги маълумотларни келтиради³. Ибратнинг янги усул мактаби унинг маърифатпарварлик фаолиятида алоҳида босқич бўлиб, Фарғона водийси жаидларининг маърифатпарварлик ҳаракатини ривожлантиришда алоҳида аҳамият касб этади.

Манбаларда келтирилишича, Ибрат томонидан ёзилган мақолалар «Садойи Туркистон», «Садойи Фарғона», «Туркистон вилоятининг газити» сауифаларида чоп этилади⁴. Унинг қаламига мансуб мақолаларнинг аксарияти «Туркистон вилоятининг газити» рўзномасида чоп этилади. У. Долимов Ибратнинг 45 дан ортиқ

¹ Юсупов Ш. Ғурбатда Ғуркат//Ғулистон. -1978. -№8. -Б.20.

² Долимов У. Исоқхон Ибрат. ... -Б.12.

³ ЎзР МДА. Ф-И-1. Рўйхат. 31. 540-иш. В.179.

⁴ у.Бобобеков. Ибратнинг «Тарихи Фарғона» асарига ёзилган сўзбоши. -Т.: Камалак. 1991. -Б.268.

мақоласидан 35 таси «Туркистон вилоятининг газити» сакифаларида босилганлигини таъкидлайди»¹. Бироқ бугунга қадар Ибратнинг мамлакатимиз кутубхоналарида «Туркистон вилоятининг газити», «Садойи Фарғона» рўзномалари ва «Ал-Ислоқ» журналида 21 та мақоласи сақланиб қолиб, бундан 9 таси Ибратнинг «Танланган асарлари^{1 2 3}» дан ўрин олган.

А.Жалолов ва Х., Ўзганбоев «Ўзбек маърифатпарварлик адабиётининг тараққиётида вақтли матбуотнинг ўрни» деб номланган рисоласида рўзноманинг 1890 йилларда «Туркистон вилоятининг газити» сакифаларида Ибратнинг шеърлари нашр этилганлиги какидаги маълумотни келтиради. Рўзномада Ибратнинг ўзбек ва тожик тилидаги шеърлари босилган бўлиб, улар давр воқеликларини ёритиб берувчи манбалардир⁴.

Бинобарин, Ибрат мақоланавис кам бўлиб, унинг бу борадаги фаолияти икки йўналишда боради. Тарихий воқеликларни акс эттирувчи камда жадидчилик харакати билан боғлиқ мақолалар. Ибратнинг тарих ёзишга иштиёки аср бошларидан бошланган бўлиб, дастлабки тадқиқоти «Жанд шакри хусусинда»⁵ деб номланади. Ибратнинг тарихий билимларни акс эттирган мақолалари⁶ камда

¹ Долимов У. Искокхон Ибрат. ... -Б.46.

² Искокхон тура Ибрат. Танланган асарлар. Т.: Манавият. 2005. Б. 144-156.

³ Жалолов А., Ўзганбоев Х. «Ўзбек маърифатпарварлик адабиётининг тараққиётида вақтли матбуотнинг ўрни». - Т.: Фан, 1993. Б. 25.

⁴ Ибрат И. Тарихи каммом//Туркистон вилоятининг газети. 1905. 13 июнь.; Ибрат И. Тарихи манзумаи вагон Ибратдан ёдгор//Туркистон вилоятининг газети. 1911. 13 окт.; Ибрат И. Газетдур жакон аклина лисон//Шу рўзнома. 1913. 20 июнь.; Ибрат И. Табрик Намангондин//Садойи Фарғона. 1914. №6. 20 апр.; Макдум кози Искокхон Ибратдан Ислоқга ташаккур//Ал-ислоқ журнали. -1915. -№4. 1 март. ЎзР ФА ШИ. Т. инв. № -11620. -Б.201.

⁵ Ибрат И. Жанд шакри хусусинда//Туркистон вилоятининг газети. 1900, 43 сон, 10 июнь.

⁶ Ибрат И. Воқеаи зилзилаи Андижон//Туркистон вилоятининг газети. 1903. 8 март; Письмо из Наманганского уезда//Туркистон вилоятининг газети. 1905. 10 июнь; Тарихи чопхона. Илми Ибрат. Матбааи Искокия. Тўрақўрғон, 1909. ЎзР ФА ШИ. Т. Инв. № -9987. Б. 14; Наманган - Куқон темир йўлининг очилиш маросими какида//Туркистон вилоятининг газети. 1912 йил, 15 июль; Наманганская железная дорога//Туркистон вилоятининг газети. 1911 йил, 11 окт.; Новая мадраса в Намангане// Туркистон вилоятининг газети. 1913, 28 апр.; Қарз//Туркистон вилоятининг газети. 1913. 5 дек.; История древнего города Ахси в Ферганской области//Туркистон вилоятининг газети. 1913, 23 июнь.

«Жоме ул-хутут»,¹ «Тарихи Фарғона» асарлари бўлиб, мҳаллифнинг айрим мақолалари сақланиб қолмай, манбаларда у ҳақдаги маълумотлар бор. Жумладан, «Туркистон вилоятининг газити» рўзномасининг 1901 йил 10 январь сонида Ибратнинг хаж сафарига кўрган Мадина шаҳри ҳақидаги мулоҳазалари чоп этилади.^{1 2 3} Бундан кўринадики, Ибратни Мадина шаҳри ва унинг тарихи, алломалари ҳақидаги фактлар қизиқтирган.

1902 йил декабрда Андижонда бўлиб ўтган зилзила муносабати билан ёзилган Ибратнинг «Воқеаи зилзилаи Андижон» деб номланувчи тарихий шеъри бирор мҳаллиф томонидан муомалага киритилган эмас. Исхокхон шеърида Андижон зилзиласининг сабабини мамлакатда ҳалолликнинг, бараканинг йўқолганлиги, золим, каззоб, динсизларнинг кўпайганлиги, фитна ва иғво, адолатсизликнинг авж олганлиги, деб кўрсатади. Бинобарин, у тарих сифатида зилзиланинг туннинг иккинчи ярмида бўлганлиги, иншоотлар мадраса-масжидларнинг зарарланганлиги, воқеанинг вақти, йили, одамлар рухий ҳолати ҳақида ёзиб қолдиради. Ибрат шеърида бу ишларни тиклаш учун кўп маблағ кетишини, Оллох Андижон халқига нажот беришини сурайди⁴. Ибрат шеърни ёзишдан мақсади воқеанинг тарих бўлиб қолиши эканлигини айтиб, бинобарин шеърнинг қайтарилиб келувчи икки бандида зилзиланинг хижрий санасини абжад ҳисоби орқали беради¹. Бу ҳақда рўзномада: «Аввалан, алломаларга маълум ва макшур ўлгойким, зилзилаи губоро ўлиб Ибратайдин. Бино бошиким харфи Б дир, Исхок Т қилинса

¹ Уша мҳаллиф. Жоме ул хутут. Наманган, Матбааи Исҳоқия. 1912. ЎзР ФА ШИ, Т. Инв. № -621.

² Мухаррир//Туркистон вилоятининг газети. 1901, 10 янв.

³ Ибрат И. Воқеаи зилзилаи Андижон//Туркистон вилоятининг газети. 1903. 8 март.

⁴ Уша жойда.

1320-йил хосил бўлса керак»^{1 2} дейилади. Бу сана милодий йил хисобида 1902-йилга тўғри келади.

Ибратнинг сохибқирон Амир Темур иморатларини таъмирлашга бағишланган 1908 йил 2 мартда чоп этилган «Редакцияга хат»³ номли мақоласи тарихий жихатдан алохида ахамиятга эга. Унинг шохидлик беришича, «Туркистон Археология хаваскорлари» жамияти томонидан рўзноманинг 1907 йил 91-сидан бошлаб бир неча сонларда биноларни таъмирлаш ишлари кай тарзда амалга оширилиши мумкинлиги хақида мулохазалар суралади. Ибратнинг кўзатувиغا кўра, унга ҳеч қандай жавоб булмади ва бундан таъсирланган Ибрат тахририятга жавоб ёзади⁴. Унинг фикрича, Амир Темур давридан қолган биноларни таъмирлаш учун биринчидан сохибқирон Амир Темур Кўрагоннинг вақф қилган ун икки аригининг кимда эканлигини топиш, иккинчидан химматли миллатпарварлардан таъмирга маблағ ажратишга ҳукуматдан ижозат олиш, учинчидан вақфларни тўплам, ҳукуматдан таъмирлаш учун ҳукм чикартириб олиш, туртинчидан жойларда таъмир учун хайрия сандиклари ёки ҳукуматдан мухрланган шикаст рўйхат тутиб бир йил давомида хидоя жамлаш, бешинчи хидоя дафтари тутмок лозим. Ибратнинг фикрича, таъмир учун маблағ тўплашнинг энг осон йўли хидоя дафтари тутишдир. Чунки у моддий-маданий ёдгорликларни сақлаб қолиш ва таъмирлаш ишларида халқнинг химматига ишонч билдиради¹. Ибратнинг фикрларига рўзномадан, «султон авлодлари билан маслахатлашиб кейин ҳукуматдан хидоя йигиш хақида тартиблик

¹ Уша жойда.

² Ибрат И. Воқеаи зилзилаи Андижон//Туркистон вилоятининг газети. 1903. 8 март.

³ Ибрат И. Редакцияга хат//Туркистон вилоятининг газети. 1908. №4. 13 янв.

⁴ Уша жойда.

дафтар тўзиш учун рухсат олинса яхши бўлар эди» , каби фикр билдирилади. Бу фикрлардан миллат меросий обидаларини сақлаб қолиш ва таъмирлаш ишлари аср боши жадиждларини ҳам ташвишлантирганлигини, зиёлиларнинг миллий-тарихий обидаларига муносабатини куришимиз мумкин.

1910 йилларда чор уукумати водийда Наманган-Қўқон темир йўлини ўтказиш ишларини бошлаб юборади. Ибратнинг шу мавзуга оид «Туркистон вилоятининг газити» рўзномаси сауифасида туркум мақолалари эълон қилинади. Рўзноманинг 1911 йил 69 ва 77 сонларида «Намангон темир йўли», «Намангон-Қўқон темир йўлининг очилиш маросими ҳақида», «Тарихи вағони Намангон назми Исоқхон турадин» номли мақолалари эълон қилинади. У «Намангон темир йўли» номли мақоласида 1911 йил Попнинг Янгибозор мавзеига карашли Ўрганжи кишлогидида рельс кўраётган рус мужиклари билан суҳбатини ёзиб, унда «1911 йил августда Намангон темир йўли Қўқон вокзалидан 28 чакиримга етганлигини эътироф этади³. Рўзноманинг 77 сонидида мҳаллиф темир йўлнинг Султонбаёз деган жойга келганлиги ва бу жой дарёга яқинлиги ҳақида «3-4 таурир бўлиб сентябрга дарё берқилиб булинса керак деб уйлашурлар»⁴, «бу иш Намангон халқига бениуоя фойдалиқ иш бўлиб, савдогар ва саёхат киладургон кишига зарурдир, ... ноябр ойларига Намангонга етиб борса керак»⁵ - деб хабар беради. ^{1 2 3 4 5}

¹ Ибрат И. Редакцияга хат //Туркистон вилоятининг газети. 1908. №4. 13 янв.

² Уша жойда.

³ Наманганская железная дорога//Туркистон вилоятининг газети. 1911. 11 сент.

⁴ Уша жойда. 13 окт.

⁵ Уша жойда.

Ибрат Қўқон-Наманган темир йўл қурилиши тарихига бағишлаб «Тарихи вағони Намангон назми Исхокхон турадин»¹ номли шеърида Наманганда темир йўл қурилиши вақтини 1328 хижрий, милодий 1910 йил эканлигини тарих қилиш билан бирга, уни нон, дон, ризк- рўз деб баҳолайди. Халқнинг Қўқонга сарт арава билан сафар машаққатларини тортиб боришини, поезд келиши бўларнинг барчасига бархам беришини, бу ишлар хандаса илми орқали бўлганлигини, халқига илм, фан, техникани ўрганишнинг фойдасини кўрсатиб беради².

1912 йил 7 июлда бўлиб ўтган Қўқон-Наманган темир йўлининг очилиш маросимига бағишлаб ёзган «Намангон-Қўқон темир йўлининг очилиш маросими хақида» номли мақоласида Ибрат маросимни «Шукрона байрами» деб, байрамга тайёргарлик, халқнинг янги технологияга муносабатини баён этади³.

Мусулмон муассасалари хақидаги архив хужжатларига қараганда 1898 йилда Туркистон улкасида 348 мадрасада 452 мударрис, 7903 талаба бўлган⁴. Туркистон ва Марказий Осиёда, барча мусулмон мамлакатларида илм-фан, маданият учокларидан бўлган мадрасалар тарихини ўрганишда шарқшунослик далиллари, хусусан Ибрат асарларидан фойдаланиш ишнинг илмий кимматини оширишга хизмат қилади. Унинг «Тарихи Фарғона»⁵ асарида мавзуга оид фактлар келтирилган бўлиб, ундан Г.Солижонова ўз ишида¹ қисман фойдаланади. Асарда XIX асрда хукмронлик қилган Қўқон хони^{1 2 3 4 5}

¹ Тарихи вағони Наманган назми Исхокхон турадин//Туркистон вилоятининг газети. 1911. 13 окт.

² Наманганская железная дорога//Туркистон вилоятининг газети. 1911. 13 сент.

³ Уша жойда.

⁴ ЎзР МДА. Ф. И-1. Рўйхат 18, иш 29. В. 565-566.

⁵ Ибрат И. Тарихи Фарғона ЎзР ФА ШИ. X Инв. № -11616.

амири Умархон даврида қурилган «Мадрасаи Жомеъ» тарихига оид маълумотлар берилди.

Ибратнинг 1913 йилда «Туркистон вилоятининг газити»да чоп этилган «Наманганда янги Мадраса» номли мақоласи Мулла қирғиз мадрасаси қурилишига оид бўлиб, бугунги кунга қадар тадқиқ этилмаган. Унда келтирилган фактларга кўра, Мулла қирғиз мадрасаси Наманган шаўрининг марказий қисми Чорсуда, 1913 йилда қирғизбой Машраббой ўғлининг хусусий маблағига қурилган. Мадрасани қуриш учун рус чиновниги Н.П. Остроумов икки турси билан ташриф буюриб, мақолада Ибрат Мулла қирғиз мадрасасининг тўзилиши, жойлашиши, сарфланган маблағ, вақф мулклари ҳақидаги маълумотларни ёзиб қолдиради². Чунончи, у мадрасанинг жойлашган ери, ички ва ташқи кўриниши, хужралари ҳақида далиллар беради. Ибрат мақолада Мулла қирғиз мадрасасининг вақф мулки ҳақида: «Ва яна уозирда ул мадрасага уч минг сум даромад бўладургон дуконлар бино қилинибдур ва мундин бошқа вақф қилмоқ /нияти бор/ экан» - деб ёзади. Мақолада келтирилган Мулла қирғиз мадрасаси тарихига оид маълумотлар XX аср бошлари Намангандаги ижтимоий ҳдёт, илм-фан, маориф ва маданият, аср бошларида миллий зиёли мулкдорларнинг бу каби мҳаммоларга муносабатини очиб беради. Унда Ибрат Мулла қирғиз Машраббой ўғлининг илм-фан, маданият, тараққиёт учун қилган фидойилигини кўрсатиб беради.

Ибратнинг «Наманганда янги мадраса» номли мақоласидан қуйидагича хулосага келиш мумкин: ^{1 2 3}

¹ Салижанова Г. Учебно-просветительские очаги в Туркестане, их общественное значение. /конец XIX-XX вв.: Автореф...дис. канд. ист. наук. Т., 1998. -С.38.

² Ибрат И. Новая мадраса города Наманган//Туркистон вилоятининг газети. 1913. 28 апр.

³ Уша жойда.

1 дан, Туркистоннинг рус хукумати томонидан истило қилингандан сўнг ҳам Фарғона водийсида кам сонли бўлса-да мадрасалар қуриш ва уни вақф мулки билан таъминлаш ишлари давом этган;

2 дан, Мулла қиғиз мадрасаси биноси XX аср бошларида, яъни 1913 йилда қурилган;

3 дан, Фарғона тараққийпарвар уламолари мулкдор табақаси вакиллари мактаблар очиш, дарсликлар ёзиш билан чекланмай, ўз хисобидан мадрасалар қуриш, маблағ билан таъминлаш ишларини йўлга қўйган;

4 дан, Мулла қиғиз Машраббой ўғли Фарғона тараққийпарвар мулкдорларидан бири.

Ибратнинг ёзувлар тарихига оид 1912 йилда ёзилган «Жоме ул хутут»¹ асари ҳақида унинг «Тарихи маданият» рисоласида қуйидагича ёзилган: «Бу хил хатти қадимийларни тарихи эди. Икки минг дона босма бўлиб, босмаҳонада қолди. Х,озир ўзимизда ҳам кам. Кўп ерлардан сурайдурлар, йўқ деб жавоб берамиз»². У. Долимов фикрига кўра ёзувлар тарихи «энг қизиқарли, долзарб, айни замонда ўрганилмаган соҳа» . В.А.Истрин келтирган маълумотига кўра, (1961 йилга қадар) бу борада бирдан бир асар 1903 йилда нашр қилинган Я.Б.Шницернинг «Иллюстрациялаштирилган ёзувларнинг умумий

4

тарихи» асаридир .

О.Усмон 1962 йилда ёзилган «Рус тилининг илк тарғиботчилари» асарида «Жоме ул хутут»ни рус тили ва маданияти тарғиби учун ^{1 2 3 4}

¹ Ибрат И. Жоме ул хутут. ЎзР ФА ШИ. Х инв. № -621.

² Ибрат И. Тарихи маданият. ЎзР ФА ШИ. қ. Инв. № -10117. -Б. 139.

³ Долимов У. Исхокхон Ибрат. ... -Б.26.

⁴ Истрин В.А. Возникновение и развитие письма. -М.: Наука. 1965. С.6.

ёзилган асар сифатида кўрсатади¹. Асарнинг дастлабки илмий тахлили У. Долимовнинг «Ибрат - тилшунос олим» мақоласида ҳамда «Исхокхон Ибрат» рисоласида берилган бўлиб, тилшуносликка оид асар эканлиги эътироф этилади².

Тадқиқотлар натижасига кўра, Ибрат илмий асар ёзишда тўғридан-тўғри инсоният тарихини ёритмай, тарих фанининг ёрдамчи сохаларидан бири палеография (грекча палео-кадимий, грапто-ёзаман), яъни кадимий ёзувлар тарихини ўрганувчи сохага оид бу асарини ёзади ҳамда кадимий тарихий анъаналарга содик холда, ёзувларнинг дастлабки пайдо бўлиш вақтини «Одам Ато» давридан бошланган эканлигини кўрсатиб беради³.

Ибрат асар сўзбошисида бу хатларнинг кадимийлиги учун ўз хатимиз ва ўз тилимизда миллатимизга ягона бир тарих қолдиришни ният қилганлигини ёзиб,⁴ у бу асарда европа ёзувларини ўрганишни даъват қилиш^{1 2 3 4 5} билан бирга, пиктографик ёзувлардан кейин вужудга келган кадимий товуш-харф ёзувлари: финикия, яхудий, сурия, араб, юнон, форс, славян, санскрит, хинд, лотин, арман, грўзин, уйгур ва бошқа киркдан ортиқ ёзувлар, уларнинг келиб чиқиши ва тараққиёти хақида маълумот беради. Бу тарихни ўрганиш жараёнида Ибрат харф-ёзув тизими биринчи марта финикия халқлари томонидан яратилган, яхудий, сурия, араб ёзувлари шу ёзув асосида вужудга келган, деган илмий хулосага келади. Араб ёзувлари келиб чиқиш тарихини Ибрат асарда: «Хатти давронийдан суриёний чиқариб,

¹ Усмон О. Рус тилининг илк тарғиботчилари. Т.: Фан. 1994. -Б.26.

² Долимов У. Ибрат - тилшунос олим//Ўзбек тили ва адабиёти. -1970. -№6. -Б. 76-77; Уша мҳал. Исхокхон Ибрат. -Т.: Фан. 1994. -Б.26.

³ Ибрат И. Жоме ул хутут. -Б. 8-9.

⁴ Ибрат И. Жоме ул хутут. Наманган, 1912. ЎЗР ФА ШИ. Х Инв. № -621. Б. 7.

⁵ Уша жойда. Б. 74.

куфийдан сулсни, сулсдан таъликни, сулс ила таъликдан настаъликни, настаълик китоб хатимиздурки, 900чи хижрийда Эронда шаҳри Табриз деган билодда* Хужа Мир Али Табризий чикарганлар, насх ила таъливдан мураккаблиги учун настаълик исм қўйганлар¹, деб ёзиб қолдиради. Ибрат бу асар орқали ёш авлодни хорижий халқлар илм-фани, техникасини ўрганиш дин ва шариатга хилоф эмаслигини қуръон ва хадислар орқали исботлаб беради.

Ибратнинг халқлар ёзувлари тарихига бағишлаб ёзган бу асари тарихнинг палеография соҳасида яратилган манба бўлиб, бу ҳақда замондошларидан Х., Макаев эски замонлардаги Шарқ халқларининг хат ва ёзувлари алоҳида диққатга лойиклиги, санъат наъмунаси бўлган Ибратнинг бу китобини Туркистонда нашр қилинуви зур шараф эканлигини³ таъкидлайди.

Ибратнинг бу рисоласи Туркистонда мусулмон халқлари ёзувлари, умуман, жаҳон халқлари ёзувлари тарихини ёритиб берувчи палеографик мукамал илмий тадқиқотдир.

Ибрат тарихнавис бўлиш билан бирга янгиликпарвар, маърифатпарвар жаҳид зиёлиси бўлиб, унинг бу фаолияти жаҳидлар

4 -

ғоя ва қарашларини ақс эттирган мақолаларида кўринади.

Жаҳидлар ижтимоий турмушда руй берган исрофгарчиликларга эътибор қаратиб, тўй ва маросимларни дабдаба билан ўтказишга жиддий қарши чиққанлар, миллий тўйлар ва ундаги ортиқча^{1 2 3 4}

Билод - шаҳар.

¹ Уша жойда.

² Уша жойда. Б. 106-107.

³ Уша жойда. Б. 131.

⁴ Ибрат И. 76 чи № Туркистон газетидаги Мулла Хусанхужа мактабдорга жавоб// Туркистон вилоятининг газети. 1907. 11 нояб.; Ибрат И. Письмо Исхакхана из Тарақўргана//Туркистон вилоятининг газети. 1913. 3 июнь; Ибрат И. Из Намангана// Туркистон вилоятининг газети. 1913. 20 июнь; Ибрат И. Письмо из Турақўргана// Туркистон вилоятининг газети. 1914. 2 март ва ҳақозо.

харажатларга доир танкидий фикр берганлар. Ибратнинг 1913 йилда ёзилган «Тўрақўрғондан хат»¹ номли мақоласида мҳаллиф тўйлардаги исрофгарчилик, ёшлар тарбиясига бу ишларнинг таъсири, халқнинг худойи, тўй, улок, уликларга қилган беҳуда сарфларини танкид қилади. Бўларнинг туртдан бири дини ислом ва тириклик, маданиятга асбоб бўлишини, мактаб, Мадраса, етимхона ва касалхоналарга, катта мактабхоналар солишга, ижтимоий хайрияларга етарли бўлишини, бундан миллат ва халқ маданиятда ва тараққиётда бўлишини таъкидлайди^{1 2}. «Тўрақўрғондан хат»³ номли 1914 йилда чоп этилган мақоласида ҳам Ибрат аҳоли орасида оммавийлашиб кетган қарздорлик балоси ва унинг сабаби сифатида беҳуда исрофгарчиликни кўрсатади.^{4 5} Мақолада Ибрат халқимизнинг топган пулини беҳуда сарф қилаётганлиги, айникса ёшларнинг илм олиш ўрнига кўпқари чопиш, ёнгок, ошиқ, гапхоналарда юришларини коралайди. Миллат ёшларидан ўқишга имконияти бор бойлар угилларининг илмга ўринмай эркалик билан ўсиб, уйин-кулгу, пивохоноларга пул сарфлаб, борларини адо қилиб, ... охири мулк ва жойларини сотишга ўринишларини танкид қилади .

Ибрат халқни иллатлардан сакловчи куч сифатида илмни кўрсатиб: «Бу ахволи бадларни, бу мараз дардни доруси илмдур. ... Илмсиз киши асоссиз девор дегон, асоссиз девор ғоятда беътибор булур. Илм укунг, ўрганинг, укутинг, ахлоқи фунун, замонага

¹ Ибрат И. Письмо Исхакхана из Турақўргана//Туркистон вилоятининг газети. 1913. № 43. 3 июнь.

² Уша жойда.

³ Ибрат И. Письмо из Турақўргана//Туркистон вилоятининг газети. 1914. 2 март.

⁴ Уша жойда.

⁵ Уша жойда.

даркорлик илмлар зарур»¹. Бу билан Ибрат ёшларни дунёвий билимлардан хабардор бўлишга ундайди. Мақоласи сўнгида у халқимиз илм-фанга қизиқмай, шу хилда давом этса инкирозга учраши ва карам бўлиб қолишлигини изтироб билан ёзади.

Жадидлар ижтимоий ҳаётда рўзноманинг аҳамиятига юқорига баҳо берган. Бу мавзуга бағишланган Ибратнинг 1913 йилда «Туркистон вилоятининг газети»да чоп этилган «Намангандан»^{1 2 3} номли мақоласи бугунга қадар тадқиқотчилар эътиборидан четда қолган. Мҳаллифнинг берган хабарига кўра, рўзномалар чоп этилган дастлабки вақтда халқ унга катта қизиқиш билан қарайди, бу борада жойларда мунозара ва суҳбатлар бўлиб утади. Ибрат 1913 йилда Тошкентга борар экан, поездда шундай мунозара устидан чиқади ва у ҳақидаги мулоуазаларини «Туркистон вилоятининг газити»да чоп эттиради. Мақолада суҳбатдошларидан бири рўзномалар аҳамиятига

3

тўхталиб, олам хабарини етказувчи, маданият ва маърифат белгиси эканлигини таъкидласа, иккинчи суҳбатдош рўзномани бидъат сифатида баҳолайди⁴. Бунини эшитган Исоқхон у билан мунозарага киришади ва ундан бидъатни қандай тушунишини сурайди⁵. Суҳбатдош: «Асри саодатдан кейинги нимарса бидъатдир»¹ - деб жавоб беради. Ибрат асри саодатдан кейин Туркистонда жорий бўлган илм-фан, техника ютуқлари, янгиликларини санаб, бидъатчи суҳбатдошини ўз-ўзини машаққатга солган, деган хулосага келиб,

¹ Уша жойда.

² Ибрат И. Из Намангана//Туркистон вилоятининг газети. 1913. 20 июнь.

³ Уша жойда.

⁴ Уша жойда.

⁵ Ибрат И. Из Намангана//Туркистон вилоятининг газети. 1913. 20 июнь.

юрасиз ва ултирасиз. Ичмак, емак ишларини қандок килурсиз? Чунончи, хазрат саодатларидаги таълим ила макон, арпа нон, алхолда, сиз хох нохох ширмой эмас, сиз на учунки бидъатдур ва хам мусулмонларни палов дегон ... оши бор, уни албатта емассиз, ламфа хам ёқмассиз, кўзгу тутмассиз, оташ аробага хам тушмассиз? Бўлар хаммаси сизни кулингизча бидъат бўлса керак»² - дейди. Ул жаноб «уйда ламфа хам бор, ош қиламиз, гугурд хам бор ёкамиз, аробага хам тушамиз» деса, ... унинг бу сўзларига жавобан Исхокхон мулохазаларини хадислар орқали исботлаб: «...худо каломида ер юзида нима бўлса, халқ нафланмок учун яратган. Каломуллохни кўринг... муллалардан суранг. Сиз каби ун адад муллалардан бўлса ўзларини зиндонда килмай, балки бўлак халқларни шул хил зиндонда уткармакликка сабаб бўладурлар»⁴ деб хулоса қилади. Ибрат бу мунозарани рўзномага ёзиб, бундан мақсадини миллат орасида қуръон ва хадис илмини чуқур билмаган холда жамиятни қолокликда қолдираётган кишиларни илм-фан, маърифатга тарғиб қилиш, хар бир ўрганаётган билимларини чуқур ва хар тарафлама эгаллашга чакириш деб баҳолайди.

У мақола охирида 30 қатордан иборат «Манзума Ибратдин»⁵ номли шеърини ёзиб, унда укимай, бировдан эшитганини гапириб юрувчилардан норози бўлиб, зиёлиларнинг рўзномаларда илм-ахлоқ, фанга оид мақолалар билан чиқишларини ва ундан билмаганлар ибрат олишини таъкидлайди⁶. Бу мулохазалар Фарғона жадидлари

¹ Уша жойда.

² Ибрат И. Из

³ Намангана//Туркистон

⁴ вилоятининг газети.

⁵ 1913. 20 июнь.

⁶ Уша жойда.

Уша жойда

рахнамози бўлган Исхокхон Ибратнинг П.ДДаюмов таъкидлаганидек «мунаввар ул-фикр» бўлганлигининг исботидир.

Ибратнинг хаёти ва фаолиятни ўрганиш асосида шундай хулосага келиш мумкинки, унинг ҳам диний, ҳам дунёвий жихатдан мукаммал билим олган забардаст олим сифатида шаклланишида оила мактаби, олий таълим мадрасасида олган таълим ва тарбияси муҳим роль уйнайди. Мадрасада у араб тили грамматикаси, нотиклик санъати, тарих ва қуръонни ўқиш илми, мунозара маданияти, тартиб - интизом, ислом таълимоти, қонуншунослик асослари, фалсафа, мантик, астрономия каби табиий фанларни, мусулмончилик одоб- ахлоқи, маданияти, араб ва форс тиллари, бу тилдаги адабиётларни таъдир ва тафсир қилиш каби амалларни ўрганади.

У Қўқон маърифатпарварлари таъсирида «Туркистон вилоятининг газити», «Туркестанские ведомости», «Таржумон» рўзномаларини ўқиш орқали ижтимоий воқеликларга кириб боради. Имоилбек Гаспиранининг миллат тараққиёти йўлидаги фикрларидан каттик таъсирланиб, рус ва татар тилларини ўрганади. Унинг муҳокама ва мушоҳадага жиддий берилиши воқеликларни олдиндан қўра билиш, баҳолай олиш имкониятини бериб, у миллатнинг илгор жаҳид зиёлиси сифатида шаклланади. Билимларини амалиётга тадбиқ этиб, Туркистонда биринчи жаҳид мактабига асос солади. Бироқ, унинг бу ҳаракати чор маъмурлари томонидан таъйикка учратилади.

Ибрат хаётий билим ва қуниқмасини жаҳон илми ютуқлари билан бойитиш, эътиқодини қимил қилиш¹ мақсадида ҳаж сафарига боради. Ҳаждан қайтгач у ўзи яшаб тўрган ҳудудда ижтимоий ҳаётда юз

¹ Ибрат И. Мезон ул замон. ЎзР ФА ШИ. Х Инв. № 11618. -Б.32.

бераётган уар бир вокеликка жиддий муносабат билдириб, бу вокеликлар унинг тарихчи олим сифатида шаклланишида мухим роль ўйнайди.

Ибратнинг публицистик асарларини мазмунига кўра иккига бўлиш мақсадга мувофиқ: тарихий ҳамда жаидлар ғоя ва карашларига асосланган. У ўз фаолияти давомида жаидчилик харакатининг фаол иштирокчиси сифатида намоён бўлади.

2 §. Исоқхон Ибрат ижтимоий арбоб ва унинг ҳаёти ҳамда фаолиятига сиёсий мухитнинг таъсири.

Исоқхон Ибратнинг ижтимоий арбоб сифатида шаклланишида унинг уаж сафари мухим аҳамиятга эга. Бу уақда «Луғати Ситта ал-сина» номли китобида қуйидагича факт келтирилган: «Умрим накдини хавас бозорида кечирмак такозосила улуб синним йигирма беш кечмиш экан, хавас такозойи муутарама душуб, саёхат этдум»¹.

Ибратнинг уаж сафарида бўлганлиги унинг бошқа асарларида келтирилади ҳамда замондошлари томонидан эътироф этилади . Бу сафар давомида у хорижнинг Кобул, Багдод, Истанбул, Жидда шауарларида бўлади. 1891 йилда онасининг вафотидан сўнг Грециянинг Афина шаурида, сўнгра Италия, Миср, Арабистон, Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари буйлаб саёхатини давом эттиради. Хиндистон, Бирма, Хитой мамлакатларида бўлиб, 1895 йилда Қашқар орқали Тўрақўрғонга қайтади. Исоқхон саёхат қилиб юрган мамлакатлари ^{1 2 3}

¹ Ибрат И. Луғати Ситта ал-сина. -Т.: Ильин. -1901. Б.2.

² Ибрат И. Жоме ул-хутут. ЎзР ФА. ШИ. К- № 621. -Б.5; Долимов У. Исоқхон Ибрат. -Б. 13-14.

³ Даврон И. Ҳақ сўз.//Туркистон вилоятининг газети. 1908. 20 июль; Каюмов П.Д. Тазкираи Каюмий. -Т., 1998. -

олим ва фозил кишилари билан уларнинг шарқлик ва европалик бўлишларидан катъий назар, яқин алоқада бўлиб, уларнинг билими ва фазилатларини суриштириб билишга ва бахраманд бўлишга интилади. Бу ҳақда 1912 йилда чоп этилган «Жоме ул-хутут» асарида: «Х,ар бир заввор ва ахли фазл кишини кўрсам кайфият ва таълимот маолларин андин сурдум»¹ - деб ёзиб қолдиради.

Манбада келтирилишича, Исхокхон хорижда яхудий, сурия, юнон ва инглиз ёзувларини ўрганиш устида иш олиб бориб, Хиндистонда амалда бўлган турт тил - «арбаи лисон»ни, араб, форс, инглиз, хинд хатларини ўрганганлигини эътироф этади².

Ибрат номли жамоа хужалиги маданият ишлари бўйича раис муовини Б.Низомов билан суҳбатда аниқланишича, Ибрат Х,индистондан «Сантур» номли 12 хил мусика асари ёзилган ашё олиб келган, бу хозирда унинг кизи Афифахон ая уйида сақланади^{1 2 3 4}. У сафарда 10 дан ортиқ тилни - араб, форс, пушту, турк, лотин, грек, хинд, хитой тилларини ҳамда рус, францўз, инглиз, арман тилларини ўрганadi. Бу эса унга хориж илм-фани, техникаси билан танишиш, Шарқ ва Гарб илм-фани уртасидаги тавофутни англашга олиб келади. 1895 йил хориж сафаридан кайтгач, ўз халқи турмуш тарзи, маданиятини кўтариш мақсадида билимини илмга ва маърифатпарварлик фаолиятини олиб боришга сарфлайди. Унинг бу харакати қозилик фаолиятида кўринади.

Ибрат хаж сафаридан кайтгач Хонободда, сўнгра Тўрақўрғонда қозилик лавозимида иш юритади. Ибратнинг қозилик фаолиятини

¹ Ибрат И. Жоме ул-хутут. ЎзР ФА ШИ. X № 621. -Б.5.

² Ибрат И. Жоме ул-хутут. ЎзР ФА ШИ. Т. Лит-621. -Б.4-5.

³ Б.Низомов билан ўтказилган суҳбат. 1994. Март ойида В.К. томонидан ўтказилган.

⁴ Долимов У. Исхокхон Ибрат. Б 13-14.

кўрсатиб берувчи учта манба бўлиб, бўларнинг биринчиси

Ўзбекистан Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик Институтининг қўлёзма фондида сақланаётган «Турли марсия, иборат ва фикриёт масалалари»¹ жамланган, Ибратнинг қозилик давридаги 121 бетдан иборат иш юритиш дафтари, 2-чиси 1910 йилда «Туркистон вилоятининг газити»да Ибрат томонидан эълон қилинган «Наманганда қозилар сайлови» хақида^{1 2} номли мақоласи, 3-чиси Ибратнинг 1907 йилда ёзган «Улурсан»³ радифли газалидир. Бу 3 манба ҳам Ибратнинг қозилик фаолиятини ёритиб бериш учун етарли далилдир. Жумладан, биринчи манба «Турли марсия, иборат ва фикриёт масалалари» жамланган папканинг 95-107 варогида Ибратнинг қозилик вақтида амалга оширган ишлари хақида маълумотлар бор. Папкадаги Ибрат фаолиятига оид варакалар унинг ўғли Р.Исхоков томонидан тўплам тартибга солинган ва Шарқшунослик институтининг 1964 йил 3 июлда ундан сотиб олади. Манбада Ибрат томонидан маиший турмушда учрайдиган салбий оқибатлар, жумладан, угирлик, оилавий мажоролар, куйди - чиқди, кишилар орасидаги келишмовчиликлар шариат қонуни асосида хал қилинади⁴. Жумладан, «Жаноби Ибратни никох важдан жавоби»⁵, «Даъвойи хакорат»⁶, «Даъвойи хакорати хотун»⁷, «Даъвойи раият»⁸, «Ваъсийи Насабнома»⁹, «Хатти тапоқ»¹⁰ каби муаммолар кўриб чиқилади

¹ Ибрат И. Турли марсия, иборат ва фикриёт масалалари. Ўзр. ФА ШИ қ. Инв. № -11620.

² Ибрат И. Наманганда қозилар сайлови//Туркистон вилояти газети. 1910. № 22. 21 март.

³ Ибрат И. Улурсан. //Долимов У. Исхокхон Ибрат. Т.: Шарқ. 1994. Б. 130.

⁴ Уша жойда. Б.95-107.

⁵ Ибрат И. Турли марсия... Х Инв. № 11620. В.95.

⁶ Уша жойда. В.98.

⁷ Ибрат И. Турли марсия... қ. Инв. № 11620. В.99.

⁸ Ибрат И. Турли марсия... Х Инв. № 11620. В.99.

⁹ Уша жойда. В.100.

¹⁰ Ибрат И. Турли марсия... қ. Инв. № 11620. В. 106.

Маълумки, маҳаллий халқ судининг халқ олдидаги обрусси ошиб бораётганлиги каби уолатлар рус императори Ниқолай II ни ташвишга солади¹. 1910 йилда улкада маҳаллий қозилик мансабига уукумат томонидан янгидан сайловлар ўтказиш учун «Низом»^{1 2} ишлаб чиқилади. Мустамлакачилар томонидан маъмурий қозилик мансабига маҳаллий халқнинг одил, адолатпеша, имони бут вакиллари сайлан-маслиги, мабодо сайланиб қолганда ҳам уларни тасдиқламаслик уоллари юз беради.

«Низом» миллатнинг зиёли катлами талабларига жавоб бера олмайди ва улар томонидан каттик танкид остига олинади. Ибратнинг 1910 йилда «Туркистон вилоятининг газити»да эълон қилинган «Наманганда қозилар сайлови»³ номли мақоласи шу мавзунини ёритиб беришга қаратилган. Исоқхон угрилик, порахурлик, зуравонлик билан шугулланувчи одамларнинг қози ёки мингбоши, элликбоши бўлиб олишларига кенг йўл очиб берган рус уукумати конун-қоидаларидан, тартибларидан, «низомларидан» каттик норози бўлади. «Положенияда, - деб ёзади Исоқхон манбада, - 223-бобда зикр қилгондурки, эътибори бор, етти кундин зиёд уибс булмогон, уттиз сумдин зиёда штраф туламагон, ёши йигирма бешдин паст эмас одам булур - дегон экан. Олим ё илми аумок, ё доно киши, ё шариат биладургон ва ёки низом биладургон демагани шулки, фақат инсон булсун. Мазкур айбларга дучор булмогон булсун... - дегон сўз катта ваз ж бўлиб, ал холда кўрасиз кимларни кулларига бул катта шариат хукмини топширурлар. Положенияни бобига мувофиқ элликбоши

¹ Ўзбекистон тарихи. 8-синф учун дарслик. Т.: Ўқитувчи. 1994. Б.100.

² ЎзР МДА. Ф-И 1. Рўйхат 2. 1282 иш. В.13.

³ Ибрат И. По поводу выборов должностныхъ тўземцевъ въ Наманган//Туркистон вилоятининг газети. 1910. №.22.

деган халқ хохлаганига кўра кимгаки шар кўп тушса они ёзар экан. На килсунлар бу хил қилсалар положенияга мувофик»¹.

Мақола сўнгида «Туркистон вилоятининг газити» мухарририяти томонидан илова қилинган изоҳда кўрсатилишича, Ибратнинг рус конунчилиги юзасидан билдирган танкидий фикри маъкул келмаган¹ 2.

Ибратнинг қозилик фаолиятини акс эттирувчи манба унинг томонидан арабчадан туркийга таржима қилинган конун, яъни «Фикхи-Кайдоний»³ бўлиб, Кайдонийнинг қуръон ва хадисларга асосланиб тўзилган шариат конунлари Ибрат томонидан туркийга таржима қилинади. Бундан Ибрат махаллий аҳолини шариат конунлари мохиятини ўз тилларида аниқ тушуниб етишларини назарда тўтган ҳолда, арабча матни билан 1908 йилда «Матбааи Исхокия» номли матбаасида чоп этиради. Бинобарин, шархий конун китобидан ўзининг қозилик фаолиятида фойдаланади.

Ибратнинг қози бўлганлиги ҳақидаги маълумотлар «Туркистон вилоятининг газити»да Ибратнинг нашриётга келган «Луғати ситта ал-сина» рисоласи билан танишар экан, ноъмалум замондоши томонидан ёзилган ахборотда «Наманган уездига тобеъ Тўрақўрғон қозиси Исхокхон тура», «ул жаноби қозининг ихтиро қилган луғат китоблари», «ул жаноби қозининг босма учун юборгон ва тасниф айлагон луғат китоблари» каби жумлаларда тилга олинади⁴. Исхокхон қози сифатида дастлаб 1901 йилда эътироф этилган. Исхокхон туранинг 1900 йил Н.П.Остроумовга ёзган хатини тадқиқ

¹ Уша ерда.

² Ибрат И. По поводу выборов должностных туземцев в Наманган//Туркистон вилоятининг газети. 1910. №22.

³ Ибрат И. Фикхи-Кайдоний. Таржима асар арабча матни билан Тўрақўрғон. 1908. ЎзР ФА ШИ. Т. 1/69-IV.

⁴ Тахрирчи. Ахборот//Туркистон вилоятининг газети. 1901. №30. 4 авг.

ганлигини кўрамиз. Мактубда Ибрат ўзини «Исхокхон тура» тарзида беради¹.

Ибратнинг қози бўлганлиги ҳақидаги маълумотлар Я.Гаффаров кундаликларини эътиборга олмаганда Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришгунига қадар тадқиқотчилар эътиборидан четда қолади. Бу эса уларнинг Ибрат ҳаёти ва фаолиятига давр талқини, коммунистик мафкўра нуқтаи-назаридан ёндошганликларини яна бир бор тасдиқлайди. Я.Гаффаров кундаликларида ўз даври нуқтаи назаридан келиб чиқиб қозиларни «порахур», «синфий душман», «оддий халқни эзувчилар» деб ҳисоблайди ва Ибратнинг бундай киши бўлганлигига ишонмайди .

Бинобарин, манбаларнинг гувоҳлик беришича, Ибрат охириги мартаба қози сифатида 1916 йилда ёзилган «Тарихи Фарғона» асарида тилга олиниб^{1 2 3}, бундан кейинги у ҳақидаги манбаларда Ибрат «Исхокхон тура Тўрақўрғоний»⁴ тарзида берилган. Ибратнинг «Тарихи Фарғона» асарининг ёзилган вақти 1916 йил эканлигини эътиборга олсак, юқоригада келтирилган факт ва далиллар Исхокхон Ибрат 20 йилгача эмас, 1901-йиллардан то 1917-йил октябрь тунтаришигача қози бўлган, деган хулосага олиб келади. Унинг барча илмий ва ижодий, амалий фаолиятининг асоси маърифатпарварликка қаратилган.

¹ ЎзР МДА. Ф-1009. 115 рўйхат. В.15-16.

² Гаффаров Я. Дневник краеведа. 1958. 15 март. Рукопись. С.10-11.

³ Ибрат И. Тарихи Фарғона. ЎзР ФА ШИ. X Инв. № 11616. -Б.1.

⁴ Уша автор «Тарихи маданият». к. Инв. № 10117. Б.106.

Ибрат қозилик фаолияти билан бир қаторда илмий фаолият ҳам юритиб, бу борада унинг 1901 йилда нашр қилинган «Луғати Ситта ал-сина»¹ асари эътиборга лойиқ.

Рисолани замондошлари ҳам эътироф этиб, «Туркистон вилоятининг газити» редакциясида ишловчи ноъмалум тахрирчи бу ҳақда ёзиб, Тўрақўрғон қозиси жаноби Исхокхон туранинг «Ситта ал сина» номли олти луғатлик арабий, форсий, туркий, сартий, хиндий ва русий китобини тахрир қилаётганлиги ва нашрга тайёрлаётганлигини¹ ² хабар қилган ва юқорига баҳолаган.

Ибрат асарни 1890 йилларнинг иккинчи ярмида ёзиб тугаллайди, аммо рус ҳукумати цензурасининг таъкиблари таъсирида бир мунча вақт чоп эттира олмайди. Бу ҳақда Н.П.Остроумов шахсий архивида сақланиб қолган мактубида ёзишича, у 1898 йилда нашр қилишга рухсат олиш учун икки нусхани шу вақтда бош цензор бўлган Н.П.Остроумовга жунатиб юборади. Орадан 2 йил ўтгач, 1900 йил 26 чи февралда иккинчи маротаба муурожаат қилади.^{3 4}

Сўнгра минг бир чигирикдан утгачгина нашр эттиришга рухсат берилади. Китобнинг нашр эттирилган йили 1973 йил чоп этилган Ўзбек Совет энциклопедиясида ҳамда Х., Бобобековнинг Ибратнинг «Тарихи Фарғона» асарига ёзган сўзбошисида¹ 1907 йил деб, янглиш кўрсатилади.

Асарнинг яна бир кимматли жихати Ибрат русча сўзларни арабча ёзув тизимида ифодалайди. Бу билан у рус тилини ўрганишга қизиққан, аммо русча алифбо билмайдиган миллатдошларига амалий

¹ Ибрат И. Луғати Ситта ал-сина. Ильин. Т. 1901.

² Тахрирчи. Ахборот//Туркистон вилоятининг газети. 1901. №30. 4 авг.

³ Ўз МДА. Ф. 1009. иш 115. - Б. 15-16.

⁴ Ўзбек Совет энциклопедияси. Т.: ЎзР ФА, 1973. Т.4. -Б.518.

ёрдам беришни мақсад қилади, бу усул анча мураккаблик тугдирсада, олим томонидан бу иш муваффақиятли бажарилади. Бу уакда таурирчи ахборотномада: «Хусусо русия луғатларини мусулмония уарфлари илан ёзмок кўп кийин ва душвор»^{1 2} эканлигини кўрсатиб утади. Шу жихатдан ҳам рисола ўз даврида катта эътибор козонади.

Рисолада Исоқхон хорижий шарқ тиллари, жумладан, араб, форс, турк, ўзбек ва уинд сўзларини тартибга солиб, русча сўзларни араб имлосида киритиб кетади, бу билан асарни шарқ ёки гарб тилларини ўрганиш учунгина эмас, жахон илм-фан ва маданияти ютуқларидан фойдаланиш, яъни уар лисон сафар аулина юз олтин баробаринда ишладигини мушоуада қилганлиги учун ёзади³. Бундан кўринадики, рисола халқнинг жахон маданияти ютуқларидан фойдаланиши учун энг зарур хорижий тилларни ўрганишга бўлган маҳаллий халқ зутиёжини кондириш учун яратилади.

Рисолага баҳо бериб таурирчи: «...мазкур «Ситта ал-сина» деган жаноби қозининг ихтиро қилган луғат китоблари агарчанд кичик булсада, бизнинг Туркистон сартияларидан шунча тил билиб, бул тарика китоб ва луғат тасниф қилгон одам йўқ эди»⁴ - деб ёзиб қолдиради. Манба ўз даврида халқнинг маънавиятини юксалтиришда мухим аҳамиятга эга бўлади ҳамда Ибрат томонидан амалга оширилган бу иш Туркистонда биринчи мартаба бўлганлиги сабабли, у замондошлари орасида биринчи луғатнавис сифатида танилади, мустамлака даврида ёзилганлигига карамай рисола айнан рус тили тарғиби учун эмас, балки хорижий халқлар тили, илм - фани,

¹ Бобобеков у.Н. Ибратнинг «Тарихи Фарғона» асарига ёзилган сўзбоши. -Т.: Камалак, 1991. Б. 268.

² Таурирчи. Ахборотнома//Туркистон вилоятининг газети. 1901. №30. 4 авг.

³ Ибрат И. Луғати Ситта ал-сина. Т., Ильин. 1901. -Б.2.

⁴ Таурирчи. Ахборотнома//Туркистон вилоятининг газети. 1901. №30. 4 авг.

техникаси ютуқларини ўрганиш ва миллатнинг кўзини очиш мақсадида ёзилган. Рус тилини ўрганиш эътиборга олинган бошқа тиллар билан бир қаторда кўрсатилади.

Ибрат маиший турмушдаги афзалликларни халқ ҳаётига жалб этиш мақсадида 1905 йилда ўз хисобидан Туракурконда «Турк ҳаммоми» курдиради¹. Сўнгра 1905 йил «Туркистон вилоятининг газити» рўзномасининг 23 сониди форс тилида «Тарихи ҳаммом»^{1 2} номли шеърини нашр эттиради. Бу уақда таурирчи Маўзум Мулла Олимнинг шеърига ёзган сўз бошисида алоҳида таъкидлайди³.

Ҳаммом тарихига оид факт У. Долимовнинг 1994 йилда ёзилган «Исоқхон Ибрат» номли асарида келтирилган бўлиб, у мазкур ҳаммомнинг беркитилишини қора гуруҳлар ва мутаассибларга боғлайди, ҳамда Исоқхон томонидан курдирилган ҳаммомни «уаром» деб фатво бердилар ва халқни ундан фойдаланмасликка даъват қилдилар»⁴ - деб кўрсатади. Мхаммога бундай ёндошув ноўрин бўлган. Чунки, Исоқхон мусулмончилик қонун - қоидалари бўйича мадрасада мукамал таълим олган, уаж сафарига борган вақтида бутун шарқ мамлакатларидаги бу борадаги ауволни кўзатади. Ҳаммомни қонунга мувофиқ кўрган бўлиши табиий уол. Мусулмончиликда бу мхаммога оид йўл-йуриқлар баён этилган. Чунончи, Ҳддисларда: «Таназзул фа иннал ислома нафизун». Маъноси: «Пок бўлинглар, чунки ислом покликдир», «Анпазофату тадбу илал иймон вал иймону маъа соуибихи жаннати». Маъноси: «Поклик инсонни иймонга чакиради, иймон эса ўз эгаси билан

¹ Письмо из Наманганского уезда //Туркистон вилоятининг газети. 1905. №23. 10 июль.

² Уша жойда.

³ Уша жойда.

жаннатда бирга бўлади»¹ - деб ёзилган. Фикримизча, бу даврда халқ ҳаммомни маиший турмушига сингдира олмаган.

Туркистон жадиdlари Ибратни янги усул мактаblари бўйича устоз муаллим сифатида эътиборда тутди. У. Долимов далилларига кўра, Ибрат М. Абдурашидхонов таклиф хатига биноан 1907 йилда бир неча марта Тошкентда жадиd мактаblари талабалари йиллик имтиуонида иштирок этган. Жумладан, хатда: «Хурматлу Исоқхон хужа жанобларина! 1907 йил май ойиндан эътиборан Тошкентда Тарновбоши маҳалласинда «Хония» мактабинда талабаларни йиллик имтиуонлари бошланур. Сиз уурматлудан ражо* килурмизки, тавобингизда булгон усули жадидия мактаblари муридлари ила имтиуон мажлисларина ташриф килсангиз, муаллим ва шогирдлар Сиздан мамнун булур эдилар.

Мууиб*ингиз Мунаввар қори, 15 март, 1907 йил»².

Аср бошлари рўзномаларида миллат зиёлиларининг эски мактаblар ва уларнинг ислохоти, жадиd мактаblари, уларда ўқиш ва ўқитиш, маориф ва маърифатни йўлга қуйишга оид мақолалари чоп этилган. Жумладан, Ибрат билан тошкентлик мактаbdор Мулла Хусанхужа Мансурхужа ўғли уртасида бўлиб ўтган мунозара диққатга сазовор. Хусанхужа мактаbdорнинг «Мактабда янги тартиб» номли мақоласи 1907 йил 66 сонида чоп этилиб, шу мавзуга оид.

Манбада келтирилишича, Хусанхужа ўзини 2 йил мобайнида мактаbdорлик килаётган янги мактаbdорлардан деб билган,

⁴ Долимов У. Исоқхон Ибрат. Т.: Шарқ. 1994. -Б.59.

¹ Бобомуродов А.

* Ислоом одоби ва маданияти. Т.: Чулпон,

² 1995. -Б.122.

Туркистонда маориф тизимини ислох қилиш тарафдори, лекин маорифни тағ-туби билан ислох қилишга хожат йўқ деб ҳисоблайди. Мақолада ислохот йўналиши сифатида уч йўлни кўрсатади. Бўлар - болаларни якка тартибда ўқитишдан жамоа тартибига ўтиш; 5 йилдан 8 йилгача давом этадиган эски мактаб укув дастўрини айрим фанларни ислох қилиш асосида 2-3 йил ҳисобида қилиб белгилаш; оталари савдогар қилишни хоҳлаган болаларга тезлик билан жадини ўқитиб, оз фурсатда саводини чиқариб бериш.¹ У ўз услуби асосида укув тартибини беш жамоага бўлган. «Биринчи жамоа: хафтияги шариф, иккинчи жамоа: Каломи шариф, учинчи жамоа: Чахор китоб билан Фўзулий, боядки, Навоий, туртинчи жамоа: Бедилхон, бешинчи жамоа: эътиқоди исломия бирлан илми Фароиз*^{1 2}.

Хуллас, Хусанхужа мактабдор эски ўқитув услубини сақлаб қолган ҳолда мусулмон шарқ маорифини ислох қилмоқчи бўлади. Эски ўқитув услуби ҳам ўз даврида бутун шарқ мамлакатлари маориф ютуқларини ўзида жамлаган ва унинг талабларига жавоб берган.

Бироқ, Урта Осиё Россия томонидан босиб олинган, мусулмон шарқи маориф тизими шу даврда шарқ мамлакатларига нисбатан илм-фан, техника жихатидан илгор бўлган европа талабларига жавоб бера олмаган. Хусанхужа мактабдорнинг мақоласида шу тизим асосини сақлаб қолиш кўзда тутилади. Мақола билан танишган Исхокхон маорифни бу ҳолатда сақлаб қолишни нолайик, деб, танқид қилади. Чунки, Ибрат шу вақтда иккинчи марта Тўрақўрғонда жадин мактаби

¹ Мулла Хусанхужа Мансурхужа ўғли. Новый порядок в мактабе//Туркистон вилоятининг газети. 1907. №66. 6 сент. * Диний зарурият.

² Уша жойда.

очиб, 1907 йилда унга «Луғати Ситта ал-сина» китоби асосида хорижий тилларни фан сифатида ўқитишни жорий қилган эди¹.

Ибрат Хусанхужа мактабдор мақоласига жавоб тариқасида рўзноманинг 1907 йил 72 сонидида мақола билан чиқади, бироқ бу сон йўқолган. Мақоладаги Ибрат карашлари Хусанхужа мактабдор рўзноманинг 76 сонидида Ибратга жавоб тариқасида ёзган «Мактаб реформаси хақида»^{1 2 3} деб номланган мақоласида қисман сақланиб қолади.

Унда Ибрат эски мактабларда ислох бахонасида ёд олдириш орқали таълим беришни танкид қилиб: «бир харф хам укув-ёзув билдирмайинча, на дин, ва на имондин, ва на дунё ва охиратдин беҳабар, умрларини барбод қилиб ётмоққа таквиягина бўладур» - деб кўрсатади.

Жадид мактаблари ғояси билан яқиндан таниш бўлган, амалда қўллаб, унинг афзалликларидан яхши хабардор бўлган Ибрат миллий маорифни таг-тубидан ўзгартирилмаса, хар канча ислох қилиш бефойда эканлигини уктиради⁴.

У мақолада Хусанхужа мактабдор мактабини танкид қилиб қолмай, Туркистондаги барча таълим савияси паст бўлган мактабларни таълим беришга кодир эмас деб, уларни асосидан тугаллаб, ўқитувчиларини жисмоний меҳнат билан шугулланишини мақсадга мувофиқ деб билади¹. Ибрат мақола орқали эски таълим тизимига қарши чиқар экан, 1907 йилда иккинчи маротаба очган жадид мактабига Симбир вилоятидан бир муаллим жалб этиб, усули

¹ Мулла Хусанхужа Мансурхужа ўғли. Мактаб реформаси хақида//Туркистон вилоятининг газети. 1907. №76. 11 окт.

² Мулла Хусанхужа Мансурхужа ўғли. Мактаб реформаси хақида//Туркистон вилоятининг газети. 1907. №76. 11 окт.

³ Уша жойда.

⁴ Уша жойда.

жадид ўқитиш орқали мактаб очилганлигига уч ой булмай, йигирмадан кўп кичик болалар, ун бешта катта одамлар тулик саводлари чикиб, турли китобларни мутолаа килаётганликларини ёзади . Бундан кўринадики, Ибрат янги таълим тизими афзалликларини исботлашда ўзи амалиётга тадбиқ қилган янги усулларга суянади. У мақоласини: «Хулоса, бу одамни бу мақоласидан усули жадиддин усули кадимни фойдали ва афзал эдигини тасдиқ килдиги англашиладур»³ - деб якунлаганлиги кўрсатилади.

Хусанхужа мактабдор мақоласини тахлил килар экан, Ибрат унинг бу мақолани ёзишдан мақсади «ислохи дорулфунун» эканлиги, усули кадим усули жадиддан зиёда эканлигини асослаш учун бўлган бахс хамда жамоа-жамоа бўлиб ўқитишда домлаларнинг ўзлари халфага буюрмай шугуллансалар, албатта бу мактабда хам саводни -3 йил мобайнида чиқариш мумкинлиги, икки уч ойда савод чиқариш мумкин эмаслиги, усули жадид болаларини «Фўзулий», «Навоий», «Бедил», «Чахор китоб» каби кадима китобларни ўқий олмасликлари каби даъволар билан чиққанлигини эътироф этади.

Бинобарин, шу рўзноманинг 1907 йил 84 сонида Ибрат ўзининг «Редакцияга хат»⁴ номли мақоласида Хусанхужа мактабдорнинг даъволарига қарши жавоб бериб, ўзига тобеъ унтадан кўп усули кадим махалла мактаби ва битта усули жадид борлиги, уларнинг домлалари эътиборда эканлиги,⁵ - жадид мактабларидаги ўқитиш ^{1 2 3 4 5}

¹ Уша жойда.

² Уша жойда.

³ Мулла Хусанхужа Мансурхужа ўғли. Мактаб реформаси хақида//Туркистон вилоятининг газети. 1907. №76. 11 окт.

⁴ Исхокхон Ибрат. Редакцияга хат//Туркистон вилоятининг газети. 1907. 11 ноябр.

⁵ Уша жойда.

услуби, укувчиларнинг билим олиш жараёнларидаги савол-жавоблари ва дарсларни кунга таусил қилиб куйилганлиги, арабчадан таржимага моуирликлари ҳақида фикр юритади ҳамда «Бизда қайда арабий такомга мутолааликларимиз кодир бўладурлар?»¹, деб фикрини изоулайди. Ибрат усули жаид мактабларининг усули кадим мактабларидан афзаллик жихатларини ўзаро қиёслаб, мактаблар ислоуи давр талаби эканлигини эътироф этади. У мақолада эски усул тарафдорларининг усули жаидни тушунмаганлигини сабабини: «Сизни бу усулга карах қилганингиз шунга ухшайдурки, гугурдни куйиб, чакмок тош илан ут киламан дегондек, ёки фонар, ламфа электрийларни усули жаид, мунга суфулик қилиб кора чирогда ултураман дегондек. Ёки поездга тушмакни янги иш, фиёда борурман дегондек» деб, ўз фикрини уадислар орқали исботлаб беради. Мисол келтириб, мактуб орқали икки йилдан камида хабар олиб бўлмаган ерга ун олти кунда мактуб, бир кунда телеграмма етиб бораётганлиги усули жаид эканлигини^{1 2 3}, бунга куникиш кераклигини эътироф этади. Хусанхужанинг жаид мактабида укиган болалар кадима китобларни ўқий олмайдилар, деган даъвосига муносабат билдириб: «айб усули жаид шогирдида эмас, балки домласида бўлса керакки, фақат қуръони хатга ошно қилиб, настаълик хатини ўқитмагандур»⁴, дейди. Бинобарин, усули кадимдан воз кечмакни назарда тутиб, Миср ва Истанбул уламоларининг тараққиёт орқали оз вақтда кўп илмларга эришганлигини мисол келтириб, бунинг йўли авлоди исломни

¹ Уша жойда.

² Исоқхон Ибрат. Редакцияга хат//Туркистон вилоятининг газети. 1907. 11 ноябр.

³ Уша жойда.

⁴ Исоқхон Ибрат. Редакцияга хат//Туркистон вилоятининг газети. 1907. 11 ноябр.

таракқий илмига сабаб бўладургон асбобларни билмакдур¹ деб, хадис орқали фикрларини исботлайди. Бундан кўринадики, аср бошларидаги жаидлар қайси йўл билан бўлсада миллатни илмли, билимли, кадрлар сифатида вояга етказиш миллат таракқиётига хизмат қилиш, деб билганлар.

Ибратнинг замондошларидан бири И.Давроннинг 1907 йилда нашр этилган «Хак сўз» номли мақоласида келтирилишича, Ибрат хаттот ҳам бўлган. И.Даврон Ибратнинг «хаттоти азим» эканлигини, мусулмонча хат ёзишдан ун етти хилини билишлигини, унинг бу санъати 1907 чи йил Туркистон генерал-губернатори томонидан иккинчи даражали ёрлик-халат билан мукофотланганлигини¹

23

таъкидлайди.

Бу маълумотдан дастлаб тадқиқотчи олимлардан О.Усмон ва У. Долимов⁴ мақола ва рисолаларида фойдаланганлар, бироқ манба сиёсий қайчилашдан холи эмас. Жумладан, улар тадқиқотларида манбадаги «тура», «саидзода», «хожи» каби сўзлар тушириб қолдирилади.

Аср бошларига келганда Туркистонда жаидчилик ҳаракати янги поғонага кутарилади. Жаидлар томонидан Туркистонда босмаҳоналар ташкил қилина бошлайди. Ибрат ҳам хижрий 1326 йил, милодий 1908 йилда Тўрақўрғонда «Матбааи Исхокия» номида Фарғона водийсида биринчи нашриёт ташкил қилади. Нашриёт ҳақида Ибратнинг «Санъати Ибрат қалами Мирражаб Бандий» рисоласида

¹ Уша жойда.

² Даврон И. Хак сўз//Туркистон вилоятининг газети. 1908. №56. 2- июль.

³ Усмон О. Шарқ юлдўзи. -1961. -1-2 сон. -Б.132; Ўзбекистонда рус тилининг илк тарғиботчилари. -Т., 1962. -Б.71.

⁴ Долимов У. Исхоқхон Ибрат. -Т., 1994. -Б .321.

қилиб ... биринчи хадямизни ожизона такдим айладик»¹ деб ёзиш билан рисола «Матбааи Исоқия»нинг дастлабки нашрилигини эътироф этади.

1909 йилда Ибрат матбаа тарихига бағишлаб «Тарихи чопхона» номли шеър ёзган ва унда нашриётнинг очилган вақтини «Минг уч юз йигирма олти» эканлигини кўрсатади.

Жадидларнинг хар бир тараққийпарварлик харакати ўз даври матбуоти томонидан ёритиб борилган. Ибрат нашриётининг ташкил этилиши хам «Вақт» рўзномаси саҳифаларида: «Бу зот 1908 йилда Наманганда бир матбаа очган эди» - каби фактлар билан эслатиб утилади.

1907 йилда Ибрат Россиянинг Оренбург шахрига боради ва Кауфман исмли матбаачидан 10 йил мобайнида пулини тулаш шарти билан 1901 йилда чиққан тошбосма машина сотиб олади. 1908 йилда Наманган уездига карашли Тўрақўрғонда нашриёт ташкил этади ва унга «Матбааи Исоқия» деб ном беради. Бу ишда унга Мирзабой Еиёсов ва Ибратнинг хусусий мактабида ўқитувчилик қилган Хусайн Макаев яқиндан ёрдам берадилар^{1 2 3 4}. Ибрат бу ишдан мақсадини «Тарихи чопхона» шеърисида қуйидагича ёзади:

Мақсад бу ишдан эрди оламга илм

касри Х,ам куймокка асарлар ёдвора

¹ Ибрат И. «Санъати Ибрат қалами Мирражаб Бандий». Матбааи Исоқия. Тўрақўрғон. 1908. -Б. 12.

² Ибрат И. Илми Ибрат. Матбааи Исоқия. Тўрақўрғон. 1909. ЎзР ФА ШИ. Т. Инв. № -9987.

³ «Вақт» рўзномаси. 1913. 1324 сон.

⁴ Гаффаров Я. Востановить «Гульбах Ибрата». Рукопись.. С.1-2. Долимов У. Исоқхон Ибрат. -Т.: Шарқ. 1994. -Б.60.

⁵ Ибрат И. Илми Ибрат. Матбааи Исоқия. Тўрақўрғон. 1909. ЎзФА ШИ. Инв. -9987. -Б.14.

У ўзининг амалий фаолияти билан XIX аср охири XX аср бошларида жадиждлар томонидан илгари сурилган ғояларни яна бир поғона юқорига кутаради.

Бу матбаада турли китоблар, савод чиқаришга оид рисоалар, дарсликлар, плакатлар, откриткалар мунтазам нашр этиб борилган. Исхокхон кўзлаган мақсадга биноан нашриёт ўз ишини илм-маърифат таркатишдан бошлаб, биринчи бўлиб 1908 йилда савод чиқаришга оид «Санъати Ибрат қалами Мирражаб Бандий» рисоласини чоп эттиради¹.

Ибрат матбаада чоп этилган рисоалар учун рамзий тасвир ишлаган бўлиб, илмни куёшга ухшатган ва нашр этилган китобларнинг юқорига қисмида бу тасвир акс эттирилган. Унинг кўрсатмасига мувофиқ матбаа фаолиятини кенгайтириш ва кўзга кўринган, таникли матбаага айлантириш, кредит қарзларини ўзиш мақсадида турли буюртмалар қабул қилиш учун эълонлар берилади^{1 2}.

Шарқшунослик института қўлёзмалар фондида сақланаётган «Турли марсия, иборат ва фикриёт масалалари» ва 1963 йилда И.Ибратнинг ўғли Р. Исхоковдан сотиб олинган Ибрат хаёти ва фаолияти хақидаги манбалар орасида шу матбаада чиқарилган таклифномадан наъмуна сақланиб қолган³.

Юқоригадаги факт ва маълумотлар кўрсатадики, Ибрат хакикатан хам ўз матбаасини кенгайтириш учун ҳаракатлар қилган ва бунинг уддасидан чиқади. Наманган вилоятида ягона босмаҳона ташкил қилиш учун анжомлар тайёрлайди. 1908-1909 йилларда Тўрақўрғонда

¹ Долимов У. Туяда келтирилган матбаа//Гулистон. 1972. 7-сон. Б. 27-28.

² Ибрат И. Ильми Ибрат. «Матбааи Исхокия». Тўрақўрғон. 1909. ЎзР ФА ШИ. Т. инв. № -9987. -Б

³ Турли марсия иборат ва фикриёт масалалари. ЎзР ФА ШИ. К. Инв. № -11610.

босмахонага Абдурауф Шохидий мудирлик қилади. 1910 йилдан эса у Наманган шаҳрига кучирилади. 1910-1913 йилда матбаага Ибратнинг шогирдларидан Хусайн Макаев мудирлик қилади.

Бу йилларда Ибрат нашриётида илм-фан, маърифат ва тараққиётга оид китоблар чоп этилади. Юқоригада таъкидлаганимиздек, 1908-йилда «Санъати Ибрат қалами Мирражаб Бандий» рисоласи, «Фикхи-Кайдоний» таржима асари арабча матни билан, 1909-йилда «Илми Ибрат» шеърий тўплами, 1912 йилда турли ёзув белгиларидан иборат, мураккаб матнли - «Жоме ул-хутут» асари нашр этилади¹.

БДосимов «Замондошлар, маслакдошлар»^{1 2 3} номли мақоласида келтиришича, 1911 йилда ёзилган Охунзода Абдулрауф Самадов Шохидийнинг «Махрамлар» драмаси ҳамда «Фалоқатзода» киссаси

3

шу нашриётда чоп этилади .

Н.Г.Чабров келтирган маълумотларга кўра 1910 йилдан бошлаб Наманган шаҳрида 13 та, Чустда 2 та, Попда 2 та, Янгикурвонда битта китоб дукони очилади⁴. Бу дуконларда асосан «Матбааи Исхокия»да нашр қилинган китоблар жуда арзон нархларда сотилади. Бу матбаада нашр қилинган асарлар мавзуи ҳам диққатга сазовор. Мазкур матбаада миллий тараққиёт, миллий тарбия ва маърифатпарварликка оид рисолалар нашр қилинади. Бундан кўринадики, ўз даврида Фарғона водийси жадидлари миллат тараққиёти ва истиклоли йўлида хизмат қилади, бу ишларда асосий ташаббускор Исхокхон Ибрат бўлади.

¹ Ибрат И. Жоме ул хутут. Наманган. 1912. ЎзР ФА. ШИ. X № 621.

² Ибрат И. Фикхи Кайдоний. Таржимаси, арабча матни билан. ЎзР ФА ШИ. Т. инв. № 169-IV.

³ қосимов Б. Замондошлар, маслакдошлар. Шарқ юлдўзи. -1979. -№5. -Б. 224.

⁴ Чабров Н.Г. Уша асар. -Б. 83.

1913-1917 йилларда матбаа М.Н.Абдусатторбоев кулига утиб, у ширинликлар акционерлик жамиятининг бақувват аъзоларидан бири бўлган.¹ Бу даврда матбаа Туркистон миқёсида ахамиятли бўлиб, унда катта хажмдаги асарлар ҳам нашр қилинади. 1917 йил октябрдан сўнг нашриёт совет ҳукумати ихтиёрига ўтказилади ва бу нашриётда «Халқ газетаси», «Эркинлик», «Ишчилар калкони», «Совдеп», «Роста» каби газеталар рус ва ўзбек тилларида нашр қилинади. Матбаанинг номи 1917 йилда «Ударник» деб ўзгартирилади.

Ибрат олиб келган тошбосма машина 1952 йилгача Наманган босмахонасида ишлатиб келинган. 1952 йилда Тўрақўрғон босмахонасига юборилган ва «Учкун» номли Наманган район газетасини 1960 йилгача мунтазам чиқариб туришда фойдаланилган. 1991 йилдан бошлаб Намангандаги «Ударник» босмахонаси «Исхокхон

3

Ибрат» номи билан юритилмоқда.

Ибратнинг нашриётчилик харакатидаги иштироки Фарғона жадидлари фаолиятини янада юқорига боскичга кутаради.

У маърифатпарварлик фаолияти билан бирга ижод билан ҳам шугулланган бўлиб, хижрий 1327, милодий 1909 йилда «Илми Ибрат» номли шеърий асари «Матбааи Исхокия»да чоп этилади^{1 2 3 4}. Ибратнинг шеърий асарлари тўпланган манба унинг тунгич ўғли Аббосхон Исхоков томонидан 1914 йилда тўзилган баёзга киритилган⁵. Чунончи, «Мажмуаи ашъор» қўлёзма шеърий тўплами ўзбек, қисман араб ва форс-тожик тилларида ёзилган⁶. Ибрат «Тарихи

¹ Матбааи Исхокия. Альбом. Наманган., 1970. -Б.30.

² Наманган давлат архиви. Ф.-13. рўйхат 1. 3 иш. В. 94.

³ Матбааи Исхокия. Альбом. Н.: 1970. -Б.30.

⁴ Ибрат И. Илми Ибрат. Тўрақўрғон. 1909. ЎзР ФА ШИ. Т. Инв. № 9987.

⁵ Турли марсия, иборат ва фикриёт масалалари. ЎзР ФА ШИ. К- Инв. № -11620. В. 2,3,13,16,45.

⁶ Ибрат И. Мажмуаи ашъор. ЎзР ФА ШИ. К, инв. № 7652.

маданият» асарида «Девони Ибрат» номли девонини назмий асарлари бўйича энг йирик манба деб хабар беради¹. Ибратнинг замондоши куконлик шоир Мухсиний бу девонни юқорига баҳолаган бўлиб, девон бугунга қадар етиб келмаган.

Ибрат шеърияти тадқиқоти бўйича У. Долимов ишлари эътиборга лойик, бироқ унинг шеърий асарлари тулик тадқиқ этилмаган, тўплам холига келтирилмаган. Бу иш келгуси тадқиқотчилар олдидаги вазифалардан биридир.

Ибратнинг жадидчилик фаолияти матбуотчилик харакатида ҳам кўринган бўлиб, кўплаб тараққийпарвар жадидлар қатори у ҳам маориф ва маданий тараққиёт янгиликларининг тез оммалашувида газетанинг ролини юқорига баҳолайди ва 1913 йилдан «Матбааи Исохкия» қошида «Алтижорал-Наманган» номли газета чиқариш учун ҳуку-

матга ариза беради. Бу ҳақда Уфада чиқадиган Урта Осиёда, умуман туркий дунёда, машхур бўлган «Вақт» газетаси: «Наманган. Муътабар андин Исохк қози хазратлари «Алтижорал-Наманган» исминда бир газета чиқарарга сураб ариза берди. ...Хозир газета чиқармок хаддиндадур. Чин кунгилдан муваффақият тилаймиз»¹ - деб ёзади.

Ибратнинг жадидчилик харакатидаги иштироки мактаб очиш, нашриёт, рўзнома ташкил этиш билан чекланиб қолмай, ўз уйида «Кутубхонаи Исохкия» номли кутубхона очганлигида ҳам кўринади. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик

¹ Ибрат И. Тарихи маданият. ЎзР ФА ШИ. X, инв. № -10117. -Б.138.

² Мухсиний. Девони Мухсиний. ЎзР ФА ШИ. X. инв, № 7392, в-111^а.

³ Ибрат И. Хуш келдингиз. Бўлибдур. Булма//Наманган хақикати. 1968. 19 июнь. Ишқинг дилу жона жо бўлибдур//Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1987. 13 фев. Бўлибдур. Хикояти уч киши//Шарқ юлдўзи. -1990. -№4. -Б. 141-143. Курғони келдим соғиниб. Халайсизлар. Маданият хақида маснавий. Тарихи трактор//Долимов У. Исохкхон Ибрат. Т.: Шарқ. 1994. Б. 119-120, 121-123, 134-137.

қўлёзма - инв. № 11620 раками остида сақланаётган папкада кутубхонадаги китоблар рўйхати берилган. Унинг номи «Фурсати китоб кутубхонаи Исхокия» деб номланиб, кутубхонада сақланаётган китобларнинг 113 тури 6-7 нусхасигача бўлганлиги ёзиб қолдирилади. Кутубхонада «Мушкулот аш шаърий», «Жилди, Равзат ус сафо», «Тарихи Табарий», «Еаройиб ал-Махлукот», «Жилди Мухаммадия» туркий, «Мушкулот ал-Еаройиб», «қаламий шеърий туфлам Мавлавий хожи», «Абу Юсуф Фўзулий ма Лайли-Мажнун», «Махбуб ул-кулуб», «Ахкоми анжиноиз», Баёни мажмуаи Ибрат, «Юсуф ва Зулайхо», «Бустони Саъдий», «Гулистони Саъдий», «Ах- тар-Кабир» туркий, «Жоме ал-гаройиб», «Таксим ал лисон», русча ва сартча луғат Налифкин ва Налифкина каби китоблар кўрсатилган. Шунингдек, И.Гаспратининг «Таржумон» рўзномаси ҳамда «Туркистон вилоятининг газити»нинг йиллик бойламлари сақланган. Бу китобларнинг аксарияти таълим ва тарбия, ўқитишга оид бўлиб, рус, турк, татар, форс-тожик тилларида ёзилган. Ибратнинг замондоши Рахмонберди Назаров* * билан 1995 йилда ўтказилган суҳбатда маълум бўлишича, бу кутубхонадан бутун кишлок фойдаланади. Кутубхонада китобхонларнинг китоб олганлиги ва топширганлиги ҳақидаги иш юритувчи дафтар ҳам тутилади. Рахмонберди ота 9-10 ёшлик вақтларида Ибрат кутубхонасидан савод чиқаришга оид китоб олиб ўқиганлигини тасдиқлайди⁴.

¹ Вакт. 1913. № 1324.

² Турли марсия, иборат ва фикриёт масалалари. ЎзР ФА. ШИ. к, инв. № 11620.

³ Турли марсия, иборат ва фикриёт масалалари. ЎзР ФА. ШИ. к, инв. № 11620.

* Назаров Б. Тўрақўрғон шаҳар, Поросмон маҳалла 73 уйда истикомат қилади. Ибратнинг уқувчиларидан бири бўлган.

⁴ Назаров Р. билан Вохидова К.нинг 1995 йилда ўтказган суҳбати асосида ёзилди. 1995. 8 март.

У. Долимов келтирган фактларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти кўлёзма фондида сақланувчи Юсуф Хос Хожибнинг «кутадгу билиг» асарининг Наманган нусхаси деб ном олган нодир кўлёмаси «Кутубхонаи Исхокия»га мансуб бўлган¹.

Бирок, А.З.Валидийнинг Санкт-Петербург археология жамиятининг Шарқшунослик булимида 1914 йил 20 апрелда сўзлаган маърузасида келтирилишича, А.З.Валидий бу китобни Наманган шаҳрилик Мухаммадхожи эшон Лоларишдан олган эканлиги хақидаги маълумотни беради. Бундан маълум бўладики, Юсуф Хос Хожиб рисоласининг Наманган нусхаси Исхокхон Ибрат кутубхонасига мансуб бўлмаган.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Беруний номи Шарқшунослик институти кўлёмза фондларида «Тарихи Фарғона», «Мезон ул замон», «Тарихи маданият» асарлари сақланиб қолган. Унинг қаламига мансуб тошбосма асарлардан «Мухрадот», «Манзумаи Ибрат», арабчадан таржима қилинган мусулмон конуншунослигига оид «Фикхи Кайдоний», кўлёмза холидаги «Мажмуаи ашъор» ҳамда А.Навоий номи миллий кутубхона фондларида сақланаётган «Луғати ситта ал сина» китоблари шулар жумласидандир. Ибрат «Тарихи маданият» асарида хабар беришича, «Гулшани роз», «Мушкулот ал-гаройиб», «Мўзабзаб», «Туркистонда

¹ Долимов У. Исхокхон Ибрат... -Б.65.

² Валидов З.А. Восточные рукописи в Ферганской области //ЗВОРАО, т.ХХП. вып. III-IV. Санкт-Петербург, 1915. С.312. //Читано, вь видь отчета о командировке вь Фергану, на заседание Общества археологии, истории и этнографии приказ Университетъ от 20 апреля 1914 г. статью проредактировать для печати В.В.Бартольд.

йўқолган¹. Ибрат томонидан ёзилган «Тарихи Хуррият», «қурбошилар замони», утгиз йил давомида ёзилган девони «Девони Ибрат», «Тазкираи Сувайдо», «Таржимаи уолим», «Сайри жибол» каби асарлари 1937 йил катагонда НКВД* ходимлари томонидан олиб чикиб кетилади. Ибрат томонидан ёзилган тарихий, илмий, ижтимоий асарлар бир-бирини ўзвий давом эттириб, Қўқон хонлигидан то 1930 йилларга қадар бўлган воқеликларни ўз ичига олади. «Тарихи ууррият», «қурбошилар замони» номли асарларида мҳаллиф октябр тунтариши, Қўқон мухториятининг ўрнатилиши, бу даврда водийда руй берган воқеликлар, Туркистон мухториятининг конга ботирилиши, босмачилик ҳаракатининг келиб чиқиши, мохияти, сабабларига тўхталиб ўз даври нуқтаи назаридан баҳо беради. Кейинчалик Ибратнинг шогирди мулла Искандар Абдувауоб ўғлининг берган хабарига кўра, унинг 100 га яқин китоблари 1937 йил катагон қилинишидан бир оз аввал кушсинч орасига яширилган^{1 2}. қолганлари эса 1937 йил, 7 январда 4 та канор копга жойланиб олиб кетилади³.

Ибратнинг Октябрь тунтаришидан кейинги даврдаги ҳаёти ва фаолияти бўйича манбалар кам, унинг ҳаёти ва фаолияти билан бугунга қадар шугулланган тадқиқотчиларнинг аксарияти 1917 йилдан аввалги фаолиятини тадқиқ қилиш билан чекланганлар. 1994 йил март-апрель ойларида фарзандлари Р.Исоқов ва набиралари Ж.Низомова, Исоқхон Ибрат жамоа хужалиги маданият ишлари бўйича раис муовини Б.Низомов, Ибратнинг замондоши Р.Назаров

¹ Ибрат И. Тарихи маданият. ...-Б.139.

* Народный комиссариат внутренних дел.

² Долимов У. Исоқхон Ибрат. ... -Б. 106-107.

³ Исоқхон Ибрат номли жамоа хужалиги маданият ишлари бўйича раис муовини Б.Низомов билан К.Воуидова томонидан ўтказилган суҳбат материаллари. 1994.

хамда БАРС-51 гуруҳи томонидан Ибратнинг укувчиси И.Абдувахоб ўғли билан ўтказилган суҳбат материалларида келтирилишича, октябрь тунтаришидан кейин Исхокхон маориф ишлари билан шугулланади. У янги мактаблар очиш, саводсизликни тугатиш ишларида фаоллик кўрсатади. 1918 йилда Ибрат томонидан очилган мактаб замида Тўрақўрғондаги 44 чи мактаб ташкил топиб, бу мактаб 1960 йилларда «Исхокхон Ибрат» номли 3-сон мактабга айлантирилади. Дастлабки вақтларда бу мактабда Исхокхон Ибрат она тили, адабиёт, тарих фанларидан дарс бериб, кейинроқ мактаб дастурига мусика-ашула предметини киритади. 1919 йилда унинг ташаббуси билан Наманганда ўзбек хотин-қизлари учун биринчи марта қизлар мактаби очилади ва унда Хусайн Макаевнинг рафикаси Фотиха Макаева ўзбек аёлларига дарс беради¹.

У. Долимов келтирган фактларга кўра 1920 йилдан эътиборан Наманганнинг Шаханд кишлоғида Мухаммадшариф Суфизода, Аргин кишлоғида Орифжон Умаров, Тўрақўрғонда Исхокхон Ибрат ва Мирзахамдам Хонкелдиевлар бошчилигида саводсизликни тугатиш мактаблари очилади^{1 2}.

1926 йил февралда Самаркандда Жумхурият маориф ва маданият ходимларининг биринчи курултойи бўлиб, унга Намангандан Исхокхон Ибрат ноиб сифатида юборилади. Бу курултой маориф ва маданият ходимлари олдида янги мактаблар очиш, хотин-қизларни давлат, жамоат ҳамда укув - тарбия ишларига жалб қилиш вазифасини куяди. Маориф масаласи кун тартибидаги энг муҳим

¹ Исхоков Р. Низомова Ж.лар билан ўтказилган суҳбат матни. 1994. Март-апрель; Б.Низомов билан ўтказилган суҳбат матни. 1994. Март; Р.Назаров билан ўтказилган суҳбат. 1994. Март. Суҳбатларни К.А.Вохидова уюштирган.

² Долимов У. Исхокхон Ибрат. Т.: Шарк. 1994. Б. 102-103.

масала бўлганлиги сабабли ҳам Исхокхон шу йили ёзган «Тарихи маданият»¹ асарида бунга эътибор қаратади. Рисолада Ибрат илм-фан, техника, хотин - қизлар масаласи, илм-фанга муносабат ва уларнинг мамлакатда жорий қилишнинг йўллари ҳақида фикр юритади^{1 2 3}.

Я.Гаффаров томонидан ёзиб қолдирилган, Ибрат замондошлари хотиралари, қариндош - уруғлари, шогирдлари билан суҳбатлар асосида тўпланган фактлар ҳам Ибрат ҳаётининг сўнгги даврларига оид муҳим манбалар ҳисобланади. Бу манбалар асосида БАРС-51 гуруҳи раҳбари Я.Гаффаров О.Усмон билан ёзишмаларидан бирида қуйидагича ёзади: «Ибратни кўрган ва билган, у ҳақда маълумотларга эга бўлган одамлар билан суҳбатлашиш асосида шундай маълумотларга эга бўлдим. Ибрат 1929 йилда қишлоқ фаоллари томонидан қулоқларга алоқадор деб айбланади ва мол-мулки мусодара қилинади. Худди шу вақтларда Ибрат Ўзбекистон халқ комиссарлар советига шикоят хати ёзади. У ердан «Ибратга тегилмасин, ипидан- игнасигача қайтариб берилсин» - деган мазмунда лотин ёзувида хат келади. Фарзандларининг таъкидлашларига кўра, бу хат Исхокхон уйида 1937 йилгача сақланади ва Ибрат қамоққа олинган вақтда унга тегишли ёзувномалар билан бирга олиб чиқиб кетилади». Бу хат мазмунига кўра, Ф.Хужаев вилоят раҳбариятига жавоб хати ёзиб, И.Ибратнинг буюмларини қайтариб беришни буюради. Бироқ, сиёсий

¹ Ибрат И. Тарихи маданият. ЎзР ФА. ШИ. қ. инв. № 10117.

² Ибрат И. Тарихи маданият. ЎзР ФА. ШИ. қ. инв. № 10117.

³ Гаффаров Я. О.Усмонга ёзилган хатлардан. Ушбу хат нусхаси кулимизда сақланади (араб ёзувида). -Наманган. 1961.

тазйикдан курккан вилоят рахбарияти Ибратнинг уйини қайтаради, гулбоғини давлат ихтиёрида қолдиради¹.

1937 йил 7 январда Ибрат қамоққа олинади. Унинг томонидан ёзилган ва тўпланган қўлёзма ва тошбосма китоблар, Ф.Хужаев томонидан берилган имтиёзли хат 4 та канор копга жойланиб, олиб кетилади^{1 2}. Унинг кишлик уй - жойи, уй - рўзгор асбоблари ким ошди савдосига куйиб сотиб юборилади, оиласи ва болалари 3 сотихдан иборат курук ерга чиқариб куйилади.

Ибрат Андижон турмасига олиб кетилгач, суди ҳам булмай, 75 ёшида, 1937 йил июн ойида қамоқнинг жисмоний ҳам рухий қийноқларига дош бера олмай, вафот этади³.

ИИбрат хаётини сўнгги пайтлари хақида Аббосхон томонидан тўзилган баёзга киритилган «Азони марсия»⁴да берилишича, у 75 ёшлик муйсафидлигида махбусликда улади. Марсиядан Ибратнинг кабри ҳам номаълум эканлигини билиш мумкин⁵.

Исхокхон Ибрат 1959 йил 2 октябрда Андижон вилоят прокураторасининг 3336 ракамлик хужжатида кўра тула окланади⁶.

Асримиз бошида давлатнинг хохиш ва истагига тамомила зид холда миллатнинг энг илгор қисми - жадидлар томонидан бошланган ислохотлар ва ислохотчиларнинг ўзлари коммунистик мафкўра хукмронлик қилган совет тўзуми шароитида йўқотиб юборилади.

¹ Исхоков Р. ва Низомова Ж. билан қилинган суҳбатлар матни. 1994. март, апрель. Долимов У. Исхокхон Ибрат. - Б.106

² Уша жойда.

³ Н.Каримов. Ибрат хақида янги маълумотлар/Маърифатпарвар Ибрат - тарихчи олим. 10 ноябр 2018 йилдаги Республика илмий-амалий анжуманида қилинган маъруза материаллари. Наманган 2018.

⁴ Турли марсия, иборат ва фикриёт масалалари. ЎзР ФА ШИ. Х инв. № -11620. в. 208.

⁵ Уша папка, -Б.208.

⁶ Бу хужжат Исхокхон Ибрат номли мўзейда сақланади. Кучирма нусхаси кулимизда сақланади.

Юқоригада келтирилган фактлардан қуйидагича хулосага келиш мумкин:

- Исоқхоннинг ижтимоий арбоб сифатида шаклланишида уаж сафари муҳим ўрин тутади.

- Ибрат халқ қозиси бўлиб, миллий тараққиёт йўлида амалий фаолият юритади. Жумладан, халқ учун ҳаммом кўради, жаҳид мактаби очади ва унда хориж тилини ўқитади, укув услуби сифатини кўтариш мақсадида татар ўқитувчиси ёллади. Нашриёт очади ва китоб савдосини йўлга қуяди, кутубхона ташкил этиб, рўзнома очишга ўринади, дарслик китоб ёзади ва уни ўз мактабида ўқитишга жорий қилади, бўларнинг барчасини ўз маблағи ҳисобидан амалга оширади.

- Ижодий фаолияти уч йўналишда боради: тарихий; поэтик-тилшунослик; публицистик.

- Ибрат совет уукумати томонидан катагон қилинади, улимидан сўнг 50-йиллар охирларида фарзандлари томонидан уукуматга муружаат қилиниб, гуноусизлиги исботланади.³

3 §. Исоқхон Жунайдуллоххўжа ртли Ибрат меросини қайта тиклаш тарихи ва унинг уозирги замон маҳаллий тарихчилари томонидан ёритилиши.

Исоқхон Жунайдуллоххўжа ўғли Ибрат тарихшунослигини ёритишда уни ўрганишга оид рисоалар ва мақолалар мҳаллифларнинг мҳаммога мантикий ёндошувларини давр нуқтаи назаридан уч гуруҳга ажратиб ўрганиш мумкин.

Рус уукумати ҳукмронлиги даврида мҳаммога муносабат.

Коммунистик мафкўра ҳукмронлик қилган совет даври.

Мустакиллик шароитида яратилган рисола ва мақолалар.

Мамлакатда Совет ҳукумати ўрнатилгунига қадар Туркистон жадиличлик ҳаракати билан боғлиқ ёзма манбаларнинг аксарияти ушбу ҳаракат иштирокчилари ҳамда уларнинг замондошлари томонидан ёзиб қолдирилганлиги сабабли шу давр хусусиятларини аниқлаб берувчи асл манбалар ҳисобланади. Бинобарин, бу даврда ёзилган Исхокхон Ибрат асарлари,¹ унинг ҳақида замондошлари томонидан ёзиб қолдирилган манбалар^{1 2 3} фикримизнинг далилидир. 20-йиллар биринчи ярмида яратилган асарлар ҳам айнан жадиждлар ёки уларнинг замондошлари томонидан ёзилган бўлиб, уларнинг бу ҳаракатга муносабатини белгилаб беришда алоҳида аҳамиятга эга.

Ибрат ҳаёти ва фаолияти, илмий мероси ўзи яшаб тўрган даврдаёқ ўрганилган. Бу ҳақдаги дастлабки маълумот замондошлари томонидан берилиб, 1901 йил «Туркистон вилоятининг газити» рўзномасининг 4-август сонидан унинг «Луғати Ситта ал-сина» номли китобига имзосиз таҳрирчининг берган мулоҳазалари билан бошланади⁴. Китоб рўзнома редактори Н.П. Остроумов бошчилигидаги таҳририятда ҳукумат цензурасидан ўтказилади.

Иброҳим Давроннинг 1908 йилда «Туркистон вилоятининг газити»да эълон қилинган «Ҳақ сўз» номли феълетонида мҳаллиф ижтимоий ҳаётда руй бераётган воқеликларни кескин танқид остига олади, мамлакатни Русия босиб олиши билан кириб келган барча

¹ Ибрат И. Луғати Ситта ал-сина. - Т.: Ильин. 1901.; Ибрат И. Санъати Ибрат калами Мирражаб Бандий. Матбаи Исҳоқия. -Тўрақўрғон. 1908; Ибрат И. Жомеъул хутут. Матбааи Исҳоқия. - Наманган. 1912. ЎзР ФА ШИ. Т. Инв. № 621.

² Таҳрирчи. Ахборот//Туркистон вилоятининг газити. 1901. № 30. 4 авг.; Девони Мухсиний. ЎзР ФА ШИ 7392 В, 111^а, 113^а. Фурбат. Девони Фурбат. ЎзР ФА ШИ. Х Инв. № 10067; Иброҳим Д. Ҳақ сўз//Туркистон вилоятининг газ. 1908. № 56. 20 июль.

³ Ибрат И. Мезон-ул замон. ЎзР ФА ШИ. Х, Инв № 11618; Авлоний А. Таржимаи хол. -Т., 1924.

⁴ Таҳрирчи. Ахборот//Туркистон вилоятининг газити. 1901. №30. 4 авг.

иллатларни фoш этади¹. Мақолада Иброхим Даврон халқига Европа тараққиётидан ўрганиш кераклигини айтиб, миллат орасидан етишиб чиққан, европа илм-фан, техника, иш тажрибасини ўзида мужассам этган мумин эътиқодли, мусулмон киёфатли жадиd сифатида Ибратни кўрсатади . Иброхим Даврон мақолада Ибратни бутун

Фарғонада эмас, Урта Осиёда ўз замондошлари орасида илмий мавкеи юқорига тўрган олим бўлганлигини кўрсатиб: « Исхокхон тура олими диния ва фанния ва абадияда устози комиллиги бутун Фарғона жихат Осиёи вустода инкор улунмас даражада бир мавке мумтоза тутмушдир. Исхокхон тура улуми динияда мударрисдир, фунуни дунёвияда билошубху инженер, архитектур, техник ва механик ва физикия илминда тилифунист, тилигрофист ва химик десак яна оздур. Чунки, бу илмларни билур. Исхокхон тура саидзода хам хожи ва олим ва фозил бир зоти олий улуб бу тариқа фазоили инсонияга молик, хам хаттоти азимдур» , деб ёзиб қолдиради. И.Даврон Ибрат фаолиятини бахолар экан, «ёзмок шаънига лойик бир иш»^{1 2 3 4}, деб таъкидлайди. Мақола Ибрат хаёти ва фаолияти, жадиdчилик харакатидаги иштироки, унинг маърифатпарварлик фаолиятини урга- нишда тарихий манба сифатида кимматлидир.

Ибрат Хукон илм ахллари билан хаммаслак бўлган. Шоир Еурбат «Саёхатнома»⁵ номли мусамманида* Ибратни маслакдош дуст, кадимдан ошно бўлганликларини таъкидлаб утади, бу фактлар уни Хукон маърифатпарварлари орасилаги эътиборини кўрсатиб бепали.

¹ Иброхим Д. Хак сўз//Туркистон вилоятининг газети. 1908. №56. 20 июль.

² Уша жойда.

³ Иброхим Д. Хак сўз // Туркистон вилоятининг газети. 1908. №56. 20 июль.

⁴ Уша жойда.

⁵ Еурбат. Девони Еурбат. ЎзР ФА ШИ. X- Инв. № 10067.

* Қрматли асар.

Ибрат хақида замондошларидан Шавкий Намангоний, Мухсинийлар асарларида ҳам берилган бўлиб, Мухсиний «Девону Мухсиний» номли мусамманика Ибратни «Неча таснифи зеболар чиқарган сохиби девон»^{1 2 3} эканлигини таъкидлайди. Чунончи, Мухсин

3

Олимов 1966 йилда ёзган «Муқимийга қасида ва унинг мҳаллифи» номли мақоласида 1915-1917 йилларда Ибрат билан Мухсиний уртасида дустона алоқалар бўлганлигини эътироф этади.

1998 йилда угиллари томонидан нашр этирилган Пулатжон Домулло Хаюмовнинг «Тазкираи Хаюмий»⁴ номли тазкира*сида Ибрат хақида маълумот келтирган мҳаллиф, Ибратнинг замондоши бўлгани ҳолда асарни бутун умри давомида ёзган ва 60 йиллар бошларида тамомлайди. Тазкира уч қисмдан иборат бўлиб, олим хақидаги маълумотлар унинг 2-қисмидан ўрин олади. Мҳаллиф Ибратнинг замондоши бўлиб, уни кўрган ва суҳбатлашган, асарда бошқа манбаларда учрамаган энг муҳим фактлар, Ибратнинг юз тўзилиши, кийими, гавда тўзилиши, ташки кўриниши, муомаласи, жаҳид мунаввари эканлиги хақида ёзиб қолдиради.⁵ Рисолада келтирилган айрим саналар янглиш кўрсатилган. Шунга карамай, Ибратнинг Фарғона водийси олимлари қаторида тазкирага киритилганлиги ахамиятлидир.

20-йиллар иккинчи ярмида ёзилган адабиётларнинг ўзига хослиги шундан иборатки, миллий хусусиятлар сақланиб қолгани ҳолда,

¹ Девони Мухсиний. ЎзР ШИХ, инв. № 7392. 111^а, 113^аварақлар.

² Уша жойда. В. 111^а.

³ Олимов М. Муқимийга қасида ва унинг мҳаллифи. // Ўзбекистон маданияти. 1966. № 10. 2-фев.

⁴ Хаюмов П.Д. Тазкираи Хаюмий. 3-қисм. - Т., 1998.

*

⁵ Хаюмов П.Д. Тазкираи Хаюмий. 2-қисм. -Б. 420.

вокеликларга билдирилган мулоуазаларда унинг таъсири кўринади¹. Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, совет тарихшунослигида вокеликларни сохталаштиришга ўриниш 20 йилларнинг иккинчи ярмидан бошланади. 30 йилларда эса миллийликка қарши бошланган сиёсий тазйик, катагонлик сиёсати зиёлиларни жадиличлик ҳаракати вакиллари ҳаёти ва ижодий фаолиятини ўрганишдан четлаштиради.

Шунга карамай, 50-йиллар иккинчи ярми 60 йиллар совет тарихшунослигида тарих сауифаларидан бутунлай учирилиб кетган жадиличлик ҳаракати ижтимоий ҳаракат сифатида коралансада, унинг иштирокчилари маърифатпарварлик жихатларини ҳисобга олган ҳолда ўрганила бошланади^{1 2}. Тадқиқотчилар тулик коммунистик мафкўра таъсирида бўлганликлари сабабли уар бир фактга тоталитар режим қонуниятлари нуқтаи назаридан ёндошадилар. Шу сабабли жадиличлик ҳаракати улар учун гайри қонуний ҳисобланади. Айрим манбаларда жадиличлик ҳаракати реакцион оқим сифатида кораланади³.

Ибратнинг катагон қилинганлиги муносабати билан унинг фаолиятини ўрганиш 50-йиллардан бошланади. Совет тўзуми давр шарт-шароитидан келиб чиқиб тадқиқотчилар томонидан ёзилган мақола ва рисоаларда бевосита ва билвосита Ибрат ҳаёти ва фаолиятини бир томонлама ёритиш, у яшаб тўрган муҳит билан

¹ Ибрат И. Тарихи маданият. ЎзР ФА ШИ. у, Инв № 10117.

² Тостанов Ш. Формирование советской казахской интеллигенции. -М., 1953; Раджабов З.Ш. Из истории общественно политической мысли таджикского народа во второй половине XIX века и начале XX века. -Душанбе, 1957; Баратов М. Ўзбекистонда маърифат учун кўраш тарихидан. -Т., 1961; Нафигов Р. И. Формирование и развитие передовой татарской общественно-политической мысли. (Очерк истории 1895-1917 гг.). -Казань., 1964. -С.446.

³ Бобохужаев А.Х., Пантуркизм империализмининг идеологик қуроли. -Т., 1954. Б.13; Воспоминания участников гражданской войны в Андижанской области. Выпуск 1. АГПИ, -Андижан: 1957. -С 47; Баратов М. Уша асар; Воуобов М. Ўзбек социалистик миллати. Т., 1960. -Б.536; Формирование ўзбекской социалистической нации. -Т., 1961. - С.588; Кочаров В.Г. Из истории народного образование в Туркестанском края. -Т., 1959. С.97; Непомнин В.Я. Из истории Советского Ўзбекистана. (объединенное издательство ЦК КП /б/ Ўз. («Правда Востока» и «Кизил Ўзбекистон»). -Т., 1946. -С. 40.

хисоблашмаслик уолати, рус маърифатпарварлари даражасига кўтаришга ўриниш ва ёки миллат зиёлиси деган номга карама-қарши уларок, совет олими даражасига етказиб куйиш каби умумийлик хос. Улар ўз асарларида давр талабидан келиб чикиб Исоқхон Ибратни миллат равнаки учун олиб борган уар кандай фаолиятини синфий ёндошиш орқали соуталаштиришга, шу усул билан миллий маданий қадриятларни камситиб, фақат рус тили ва рус маданиятининг тарғиботчиси сифатида кўрсатишга ўринадилар. Аммо уларнинг коммунистик мафкўрага хизмат килувчи асарларида Ибрат ҳаёти ва фаолияти, ижодини акс эттирувчи шундай фактлар ҳам учрайдики, улар воқеликнинг асл мохияти ва ижтимоий аҳамиятини яққол курсатиб туради¹.

50-йилларда Ибрат ҳақидаги дастлабки маълумот Ғ. Каримовнинг VIII-IX синфлар учун ёзилган «Ўзбек адабиёти тарихи» китобида берилган бўлиб, унда мҳаллиф Ибратнинг кискача таржимаи уоли ва шеърый асарларидан наъмуналар беради, шунингдек, унинг поэзияси ҳақида фикр юритиб «мехнаткаш халқнинг огир ҳаётини уакконий баҳолаган»³ - деган хулосага келади.

Ибрат меросини тиклаш ишларига амалий жихатдан ёндошиш 1950 йиллар 2-чи ярмидан бошланади. Бу борада БАРС-51 гуруҳи^{1 2}

¹ Каримов Ғ. Ўзбек адабиёти тарихи. (Дарслик. 8-9 синфлар учун). -Т., 1950. - Б. 308-309; Ҳалилбеков А. Турсунов А. Наманганда биринчи типолитографиянинг очилиши. Коммунист рўз-си. -Андижон. 1960. 10 июнь; Иброуимов М. Тўрақўрғонлик матбаачи//Уосил учун рўз-си. Тўрақўрғон. 1960. 8 дек; Усмон О. Зулмат ичра нур//Шарқ юлдўзи. - 1961 1-2 сонлар. - Б. 132-141; Рус тилининг илк тарғиботчилари. -Т.; 1962; Долимов У. Ибрат маърифатпарвар олим//ҳаёт ва адабиёт, тўплам, ТОШДУ. 1968; Маърифатпарвар шоир. Наманган ҳақиқати рўзномаси. -Наманган. 1968. 19 июнь; Маърифатпарвар шоир Ибрат поэзияси //Филология журнали. Тўплам. ТОШДУ. 1968; Исоқхон Ибрат ва илгор рус маданияти. Тўплам. ТОШДУ. 1970; Ибрат - маърифат куйчиси. Тўплам ТОШДУ-1970; Ибрат- ўзбек тилшунос олими//Ўзбек тили ва адабиёти. -1970. -№ 6; Ибратнинг икки лингвистик асари ҳақида. ТошДУ. Тўплам. -Т., 1971; Туяда келтирилган матбаа. Гулистон. -1972. - № 7. Б.27-28; Уобулов З. Н. Долимов У. Эрк ва маърифат куйчилари. ТошДУ. 1979. -Б.30-39; Ўзбек адабиёти тарихи. 5-том. -Т., 1980; Долимов У. Атоқли маърифатчи//Шарқ юлдўзи. - 1982. -№4. -Б. 186; Ишқинг дилу жона жо бўлибдур. //Ўзбекистон адабиёти ва санъати. - 1987. -13 фев; Бўлибдур. Ҳикояти уч киши//Шарқ юлдўзи. -1990. -№4.

² Каримов Ғ. Ўзбек адабиёти тарихи. УШ-IX синфлар учун дарслик. -Т., 1950. -Б.308-309.

томонидан олиб борилган ишлар тахсинга лойик. Гуруҳ 1951 йил Тўрақўрғондаги 73-урта мактаб география ўқитувчиси Я.Гаффаров томонидан ташкил этилган бўлиб, улар Ибрат фаолиятини ўрганишга 1957 йиллардан киришади. Гуруҳ олиб борган фаолиятдан мақсад ўз улкаси тарихини ҳамда унутилиб бораётган миллат зиёлилари фаолиятларини ўрганиш, халққа етказишдан иборат бўлади. Гуруҳ 40 йилдан ортиқ иш олиб бориб, Ибрат илмий меросини тиклаш ишларини 1990 йилга қадар давом эттиради. Гуруҳ фаолиятига тегишли охириги папканинг биринчи бетида «БАРС-51 гуруҳи рахбарининг, мактаб мўзейлари рахбарларининг 30./III 90 йил Республика семинарида сўзлаган нутки»¹, ёзувлари сақланиб қолганлиги фикримиз далилидир.

Гуруҳнинг бу борадаги фаолиятини акс эттирувчи манбалар Я.Гаффаров кундаликлари², айрим гуруҳ аъзоларининг кундаликлари³, гуруҳ рахбари ва аъзоларининг улкашуносликка оид йигинларда сўзлаган маърузалари⁴, матнлари⁵, республика, вилоят газета ва журналларида эълон қилинган мақолалардир⁶. Бу манбалар системали бўлмаганлиги сабабли тадқиқотчида бир оз мушкулликлар

³ Уша жойда.

¹ Гаффаров Я. Четверть века в поиске. Папка № 4//Ушбу папка Тўрақўрғон шаҳар «Усмирлар саройи», Ишхон Ибрат номи мўзейда сақланади.

² Гаффаров Я. Экскурсия в «Гульбах». Маленькие идут по большому следу. 1959; О Паласман мазаре. 1959; Исхакхан Тура как педагог. 1960; Планы исторического кружка и отряда по следам (Ибрата Исхакхана). 1961; По следам Исхакхан туры. 1961; Дневник. 1966; Дневник краеведа. 1961.

³ Дневник Дилары Ахмеджановой. ученицы ср. шк. № 73.

⁴ Ахмаджанова Д. Доклад. ученицы ср. шк. № 73 Наманганского района, Наманганской обл. Ўзб. ССР для чтения на 4-ом Всесоюзном слёте пионеров и следопытов в Артеке. По следам героев; Речь Ротифхон Исхакова; Сценарий телевизионной передаче из Ташкента. 1972.10.28; Гаффаров Я.Г. Восстановить «Гульбах Ибрата»//К охране исторических памятников родного края 31/III-1973; Охрана памятников - повседневное дело//На областном пленуме общества по охране культурных и исторических памятников. 3-II-73.

⁵ Гаффаров Я.Г. Мы находились в саду Ибрата «Гульбах» 1959; По следам Ибрата. 3-годный отчет. 1962; Розыск. Отчет 1962 г. Дополнение к литературной записи «Дороги открытий». 3/V-1967 г.

⁶ Кадыров А. Там где путешествовал Ибрат. //Андижанская правда. 1961. 11 окт; Долимов У. Маърифатпарвар шоир//Наманган хакикати. 1968. 19 июнь; Признание. Наманганская правда. 1968. 6 сен. Исомиддинов Б. Нормирзаев

Х. Акбаров П. Юксак баҳо. //Учқун. Тўрақўрғон. 1968. 21-нояб.; Абдуллаева А. Мактабдаги хазина//Наманган хакикати. 1977. 24 сен; Шуф Г. По следам Ибрата. //Вожатый. -1979. -№7. -С. 15-19.

тугдиради. Шунга карамай, миллат зиёлиси Ибрат фаолиятини ўрганишдаги дастлабки манбалар сифатида кимматлидир.

Я.Гаффаров кундаликлари манба сифатида кимматли бўлиб, унда гуруҳ томонидан уюштирилган ҳар бир экскурсия таассуротлари бериб борилади. Уларда Ибрат «Гулбоғ»ига уюштирилган экскурсиялар, Ибрат ҳақида унинг хамюртлари, шогирдлари, кўрган, билган кишилар билан қилинган суҳбат матнлари ҳамда Ибратнинг қариндошлари билан олиб борилган суҳбатлар, экскурсиялар асосида тўпланган топилмалар ҳақида ёзиб қолдирилади.

1959 йилда Я.Гаффаров томонидан ёзилган «Гулбоғга саёҳат». «Кичиклар катта изланишда» номли кундаликда гуруҳнинг биринчи мартаба Ибрат гулбоғига ташрифи ҳақида маълумот берилади. Унда экскурсия давомида Ибратнинг «қалам» номли шеъри, «Жоме ул хутут» номли рисоласи ҳамда гулкайчисини топганликлари ҳақида маълумот келтирилади¹.

Мҳаллифнинг 1960 йилда ёзилган «Исхокхон тура - педагог» номли кундалигида¹ БАРС гуруҳининг Ибратни билган инсонлар билан олиб борган суҳбатлари ёзиб қолдирилади. Чунончи, унда Ибратнинг шогирди Искандар Вахобов, Абдугаффор Абдубаев, Санобар Муҳиддинова, Юсуфжон Аҳмедов, сартарош уста Муродилла, Мавлонкул ҳамда Ибратнинг уқувчиси Аҳси кишлоклик Баҳром Мансуровлар билан олиб борилган суҳбатлар матни берилади, Ибратнинг «Раҳмат» номли шеърининг нусхаси келтирилади. Суҳбатлар асосида гуруҳ аъзолари Ибрат фаолияти ҳақида маълумотлар олади. Жумладан, Искандар Вахобов билан

¹Гаффаров Я.Г. Экскурсия в «Гульбах»//Маленькие идут по большему следу. 1959. Рукопись. -С. 2.

Ўтказилган суҳбатда алломанинг «Жоме ул хутут» асари, Зарифахон исмли кизи борлиги, афгон тилини билган ва афгон амири Абдурахмон билан учрашганлиги хақидаги фактларни берган бўлса, Санобар Муҳиддинова унинг «Сантур» номли мусика асбоби бўлгани, Юсуфжон Аҳмедов эса Гулбоғнинг тўзилиши хақида батафсил маълумотлар беради³.

Ибрат фаолиятига оид кимматли маълумотлар гуруҳ аъзоларининг турли йигинларда сўзлаган маъруза матнларида ҳам келтирилган. Жумладан, Д.Аҳмаджонова пионерларнинг IV-Бутуниттифок слётида сўзлаган маъруза матнида гуруҳнинг Ибрат фаолияти бўйича олиб борган ишларини кискача келтиради. Матнда кўрсатилишича, гуруҳ Ибрат изидан 5 та йирик экскурсия уюштирган, 1 экскурсияда Ўзбекистан ва қирғизистоннинг 18 та шаҳрида бўлиб, 1650 км йўл босганлар, 50 дан ортиқ одамлар билан суҳбатлар уюштириб, натижада 6 та қўлёзма асарни кулга киритганлар¹. Топилмалар

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Беруний номли Шарқшунослик институтига топширилиб, тумандаги энг катта 44 чи сон мактаб 1968 йилда Ибрат номига куйилиб, хайкалтарош А.С. Антонов томонидан ишланган Ибрат бюсти 44-мактаб ховлисига куйилади. Бундан кўринадики, гуруҳ Ибрат фаолияти билан кизгин шугулланади.

Улкада тарихий ёдгорликларни сақлаш бўйича Райком секретари билан бўлиб ўтган суҳбатда Я.Еаффоров томонидан хисобот маъруза

¹ Его же. Исхакхан тура как педагог. Туракўрган. 1960. Рукопись. - С. 1-5.

² Гаффаров Я.Г. Экскурсия в «Гульбах». . . . -С. 2.

³ Его же. Исхакхан тура. . . . -С. 1-5.

борган ишлар баён этилади. Маърузада Я.Гаффаров Ибратнинг кўрган каммоми, наشريёти каби «Гулбоғ»и кам йўқолиб кетиши мумкинлиги, уни қайта тиклаб, хордик чиқарувчи масканга айлантириб куйиш кераклиги какидаги мхаммони кутариб чиқади². Бироқ, унинг бу таклифига эътибор берилмайди, натижада гулбоғ йўқолиб кетади. Ибрат какида гурукнинг 1972 йил 28 октябрда Тошкент телевиденияси орқали берган эшиттиришларида келтиришича, гурук аъзоларидан М.Абдуракимова 12 йилдан бери Ибрат фаолиятига тегишли маълумотларни йигишгани, 80 дан ортиқ Ибратнинг замондошлари билан учрашувлар ўтказганликлари,

охири саёкатлари вақтида улар Урта Осиёнинг 3 та республикасида, 18 та шакар, 28 туманида бўлганликлари, Ибратнинг бир неча асарлари топилганлигини эътироф этади. Жумладан, словарь китоби, «Саёкатнома» қўлёзмаси, «Жоме ул хутут» рисоласи, «Илми Ибрат» шеърый тўплами, «Тарихи Фарғона» қўлёзмаси, Ибратнинг мўзлаткичи, чунтак соати, мусиқа асбоби мана шундай топилмалардандир³, деб ёзиб қолдиради. Топилмалар Ибрат каётини ёритиб берувчи тарихий, моддий ва маънавий ёдгорликдир.

1961 йилдан гурук аъзолари Наманган улкашунослик мўзеи, Қўқон адабиёт мўзеи, Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик института олимлари билан алоқа ўрнатадилар. Бу кагда 1973 йилда вилоят тарихи ва маданий ёдгорликларни сақлаш жамияти пленумида Я.Г.Гаффаров томонидан сўзланган маъруза матнида^{1 2 3 4}

¹ Ахмаджанова Д. По следам героев//Доклад ученицы ср. шк. № 73. Наманганского района, Наманганской обл. Ўз. ССР. Для чтения на 4-том Всесоюзном слёте пионеров и следопытов в Артеке.

² Гаффаров Я.Г. Восстановить «Гульбах Ибрата»//К охране исторических памятников родного края. 31/III. 1973.

³ Сценарий телевизионной передачи из Ташкента. 1972. 28 окт. С. 17-18.

⁴ Гаффаров Я.Г. Охрана памятников повседневное дело//Выступление на областном пленуме общества по охране культурных исторических памятников. -Н., 1973. -С. 1.

хамда шу йили унинг Тўрақўрғон туман кумитаси секретари билан ўтказилган суҳбати¹ матнида келтирилади. Матнда кўрсатилишича, 10-12 йил давомида гуруҳ томонидан тўпланган Ибратнинг ёзма манбалари юқоригада кўрсатилган тадқиқот марказларига етказиб берилади . Я.Гаффаров эътироф этишича, гуруҳ ёрдамида Қўқон адабиёт музейида Ибратга бадиҳаланган стенд ташкил этилади^{1 2 3}.

Барс-51 гуруҳининг Ибрат фаолияти бўйича олиб борган ишлари вақтли матбуотда чоп этилган. Адодиров 1961 йил «Андижон хақиқати» рўзномасида эълон қилган «Ибрат саёҳатда бўлган жойлар» номли мақоласида Ибратнинг сайёҳ сифатида ҳам ном қозонганлигини ёзиб қолдиради. Бинобарин, унинг хаж сафари, 1914 йилдаги Чотқол тизма товлари буйлаб қилган саёҳати ва 1961 йилда БАРС-51 гуруҳининг худди шу йўналишда саёҳатга чиққанлигини, бу саёҳатнинг йўли - Наманган, Уйчи, Янгикуртон, Нанай, Подшо ота буйлаб ўтиши кераклигини кўрсатиб беради⁴.

1968 йил «Наманган хақиқати» рўзномасида «Эътироф» номида тахририят хабарнома нашр этиб, 44-мактаб ховлисига хайкалтарош А.С.Степанов томонидан Ибратнинг бюсти ўрнатилганлиги хақидаги маълумот берилади⁵.

У. Долимов «Маърифатпарвар шоир» номли мақоласида Ибрат фаолиятини ўрганишда БАРС-51 гуруҳи ишларини кўрсатиш билан бирга Тўрақўрғондаги 44-урта мактабга «Исхокхон Ибрат» номи берилганлигини кайд этади⁶.

¹ Уша мхал. Восстановить «Гульбах Ибрата»//К охране исторических памятников родного края. 1973. 31 март.

² Гаффаров Я.Г. Восстановить «Гульбах Ибрата». //К охране исторических памятников родного края. 31/Ш. 1973.

³ Гаффаров Я. Охрана памятников. ... -С. 1.

⁴ Кадыров А. Там, где путешествовал Ибрат//Андижанская правда. 1961. 11 окт.

⁵ Ред-я. Признание. Наманганская правда. 1968 6 окт.

⁶ Долимов У. Маърифатпарвар шоир//Наманган хақиқати. 1968. 19 июнь.

«Учкун» рўзномасида чоп этилган «Юксак баҳо» номли хабарномада мҳаллифлар Я.Гаффаров ташкил қилган БАРС-51 гуруҳининг Исоқхон Ибрат фаолиятини ўрганиш борасидаги ишларини наъмунали деб баҳолайдилар¹.

70 - йилларда Москвада нашр этилган «Вожатый» номли журналда БАРС-51 гуруҳининг Ибрат фаолияти бўйича олиб борган ишлари ҳикоя қилинади, бу маълумотлар БАРС-51 гуруҳи фаолиятининг бадийлаштирилганлиги билан ўзига хос^{1 2}.

Х,ар бир тарихий жараён сиёсий манфаат асосида юзага келади. 70 йилдан ортиқ совет тўзуми шароитида яратилган тадқиқотлар ҳукмрон коммунистик мафқўра талаби остида чекланган, шу жамият акидаларига мослаштирилган. Шунга карамай вақтли матбуот материаллари давр тарихини аниқлашда, мҳаллифларнинг миллат зиёлилари фаолияти, ишларини халққа кўрсатишга киришганликларига далилдир.

Тадқиқотлар натижасида тўпланган манбалар 50 - йиллардан Ибрат ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш кучайиб борганлигини кўрсатади. Бу даврда вақтли матбуотда Ибрат фаолиятига оид қатор мақолалар нашр этилган.

М.Иброуимов 1960 йилда ёзган «Тўрақўрғонлик матбаачи»^{3 4} номли мақоласида Ибратнинг ёшлик йиллари, хорижга саёхати, типолитографияси ҳақида далиллар беради. Бироқ, улар асосланмаган бўлиб, мақоланинг изчил тадқиқот асосида ёзилмаганлигини кўрсатади ва илмий қимматини туширади .

¹ Исомиддинов Б., Нормирзаев Х., Акбаров Г. Юксак баҳо//Учкун. Тўрақўрғон. 1968. 21 нояб.

² Шуф П. По следам Ибрата//Вожатый. -1979. -№ 7. С. 15-19.

³ Иброуимов М. Тўрақўрғонлик матбаачи//Х,осил учун. Тўрақўрғон. -1960. -8 дек.

⁴ Уша жойда.

Андижон вилоят «Коммунист» рўзномасида эълон қилинган, А.Далилбеков ва А.Турсуновларнинг «Наманганда биринчи типоли-тографиянинг пайдо бўлиши»¹ деб номланган мақоласи бу борада дастлабки тадқиқот. Мақолада матбаа ишларининг Туркистонда пайдо бўлиши, ўзбек тилидаги рўзнома, журнал ва китобларнинг чоп этилишига, зиёлиларнинг миллат тараққиёти йўлида ёзган мақолаларининг пайдо бўлишига олиб келганлиги ёритилади. Мҳаллифлар бундай босмаҳоналар сифатида Ибратнинг 1908 йилда ташкил қилган «Матбааи Исхокия» босмаҳонасини кўрсатганлар ва унда босмаҳона 1907 йилда барпо қилинган деб янглиш келтирилади. Мақола «Матбааи Исхокия» деб аталган бу тошбосма Нодимнинг кадрдонларидан бири, уша даврнинг прогрессив шоири Ибрат томонидан бунёдга келтирилган эди. Босмаҳонанинг барпо этилиши Туркистоннинг чекка вилоятларидан бўлган Наманган уезди ва умуман Фартона водийси маданий ва маърифий ҳаётида ижобий воқеа бўлди», каби мулоҳаза билан тугалланади. Н.Г. Чабровнинг 1954 йилда чоп этилган «Туркистонда революцияга қадар маҳаллий тошбосма ва чопхоналар тарихидан»^{1 2 3} номли рисоласида келтирилган Ибрат босмаҳонаси ҳақидаги хабарни эътиборга олган ҳолда, мақола Коммунистик мафкўра ҳукмронлик қилган совет тўзуми шароитида ёзилган дастлабки илмий ишдир. Бинобарин, тадқиқотчилар мақоласи тўзум мафкўраси талаблари асосида ёзилиб, манбалар шу асосда танлаб ёндошилган.

¹ Халилбеков А., Турсунов А. Наманганда биринчи типоли-тографиянинг пайдо бўлиши. Андижон//Коммунист. -1960. -10 июнь.

² Уша жойда.

³ Чабров Н.Г. Из истории полиграфии и издательства на местных языках в дореволюционном Туркестане. (1867-1919). Труды САГУ. Выпуск 37. Исторические науки. Кн. 7. -Т., 1954. С. 81.

60-йиллардан то Ўзбекистон мустикалликка эришгунига қадар Ибрат фаолиятига оид мақолалар¹ ҳамда О.Усмоннинг 1962 йилда «Ўзбекистонда рус тилининг илк тартиботчилари» номли рисоласи чоп этилади. О.Усмоннинг 1961 йилда «Шарқ юлдўзи» журналининг 1-2 сонларида «Зулмат ичра нур»^{1 2 3 4} номли мақоласи жамоатчилик томонидан қизиқиш билан кутиб олинади. Коммунистик мафкўра хукмронлик қилган ҳар қандай миллий қарашлар миллатчилик сифатида қораланаётган бир даврда бундай мақола билан чиқиш жасорат талаб қилар эди. Мақолада тарихий воқелик тўзум мафкўра таъйиқи остида маълум бир мақсад ва манфаатлар нуқтаи назаридан синфий ёндошилиб, бўзиб талқин қилинади. О.Усмон мақоланинг кириш қисмида ўз қарашларини синфий ёндошув орқали бериб, туркистонликларнинг илм-фан тараққиётга бўлган қизиқишини «Урта Осиёнинг Россия давлатига қушиб олиними натижаси» сифатида баҳолайди. Миллат зиёлиларини эса «улут рус халқига, унинг маданияти ва тилига зур ҳурмат билан қараб, рус маданиятига эргашишга ва ундан ибрат олишга даъват қиладилар, рус тилига эса илм-маърифат манбаи ва воситаси сифатида муҳаббат билан қараб, уни ўрганишга тартиб қиладилар»⁵, деб XIX аср охири XX аср бошларида яшаб ўтган маърифатпарвар жадиждлар номларини келтириб, маҳаллий халқни рус халқи билан қушилиб кетаётган, бунинг оқибат натижаси «Улут Октябрь Социалистик

¹ Иброхимов М. Тўрақўрғонлик матбаачи//Х,осил учун. Тўрақўрғон. 1968. 8-дек; Усмон О. Зулмат ичра нур//Шарқ юлдўзи. 1061. 1-2 сон. Б. 132-141; Долимов У. Ибрат маърифатпарвар олим//Х,аёт ва адабиёт. № 331. Т отггДУ. 1968. Б. 109-119; Маърифатпарвар шоир//Наманган хақиқати. 1968. 19 июнь; Ибрат - ўзбек тилшунос олими//Ўзбек тили ва адабиёти. -1970. -6-сон. -Б. 76-77; Туяда келтирилган матбаа//Гулистон. -1972. -№ 7. -Б. 27-28 ва ҳақозо; Сатторов М. Исхокхон Ибрат//Машъал. Тўрақўрғон. 1992. 17-дек.

² Усмон О. Ўзбекистонда рус тилининг илк тартиботчилари. - Т.: Фан, 1962.

³ Усмон О. Зулмат ичра нур//Шарқ Юлдўзи. -1961. -№ 1-2. -Б. 132.

⁴ Уша жойда.

⁵ Усмон О. Зулмат ичра нур//Шарқ юлдўзи. -1961. -№ 1-2. -Б. 132.

революцияси»гача бориб етганлигини астойдил исботлашга ўринади¹. Бу борада тинмай захмат чеккан инсон сифатида Ибратни кўрсатиб, унинг «XIX аср охирларидан бошлаб, то умрининг охиригача рус тили ва рус маданияти хақидаги карашлари хали ўрганилмаган»^{1 2 3} зиёли сифатида баҳолайди.

Мақолада О.Усмон Ибратнинг ёшлиги, сўнгра Қўқондаги Сиддик Тунқатор мадрасасида укиган йиллари хақида ахборот бериш билан чекланади, бунга сабаб совет тўзумининг эски мактаб ва мадрасаларни «фанатизм кучоғи» сифатида айблашлари хамда диний илмларни ўқиш, ўрганиш совет мафкўрасига тўғри келмаслиги бўлган. Бироқ, мҳаллиф Ибратнинг шарқ мамлакатларининг энг асосий тиллари - араб-форс тилини мукамал ўрганганлиги хақида дадил фикр юритиб, аниқ фактлар билан тўғри хулосалар беради . Унинг хаж сафарини эса «Шарқ мамлакатларига саёхат қилиш учун сафарга чиқди»⁴, каби талқин қилади. Бу сафар хаж сафари эканлиги Ибратнинг «Жоме ул хутут» асарида⁵ хамда замондошларидан П.ДДаюмовнинг «Тазкираи қаюмий» рисоласида^{6 7} келтирилади.

Мҳаллиф бу сафар Ибратнинг «Туркистоннинг Россия давлатига кушиб олинишининг прогрессив окибатларини тезрок тушуниб етишига ёрдам берган» , деган хулосага келади.

У мақолада Исхокхоннинг хориж сафаридан кайтгач, ёзган «Луғати Ситта ал-Сина» номли китобининг яратилишини, рус тилини

¹ Уша жойда.

² Уша жойда.

³ Уша жойда. Б. 133.

⁴ Уша жойда.

⁵ Ибрат И. Жоме ул хутут. Наманган. 1912. ЎЗР ФА ШИ. Т. инв. № 621. Б. 5.

⁶ қаюмов П.Д. Тазкираи қаюмий. -Т., 11-қисм. -1998. Б. 420.

⁷ Усмон О. Зулмат ичра нур. ... Б. 134.

тарғиб қилиш¹, деб хулоса қилади. Бироқ, тадқиқотлар натижасида Ибрат жахон илм-фани, техникаси ютуқларини эгаллаш учун хориж тилларини билишнинг зарурийлигини тушуниб етиши бўлганлигини кўрсатади. Бу уақда у асар сўзбошисида: «Афғонистон, Хиндистон ва Форсистон шауарлар саёхатида ... уар лисон сафар аулина юз олтун баробаринда ишладиги биза мушоуада бўлиб, бу лисонлар таусилига кушиш»^{1 2} этганлигини ёзиб қолдиради.

О.Усмоннинг, Ибрат рус тилини биринчи ўринга қўйган, деган фикрини исботлашга ўринганлигини яна шунда ҳам қуриш мумкинки, у мақолада «... ўзбекча сўзлар ... уларнинг қаршисида ... русча арабча, форсча, туркча ва уиндча сўзлар берилган³лигини кўрсатган. Асарда Ибрат буни: «Ва жилди соний жамеъ исмлар ўз муносабатлари ила тартиб этилди, яъни олти сатр ила улуб, жилди ... аввал форсий, иккинчи арабий, учинчи туркий, туртинчи сартча, бешинчи уиндча, олтинчи русча ашёлар жумла муносабатлари иладир⁴» - деб ёзади. О. Усмон бу каби мулоуазалари билан уша даврда ҳам Ибратнинг тараққийпарвар жаид эканлигини халққа кўрсата олган. Жумладан, Исоқхоннинг «Тарихи маданият», «Тарихи Фарғона» асарларига берилган кискача тахлилда мафкўравий никоб айнан кўринади¹. Мақола сўнгида О.Усмон: «Рус тили ва Европа таълим системасининг, илгор рус маданиятининг ва дунёвий фанларнинг оташин тарғиботчиси бўлиши, Исоқхон ўз авлодларига қолдирган бой илмий ва маданий мероси билан тарихимизда ўзининг муносиб ва фахрли ўринни олажагига

¹ Усмон О. Зулмат ичра нур//Шарқ юлдўзи. -1961. -№ 1-2. -Б. 132.

² Ибрат И. Луғати Ситта ал сина. -Т.: Ильин. -1901. Б. 2.

³ Усмон О. Зулмат ичра нур. ... Б. 136.

⁴ Ибрат И. «Луғати Ситта ал-сина». Б.2.

ишонамиз»^{1 2 3}, дейди. Бу ўринда у рус тили (тарғиботчиси) дейиш билан Ибратнинг «Луғати ситта ал сина» рисоласининг яратилганлигига, «Европа таълим системаси» (тарғиботчиси) деганда унинг усули савтия мактабларига муносабатига, илгор рус маданияти ва дунёвий фанлар дейиши билан Ибратнинг Европа илм-фан, техникасига бўлган муносабатига эътибор каратади. Бундан Ибрат рус тили ва рус маданияти тарғиботчиси эмас, балки миллатнинг илгор, таракқийпарвар, жадид зиёлиси эканлиги кўринади.

Мазкур мақола асосида 1962 йилда О.Усмоннинг «Ўзбекистонда рус тилининг илк тарғиботчилари» номли Сатторхон ва Ибрат фаолиятига бағишланган китоби нашр этилади. Асарда мҳаллиф уларнинг атоқли маърифатпарвар, рус тилининг илк тарғиботчилари сифатидаги фаолияти турли хил манбалар асосида кенг ва хар томонлама ёритиб берилганлиги⁴ни кайд этади.

Ибрат хаёти ва фаолияти юзасидан тадқиқот олиб борган У. Долимов совет даврида 10 га яқин мақола чоп эттиради, «Ўзбек маърифатпарвар шоири Ибратнинг хдёти ва ижоди»⁵ номли илмий тадқиқот иши олиб боради.

У. Долимов 1971 йилда ёзган тадқиқотида¹ Ибрат фаолиятига оид манбаларни тўплайди ва илмий тахлил қилади. Бироқ, тадқиқот совет тўзуми шароитида ёзилади, шунинг учун Ибрат хаёти ва фаолияти тўзум мафкўрасига мослаштирилади. Ибратнинг мадраса тахсили, хаж сафари, жадид мактаби асосчиси эканлиги, маърифатпарварлик

¹ Усмон О. Зулмат ичра нур//Шарқ юлдўзи. -1961. -№ 1-2. -Б. 41.

² Усмон О. Зулмат ичра нур//Шарқ юлдўзи. -1961. -№ 1-2. - Б. 143.

³ Усмон О. Ўзбекистонда рус тилининг илк тарғиботчилари. -Т.: Фан. -162.

⁴ Уша ерда. Б. 1.

⁵ Долимов У. Ўзбек маърифатпарвар шоири Ибратнинг хаёти ва ижоди. фил. фан. ном-ди унвонини олиш учун ёзилган дис-я. -Т., 1971.

фаолияти ахамияти пасайтирилган холда кўрсатилади. қози бўлганлиги, катагон қилинганлиги, ўғлининг совет ҳукумати томонидан отиб юборилганлиги, жаҳидчилик ҳаракатининг илгор вакили эканлиги каби маълумотлар тадқиқотчи эътиборидан четда қолади. Ишда асосан Ибратнинг шеърӣ хамда тилшунослик асарлари таҳлил қилингани холда «Тарихи Фарғона», «Тарихи маданият», «Мезон ул замон» асарлари ҳақида қисқача маълумот бериш билан чекланилади.^{1 2 3} Бинобарин, бу тадқиқотлар миллат зиёлиси Ибрат фаолиятини ўрганиш борасида ўз даври учун жасорат

бўлиб, Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришгач У. Долимов бу иш асосида совет мафкўрасидан холи «Исҳоқхон Ибрат» номли рисоласини нашр эттиради. У Долимовнинг рисоласи Ибрат ҳаёти ва ижодий фаолияти юзасидан олиб борилган анча мукамал тадқиқотдир. Рисолани таҳлил қилишда О.Усмоннинг «Ўзбекистонда рус тилининг илк тарғиботчилари» номли рисоласи билан таккослаш мақсадга мувофиқ.

О.Усмон рисолада Ибратни таърифлаб «Фуркат ва Сатторхонлар традициясини давом эттирганлардан бири»⁴ деб кўрсатса, У. Долимов «Уйғониш даврининг етук намояндаси»⁵ - деб баҳолайди. Манбаларда Ибратнинг Қўқон илм ахллари, Мукумийлар билан алоқаси, рус ҳукумати Туркистонни босиб олгач, шарқона билимлар билан чекланиб қолмай, европа илм-фани, техникасини эгаллашга иштиёқ билан киришган эканлигини қуриш мумкин.

¹ Долимов У. Ўзбек маърифатпарвар шоири Ибратнинг ҳаёти ва ижоди. Филол. фан. ном-ди. дис. -Т., 1971.

² Долимов У. Ўзбек маърифатпарвар шоири Ибратнинг ҳаёти ва ижоди. Филол. фан. ном-ди. дис. -Т., 1971.

³ Исҳоқхон Ибрат. - Т.: Шарқ. 1994.

⁴ Усмон О. Ўзбекистонда рус тилининг илк тарғиботчилари. -Т.: 1962. Фан. -Б.40.

⁵ Долимов У. Исҳоқхон Ибрат. -Т.: Шарқ. 1994. -Б.6.

О.Усмон Ибратнинг ёшлик йиллари хақида кискача ахборот
¹ тарзида ёзган, У. Долимов эса Ибратнинг «Илми Ибрат»,
³ ⁴ ⁵ ⁹

«Марсиялар», «Мезон ул замон», «Жоме ул хутут» асарлари ҳамда олимни билган инсонлар билан суҳбатлар асосида фактлар келтиради. Мҳаллиф, Ибратнинг ёшликдаги олган таълими хақида ёзар экан, унинг «Мезон ул замон» асарига асосланиб, дастлабки маъ- лумотни онасидан олганлигини эътироф этади⁶, бинобарин бу мулохазалар унинг ёшлик йилларида олган таълим ва тарбиясида оилавий мухитнинг роли катта бўлганлигини кўрсатади.

У. Долимов Ибратни мадрасада ўқиб юрган кезлари жадид матбуоти, И.Гаспдали ғоялари билан таниш бўлганлиги, шу асосда биринчи жадид мактаби очганлиги хақидаги маълумотларни келтиради. О.Усмон эса давр тақозоси билан бу воқеликларни четлаб утади.

Ибратнинг 1887 йилда хаж сафарига борганлиги икки мҳаллиф асарида ҳам ахамияти пасайтирилган ҳолда кўрсатилиб, бунини О.Усмон «Шарқ мамлакатларига саёхат қилиш учун сафарга чиқди», деб таърифласа, У. Долимов «онасининг илтимосини бажариш учун хажга олиб боради»⁹ - деган хулосани беради, аслида бу сафар хаж сафари эканлигини юқоригада кўрсатиб утдик.

Ибратнинг олим сифатида шаклланиши ва бунда хориж сафа- рининг

¹ Усмон О. Уша жойда.

² Ибрат И. Илми Ибрат. Матбааи Исмоилия. -Тўрақўрғон., 1909. -Б.15.

³ Уша мҳал. Марсиялар. Б.82. У. Долимов шахсий кутубхонасида сақланади.

⁴ Уша мҳал. Мезон ул замон. ЎзР ФА ШИ. қ. Инв. № -11618. -Б. 36-37.

⁵ Уша мҳал. Жоме ул хутут. Наманган. 1912. ЎзР ФА ШИ. қ. Инв. № -621.

⁶ Долимов У. Исмоил Ибрат. ... -Б.8.

⁷ Долимов У. Исмоил Ибрат. ... -Б.11.

⁸ Усмон О. Ўзбекистонда рус тилининг ... -Б.40.

⁹ Уша китоб. Долимов У. ... -Б.12.

«Жоме ул хутут» асари, Иброхим Давроннинг «Хак сўз» мақоласи¹, Ўзбекистон Давлат архиви манбалари асосида тахлил қилган ва давр мафкўрасига мослаштириб: «Бу сафар Исхокхоннинг Туркистонни Россия давлатларига кушиб олиншининг прогрессив окибатларини тезроқ тушуниб етиш учун ёрдам берди»³ - деб хулосалайди. У. Долимов бу манбаларга асосланиш билан бирга эътиборини Ибратнинг хориждан олиб келган моддий ашёлари ва уларнинг аҳоли онгига таъсирига қаратганлиги билан ўзига хос. Рисолада У. Долимов «Баъзи бир мутаассиблар Европа ва Россиядан кириб келаётган илм-фан, маданият ва техника янгиликларига, хорижий тилларни ўрганишга қаршилигини эътироф қилиш билан бир пайтда халқни бундай янгилик ашёлари билан ошно қилиш, хорижий гарб тилларини ўрганишга даъват қилиш катта воқеа эди»⁴ - деб ёзади. Бу икки хулосадан ҳам Ибратнинг ўз даврида жаидча дунёқараш сохиби бўлганлигини англаб олиш кийин эмас.

О.Усмон Ибратнинг «Жоме ул хутут» асарини тахлил қилганда ҳам рус тили тарғиби нуқтаи назаридан иш юритади. Аммо асардан кучирмалар келтириш орқали, унинг бутун жахон халқлари тиллари ва ёзувларини, харф ва калималарини ўрганиш билан мамлакат тараққиётига эришиш мумкинлиги ҳақидаги мулохазаларини кўрсатиб беради. Мҳаллиф Ибратни ҳукумат хати бўлган рус тили миллатимиз учун зарурий бўлган биринчи хат эканлиги, бошқа диндаги халқлар тилларини ўрганиш дин ва шариатга хилоф эмаслиги ҳақидаги мулохазаларини асардан олинган кучирмалар^{1 2 3 4}

¹ Даврон И. Хак сўз//Туркистон вилоятининг газети. 1908. 20 июль.

² Ўз МДА. 1009 фонд, 115 дело, 16 варақ.

³ Усмон О. Уша асар. ... -Б.43.

⁴ Долимов У. Исхокхон Ибрат ... -Б.17.

орқали исботлаб беради¹. Бу фактларни беришда ўз даври сиёсатидан чикиб кетмаслик учун уламоларни «реакцион рууонийлар», «мутаассиб уламолар» каби айбловлардан кенг фойдаланади.

Асар ҳақидаги У. Долимов келтирган далиллари асосланган. Манбани ўрганар экан, у Ибратнинг Россияга бўлган муносабати ҳақида: «Россиянинг Урта Осиёга қарши олиб борган боскинчилик
~ 2

сиёсатини каттик коралайди», деган хулосага келади.

О.Усмон Ибратнинг матбаачилик фаолиятини рус маданиятининг Исоқхонга кўрсатган таъсири деб, Н.Г.Чабров томонидан келтирилган фактларга асосланиб, босмахонанинг ишга тушган санасини 1908 йил бўлгани холда 1909 йил^{1 2 3 4} деб, янглиш кўрсатади. Ибратнинг маърифатпарварлик соҳасидаги амалий фаолиятини Урта Осиёнинг рус укуматига кушиб олинишининг ижобий оқибатлари сифатида баҳолайди. Ибратнинг усули савтия мактабларига муносабатини «рус таълим системаси таъсирида вужудга келди», дейди ва Ибрат бу мактабларни тарғиб қилиб, реакцион рууонийлар уужумидан уимоя қилган деб хулоса қилади⁵. Жадинларни «реакцион ислохотчилар», «миллий буржуазия вакиллари»⁶ деб, унинг маориф соҳасидаги мақолаларини жадинларга берилган зарба сифатида кўрсатади. Жадинлар мақсадларини «дунёвий фанлардан ислом акидаларига мослаб фойдаланиш, онгни бегона таъсирлардан тозалаб ислом динини мустаукамлашни олдинга сурар эдилар»¹ - деб кўрсатади. У

физини М.Рухоборнинг «Ўзбек советизмнинг мундирини» номли 1960

¹ О.Усмон Ўзбекистонда рус. ... -Б.44.

² Долимов У. Исоқхон Ибрат. ... -Б.29.

³ Усмон О. Уша асар. ... -Б.57.

⁴ Уша жойда. -Б.58.

⁵ О.Усмон Ўзбекистонда рус. ... -Б.60.

⁶ Уша жойда. -Б.61.

йилда нашр қилинган китобидаги бу борадаги фикри^{1 2 3} билан исботлайди. Мҳаллиф Ибратни ўз карашлари билан кадимлардан ҳам, жадиждлардан ҳам юқорига тўрган маърифатпарвар, деб баҳолаб, ўз мухитидан ажралиб чиққан, пайдо бўлган янгиликларни улугловчи, рус тили ва дунёвий фанларни ўз халқи уртасида тарғиб қилувчи, Европадаги бошқа бир неча халқлар тилларини ўзлаштириб, ўз даврига нисбатан «адимулмисол» олим бўлиб етишади, деб таърифлайди. Рисола ниуоясида О.Усмон Ибратни дунёвий маърифат билан бир қаторда диний маърифатни ҳам тарғиб қилганлигини танкид қилиб: «Чунончи, у диний дунёкараш таъсири остида исломнинг низомномалари, конун-қоидалари тасвирланган «Фикхи-Кайдоний» ҳамда пайгамбарлар ҳаётига бағишланган катта уажмдаги /қарийб 500 сауифа/ «Мушкулот ул-гаройиб» деган асарларни араб ва форс тилларидан ўзбек тилига назм билан таржима қилади»⁴ - деб кўрсатади. Бундан қуриш мумкинки, О.Усмон реакцион гуруҳ деб кўрсатган жадиждлардан Ибратнинг уеч бир фаркли жихати қолмаган, балки, Ибратнинг жадижд намояндаси эканлиги ўз исботини топган. Манбанинг асл киёфаси ўзгартирилсада, мохият ўзгармай қолган.

О.Усмон ва у билан бир даврда яшаб ижод этган олимлар Ибрат ва у каби инсонлар карашлари ҳақидаги фактларни нашр эттириш учун уларни сохталаштиришга мажбур бўлганлар. қулимизда сақланаётган О.Усмон томонидан 1961 йил 25 июнда БАРС-51 гуруҳи раубари Я.Гаффаровга араб имлосида ёзилган мактуб¹ совет тўзуми шароитида миллат зиёлиларига бўлган муносабатнинг ёркин

¹ Усмон О. Уша асар. ... -Б.66.

² Вауобов М. Ўзбек социалистик миллати. -Т.: 1960. -Б.209.

³ Усмон О. Уша асар. ... -Б.73.

⁴ Усмон О. Ўзбекистонда рус. ... -Б.81.

наъмунасидир. Жумладан, бу ҳақда мактубда: «Сиз билан биз устимизга жуда отир ва машаққатли вазифани олган эканмиз, сиз ўзоқда кўп нарсадан хабарсиз холда таажжублансангиз керак. Дастлабки, хатингизда бу ҳақда ёздингиз ҳдм. Мен эса бу масаланинг нақадар отир ва машаққатли эканини, бу ердаги «кўраш гирдобиди» жуда яшириб ёздим. Лекин, тўтган йўлингиз ҳаққоний йўллиги учун бу кийинчиликларга бардош бериб, каттик кўрашга отландим. Шунуқтаи назардан хатто шарқ ва тарб, хусусан, русия маърифатчилари ва бидъатчиларинда XV-XIX асрлар мобайнидаги ижодий ва ҳаёт - фаолиятларини ўрганиб чиқишга тутри келди. ...

Вазият шундай қилишга мажбур этаётир. Ҳдтто сизнинг мактубингизни /ниуюят даражада таъсирли ёзилгани учун/ айрим уртокларга, раубар уртокларга кўрсатиб балога ҳам қолдим. Бу ерда ҳам айрим уртокларнинг масалага нотутри ёндошишлари /каттик кўраш олиб бормасак/ катта зарар келтириши мумкин. Бироқ, кўпчилик олимлар ва ёзувчилар журналдаги мақоламизни тулалигича маъқўллашди. Менимча бу кўраш йўлидан сиз ҳам кайтмасангиз керак. Сизнинг ташаббусингиз билан қилинган ишлар ҳаққоний эди ва воқеа ва ҳодисотларни ўрганишда катта хисса бўлиб кушилади»¹. Мактубда келтирилган бу фактлар О.Усмоннинг Ибрат фаолиятини мажбурият юзасидан сохталаштирганлигини очиб беради, деб хулоса чиқаришга асос бўлади.

У. Долимов рисолаи мустақиллик шароитида ёзганлиги учун у сиёсий тазйиклардан холи бўлган, шу туфайли Ибратнинг аср бошларида жадиждчилик ҳаракатининг бошловчиларидан бўлганлигини

¹Усмон О. Я. Гаффаровга ёзилган хат. 1961. 25 июнь. Хат кулимизда сақланади.

эътироф этиб, 1-чи жаид мактаби асосчиси сифатида келтиради². Унинг барча фаолиятлари миллий тараққиёт учун хизмат эканлигини ўз асарида кўрсатиб беради. Бинобарин, рисолада эътиборга молик бўлмаган эътирозли ўринлар ҳам бор.

У. Долимов Ибратни 1914 йилда Тўрақўрғонда рус мактаби очганлиги ҳақидаги маълумотни беради³, бироқ тадқиқотлар натижасида бу маълумот ўз исботини топмади. 1994 йилда нашр қилинган рисолада «Наманганнинг уозирги «Ударник» босмахонаси «Матбааи Исоқия» асосида ташкил топди»⁴ - деган маълумот берилади. Ваюланки «Ударник» босмахонаси 1991 йилдан «Исоқхон Ибрат» номи билан атала бошланган. Аммо, бўлар рисоланинг илмий қимматини пасайтирмайди.

Ибрат ҳаётининг сўнгги йиллари О.Усмон рисоласида 1925 йилларга қадар бўлган маълумотлар, яъни «Тарихи маданият» асарида кутарилган мҳаммоларга қисқача муносабат билдириш билан тугалланади. Чунки, рисола 1962 йилда ёзилган бўлишига қарамай, мустикалликка қадар катагонлик сиёсати оқибатларини ўрганиш, унинг уақиқий мазмунини очиқ бериш мумкин бўлмайди. Шу тўғрисида мҳаллиф Ибратнинг 1925 йилдан кейинги фаолиятига ортиқча тўхталмайди.

У. Долимов номзодлик ишида ҳам: «Исоқхон Ибрат ижодий ва амалий фаолияти билан кизгин шугулланаётган бир вақтда, 1937 йил апрель ойида, 75 ёшида вафот этди»⁵ - деган фикр билан^{1 2 3 4 5}

¹ Усмон О. Я. Гаффаровга ёзилган хат. 1961. 25 июнь.

² Долимов У. Исоқхон Ибрат. ... -Б.11.

³ Уша асар. ... -Б.58.

⁴ Долимов У. Исоқхон Ибрат. ... -Б.63.

⁵ Долимов У. Ўзбек маърифатпарвар шоири Ибратнинг ҳаёти ва ижоди. Фил-я фанлари номзоди дис. Т., 1971. -Б.82.

чекланилади. Бу вокелик мҳаллифнинг «Исоқхон Ибрат» номли рисоласида руйи-рост очиб берилади. Унда маҳаллий уукумат томонидан ўтказилган тазйиклар, такикланган китоблар такдири, олимнинг Андижон турмасида вафот этганлиги, Сталин катагонининг туб мохияти ҳақидаги фикрлар билдирилади¹.

Ибратнинг ўғли Р. Исхрков 1959 йил 2 октябрда уни тула окланганлиги ҳақидаги Андижон вилоят прокуратурасидан маълумот олишга эришади. Бу маълумот бугунги кунда Тўрақўрғондаги «Исоқхон Ибрат» номли мўзейда сақланади, бинобарин «Фан ва турмуш» журналининг 1995 йил 4 сонидан чоп этилган «Исоқхон Ибрат» номли мақоламизда бу уақдаги маълумот эътироф этилади .

Собик иттифокнинг сўнгги даври, қайта қуриш йилларида мавзу бўйича ёзилган асарлар тадқиқотчилари диққат эътибори миллий манбаларга қаратилади. Жумладан, У. Долимов Ибратнинг шеърларини³ матбуотда чоп эттиради. Бу эса ўзбек халқининг миллий кадриятларни тиклашга бўлган эътиборини кучайиб бораётганлигидан дарак беради.

Тадқиқ этилаётган мҳаммо тарихшунослигига оид иккинчи туркум рисола ва мақолалар республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг ёзилган¹. Бу ишларни совет даврида яратилган тадқиқотлардан фарқи мҳаллифлар бу даврда тарихий ҳақиқатга холисона ёндошади.

Мустақиллик шарофати билан тадқиқотчиларнинг миллий зиёли, ишбилармон, мулкдор катламлар ҳаёти ва фаолияти, ёзган асарларига

¹ Уша мҳал. Исоқхон Ибрат. ... -Б. 106-109.

² Воиудова К. Исоқхон Ибрат//Фан ва турмуш. -1995. -№ 4. -Б. 26-27.

³ Ибрат.И. Ишқинг дилу жона жо бўлибдур//Ўзбекистон адабиёти ва санъати. -1987. -13 фев.; Бўлибдур. Ҳикояти уч киши//Шарк юлдўзи. -1990. -№ 4.

қизиқиши ортиб борган. Жумладан, 1991 йилда ХН.Бобобеков, М.Хасанийлар Ибратнинг «Тарихи Фарғона» кўлёмасини нашрга тайёрлаганлар ва чоп эттирганлар. Шу муносабат билан Х. Бобобековнинг «Тарихимизда конли излар»³ номли сўзбошиси илова қилинади. Сўзбошида тадқиқотчи Ибратнинг ҳаёти ва фаолиятига қисқача шару бериб, асар юзасидан Қўқон шаўрининг келиб чиқиши, Муҳаммад Алихоннинг хукмронлик йиллари ҳамда Мулла Алим вафотига оид мулоуазаларини билдиради⁴. Бу ишни Ибрат фаолиятини ўрганиш жараёнида муҳим силжиш сифатида баҳолаш мумкин.

Олимлар Ибрат фаолиятини ўрганишнинг илмий ва тарбиявий аҳамиятини кўзда тўтган холда укув дарслигига киритган⁵. Бу фаолият давр шароити билан миллат зиёлиларининг тарихий, илмий, миллий манбаларни холисона ўрганишда дастлабки кадамлардан бири бўлганлиги сабабли тадқиқотда айрим эътирозли ўринлар ҳам бор.

Бинобарин, асарга тадқиқотчи томонидан ёзилган сўзбошида Ибратнинг «Луғати ситта-ал сина» китоби 1901 йилда ёзилгани холда 1907 йил, 1968 йилдан бери Ибрат номи билан аталиб келинган 3-сон мактаб 14-сон деб кўрсатилганлиги кабилар⁶ шулар жумласидандир. Чунончи, тадқиқотчи олимлар томонидан нашр қилинган «Тарихи Фарғона» асари билан асл нусхани таккослаганимизда айрим ^{1 2 3 4 5 6}

¹ Бобобеков Х., И.Ибратнинг «Тарихи Фарғона» асарига ёзилган сўзбоши. Камалак нашриёти. -Т., 1991. -Б.268. Долимов У. Исоқхон Ибрат. -Т.: Шарқ. 1994. Султон Х., Тарихлар гамни тоза килур//Тафаккур. -1994. -№ 1; қаюмов П.Д. Тазкираи қаюмий. 3-том. -Т., 1998.

² Ибрат И. Тарихи Фарғона. ЎЗР ФА ШИ. У инв. № 11616.

³ Тарихимизда конли излар//Фарғона тарихи. -Т.: Камалак. 1991. -Б.268-273.

⁴ Тарихимизда конли излар//Фарғона тарихи. -Т.: Камалак. 1991. -Б.268-273.

⁵ Ўзбекистон тарихи. 8-синф учун дарслик. -Т.: Ўқитувчи. 1994.

⁶ Бобобеков Х.,Н. Ибратнинг «Фарғона тарихи» асарига ёзилган сўзбоши. Т. Камалак. Б.268.

сўзларнинг қолиб кетганлиги, сўз нотўғри уқилганлиги асосида маъно ўзгарганлиги ёки шу сабаб фикр ўзгариб кетганлигини кўрамыз¹.

кулёзмалар устида олиб борилган ишларда оддий бир сўзнинг нотўғри уқилиши билан бутун бир фикр хам ўзгариб кетиши мумкин. Жумладан, нашрда берилган «бино» сўзининг «бипи» тариқасида уқилиши фикримизнинг далилидир, м: «Фарғонани аввали иншо этгувчи киши файласуф Фарғона бипи қилгон экон» - деган фикрни уқилганда дастлаб, Фарғона хақида ёзиб қолдирган биринчи мҳаллиф хақида сўз юритилгандек тушунилади. Асл нусхада эса водийда шахар биносига асос солган, шахар кўрган одам кўзда тутилган. кулёзмада бу: «Фарғонани аввали иншо этгувчи киши файласуф Фарғона бино қилган экан» - деб берилган. Бу ерда «бино» сўзининг «бипи» кабилидаги ўзгариши фикрга ўз таъсирини кўрсатади. Шунингдек, давом этган фикрлар ривожини мулохазаларимизнинг хақиқатлигини исботлайди. Мулохаза якунида Ибрат «Ул киши бино қилган бу Фарғонани биноси Афросиёб вақти»^{1 2 3 4} - дейдики, бу фикр Фарғона водийсидаги шахар биноси ибтидоси хақида сўз юритилганлигини тасдиқлайди.

Биобарин, нашрнинг 282 бети, 6-чи қаторида: «Ул ерлардан аксар кишилар ерлардин тилло танга ва чака топарлар. Х,амма араб сиккалари тавхид ёзилган булур, бул вақтда хам кўп булур»⁵ - деб берилган. Бу фикр кулёзмада: «Ул ерлардин аксар кишилар ерлардин

¹ Ибрат И. Фарғона тарихи. -Т.: Камалак. 1991. - Б. 280.

² Ибрат И. Фарғона тарихи. -Т.: Камалак. 1991. -Б.276.

³ Ибрат И. Тарихи Фарғона. ...инв. № 10117. -Б.5.

⁴ Уша асарда.

⁵ Ибрат И. Тарихи Фарғона. нашр. ... -Б. 282.

тилло танга ва чака топарлар ҳамда арабиски тавхид ёзилган булур, бу вақтларда ҳам кубдур»¹- деб ёзилган. Бирок, бўлар асар мазмунига катта таъсир ўтказмайди, шу нуқтаи назардан тадқиқотчи олимлар ўз мақсадларига эришганлар.

Асарни нашрга тайёрлаш давомида тадқиқотчиларнинг ижобий хизматларини ҳам кўрсатиб утиш лозим. қулёзмада Ибрат Косон деган сўзнинг маъносини султон демак, деган хулосани бермокчи бўлиб: «Косонийлар аларни хурмат қилиб форсий сурд илан зикр қилтон эканлар» - деб ёзади. Мҳаллифнинг ёзувларидан унинг мақсадини дархол илтаб булмайди. Нашрга эътибор каратсак, бу фикр: «Косонийлар аларни хурмат қилиб, ўзлари форсий сурд тили илан султонлар зикр қилтон Косон деб зикр қилтон эканлар» - деб берилади. Жумладан, манбанинг иккинчи саҳифасида яна: «Чунончи, аввали арабларни хазрати Али замонларида Каъб ул Ахбор манокибларида мастурдурки, хазрати Каъб ул Ахбор бош бўлиб, неча минг саҳобалари илан келганларида Фартона шаҳрида мутулиялар илан мухораба қилмоқда алар толиб бўлиб кайтиб кетгон эканлар»^{1 2 3}

⁴. Бу билан дастлаб арабларнинг толиб бўлгану, кайтиб кетган эканларда, деган хулосага келиш мумкин. Нашрда тадқиқотчилар бу фикрни: «Чунончи аввали арабларни хазрати Али замонларида, Каъб ул Ахбор манокибларида мастурдурки, хазрати Каъб ул Ахбор бош бўлиб, неча минг саҳобалар илан келганларида Фартона шаҳрида мутулиялар илан мухораба қилиб, калмоқлар толиб бўлиб, кайтуб

¹ Ибрат И. Тарихи Фартона. ...инв. №. 10117. -Б.17. /к.1/.

² Ибрат И. Тарихи Фартона. ...инв. №. 10117. -Б.17.

³ Ибрат И. Тарихи Фартона. ...инв. №. 10117. -Б.282.

⁴ Уша жойда ...-Б.15.

кетгон эканлар»¹ - деб беради. Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, ноширнинг бу ерда фикрга берган ижобий турткиси ёрдамида мҳаллиф кўзда тўтган мақсад янада мукаммаллашган.

Юқоригадаги фактлар тадқиқотчи олимларнинг мавзуга оид ишлари Ибрат тарихий фаолиятини ўрганишда алохида эътиборга лойик эканлигини кўрсатади.

Ибратнинг «Тарихи Фарғона» асари тарихшунослиги ҳақида фикр юритилганда Х.Н. Бобобековнинг 1996 йилда нашр қилинган «Пулатхон кўзголони» асарини кўрсатиб утиш мақсадга мувофиқ . Асарда тадқиқотчи Қўқонда Худоёрхонга қарши халқ томонидан олиб борилган кўзголон ҳақида ёзар экан, Худоёрхонни кўзголончилар таъкибидан Туркистон генерал губернатори К.П.Кауфман уўзурига кочиб борганлиги баёнини бериш мақсадида Ибратнинг «Тарихи Фарғона» асарига мурожаат қилган . Худоёрхон билан бирга бўлган маурамлар тилидан келтирилган факт ва маълумотлардан фойдаланганлигини асарда Ибрат қуйидагича ёзган: «Бу сўзлар ровийси хонни ууфяси ва ҳам маурами асроридур. Мулла Ориф мулаккаб бир рикобдан ва хон илан бирга борган маурамлардан

4

ҳикоя» .

Рисоланинг бошқа сауифасида мҳаллиф яна шу манбага мурожаат қилиб, Ибрат томонидан 15 ёшлик вақтларида бошидан кечирганлари асосида ёзилган воқеликлар ҳақида фикр юритади¹. Мҳаллиф бу фактлар орқали рус генерал майори Скобелевнинг Фарғона

¹ Уша жойда ...-Б.281.

² Бобобеков у.Н. Пулатхон кўзтолони. -Т.: Маупират. 1996.

³ Уша жойда. -Б.14.

⁴ Ибрат И. Тарихи Фарғона. ...инв. №. 10117. -Б.79.

борган киргинлардан иборат боскинчилик сиёсатини очиб беради . Ибратнинг асарда келтирган фактлари, вокеликнинг иштирокчиси сифатида хакикатни ёритиб берганлиги, уларнинг асосли эканлигини эътироф этади, бироқ, унинг хулосалари хақида: «Ибратнинг бу хикояси уша даврда Россия генералларининг мугомбирлигини билмаган бир зиёлининг фикрларидир»³ - деб бахолайди. У К.П.Кауфманнинг «Кўқон чегарасида харбий ва сиёсий ишлар хақидаги записка»си хамда Н.Перовскийнинг «Кўқон хонлигидаги галаёнлар хақида записка» каби рус генераллари томонидан қолдирилган хужжатлар орқали рус хукуматининг маккорона сиёсатини очиб беради⁴. Ибрат асаридаги бу борадаги фактлар тарихчи олим Х.,Бобобеков келтирган архив манбалари асосида исботини топади ва янада мукаммаллашади.

Ибратнинг асаридан Шох Х,аким Холиснинг «Сафед Булон кис-саси» асарини нашрга тайёрлаган тадқиқотчилар Т. Набиев ва М. Хдсанийлар хам фойдаланишган⁵. Асар 1994 йилда нашр эттирилиб, унга сўзбоши ёзган Т.Набиев Ибратни «Тарихи Фарғона» асарининг «Мукаддима» қисмидан, Фарғона водийсининг мҳаллиф томонидан ёритилган араблар босқини хақида келтирган далилларида фойдаланиб⁶ Сафед Булон кишлоги тарихига бағишланган «Сафед Булон» асари юзасидан мулохаза юритади¹. Мҳаллиф «Сафед Булон» кишлогида араблар билан ерли ахоли уртасидаги урушлар хақидаги маълумотлар бугунга қадар турли манбалар орқали етиб

¹ Бобобеков Х.,Н. Уша асар. -Б.31.

² Уша жойда.

³ Уша жойда.

⁴ Уша жойда.

⁵ Шох

⁶ Х,ак

келганлигини айтиб, XIII асрда яшаган тарихчи Жамол қаршининг «Мулхахот ус-сурах» асарида келтирилган манба мазмунини беради . Манба Ибратнинг «Тарихи Фарғона» асарида форс тилида кучирма холида келтирилган бўлиб, ХБобобеков ва М.Хасанийлар томонидан асарнинг 1991 йилдаги нашрида ўзбек тилида берилади⁴. Унга кўра «Сафед Булон» мазоридида халифа Усмон томонидан юборилган Мухаммад ибн Жарир бошчилигида араблар сони 2700 тадир»⁵, деб кўрсатилади.

Мҳаллиф Ибратнинг араблар босхини ва Сафед Булон тўғрисидаги фикрларини «Тарихи шох Жарир» деган асарга асосланиб ёзади, деган хулосага келади⁶. «Тарихи Фарғона» асарига эътибор харатганимизда ушбу фикрни тасдихланиши гувоҳи бўламиз .

Бинобарин, юхорида келтирилган икки манба, Ибратнинг «Тарихи Фарғона» асари ҳамда Шох Хаким Холиснинг шеърий достони утмишимизнинг маълум бўлмаган даври тарихини ёритиб берувчи химматли манбалар эканлигидан далолат беради.

Ибратнинг «Тарихи Фарғона» номли асари хахидаги маълумотлар ХСултоннинг «Тарихлар гамни тоза хилур»⁸ деб номланган махоласида берилган бўлиб, унда мҳаллиф Ибратни Урта Осиёнинг рус хушинлари томонидан босиб олиншига оид фикрларидан фойдаланади. Шунингдек, Ибратнинг рус мустамлакачилигига оид

1 2

¹ Набиев Т. Шох Хаким Холиснинг «Сафед Булон хиссаси»га ёзилган сўзбоши. -Т.: F.Фулом. 1994. -Б.4.

² Уша жойда.

³ Ибрат И. Тарихи Фарғона. ...инв. № 10117. -Б.9.

⁴ Ибрат И. Фарғона тарихи. -Т.: Камалак. 1991. -Б.27.

⁵ Ибрат И. Фарғона тарихи. ...Б.278.

⁶ Шох ХХ. Сафед Булон. ... -Б.4.

⁷ Ибрат И. Тарихи Фарғона. ...инв. № 10117. -Б.17.

⁸ Султон Х. Тарихлар гамни тоза хилур//Тафаккур. -1994. -№ I. -Б. 71-75.

мозийдан сабок олмаслик-миллатимизнинг заволига сабаб бўлган иллатлар»¹ сифатида баҳолайди. Мҳаллиф мақолада илмсизлик окибатида рус империяси томонидан босиб олинган мамлакатнинг огир ахволга келиб қолганлиги, аҳолининг оммавий қарз балосига юз тўтганлиги ҳақида фикр юритар экан, миллат зиёлиларининг бу борадаги ташвиш ва кайгулари сабабларини очиб беради². Бунинг сабаби сифатида мамлакатни рус истибдоди арафасидаги ҳолати, шу даврдаги мамлакат сиёсатдонларининг ўзокни кўра олмаганлиги, мамлакатни бирлаштириш ўрнига ўзаро ички низоларни бартараф эта олмай, окибатда мустамлака зулмига тушиб қолганликларини тавсифлайди³. Халқда бирлик, иттифокликнинг йўқлиги бунинг биринчи сабаби эканлигини кўрсатади. Фикрларини русларнинг Қўқон хонлигига карашли козок юртларини босиб олишига оид Исҳоқхон асарида келтирган фактлари билан асослаб беради⁴.

Мҳаллиф Баликчи касабасида қорадарё яқинида бўлиб ўтган фожеалар билан мақоласини тугатган ҳамда замондошлари ва келажак авлодни бу фожеалардан сабок чиқариб, ватан бирлиги, тинчлиги учун тарихдан сабок чиқаришга даъват қилади. Мақола сўнгида Исҳоқхоннинг «Тарихлар камни тоза килур, лекин мундин ахли андешалар ибрат олурлар»¹ каби фикрлари билан илмий мақоласини якунлайди.

Ибратнинг «Тарихи Фарғона» асари бўйича тадқиқотчи олим У. Долимов «Исҳоқхон Ибрат» номли китобида мулоҳаза билдириб, унинг 1928 йилда қайта ишлаган иккинчи вариантыдан фойдаланади. ¹

¹ Уша жойда.

² Султон Х. Тарихлар гамни тоза килур//Тафаккур. -1994. -№ I. -Б.72.

³ Уша жойда. -Б.73.

⁴ Уша жойда. -Б.74.

Рисолада мҳаллиф Ибратнинг тарих ёзишдан мақсадини «Исоқхон Ибрат атоқли тарихчи олим сифатида илмий-тарихий асарларини яратишда Шарқ тарихнависларининг асарларини ўрганиб, улардан фойдаланиш билан бирга, рус ва европа шарқшунос олимларининг илмий асарларини ҳам ўрганган, юздан ортиқ муътабар манбалардан, илмий асарлардан фойдаланган, керакли ўринларда улардан кучирмалар келтирган» - деб ёзади. У Долимов Ибратнинг тарихий асар ёзиш услуби ҳақида: «Мҳаллиф мазкур асарини яратишда Гарб шарқшуносларининг тарихий асар ёзиш методини куллади. Айникса, бу нарса Ибратнинг асар яратиш услубида, тарихчининг диққат эътиборини жалб этган воқеаларга муносабатида яққол кўринади. Исоқхон Ибрат Шарқ тарихчиларининг илмий асарларини ўрганар экан, бу асарларга ва уларнинг мҳаллифларига танкидий муносабатда булди. Айникса, ўз салафлари томонидан хонларга бағишланган, уларнинг конли урушларини мактаб, муболага қилиб яратган асарларини, хонларга, бекларга бағишлаб яратилган дostonларни танкид килди»³ - деб хулосалайди ва Ибратнинг тарих асари ёзишдан мақсадини унинг қўлёзма асаридан олинган кучирмалари орқали асослаб беради⁴.

Ибрат асарининг гарб олимлари В.Радлов, В.Бартольд, Г.Вамбери асарларидан фойдаланиб ёзганини У. Долимов ижобий баҳолайди, бунда унинг тарихий асар ёзишга нақадар масъулият билан ёндошганлигини кўрсатади. Мҳаллиф Ибратнинг Қўқон хонлари Муҳаммад Алихон, Олимхон, Умархон, Худоёрхон каби хонлар давридаги ижти-

¹ Ибрат И. Тарихи Фарғона. ...инв. № 10117. -Б.77.

² Долимов У. Уша асар. Б. 33.

³ Долимов У. Уша асар. Б. 33.

⁴ Уша жойда. Б. 33-34.

мой, сиесий маданий-маиший хаети ва давлат арбобларининг олиб борган сиесатларига кискача тавсиф беради. Номзодлик ишида 1928 йилда асарни қайта ишланган варианты хақида билдирган «вокеликка оид тарих марсиялар олиб ташланган» деган фикрига¹ қарши чикиб, «айни вақтда уша давр шоирларининг бу мудхиш вокеага бағишланган тарихларидан, марсияларидан наъмуналар келтиради^{1 2}. Бу эса асарнинг бадий киммати янада оширган»^{3 4} - деб кўрсатади. Шоир Шавкий Намангонийнинг «Пандномаи Худоерхон» достонидан мисоллар келтириб фикрини далиллайди. У. Долимов Ибратни географ олим сифатида кўрсатиб, Чуст касабасига оид фикрларини кенг шархлайди. Унинг бу асари публицистик рухта езилган бўлиб, ўз мулохазаларини бадий асарлар орқали исботлайди, Урта Осиенинг Россия томонидан босиб олинishi хақида юритган фикрлари асарда Адодирийнинг «Ўтган кунлар» романидан олинган

4

кучирмалар орқали асосланади .

Ибрат шахсига оид фактлар Пулатжон Домулло қаюмовнинг «Тазкираи қаюмий» номли асарида берилган бўлиб, олим билан шахсан таниш бўлган мҳаллиф унинг ташки кўриниши, маърифатпарварлик фаолияти хақида езиб қолдиради¹. Асар миллий нуқтаи назардан езилганлиги сабабли ўз вақтида нашр этилмаган.

Исхокхоннинг кулезма асарлари хақидаги маълумот 1998 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқ кулезмалари тўпламига киритилган бўлиб, бунда мҳаллифлар унинг «Тарихи Фарғона» асарининг 2-қисмидаги мисоллар келтирилган.

¹ Долимов У. Ўзбек маърифатпарвар шоири ...Б. 176.

² Ибрат И. Тарихи Фарғона. ... инв. № 11080. Б. 58.

³ Долимов У. Исхокхон Ибрат..... Б. 36-37.

⁴ Долимов У. Исхокхон Ибрат..... Б. 39-40.

сақланаётган «Мезон-ул замон» асарининг библиографиясини тўзиб берганлар . Унда асарларнинг кискача мазмуни берилган, лекин, «Тарихи Фарғона» асарининг 1-вариант 2- нусхаси билан бир муковада жойлашган «Тарихи маданият» асари улар эътиборидан четда қолган, бинобарин, мҳаллифлар Ибрат вафот этган санани 1967 йил, деб янглиш келтиради³.

«Истиклол қахрамонлари» рукни остида 1999 йилда нашр этилган «Ибрат, Сиддикий Ажзий, Суфизода» деб номланган рисолада У. Долимовнинг «Маърифатга бағишланган умр» номли мақоласи ҳамда Ибратнинг газаллари, «Тарихи Фарғона», «Жоме ул хутут» асарларидан киска таржималар келтирилади. У. Долимов мақоласи Ибратнинг Тошкент жадиличлик харакати раҳнамоси М. Абдурашидхонов билан ўзаро алоқасини кўрсатиб берувчи далиллар келтирилганлиги билан ўзига хос.⁴

2001 йилга келиб профессорлар Х.Коматцу ва Б.Бобожоновлар ҳамкорлигида И.Ибратнинг “Мезон ул замон” асарини араб имлосидаги нашри ва рус тилидаги тахлили эълон этилди⁵. Ушбу нашр Ибрат ижодий фаолиятини ўрганишда муҳим кадамлардан бири булди. Шу муносабат билан Токио университети ходими Хисао Коматцу 2001 йил октябр ойида инглиз тилидаги Кириш қисмини илова қилди, исломшунос олим Б.Бобожонов рисолага рус тилида сўзбоши ёзди. Сўзбошида Б.Бобожонов Исхокхон Ибратнинг хаёти, ёшлик йиллари, савтия усулидаги биринчи жади́д мактаби, хаж^{1 2 3 4 5}

¹ қаюмов П.Д. Тазкираи қаюмий. ... б. 420.

² Собрание восточных рукописей АН РЎз. Т. (История) -Т.: Фан, 1998. -С. 227-229.

³ Уша жойда. -С. 227.

⁴ Ибрат. Танланган асарлар. (Ибрат. Сиддикий Ажзий Суфизода). - Т.: Маънавият, 1999. - Б. 33. - (Истиклол қахрамонлари).

⁵ Коматцу Х.Бобожонов Б. Исхакхан тура ибн Джунайдуллах Хаджа. Мизан аз заман.Тошкент-Токио.: 2001.

сафарида бўлган мамлакатлари, у ердан ватанига олиб келган ашёлари, 1905 йилда кўрган каммоми, типолитографияси какидаги маълумотларни келтириб, сўнгра унинг қозилик фаолияти, «Мезон ўз-замон», «қурбошилар замони» асарлари какида кискача маълумот беради. «Мезон ўз замон» асари ёзилган давр, қўлёзмага хос бўлган хусусиятларга тўхталиб, сўнгра унинг таклилига киришади.

2005 йил апрел ойида У.Долимов ва Н.Жабборовлар Искокхон Ибратнинг араб имлосидаги асарларини криллча ёзувда «Танланган асарлар» номи билан нашр эттирадилар¹.

«Танланган асарлар»дан шоирнинг шу пайтгача илм аклига маълум бўлмаган шеърлари, «Тарихи Фарғона» асарининг Искокхон тура Ибрат ўз кули билан китобат қилган дастхат нусхасидан Иноятхон Тўрақўрғоний кучирган мутабар қўлёзмаси асосидаги матни, биринчи маротаба «Мезон ул-замон» асарининг жорий имлодаги варианты, Ибратнинг илк бор эълон қилинган публицистик асарларидан наъмуналар ўрин олган. Ибратнинг «Тарихи Фарғона» асарининг Иноятхон Тўрақўрғоний кучирган қўлёзма нусхаси 1991 йилда олимлар Х.,Н.Бобобеков ва М.Дасанийлар томонидан нашрга тайёрланган ва чоп этилган эди. Аммо У.Долимов ва Н.Жабборовлар томонидан тайёрланган нашр худди шу котиб томонидан кучирилган иккинчи қўлёзма бўлиб, янада мукамаллиги билан аввалги нашрдан анчагина фарк қилади.

«Танланган асарлар»нинг нашр этилиши муносабати билан Ш.Юсуповнинг «Ибрат закоси ёхуд бу фазилатни акс эттирган янги

¹ Искокхон тура Ибрат. Танланган асарлар. Т.: Манавият. 2005. 198 б.

нашр¹» номли илмий мақоласи эълон қилиниб, мақола мҳаллифи «Танланган асарлар»нинг ютуқларини бирма - бир санаб келтиради. Жумладан, мақолада Ибратнинг янги шеърлари наъмуналари аниқланиб, илмий истифодага киритилганлиги эътироф этилади. «Тарихи Фарғона» асарининг У.Долимов ва Н.Жабборовлар томонидан нашрга тайёрланган, Иноятхон Тўрақўрғоний кучирган қўлёзма нусхаси Ўзбекистон Миллий университети доценти мархум С.Хўдаров Наманган тарафдан топиб, устози мархум профессор Ф. Каримовга хадя қилинган нусха бўлиб, ҳозирда университет ўзбек филологияси факултетида «профессор Ф. Каримов фонди»да сақланаётганлиги ҳақида ёзади. Мақолада аввалги нашрда тушириб қолдирилган айрим маълумотлар, жумла ва сўзлар, хато ёки гализ уқилган баъзи ўринлар, «Мезон ул-замон» асари матнининг киритилганлиги, асарда келтирилган қуръони карим оятларининг, Расули акрам ҳадисларнинг ўзбекча нусхаси, қайси суранинг нечанчи ояти эканини аниқланганлиги, Ибратнинг публицистик асарларидан наъмуналар келтирилганлиги, кўплаб зарурий изохлар, иловалар, тушунилиши кийин бўлган анчагина сўзлар луғати ўрин олганлиги каби фактлар эътироф этилади ». Мҳаллифлар томонидан амалга оширилган нашр ҳамда мақола Ибрат фаолиятини ўрганишда алоҳида муҳим босқич сифатида аҳамиятга эга.

Ибрат ҳаёти ва фаолиятига оид тадқиқот ишлари ҳам бўлиб, Ф.

Каримовнинг 1961 йилда ёзилган «Ўзбек демократ шоири Муқимий

...

¹ Юсупов Ш. Ибрат зақоси ёҳуд бу фазилатни акс эттирган янги нашр // Ўзбекистон адабиёти ва санъати 2005. 8 апр.

² Уша жойда.

³ Каримов Ф. Ўзбек демократ шоири Муқимий ва унинг даври адабиёти. Фил-я. фанлари д-ри...дис. -Т., 1961.

мадрасасида ўқиб юрган йиллари ҳамда илм ахллари билан муносабати ёритилади¹. Шунингдек, А.Халилбековнинг 1967 йилда ёзилган «Нодим Намангонийнинг хаёти ва ижоди» номли номзодлик тадқиқотида Ибратнинг «Матбааи Исхокия» чопхонаси, Нодимнинг яқин кишиларидан бири бўлганлиги ва Намангандаги маърифатпарварлар йигинларининг актив иштирокчиси эканлиги ҳақидаги маълумотлар берилади^{1 2 3}.

o

Ибрат фаолиятини ўрганишда У. Долимовнинг «Ўзбек маърифатпарвар шоири Ибратнинг хаёти ва ижоди» деб номланган иши ахамиятлидир. Диссертация совет тўзуми шароитида ёзилган, шу муносабат билан мҳаллиф вокеликка холисона баҳо бера олмаган. Давр сиёсатига тўғри келмаган вокеликлар ахамияти пасайтириб кўрсатилган ёки мҳаллиф уларга умуман тўхталмайди.

Ибрат ижодига оид манбалар мустакиллик даври тадқиқотчилари эътиборини ҳам тортган. Жумладан, Ш.Воҳидов «XIX-XX аср бошларида Хукон хонлигида тарихнависликнинг ривожланиши»⁴ номли ишида Ибратнинг «Тарихи Фарғона» асари ҳақида «...асар Хукон тарихнавислик мактабининг охириги даврига тегишли бўлиб, илмий оммабоп услубдаги «Тарихи Шохрухий»нинг қайта, қисқача баёнидир»⁵ - деган хулоса билдиради. Бироқ, тадқиқотчи ўз фикри асосларини кўрсатмайди.

Ибрат асаридан О. Масалиева ҳам фойдаланган бўлиб, унинг «XX аср инглиз-америка тарихшунослигида Бухоро Хива ва Хукон

¹ Уша жойда. Б.339.

² Халилбеков А. Нодим Намангонийнинг хаёти ва ижоди. Филол. фан. номзоди дис. - Т., 1967. Б. 63.

³ Долимов У. Ўзбек маърифатпарвар шоири Ибратнинг хаёти ва ижоди. Филол. фан. ном-ди. дис. -Т., 1971.

⁴ Воҳидов Ш. XIX-XX аср бошларида Хукон хонлигида тарихнависликнинг ривожланиши.. Тарих фанлари д-ри дис. - Т., 1998.

⁵ Уша жойда. Б. 9.

хонликлари тарихи»¹ номли ишида тадқиқотчи М. Холдсвортнинг Қўқон хонлиги 1798 йилда ташкил топган, деган фикрининг нотўғри эканлигини исботлаб, Ибратнинг Қўқон хонлигини 1709 йилда ташкил топганлиги ҳақидаги далилини бериш билан ўз фикрини

2

асослайди .

Монография мҳаллифи томонидан худди шу даврда тайёрланган номзодлик илмий диссертация иши «Исхокхон Жунайдуллохужа ўғли Ибрат ва унинг тарихий-илмий мероси»ни ўрганишга бағишланган бўлиб, собик совет тўзуми, ҳамда мустақиллик даври тарихшунослиги доирасида тадқиқ этилган дастлабки илмий изланишлардан бири ҳисобланади^{1 2 3}. Диссертация иши 2002 йил ноябрда химоя қилиниб, ишда мҳаллиф Исхокхон Ибратнинг ёшлик йиллари, ижодий фаолияти, публицистик асарлари, жадидчилик фаолияти, кўлёзма холидаги тарихий - илмий асарларини тарихшунослик юзасидан таҳлили ва бу борадаги хулосаларини беради. Диссертация иши ушбу илмий монографияга асос бўлиб хизмат килди.

Жадидчилик ҳаракати мҳаммоси хорижлик тадқиқотчилар эътиборини ҳам тортган бўлиб, улар тадқиқотларида жадидлар фаолиятига холисона ёндошганлар⁴, шунингдек, жадидчилик ҳаракатига оид фактлар хориж манбаларида ҳам бериб борилади.

¹ Масалиева О. XX аср инглиз америка тарихшунослигида Бухоро, Хива ва Қўқон хонликлари тарихи. Тарих фанлари номзоди дис. -Т., 1999.

² Уша жойда. Б. 104.

³ Вохидова К. Исхокхон Жунайдуллохужа ўғли Ибрат ва унинг тарихий илмий мероси. Тарих фанлари номзоди дис. -Т-2002.

⁴ Алворт Э. Жадидлар ҳақида яширилган хикоялар//Ўзбекистон адабиёти ва санъати. -1992. 12 сен.; Ўзбекская литература и политика. -Лондон, 1964 (по кн. Вохидов Х. Просветительская идеология в Туркестане); Балдауф И. Махмудхужа Бехбудий Фаластинда //Ўзбекистон адабиёти ва санъати. -1993. 21 май; Хайит Б. Туркистонда улдирилган турк шоирлари. - Анкара. 1971; Наим У. Туркистоннинг миллий раҳбари//Хур Туркистон учун рўзномаси. - Истанбул, 1975. - № 1; Иброхим Ё. Туркистоннинг адиб ва шоири; Эшонхужа//Хур Туркистон учун рўзномаси. - Истанбул, 1975. - № 1 ва ҳакозо.

Бевосита Исоқхон Ибрат фаолияти билан боғлиқ маълумотлар америкалик жадидушунос олим А.Холиднинг «Мусулмон маданий ислохотларининг сиёсатчилари. Урта Осиёда жадиализм» асарида берилган бўлиб, у Ибратни Туркистон жадиждларидан, маърифатпарвар зиёли сифатида эътироф этади. У. Долимовнинг 1994 йилда нашр этилган «Исоқхон Ибрат» номли асарига асосланиб Ибрат ҳаёти ва фаолиятини ёритади, 1886 йил Туркистонда очилган биринчи жадижд мактаби асосчиси сифатида кўрсатади¹. Аммо бугунги кунга қадар «Ўзбекистон тарихи» фани бўйича дарслик ёзаётган муаллифлар бу фактни дарсликка киритишни лозим топмадилар.

Республикамиз давлат мустақиллигига эришгач миллий қадриятларимизни тиклаш, маданий-маърифий меросимизни ўрганиш ва асраб-авайлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Жумладан, Наманган вилоятида катагон йилларида вайронага айлантрилиб, оёкости қилинган Мулла Бозор Охунд макбараси мажмуининг ўз ўрнида қайта тикланиши, вилоят марказида “Мерос” маданий-маърифий ва илмий марказининг ташкил этилгани ҳамда қарийб эллик гектар майдонда Боборауим Машраб боғи бунёд этилгани, Исоқхон Ибрат номини абадийлаштириш мақсадида янги музейнинг ташкил этилганлиги, инсонлар урдик чиқаришларига мўлжалланган боғ бунёд этилаётганлиги, янги тил ўрганишга ихтисослашган укув даргоуининг бунёд этилиши кабилар фикримизнинг далилидир.

¹ Khalid A. The politics of muslim cultural reform. Yadiidism in Central. Berkeley. 1998.

**II-БОБ. ИСҚОЦХОН ИБРАТНИНГ ТАРИХЧИ СИФАТИДА
ВАТАН ТАРИХИ МҲАММОЛАРИГА МУНОСАБАТИ.**

¹ Уша жойда.

(Тарихи Фарғона, Тарихи маданият, Мезон ул-замон асарлари асосида).

Аср бошларида жаид намояндаларининг кўплаб тарихий - илмий асарлари яратилган. Шулар жумласига Исхокхон Ибратнинг «Тарихи Фарғона»¹, «Тарихи маданият»^{1 2}, «Мезон ул-замон»^{3 4} асарларини киритишимиз мумкин. Бу асарлар Ўзбекистан тарихи, маданияти, ижтимоий ҳаётини ёритиб берувчи муҳим манбалардир. Тадқиқотлар натижаси кўрсатмоқдаки, Ибрат ўз ижодий фаолияти давомида 20 дан ортиқ асарлар ёзади. Бироқ, буларнинг кўплари бизгача етиб келмаган. Ибрат ўз асарларида қадимий тарихчилик анъаналарини давом эттириб, одам атодан то совет ҳокимиятининг 30-йилларига қадар бўлган тарихни босқичма-босқич ёритиб беришга интилади.

Маълумки, мусулмон шарқ тарихий асарлари биз бугун назарда тўтган тарихий асар бўлмай, тарихий-бадиий мазмунда ёзилган. Ибрат асарларида ҳам ана шу ҳолатни куришимиз мумкин.

Бу даврдаги Қўқон тарихнавислигига оид манбалар турк, форс, араб тилларда яратилган. Ибрат асарларини кўпроқ оммага тушунарли бўлишини назарда тутиб туркий тилда яратади. Бироқ, асарларнинг номланиши, қисмлари номлари ҳамда айрим далилларни беришда бу тиллардан ҳам фойдаланади⁵. Бинобарин, шеърӣ асарларидан айримлари форс тилида ёзилади⁶

¹ Ибрат И. Тарихи Фарғона. ЎзР ФА ШИ, X Инв 11616, 10117, 11080.

² Уша мҳал. Тарихи маданият. ЎзР ФА ШИ, X Инв 11616, 10117.

³ Уша мҳал. Мезон ул-замон. ЎзР ФА ШИ, X Инв 10117.

⁴ Баргельс Э. Состояние работ по изучению истории таджикской литературы. И.В. АН СССР. 1933. С. 87.

⁵ Ибрат И. Тарихи Фарғона. Б. 9, 33, 34, 35, 36, 40, 41, 55 ва бошқалар. Инв. ¹ 10117. Мезон ул -замон. Инв. ¹ 11618. Кўплаб ҳадислар берилган.

⁶ Ибрат И. Письмо из Наманганского уезда. //Туркистон вилоятининг газети. 1905 йил. 10-июнь.

Тарихий манбаларни ўрганишда мҳаллифнинг ўзи ҳам асарларидан ажратилган холда ўрганилмайди, чунки мҳаллиф ижодкор шахс бўлиш билан бирга муайян тарихий мактаб анъаналарини давом эттиргувчидир. Шунингдек, унинг фаолияти ўз даври кишилари билан бўлган муносабати орхали ҳам анихланади. Бу эса унинг мафкўрасига ҳам таъсир кўрсатади.

Шарх тарихий манбалари хахида фикр юритар экан тарихчи олим Ш.Вохидов шарх тарихнавислигида стандарт хусусиятларнинг кучли эканлигини ҳамда уларнинг ишларидан янгича йўналиш ва ғоя, воситаларни излаб топиш жуда ҳам хийинлигини эътироф этади¹. Бу манбалар бугунги кун талаблари нухтаи назаридан тарихийлик тамойилига мувофиқ холда, тарихий-илмий харашларни шакллантиришда мухим ўрин тутаети. Шу холатларни назарда тўтган холда, Ибратнинг юхорида номлари келтирилган асарларини тарихшунослик нухтаи назаридан талхин этиш махсадга мувофиқ деб хисоблаймиз. Бу асарлар ўз навбатида уша давр тарихий тафаккўрини бахолашда катта ахамиятга эгадир.

1 §. И.Ибратнинг Фарғона тарихи, унинг ижтимоий, маънавий ахволи ва мҳаммоларига карашларп.

Ибратнинг тарихий йўналишда олиб борган фаолияти давомида, айнихса, унинг «Тарихи Фарғона» асари диххатга лойих.

Тадхихотлар натижаси кўрсатмохдаки, бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шархшунослик Институти хулёзма фондида асарнинг 3 нухаси сахланиб, унинг бир нухаси тадхихотчи олим В. Подимов келтирган фактларга кўра, хозирда Ўзбекистон

Миллий Университети ўзбек филологияси факултетида, профессор Ф. Каримов фондида сақланади . У. Долимов ўз ишида асарнинг 2 варианты /дастлабки ва қайта ишлангани/, 3 нусхаси борлиги хақидаги маълумотларни беради. Бироқ, кейинги тадқиқотлар кўрсатмоқдаки, асарнинг дастлабки вариантнинг ўзи 3 нусхада

бўлиб, 2 нусхаси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик Институти қ-инв.11616 ва инв.10117 да мавжуд. 1- нусхаси профессор Ф. Каримов фондида сақланади. 2-чи вариант 1 -

нусха хам Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик Институти К- инв. 11080 раками остида сақланади.

Демак, бундан шундай хулосага келиш мумкинки, Ибратнинг «Тарихи Фарғона» асарининг 4 нусхаси сақланиб қолган, 4-нчи 10117 ракамли нусха бугунги кунга қадар тадқиқотчилар эътиборидан четда қолган. Бу нусха хақида қуйидаги мулохазаларни келтириш мумкин.

Асар Ибратнинг 1916 йилда ёзилган вариантдан айнан хамда тулик кучирилган. Мазкур нусхани ким ва қачон кучирганлиги хақида хаттот қуйидагича маълумот ёзиб қолдиради: «Гаммати тамом,

вассалом. Котиб Собитхон ибн Саид Наимхон тура Тўрақўрғоний 1374, хижрий» . Асар 104 бетдан иборат бўлиб, охирги 1 вароги буш.

Асар муковасида Ибратнинг чук тушиб утирган холатда тушган сурати хам бор. Муковада араб шрифти билан «Исхокхон тура

Тўрақўрғонда» хамда русча шрифт билан «Исхак Хань Тюрю Джу-

¹ Вохидов Ш.Х. Развитие историографии в Кокандском ханстве в XIX-начале XX вв. Автореф: дисс. На соиск. уч. степ. докт. ист. наук. Т.: 1998.

² Долимов У. Жизнь и творчество ўзбекского поэта просветителя Ибрата. Автореф. дисс. на соиск. уч. степ. канд. фил. наук. Т.: 1971. -С. 26.

³ Ибрат И. Тарихи Фарғона. ЎЗР ФА ШИ, К- Инв. ¹ 10117. Б. 103.

⁴ Уша асар, муковада.

араб шрифтида «Исхокхон Туранинг материаллари ичидан чикиб қолган эди, йўқолмасин деб шу жойга яшириб куйдим. Носиров, 3/VI 1964»¹ ёзувлари ҳам бор. Асарнинг охирги бети орқа муковасида:

«Келди бошимга яхши бир овон,
Манга тавфик ёр этиб Субхон.
Эрди Фарғона тарихи иш қалам,
Таъриф этдум келиб манго даврон.
Исми таснифига бўлиб тарих,
Бекаму куст, лафзи бу Фаргон.

1339/1921. Таснифи алхоч Исхокхон тура. Тарихи Фарғона, асари Исхокхон, Тура Тўрақўрғоний, Ибрат. 1374»² ёзувлари бор.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик Институти қўлёзма инв. 10117 номерли печат ҳам бор.

Чунончи, асарнинг 103 - бетида хаттот томонидан: «Биздан сўнгра бокий қолмиш уммати расулоллох ва қуръони авлодларимизга ва ахбоби завий ал-эхтиромларга ёдгорлик учун, агарчи хатим тамом нуксонлари йўқ, китобат булмаса ҳам оллох таоло, бир ой ёдворий нишона учун ёздум. Бир неча ойлар хуноба ботуб бўлса ҳам кургон ва эшитгон зоти ахбоблардин умиди дуо учун мани хаккимга йод қилиб дуо қилгонларни ҳам оллох таоло рахмат айлаб шул оллох таоло ^{1 2}

¹ Уша жойда.

² Ибрат И. Тарихи Фарғона. ЎЗР ФА ШИ, К- Инв. ¹ 10117. Мукова орқасида.

алайхи вассалам, пайгамбаримиз шафоатларидан насиб килсун, омин»¹ - каби ёзувлар сақланиб қолган.

кулёзма Собитхон ибн Наимхон тура томонидан 1374 чи хижрий, 1954 милодий йилида кучирилган. Хаттот кучирган нусхада Ибрат томонидан ёзилган шеърий парча билан бирга 1339/1921 ракамлари сақланиб қолганлиги учун ҳам хаттот уларни шу тарзда кучириб қолдирган. Демак, қўлёзма мҳаллиф томонидан 1921 милодий йилида, 1916 йилда ёзилган нусхадан айнан ва тулик кучирилган. Бундан мақсад мҳаллиф ўз асари нусхасини кўпайтириш бўлса керак. 1916 йилда ёзилган нусха ҳақида биз Ўзбекистон Республикаси

Фанлар академияси Шарқшунослик Институтининг Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик Институтининг Тарих Институтининг томонидан 1999 йилда чоп этилган 2 даврий тўпламда маълумот берганмиз^{1 2}.

Тадқиқотчи олим Ш. Воҳидовнинг Ибратнинг «Тарихи Фарғона» асари ҳақидаги ««Тарихи Шохрухий»нинг қискача баёнидир»³ каби мулоҳазаларига қарши уларок асар юзасидан қуйидаги фактларни келтирамиз.

Ибрат ўз даврининг тарихий анъаналарига мувофиқ рисола ёзишда аввал умумжаҳон тарихини одам атодан бошлаб, кейин маҳаллий тарих ёзишга киришади ҳамда Қўқон хонлиги ташкил топгунига қадар бўлган тарихни асар муқаддимасида ёритиб беради.

Ушунга Ибрат асар ёзишдан мақсадини: « бақалли илми баъшарият

¹ Уша асар, Б. 103.

² Воҳидова К. Исоқхон Ибратнинг «Тарихи Фарғона», «Тарихи маданият», «Мезон ул замон» асарлари тарихий, илмий, маданий манба сифатида //Ўзбекистон тарихининг долзарб мҳаммоларига янги чизгилар. Т.: Шарқ. 1998. Б. 112-123.

³ Воҳидов Ш.Х. XIX-XX аср бошларида Қўқон хонлигида тарихнависликнинг ривожланиши. Тарих фан. д-ри дис. - Т., 1998. 9-б.

тарихдан билмоги, лабудда улмоки маълумдир, лоакал киши ўз муваттин /тугилган/ ерини билмак заруриётдандур. ... тафсир ва уадисларда ва тарихларда мубаййиндурки, курмак ва билмак илмдандур», дейди ва «Фарғона аулига ўз иклим ва мамлакатларин тарихини билдирмак»¹, эканлигини баён этади.

Рисола 15 дан ортиқ кичик сарлавҳали қисмларга булинган. Бу қисмларда уар бир хукмдорнинг хукмронлик йиллари алохида таснифини топади. Жумладан, бўлар:

- Мукаддима.
- Хуканд шаури биноси.
- Асри Норбутахон.
- Олимхон ибн Норбутахон асри.
- Асри Умархони жаннат макон ибн Норбутахон.
- Тарихи вафоти Умархон ва жулуси Муҳаммад Алихон.
- Асри Муҳаммад Алихон ибн Умархон.
- Жулуси Шералихон
- Шоумуродхоннинг жулуси ва азли ва Худоёрхоннинг такрор хонлиги будир.
- Вокеаи султон Саййид ибн Маллахон.
- Худоёрхоннинг туртинчи хонлиги.
- Фулодхон ибн Муродхон.
- Хикоя.
- Шаури Андижон тарихи.
- Тарихи Намангон.

¹ Ибрат И. Тарихи Фарғона. ЎзР ФА ШИ, У Инв. 10117. 3-б.

Бинобарин, Ибрат тарихий асарларга мууаббатини баъзи вақтларда тарих билан шугулланиб, бўлиб ўтган тарихий уодисалар уни уайратлантиргани ва қизиқиш уйготганлигини, сўнгра тарих ёзишга киришганлигини¹ баён қилади.

Олим асар яратиш давомида тарихчи сифатида манбаларга алохида эътибор беради. У Фарғона водийсига оид кадимий воқеалар ҳақида фикр юритар экан, ўрни келганда улардан кучирмалар келтириб мулоуазасини изоулайди. Ибрат асарининг турли жойларида манба сифатида: «Тарихи табокат ут - тоуирий»², «Шоунома»³, «Равзат ус-сафо»^{1 2 3 4}, «Тарихи кутадгу»⁵, «Ажойиб ул Булдон»⁶, «Мулуакот ус суроу»⁷, «қомус ул-аълум»⁸, «Тарихи шоу Хурмиз»⁹, «Тарихи фаришта»^{10 11}, «Тарихи Чингизия»¹¹ каби асарларни келтиради.

Мҳаллиф асарнинг «Мукаддима» қисмида Мирзаолим Мушрифдан фаркли равишда, Фарғона аулининг кадимий даврларидан то чор Россияси босиб олгунга қадар бўлган тарихини баён қилади. Дастлаб у Фарғона аули тили ҳақида гапириб, аслий туркий эканлиги, бироқ бугунги кунга келиб бу тил бошқа миллатлар тилларидан кушилиб кетганлигини¹²-ёзиб қолдиради.

¹ Ибрат И. Тарихи Фарғона. ... инв. ¹ 10117. Б. 1-2.

² Уша жойда.

³ Уша жойда.

⁴ Уша жойда. ... Б. 7.

⁵ Уша жойда. Б.6.

⁶ Уша жойда. Б.37.

⁷ Уша жойда. Б.8.

⁸ Уша жойда. Б.10.

⁹ Уша жойда. Б. 37.

¹⁰ Уша жойда. Б.12.

¹¹ Уша жойда. Б. 101.

¹² Уша жойда. Б. 5.

Ибрат асарда Фарғона шаҳрига асос солган киши сифатида Фарғона баходирни кўрсатиб¹, фикрини Фирдавсийнинг «Шохнома» асаридан келтирилган маълумот орхали асослайди ва уни Афросиёб
2

умароларидан эканлигини таъкидлайди .

Асарнинг «Мухаддимаси»ни Мушриф асари билан таххослаганда Ибрат анча кенг ўрин берган бўлиб, мухаддима унинг асарида 22 бетни ташкил хилади. Унда мҳаллиф водийдаги дастлабки аҳоли, уларнинг сўзлашмох тили, дини, урф-одати, дастлабки шаҳарлари тарихи ва улар хахида дастлабки манбаларда берилган маълумотлар, турли атамалар ва уларнинг лугавий маъноси, ахли Фарғонанинг машгулоти, ихлими, табиати, хайвонлари, дарёлари, эски иморатлар ва уларнинг хайси даврларда хурилганлиги, суви, ери ва мевалари хахида фикр юритадики, унинг фикрий йўналиши асар ёзиш давомида бевосита Захириддин Мухаммад Бобўрнинг «Бобурнома»^{1 2 3} асарига суянган эканлигини кўрсатади, шунинг билан мҳаллиф халхшунос олим сифатида гавдаланади⁴.

Ибрат асарда хадимий шаҳарлар сифатида Ахсикент, қубо, Маргилон, Андижон, Косонни тилга олади. Бинобарин, қубо хахидаги маълумотларни манбалар билан таххосланганда, Ибрат тўғри фикр юритганлигини қуриш мумкин. Жумладан, X асрга оид манбалардан бири «қудуд ул-олам» асарида ҳамда олимлардан Истахрий, Ибн Хдвхал, Масъудий асарларида қубо тилга олинади¹. Бу асарларда урта асрларда қубо алохида вилоят пойтахти бўлганлиги ва Фарғонада

¹ Уша жойда. Б. 5.

² Уша жойда.

³ Бобур З.М. Бобурнома. Т.: Юлдузча. -1989.

⁴ Ибрат И. Тарихи Фарғона. ... инв. 10177. Б. 1-22.

маълумотлар мавжуд^{1 2 3}. Бу фикрларни археологик манбалар ҳам тасдиқлайди. Жумладан, Хубо шаҳри харобаларида 1956-58 йилларда Х., Мухаммедов, В.Жуков, А.Мухаммаджонов, И.Ахроров ва М.Аминжоновалар томонидан хазишма ишлари олиб борилади. Тадхихотлар натижаси кўрсатадики, Хубо шаҳри 3 хисмдан иборат бўлиб, арк, шаҳристон ва работга булинган. Тадхихотчилар фикрига кўра Хубо милoddан аввал вужудга келиб, шаҳар хаёти милoddнинг I-чи минг йиллик урталарида ҳамда X-XII асрларда икки марта тараххиётга эришади. Дастлабки тараххиёт араблар даврида, кейингиси XIII асрда, мугуллар истилосидан сўнг таназзулга юз

3

тўтган .

Юхорида келтирилган далиллар Ибратнинг «Тарихи Фарғона» асари мустахил ёзилганлигидан далолат беради.

Исхоххон шаҳарлар тарихи хахида фикр юритар экан унинг «Туркистон вилоятининг газити» рўзномасида эълон хилинган «Фарғона вилоятидаги «Ахси» шаҳрининг хадимий тарихи»⁴ номли махоласи диххатга сазовор. Бу махола Фарғона водийсининг энг хадимий шаҳарларидан бири Ахси тарихига бағишланган. Унинг жойлашган ўрни хахида Ибрат: «Наманган уездига тобъе, худди Намангон шаҳридин ун беш чахирим масофада Ахси булустида дарё лабида бир неча хишлохдин иборатдир»⁵, деб кўрсатади.

Махолада Ибрат Ахси шаҳрига тарих ёзиш кераклиги хахидаги

¹ Харанг: Бобобеков ХН. Хухон тарихи. Т.: Фан. -1996. Б.3.

² Ўзбек Совет энциклопедияси. 14 том. Т.: Хомус бош тахририяти. 1980. Б. 219-220.

³ Бартольд В.В. Туркистан в эпоху монгольского нашествия. Соч. Т. I. М. 1963. С. 209; Ўзбек Совет энциклопедияси. 14 том. Б. 219-220.

⁴ Ибрат И. История древнего города Ахси в Ферганской области. //Туркистон вилоятининг газети. 1913. 23 июнь.

⁵ Уша жойда.

рисола тасниф қилмоқ лозимдир» дейди ва укувчиларга мурожаат қилиб, «Ахси хусусида кок киска, кок батафсил хабарлар бўлса биз газит (мақола дем. ВК) мҳаллифига ёзиб юбориб бизни хурсанд қилсалар»¹, деб билдиради.

Ибрат мақолада «қомус ул аълом» камда Бобўрнинг «Бобурнома» асарларидан келтириб, унда Ахси шаҳрида Умаршайх Мирзо кукмронлиги ва унинг вафоти, Мирзо Бобўрнинг тахтга келиши, Бобур томонидан Ахси шаҳрига берилган таъриф, мевалари, табиати ва бошқалар какида фикр юритади. Шайбонийлардан бўлган Жонибек султонга Ахси бир неча вақт пойтахт бўлганлиги, Ахси какида «Тарихи Рашидий»да берилган фактларни келтиради. Бинобарин, Ахси шакрига карашли атроф кишлоклар сифатида Ахси, Жанжал, Найманча, Шокидон, Хужанд, қозоковул, куш-кайрагоч, Бураматурт, Мозори - кухна, Шаканд кишлокларини кўрсатади. Мақолада келтирилган фактларга кўра Бобур Мирзонинг отаси Умаршайх Мирзо кабри кам шу ерда жойлашган. Ибрат мақолада Тўрақўрғон шакри кадимий тарихига оид 1233 милодийда Сирдарёнинг тошгани, зилзила бўлиб бўзилиб хароб бўлгани, аввал иморатлари икки уч кават гиштдан бўлиб, шакарнинг охири Косонгача бориб, Косон ва Ахси уртаси кирк чакирим йўл каммаси иморат, бозор бўлганлигини эътироф этади. Искокхон ўз мақоласида ақоли зичлигини қуйидагича тушунтиради: «Хдттоки, бир киши Ахси тоmidан юрмак бўлса, то Косонгача борур экан том бошида юриб» .^{1 2 3}

¹ Уша жойда.

² Ибрат И. История древнего города Ахси в Ферганской области. //Туркистон вилоятининг газети. 1913. 23 июнь.

³ Уша жойда.

Бугунги кунда ҳам Тўрақўрғонда жойлашган бу кишлоклар аҳолиси зичлиги бўйича юқорига ўринларда туради.

Ибратнинг мақоласи Фарғона водийсининг энг қадимий шаҳри Аҳси тарихининг ёритилмаган жихатларини аниқлашда муҳим ўрин тутади. Мақолада кўрсатилган маълумотлар Тўрақўрғон шаҳри тарихининг қадимий, уқилмаган саҳифаларини тулдириб боришда диққатга сазовор.

Ибрат асарда қадимий шарқ манбаларига асосланган ҳолда, Фарғонада қадимдан шаҳарлар бўлганлиги, улар Искандари Румий, қубоду, Афросиёбдан қолганлигини эътироф этади. Бинобарин, «Ажойиб ул Булдон» номли асарга асосан, бу шаҳарга дастлаб Искандари Румий Фарғонага бостириб келган даврда асос солинган, яъни Искандар уламоларидан Фарғона баҳодир обод қилган, сўнгра водий унинг номи билан аталган деган хулосани беради¹. Маргилон эса Искандарга товук ила нон кутариб чиқилган жой деб, Форсистондан кочиб келиб тўрган мухожирлар сўзи билан «Мургу-нон» яъни «товук ила нон» сўзидан ташкил топган деб кўрсатади, фикрларини далиллаш мақсадида асар ёзилган даврда мҳаллиф Маргилонда «подшоҳ Искандар» номли ийдгоҳ мазор борлигини таъкидлайди¹. Бироқ, шуни ҳам таъкидлаб утиш жоизки, бугунги кунда фанда Искандари Румийнинг Фарғона мўзофотига кирганлиги инкор этилади.

Ибрат асарда арабларнинг Фарғона водийсига босқинчилик юриши, ҳар бир шаҳар аҳолисининг уларга қаршилик кўрсатиш харақати, Сафед Булон мазорида 2700 саҳоба ва саҳобайи тобейнларнинг шаҳид қилиниши ҳақида фикр юритади. Бу ҳақдаги маълумотларни у

¹ Ибрат И. Тарихи Фарғона. ... инв. ¹ 10117. Б.8.

«Мулхауот ус-Суроҳ» ва «Тарихи шоу Жарир» асари бўйича баён этганлигини кўрсатади. Унинг бу хулосалари ШД.Холиснинг «Сафед-Булон хиссаси» номли рисоласида ҳам келтирилган бўлиб, Сафед Булон мазори, уша даврдаги тошлар ва унга битилган ёзувлар бугунги кунда ҳам мавжудлиги фикримизнинг далилидир.

Мҳаллиф муааддимасига хулоса сифатида водийнинг Русия томонидан босиб олинганлиги, унинг идоравий услубини ёритиш билан ўз фикрларини яқунлайди⁴.

Асарда Ибрат қуон хонлиги иутисодий, ижтимоий ва маънавий ауволи мхаммосига алоҳида эътибор уаратади. Бинобарин, у асарда бўлган қуон шаҳри ва унинг биноси, хонликка асос солиниши, водийда жойлашган ҳар бир шаҳар ҳақида алоҳида маълумот беради. Бинобарин қуон ҳақида асарда: «Хууанд шаҳри Фарғонада катта шаҳар бўлиб, ислом подшоларини мууарри салтанати учун ибтидо Хууанддан баён уилинадур»⁵ - деб ёзиб, «Хууанд» сўзининг лугавий маъносини икки хил таърифлайди. Биринчиси «Х,уу» «уанд» яъни тунгиз қовлаган, иккинчиси эса «Хуйуанд», яъни феъли хуйи уанд деб беради. Араб манбаларида X асрда араб саёхатчилари Истаҳрий ва Ибн Х,авҳал Хууанд шаҳри номланишини «Х,оуанд» деб атайдилар ва унинг гўзал шаҳар эканлигини эътироф этадилар⁶.

Исҳоухон ўзидан олдин ўтган тарихнавислар аъналарига мувофиқ шаҳарнинг пайло бўлишини Чолак ҳужаяри ва «Оптин»^{1 2 3 4}

¹ Ибрат И. Тарихи Фарғона. ... инв. ¹ 10117. -Б. 11-12.

² Уша жойда. Б. 9, 17.

³ Холис Ш.у.Сафед Булон хиссаси. Т.: Ф. Гулом, 1994. Б.4.

⁴ Ибрат И. Уша асар. Б. 19-20.

⁵ Уша жойда. ... Б. 22-23.

⁶ Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Соч. т. 1. М.: 1963. С. 214; Тоже, Коканд. Соч. т. 3. М. 1965. С. 462; История Коканда. Т.: Фан. 1984. С. 5; Бобобеков Х.Н. Тарихимизда уонли излар //Ибрат И. Фарғона тарихи. Мерос. Т.: Камалак, б. 268.

бешик киссаси» билан боғлайди¹. Маълумки, бу кисса Хукон хонлиги ташкил топишида асосий ўрин тутган Чодак хужалари фаолияти билан боғлиқдир . Хиссани ёзишдан мақсад, бу билан Хукон хонларининг саидлар авлодига мансублиги ва тожу тахтга давогарлиги исботланар эди.

Тарихчи олим Ш.Воуидов 1996 йилда ёзган «Хукон тарихчилари Фазлий ва Мушриф» номли рисоласида, «Хуконнинг бошлангич ташаккули айнан хужалар /чодал хужалари/ фаолияти билан боғлиқдир» , деб кўрсатади. Фикримизча, ташаккули сўзи ташкил топиши маъносида ишлатилган бўлса, Хукон шаўрининг X асрларда шу ном билан машуур бўлганлигини эътиборга олган холда, «Хуконнинг бошлангич ташаккули» эмас, балки «Хукон хонлигининг бошлангич ташаккули» деб фикр юритилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Тарихчи олим ХБобобеков 1996 йилда нашр эттирган «Хукон тарихи» номли китобида Хукон шаури топонимикаси билан жиддий шугулланган ҳамда «Хуканд» сўзи «ёкимли шауар», «Латиф шауар» маъносини беради, шундай бўлсада, «Баландликдаги шауар», «Хунар шаури», «Хулар шаури» яъни «Ху» (Ку) кабиласи шаури вариантларини ҳам рад қилиб булмаслигини эътироф этади. Чунончи, фикрларини яқунлар экан, Хукон Фарғона водийсининг кадимги шауарларидан бири бўлиб, у 2000 йилдан ортиқрок ёшга кирган, деган хулосани беради^{1 2 3 4}. Фикримизча, хулоса бугунги кунда Хукон шаури тарихини ўрганишда алохида аҳамиятлидир.

¹ Ибрат И. Тарихи Фарғона. ... инв. 10117. Б.8. Б. 23-24.

² Воуидов Ш.Х- Хукон тарихчилари Фазлий ва Мушриф. Т.: 1996. Б. 21-22.

³ Вохидов Ш. Уша асар. б. 22.

⁴ Бобобеков ХН. Хукон тарихи. Т.: Фан. 1996. Б. 8.

Хукон тарихида «Олтин Бешик киссаси»нинг З.М.Бобур шахси билан боғдиклиги, аммо унинг «Бобурнома» асарида бу ҳақда ҳеч бир маълумот келтирилмаганлиги сабабли, шарқ тарихий манбаларида ёзиб қолдирилганлигига карамай, тадқиқотчилар бу киссани илмий жихатдан исботланмаган, деган хулосани берадилар¹. Мирзаолим Мушриф «Ансоб ус-салотин ва таворих ул хавокин» номли асарида Хукон хонлари тарихини Олтин Бешикдан то Шохрухбийга қадар бўлган вокеликларни батафсил хикоя қилган, аммо бу даврдаги вокеликлар санаси бирон бир жойда учрамайди. Бундан фаркли равишда Ибрат Олтин Бешикхон билан Шохрухбий уртасида олти авлод ўтганлигини эътироф қилиб, тарихчи сифатида хонлар тахтга утиргани ва вафотларининг аниқ саналари ҳамда авлодлари ҳақида батафсил маълумот беради^{1 2}.

Ибратнинг мҳаммога бундай ёндошиши унинг ўз салафларига нисбатан ижобий жихатини кўрсатади. Аммо у ўз асарида Олимхон ибн Норбутахон даврига қадар бўлган вокеликларга ута кискача тавсиф беради. Бу давр ичидаги вокеликлар Ибрат асарида хукмдорларнинг тахтга келиши, кискача тавсиф ва ундан қолган авлодлар ҳақида киска, аммо тўғри маълумотлар бериш билан тугалланади³. Бу давр ҳақида «Мунтакаб ат-таворих» асарида Ҳакимхон тура Рахимхоннинг Хукон ҳукуматини укаси Абдулкаримбийга ташлаб, ўзи Хукон вилоятига жойлашганлиги, бу вақтда Хукон янги обод бўлганлигини⁴ ёзиб қолдиради.

¹ Матгозиев А. Шохид нигоҳида бўлган вокеалар. //Мирзаолим Мушриф. Хукон хонлиги тарихи. Т.: Ф. Гулом. 1995. Б.4.

² Ибрат И. Тарихи Фарғона. ... -Б.26.

³ Уша жойда. Б. 25, 26, 26.

⁴ Хожи Мухаммад Ҳакимхон Сайид Маъсумхон ўғли. Мунтакаб ат-таворих. Ўз ФА ШИ. Х. Инв. / Р-542. В. 393-394.

Мирзаолим Мушриф асарида Олимхон хукмронлиги (1798-1810) даври ҳақида атроф ва жанубдаги подшоулар ларзага тушиб, элчилар келиб Коратегин, Дарбоз, Бадахшон юртлири карам бўлиб, Кошгар шаури хонлик тасарруфига кириб, кўп сиёсатлик подшоу бўлганлиги, Бухоро амири вауимага тушганлигини, Самаркандгача бориб тожик жамоасига ривож бериб эшонларни «каромат кўрсат» деб, уижолатга солганлигини¹ ёзиб қолдиради.

Ибрат эса Олимхон даври ҳақида нисбатан кенгрок фикр юритиб, уни «Бу Олимхоннинг лакаби золимхон эди... амакиси Хожибекни катл қилиб, кўп зулмлар чиқарган эдики, буни газабиндин ва зулминдин золимхон исми машуур эди» - деб ёзади. Олимхон хукмронлик қилган давр ҳақида марказлашган кучли давлат тўзиш учун каттиқкуллик билан сиёсат юритаётган Олимхоннинг халққа, пиру эшонларга, ўзининг тожу-тахти атрофидаги кариндошларига нисбатан тўтган сиёсатини очиб берувчи муҳим фактлар келтиради .

Олимхон даврида Куконнинг сиёсий мавкеи кучаяди. У уарбий ислохотлар ўтказиб Ангрэн, Тошкент, Чимкент ва Туркистонни ўзига буйсундиради. 1803 йилда ўз давлатини расман Кукон хонлиги деб эълон қилиб, хон унвонини олади ва уни Олимхон деб атай бошлаганлар. Бу уақда тарихчи олим Х.Бобобеков 1996 йилда ёзилган «Кукон тарихи» китобида Олим давлатининг бутунлай бошқалардан ажралиб тўрганини, Бухорога қарши кўраша олишини, кучлилигини куриб, хонлик унвонини қабул қилганлигини, унинг давлати Кукон шаури, яъни пойтахт номи билан Кукон хонлиги деб ^{1 2}

¹ Мушриф М. Кукон хонлиги тарихи. -Т.: Ф.Фуллом. 1995. Б. 18.

² Ибрат И. -Б. 28-30.

³ Уша жойда. Б. 28-30.

аталган¹ лишни эътироф этади. Олимхон марказлашган давлат тўзиш мақсадида Кухистонликлардан ва куллардан ёлланма кушин тўзади. Бу эса шауар ауолиси ва пиру эшонларнинг норозилигига сабаб бўлади^{1 2 3 4}. Бунга нисбатан Олимхон турли жазо чораларини куллайди, натижада у ўзини қўллаб - қувватловчи барча таянчлардан маурум бўлиб, амалдорлари томонидан улдирилади . Ибрат асарда бу уакдаги фактларни тўғри баён этган. Шу нуқтаи назардан рисоланинг бу қисми Олимхон давридаги ижтимоий ҳаётни очиб беришда муҳимдир. Бу воқеликлар Умархон даврида (1810-1822) унинг билан замондош бўлган Фазлий Фаргоний (Абдулкарим Намангоний)

4

асарида ҳам келтирилади .

Олимхон ҳақида фикр ва мулоуазаларни баён этар экан Ибрат қуйидагича ёзади: «Мустакил уукумати ун йил бўлиб, мўзоҳамат ва мунозаати билан ун икки йилга етгон экан. Жулуси 1215 йилда бўлиб, вафоти 1225 экан»⁵. Бу санани милодийга айлантирганимизда 1800-1810 йиллар келиб чиқади, Ибрат бу санани тўғри берган, аммо бу сана нашр этилган нусхада «жулуси 1235-чи йил бўлиб, вафоти 1237-чи йилда экан»⁶ деб, янглиш келтирилади.

Ибрат Умархон даврини ҳам асарига алоҳида қисм сифатида киритади. Лекин у кўпроқ Умархон хукмронлик йилларидаги маданий ва ижтимоий ҳаётга эътибор каратади. Бу қисм номини «Асри Умархони жаннатмакон ибн Норбутоҳон»¹ деб номлаб, унда Умархон

¹ Бобобеков у.Н. Қўқон тарихи. Т.: Фан. 1996. Б. 25.

² Ибрат И. Тарихи Фартјона. ... Б. 28-30.

³ Ибрат И. Тарихи Фартјона. ... Б. 28.

⁴ Воҳидов Ш. Қўқон тарихчилари Фазлий ва Мушриф. Т.: Фан, Б.11.

⁵ Ибрат И. Тарихи Фартјона. ... Б. 30.

⁶ Уша мҳал. Фартјона тарихи. Мерос, тўплам. Т., Камалак. 1991. Б. 288.

айникса илм аулларига муносабати^{1 2 3}, Умархон давридаги маданий хаёт хақида кимматли маълумот бериш билан бирга, Ибратнинг Умархон даврида яшаб ўтган уламолар, фўзалолар, шоирлар ва умаролар хақидаги ахбороти бизни шу йўналишда изланишлар олиб боришни давом эттиришга йўналтиради.

Умархон хақида ёзган кўплаб мҳаллифлар унинг халқ томонидан «жаннатмакон» деб ном берилганлигини келтирадилар . Ибрат асарида Умархоннинг жаннатмакон номини олганлигини «Жомеъ масжиди» қурилиши хақидаги воқелик билан боғлайди⁴.

1818 йилда Умархон томонидан Жомеъ масжиди қурилган бўлиб, унда Умархон «амир ал-муслимин» унвонини олади.

Ибрат келтирган маълумотлар Умархон давридаги маданий, маърифий, ободончилик хақидаги фактларни ўрганишда муҳим ўрин тутди. Аммо у Умархонни давлат арбоби сифатидаги харбий - сиёсий фаолияти ахамиятини пасайтирган ҳолда жуда киска маълумот келтиради: «Бу Умархон асарида ҳеч муҳораба ва мухотала

булмай, ахёнда Истравшан, Уратепа умаролари билан ораларида воқеа бўлиб, катта муҳораба булмай осойишта утгон экан»⁵.

Умархоннинг харбий сиёсий фаолияти ҳақидаги маълумотлар унинг замондоши, XIX асрда яшаб ўтган шоира Дилшоди Барно асарида келтирилган бўлиб, у «Тарихи мухожирон»⁶ номли асарида 1816 йилда Умархон томонидан Уратепанинг босиб олиниши воқеаларини ақс эттирди. Унда келтирилган маълумотларга кўра, Уратепа

¹ Уша мҳал. Тарихи Фарғона. ... Б. 30.

² Уша жойда. Б. 30-31.

³ Мушриф М. Қўқон хонлиги тарихи. Б.19.

⁴ Ибрат И. Уша асар. Б. 32.

⁵ Ибрат И. Тарихи Фартюна. Б. 36.

⁶ Дилшод Б. Тарихи мухожирон. ЎзР ФА ШИ, қ- инв. ¹ -1207.

XIX асрнинг бошидан то Россияга кушиб олингунига қадар Бухоро ва Қўқон хонликлари томонидан 40 мартадан ортиқ таланади ва унда 23 маротаба ҳокимият алмашади . Мҳаллиф асарда Умархоннинг Уратепани босиб олиши 1232 хижрий йили кўз пайтида деб кўрсатиб, ...
истилочи кушин шимол, гарб ва шарқ томонидан шаҳарни ураб Уратепанинг таслим бўлишини кўтганликларини, халқ бу сафар ҳам хон лашкарига қарши 6 кун каттик жанг билан шаҳарни химоя қилганликларини^{1 2} ёзади.

o

Бу ерда 13400 асир тўпланади. Уратепанинг уруғ ва беклари хоннинг зулмига қарши бош кутарадилар, бундан даргазаб бўлган амир 1213 кишини дорга остириб, омон қолганларни Қўқонга сургун қилади³. Уратепадан хайдаб келинган аҳоли хон томонидан Қўқон хонлигининг чул-биёбонига сургун қилинади, 7 йилдан сўнг бу ерда шаҳар бунёд этишга рухсат берилади, бу шаҳар хоннинг номи билан Шаҳрихон деб шуҳрат топади⁴.

Умархон даврида мамлакат ичида унинг атрофидаги кушиб олинган беклар билан ўзаро келишмовчиликлар бўлиб туради, натижада кўплаб аҳоли киргинга учрайди. Бироқ, Ибрат томонидан эътироф этилганидек, бу низолар мамлакатнинг ички низолари бўлиб, бошқа хонликлар ёки атрофдаги мустикал давлатлар билан уруш-талашлар булмайди. Шу нуқтаи назардан Ибрат Умархон даврини бир қадар осойиш ўтган давр сифатида тавсифлайди.

Ибрат асарида Умархон билан ҳамсухбат уламолардан Зокирхужа
эшон Шайхул-ислом Намангоний Мавлавий Намангоний помпа

¹ Уша жойда. Б. 12-14.

² Уша жойда. Б. 4-5.

³ Уша жойда. Б. 5.

⁴ Дилшод Б. Тарихи мухожирон. Б. 17.

Мирзойи қозикалон, хазрати домла Муъминжон, хазрати домла Абдурахим, хазрати домла Махдумзард, хазрати Мавлавий қобулий, домла Пискатий ва улардан хамжулуслари Амир Шохмуродхон мархумнинг ўғли ва Амир Хдйдар подшохи Бухоронинг биродари Исхокхон тура Аъзамий, Эшонхон тура, Турахон тура, Жахонгир Офокийлар хақида маълумот бериб, подшоҳлик иш ва хукмлари бўларнинг фатволари билан амал қилиши¹ хақида фикр юритади.

Ибрат асарига Умархон вафотига бағишлаб ёзилган Хотифнинг «Тарихи вафоти Умархон ва жулуси Мухаммад Алихон» номли 2 шеърини киритади ҳамда Умархонни «Хукандда, Дахмаи шохонда» дафн қилинганлигини ёзиш билан Умархон хақидаги мулохазаларини яқунлайди. Унинг «Тарихи Фарғона» асари Умархон давридаги ижтимоий-маданий ҳаёт хақида кимматли фактлар бериб, у даврда яшаб ижод этган уламо, фўзало, умарои-акобирлар хақидаги маълумотлар бизни шу йўналишда изланишлар олиб боришни давом эттиришга йўналтиради.

Умархондан кейин 1822 йилда Қўқон тахтига ўғли Мухаммад Али утиради ва отасининг сиёсатини давом эттиришга ўринади. Исхокхон унинг тахтга келишини 15 ёшида^{1 2 3} деб кўрсатади, халқ томонидан Мадалхон, яъни манбаи адлу адолат деб зикр қилиниши хақида хабар беради⁴. Мухаммад Алихон хақида ёзар экан, кофир билан мухораба қилиб гозий бўлганлигини эътироф этади¹.

Мухаммад Алихон хонлик даври хақида Мушриф асарида унинг 17

¹ Ибрат И. Тарихи Фарғона. Б. 34-35.

² Уша жойда. Б. 36.

³ Бошқа манбаларда 17 ёшда деб кўрсатилган. Уша жойда. Б. 37.

⁴ Уша жойда.

иш юритганлиги, Бухоро, Ўрганч Хитойдан бож олиши, Дашту кипчок, Бадахшон, Кулоб, қоратегин унинг тасарруфида бўлганлиги, давлати ривож топгач эса қора ниятли кишилар унинг суҳбатидан йўл топиб ҳалоқатга олиб келганлигини эътироф этади^{1 2}. Бу фикрлар- ни Ибрат ҳам тасдиқлайди³.

Рус тарихчиси В.П.Наливкин Муҳаммад Алихонни «Краткая история Кокандского ханства» асарида уچار, инжик, тантик, серуархаша, баджаул, аулокан бўзилган, сарой амалдорлиги даврида атрофидагиларга урناق бола бўлган⁴лигини ёзган. Наливкин фикрларини Мушриф ва Ибрат фикрлари тасдиқлайди. Чунки, улар ҳам Муҳаммад Алихонни дастлабки даврларда салоуиятли давлат арбоби сифатида таърифлаганлар, кейинчалик саройдаги мухитнинг ёмонлашиб бориши билан унинг аулокидаги ўзгаришлар кўзатилади.

Ибрат асарда Бухоро амири Насруллонинг Қўқон хонлигига бос-тириб келиши, Муҳаммад Алихон, укаси Султон Маумуд ҳамда она-си Моулар ойимнинг улдирилиши ҳақида факт келтирган бўлиб, у бу ходисани «такдирий»лиги, воқеликнинг асл сабаби эса фасоҳатли уламо ва фўзало, аули донишларнинг мамлакатдан қувгин қилинганлигида, деб кўрсатади⁵ ва бундан хабар топган Бухоро амири Хукандни босиб олган, деган хулосага келади⁶. Асарда

¹ Ибрат И. Тарихи Фарғона. ... Инв. И0117. Б. 37.

² Мушриф М. Уша асар. б. 20.

³ Ибрат И. Уша асар. б. 37-38.

⁴ Наливкин В.П. Краткая история Кокандского ханства. -Казань.: 1886. Б. 122.

⁵ Ибрат И. Тарихи Фарғона Б. 42-43.

⁶ Уша жойда. Б. 43.

келтирилган Мухаммад Алихон хукмронлигига оид бошқа маълумотлар тарихчи мҳаллифлар асарларида¹ ҳам тасдиқланади.

Мухаммад Алихон хукмронлик қилган даврда Хукон-Бухоро муносабатлари кескин ёмонлашади, қайта-қайта урушлар натижасида Бухоро амири Насрулло Хукон кушинини тор-мор қилган ва уни ўз хоқимиятига кушиб олади. Мухаммад Алихон ўзини амирнинг ноибидеб эълон қилишга мажбур бўлади. Архив манбаларидаги далилга кўра ахволи огирлашган Мухаммад Алихон рус императори билан алоқа боғлашга ва юзага келган танг вазиятдан чиқиб кетишга ўринган ва император хўзурига Эшон Мухаммад Халил бошчилигида ўз элчиларини юборади. Рус ҳукумати Мухаммад Алихон таклифини қабул қилади^{1 2 3}. Бироқ, Гарбий Сибирь генерал губернатори Госфорд томонидан берилган маълумотларга кўра Хукондаги исёнлар, ўзаро ички низолар туфайли Эшон Мухаммад Семипалатинска қолиб кетади ва унинг элчилиги натижасиз қолади⁴. Ибрат Мухаммад Алихон даврига тавсиф берар экан бу мҳаммога эътибор қаратмайди.

1842 йилда куконликлар кўзголон кутариб, амир Насрулло одамларини улдириб, Шералихонни хон қилиб кутаради. Янги хон ўзига Мусулмонкул номли кипчокни мингбоши қилиб тайинлайди. Ибрат асарда Шералихон Хукон хонлиги тасарруфидан чиқиб кетган Тошкент беклигини қайта ўз тасарруфига киритганлиги ҳақидаги маълумотни беради⁵.

¹ Мушриф М. Хукон хонлиги тарихи. /Ансоб ус-салотин ва таворих ул хавокин/ -Т.: Ф.Гулом. 1995. Б. 19-21; Ходирова М. Нодира. -Т.: Фан. 1965; Бобобеков Х. Тарихимизда конли излар //И.Ибратнинг Тарихи Фар гона асаригаёзилган сўзбоши. Т.: Камалак. Мерос. Т. 1991.

² Бобобеков Х-Н. Хукон тарихи. -Т.: Фан. 1996. Б. 29.

³ ЎзР МДА. Ф. И-715, 1-рўйхат, 4-иш, в 8-9.

⁴ ЎзР МДА. Ф.И- 715 1-рўйхат, 4-иш, в 113-114.

⁵ Ибрат И. Тарихи Фарғона. ... Б. 45-46.

Орадан кўп утмай 1261 хижрий, 1845 милодий йилда Ушда кўзголон бўлиб, Мусулмонкул минбоши кушин билан кетгач, Шералихонни улдириб Муродхон ибн Олимхон тахтга чикиб олади ва Мусулмонкулни ўз вазифасида қолдирганлигини билдириб фармон юборади. кўзголон бостирилгач, Мусулмонкул Наманганга келади ва 12 ёшли Худоёр ибн Шералихонга ўз кизини никохлаб беради. Хуконга келиб Муродхонни табриклайди ва унда ўзига нисбатан ишонч хосил қилгач, икки кундин кейин улдириб, ўрнига Худоёрни хон қилади. Муродхонни ҳукумати бир ҳафтага етади¹. Ибрат келтирган бу фактлар бошқа тадқиқотчилар томонидан ҳам тасдиқланади^{1 2 3}.

Худоёрхон ёш бўлганлиги сабабли ҳам бошқарув Мусулмонкул кулига утади ва у энг мухим ишларга кипчокларни сайлайди. Натижада норозилик кучайиб, уламо ва фўзало бирлашиб кипчоклардан кутулмокчи бўладилар, «Билкиллама» деган жойда Мусулмонкули асир олиниб катл қилинади» .

Ибрат хабар берганидек, 1853 йилда кипчокларга қарши киргин бўлиб, 20 минг кипчок улдирилади ва ер суви арзон гаров сотиб юборилади⁴. Бу эса кулай вазиятни кутиб тўрган рус ҳукуматига кул келиб, Окмачит босиб олинади.

Хипчок киргини «Ансоб ус-салотин ва таворих ул хавокин» асарида ҳам берилган бўлиб, мҳаллиф асарда воқеликни алоҳида ақтибон билан ёритади. Воқелик от бозорилан бошланиб

¹ Ибрат И. Тарихи Фартюна. Б. 46.

² Петровский Н.Ф. Очерки Кокандского ханства. Туркестанский сборник, т. 75. л.9; Мушриф М. Хукон хонлиги тарихи. -Т.: Ф.Гулом. 1995. Б. 19-21; Бобобеков Х-Н. Хукон тарихи. -Т.: 1996. Б. 32-33.

³ Ибрат И. Тарихи Фартюна. ... инв. 10117. Б.47.

⁴ Туркестанский сборник. Саид Мухаммад Худоёрхон Хукондий. т. 89, 332-335 в; Ўзбекистон ССР тарихи, 4 жилдлик, 1-жилд, Т.: 1967, -Б. 665; Бобобеков Х-Н. Хукон тарихи. -Т.: Фан. 1996. -Б. 55.

«Билкиллама»да Мусурмонкулнинг тутиб олиниши ва осилиши билан яқунланади¹. қипчоқлар кўзголони ҳақида архив манбаларида ҳам маълумот бўлиб, бу уужжат Оренбург чегара комиссияси раисининг 1853 йил 16 февралда Оренбург губернаторига ёзган ёзма маърузасидир. Маърузада Қўқонда кўзголон кутарган сартларнинг ҳамма қипчоқларнинг ҳалок бўлишини ният қилганлиги ва Туркистонда, Окмачитда кушинлар сонини ортирганлиги ҳақидаги маълумотлар берилади^{1 2}.

Бироқ, бу даврда Мусурмонкул назоратидан кутилган Худоёрхон халқ ауволи билан қизиқмай куяди. Бу уолатни изоулар экан Ибрат Шавкий Намангоний томонидан ёзилган Маллахоннинг Худоёрхонга насиуат назмини ҳам киритиб кетадики, бу асар кимматини оширади.

Худоёрхонга қарши 1858 йилда козоклар кўзголон кутарадилар, кўзголон Маллабек томонидан солиқлар микдорини икки баробар камайтириш эвазига бостирилади, натижада халқ уртасида, Маллабекнинг обриси ошиб кетади. Пайтдан фойдаланган Маллабек тахтга даъвогар сифатида Худоёрни Бухорога кочишга мажбур қилади.

Маллахон мамлакатда бир неча ислохот ўтказган, шауарларнинг мустакиллигини оширган, мудофаани кучайтирган, рус уукумати уарбий кучини тўғри баҳолай олган холда, ўз фукароларига Россия билан чегарани бўзишни катъиян таъқиқлаб, чегарани бўзганлик учун уатто улим жазосини жорий қилади.

Ибрат асарда Маллахон томонидан олиб борилган сиёсатни маъқўллаб, фукаро ва дини учун, миллат учун ҳаракат қилган икки киши

¹ Мушриф М. Ансоб ус-салотин ва таворих ул хавокин. ЎзР. ФА ШИ. Инв. Р-3753, 100-105 в.

² Ўз МДА Ф.И-715, 1-рўйхат, 14-иш, в. 84.

амир лашкар ва мархумий Маллахонни тўплар куйдириб, милтиклар ясаб, корхоналар қилиб, яхши диққат қилганлигини¹ ёзиб қолдиради.

Хдккатдан ҳам Маллахон каттиқкуллик билан сиёсат олиб бориб, иложи борица қиғиз-кипчок ва сарт-ўзбек уртасида муроса- созлик билан иш тутади. Улар уртасидаги адоватларни бартараф этишга ҳаракат қилган Маллахоннинг тўтган сиёсатини сарой амал- дорлари қўллаб-қувватламаганлар. Натижада Маллахон улдирилади. Бунинг вақтини Исхокхон: «Жулусни учинчи йили 1278 хижрийда мулла Олимкул ва Олимбек қиғизлар ва неча иноклар кулида Маллахон улдирилди" - деб кўрсатади. Бу фикрлардан Ибрат мулла Олимкулни катлга иштирок этган деб ҳисоблайди ва фикри давомида Олимкул ўзини катлга иштирок этмаган кўрсатиб, турли йўллар билан катлга иштирок этганларни бирин-кетин жазолаб улдиради деган хулосага келади. Аммо Мушриф асарида бу фитналарга Нормухаммад кушбеги ва Шодмон додхох бош бўлганлиги ёзиб қолдирилади^{1 2 3}. 1862 йил 25 февраль кечасида Шохмуродбекни Қўқон хони деб эълон қилинади⁴.

Мамлакатда тожу-тахт учун кўраш давом этади. Бухоро амири Мўзаффархон томонидан Худоёрхон иккинчи маротаба тахтга келади. Аммо мулла Олимкул Худоёрхонга қарши кўрашни давом эттиради ва 1863 йил 9 июлда Султон Саййидни Қўқон тахтига чиқаради ва Худоёрхон Бухорога кочишга мажбур бўлади. Манбаларда бу хонни Султон Мурод деб берилган⁵. Ибрат асарда

¹ Ибрат И. Тарихи Фартюна. Б. 67.

² Ибрат И. Тарихи Фартюна. Б. 53-54.

³ Мушриф М. Ансоб ус салотин, таворих ул хавокин. //Қўқон хонлиги тарихи. -Т.: 1995. Ғ.Гулом. Б. 65.

⁴ Ибрат И. Тарихи Фартюна. Б. 55.

⁵ ЎзР МДА, ФИ-715. Рўйхат-1, 26-а-иш. 117 в; Бобобеков Х.Н. Қўқон тарихи. -Т.: Фан, 1996. Б. 36.

Мурод сўзини учириб ёнига Саййид деб келтиради¹. Худди шу вақтларда, Маллахон ва Худоёрхон саройида котиб вазифасида хизмат қилган Мушриф асарида бу хон Султон Саййид эканлиги эътироф этилади. Худоёрхоннинг иккинчи ўғли Мухаммад Аминбек томонидан берилган манбада ҳам Олимкули Амирлашкар томонидан Султон Саййидхон Маллахон ўғли тахтга чиққан эканлиги кўрсатилади^{1 2 3}. Бундан кўринадики, маҳаллий тарихчилар, яъни Ибрат ва Мушриф томонидан бу маълумот тўғри келтирилади.

Мамлакат ичидаги ахвол, тахт учун бўлган мажоролар рус амалдорларига кул келади, улар 1864 йилда Туркистон ва Чимкентни босиб олишга киришади. Бу ҳақда хабар топган Олимкул амирлашкар ўз армияси билан Чимкентга келади^{4 5}. Ибрат асарида Олимкул амирлашкарни рус босқинига қарши олиб борган кўраши ҳақидаги маълумотларни Икон жангида амирлашкар кушинида жанг қилган хожи Мухаммад Мирзо Душабой фармончи ўғли хикоялари асосида ёзилганлигини кўрсатиб утадики, бу манбага бўлган ишончни

5

кучайтиради .

Ибрат амирлашкарни Чимканд мухорабаси ҳақида бошқа манбаларда учрамайдиган воқеалар тафсилотини беради, бу хонликдаги ички вазият ҳамда кушин раҳбари билан уруғ бийлари орасидаги ички зиддиятларни очиб беради.

Амирлашкар Русия билан жанг қилар экан, кушин орасида каттик

.. - ...

¹ Ибрат И. Уша асар. Б. 60.

² Мухаммад Аминбек Худоёрхон ўғли. Фарғона водийси хонлиги хусусидаги воқеотлар.//Туркистон вилоятининг газети. 1894. № 11. 22 март.

³ Ибрат И. Уша асар. Б. 59-60.

⁴ Ибрат И. Уша жойда. Б. 64. Мушриф М. Уша асар. б. 71.

⁵ Ибрат И. Тарихи Фарғона. Б. 67.

белгилади. Бу айникса мамлакат чегарасида жоилашган козок бииларига нисбатан кулланганлиги муносабати билан вазият кескинлашади ва окибат душман фойдасига хал бўлади. Бу ҳақда Ибрат асарида амирлашкар ва козок биИи БоИзок уртасидаги мўзокарани келтиради ва бу Бойзокнинг улими билан якунланади.¹ Бундан кўринадики, рус хукумати мамлакат чегарасида яшаётган хонлик аҳолисини вақтинча, турли шарт-шароитлар эвазига огдириб олади. Бу эса хонликдаги ички вазиятнинг кескинлашувига ва козок уруғларининг Россия тарафига утиб кетишига имконият яратади.

Бинобарин, Ибрат асарида Олимкули амирлашкар «умаролари маслахати билан бир сагира кул тарафидан Чимкентда отиб улдирилади» деган нотўғри хулосани беради. Аслида Олимкули амирлашкар Тошкент химоясида душман укига учраб улади. Мушриф асарида Олимкулнинг Тошкент химоясида душман укига учраб улганлиги ва унинг Султон Саййидхон бошчилигида Шайх Хованд Тахур қабристонига дафн қилинганлиги кўрсатилади^{1 2 3}. Бу фикрни бошқа мҳаллифлар ҳам эътироф этадилар⁴. Ш.Юсупов томонидан келтирилган фактларда Мулла Олимкул Тошкентда улдирилгани эътироф этилгани холда ўз ҳамюртлари томонидан улдирилган деган янглиш хулоса ҳам берилади⁵. Бироқ, кейинги тадқиқотлар натижасида олим ўз фикрини ўзгартириб, 1865 йилнинг 7 майида /Олимкул амирлашкар/ Мингурик мавзесида ярадор

¹ Тарихи Фарғона. - Б. 64-65.

² Уша жойда. Б. 67.

³ Мушриф М. Т., 1995. Уша асар. Б. 75-76.

⁴ Бобобеков Х-Н. Уша асар. Б. 36; Рахимов Ж. Ўзбекистон тарихи. 9-синф учун дарслик. Т., Ўқитувчи, 1999. Б. 84.

⁵ Юсупов Ш. Худоёрхон ва Фуркат. -Т., Шарк. 1995. Б. 9.

қилиниб, шаҳарга олиб кирилган, шу ерда вафот этган ва Шайх Хованд Тахур қабристонига дафн қилинган¹ - деган хулосага келади.

Олимкул амирлашкар вафотидан фойдаланган Худоёрхон амир Мўзаффар ёрдамида Қўқон тахтини эгаллайди. Бу ҳақда Ибрат асарда Амир Худоёрни хон қилиб қўйганлигини, Худоёрхон амирга тобе ҳукмида бўлганлиги, Русия билан урушда ҳамжихат бўлишга аҳд қилиб, сўнгра Қўқонни Худоёрхонга, Тошкентни Русияга ташлаб кетганлигини^{1 2 3} ёзади.

Худоёрхон вазиятдан келиб чиқиб хонликни вассал тариқасида бўлсада мустақил сақлаб қолишга ўринади. 1868 йилда тўзилган битим шу мақсадга йўналтирилади. Шартнома оқибатлари, хонлик chegarасининг кискариб хазинага тушадиган даромаднинг камайганлиги натижасида солиқларнинг ортиб бориши 1873 йилда Худоёрхонга қарши халқ томонидан исён кутарилишига олиб келади ва бу исён тарихда «Пулатхон кўзволони» деб ном олади.

Ахолининг кўп қисми кўзволончилар билан бирлашиб Худоёрхонни агдармокчи бўладилар⁴. Бироқ, улар Худоёрхонни чор ҳукумати қўллаб - қувватлашидан шубҳаланиб, Хужанд уезди бошлигига Туркистон генерал-губернатори кимнинг тарафдори эканлигини аниқлаш мақсадида вакиллар юборади⁵. Генерал-майор Эйлер бу вакиллар билан мўзокаралар олиб боришни рад қилади ва уларни Хужанддан чиқариб юборишни буюради. кўзголончилар ўз

¹ Юсупов Ш. Ибрат зақоси ёхуд бу фазилатни акс эттирган янги нашр // Ўзбекистан адабиёти ва санъати 2005. 8 апр.

² Ибрат И. Уша асар. Б. 68.

³ Юсупов Ш. Худоёрхон ва Фуркат. -Т., Шарқ. 1995. Б. 13.

⁴ Уша жойда, Б. 178-180.

⁵ ЎзР МДА, ФИ-715. Рўйхат-1, 26-а-иш. 322 в.

кучларини тўплам олиш мақсадида 1873 йил сентябрдан вақтинчалик кўзголонни тўхтатиб турадилар¹.

1874 йил апрелдан бошлаб кўзголончилар янгидан ҳаракатга тушадилар. Бир неча тукнашувдан сўнг Худоёрхон кўзголончиларга қарши 1875 йил баҳорида Абдураумон Офтобачи, Исо авлиё, Х,акназар парвоначилар бошчилигидаги қушинни Ушга жунатади^{1 2}.

Архив маълумотларининг кўрсатишича, бу тадбир муваффақиятли чиқиб кўзголон бостирилади, ярашиш ва итоаткорлик белгиси сифатида Худоёрхон олдида Офтобачи вакиллар юборади. У хонга хат ёзиб, юборилган вакилларни уар қандай шароитда ҳам иззат-икром билан кутиб олиш ва улдирмасликни, шугина кўз-голонни тўхтатиши мумкинлигини билдиради. Бироқ, хон бу мас-лауатни маъкул қурмайди ва уларни қатл қилишга буюради.³

Худоёрхоннинг бу сиёсати ҳукмрон доираларнинг ҳам қаттиқ қаршилигига учрайди. Жумладан, Ибрат бу ички зиддиятларни Маурамда моли таланган рус савдогари мҳаммоси орқали кўрсатиб беради, чунончи, бу уақда Туркистон генерал-губернатори суровига қандай жавоб бериш борасида хон Абдураумон Офтобачига маслауат қилганда, «қаттиқ рад жавоби берилсин» деган хулосани беради. Рус уукумати билан муросанинг бўзилишини уоуламаган Худоёрхон унинг бу маслауатини бажармайди⁴. Оқибатда Абдураумон Офтобачи 1875 йил 17 июлда ишонган отрядлари билан кўзголончиларга қушилади.

¹ Уша жойда, 368 в.

² Мушриф. Уша асар, Ўз ФА ШИ қ-инв. ¹ 3753, в 156-159.

³ ЎзР МДА. И-715-фонд, рўйхат 1, 58-иш, в 117.

⁴ Ибрат И. Уша асар. Б. 80-81.

Бинобарин, 1875 йил 19 июлда Куконда Худоёрхоннинг катта ўғли Насриддинбекнинг кўзголончилар томонига ўтгани ва уларнинг Уш, Наманган, Андижон ва Асака шакарларини эгаллаганликлари маълум бўлади¹. Бундан хабар топган Худоёрхон ўз кучларига ишона олмай Туркистон генерал-губернатори Фон Кауфмандан мадад сурайди. Бу хдкдаги маълумотлар Худоёрхон томонидан Туркистон генерал-губернаторига 1875 йил 20 июлда ёрдам сураб ёзилган хатда аниқ фактлар билан келтирилади^{1 2}. Бироқ, хон Куконга рус армиясининг ёрдамга келишига ишонмагач, «саксон ароба куч, хазина ва ойимлар, беклар, етти ароба танга илан Хуканддан Тошкандга жунайди»³.

Кукон тахтига унинг ўғли Насриддинхон утиради⁴. Унинг 1875 йил 25 июлда тахтга утирганлигини архив манбалари кам тасдиқлайдилар⁵. Хон бўлиб олган Насриддинбек Русия бостириб келиши билан халққа хоинлик йўлига утади: «Насриддинхон Хукандда туриб, Русия келиши билан истикбол қилиб олди. Бул сабабдан Хукандни Насриддинхонга берди»⁶.

Ибратнинг ёзишича, дин ва миллат учун газавот қилган гуруклар бутун хонликни камраб олганига карамай, тахт учун кўраш кизгин, унинг рақбарлари уртасида бирлик йўқ, кучлар булиниб кетган. Кўзголончилар қарбий тайёргарлик курмаган, гурук орасида интизом

¹ ЦГВИА Рос. Ф-1396, ор 2. Ед. хр. 91. Л 1. Каранг. Бобобеков Х,Н. Кукон тарихи. Т., Фан. 1996. Б. 70. Мушриф М. Уша асар. Б. 86.

² ЎзР МДА, И-715-фонд, 1-рўйхат, 68-иш. В. 121-122.

³ Ибрат И. Тарихи Фартюна. Б. 81.

⁴ Уша жойда. Б. 82.

⁵ ЎзР МДА, И-715 фонд, 1-рўйхат, 68-иш. В. 121-122.

⁶ Ибрат И. Уша асар. Б. 81.

хам коникарли бўлмаган. Бу эса харбий тажрибага эга бўлган рус кушинларига кул келиб, халойикни киргин қилганлар¹.

Пулатхон кўзголони хақида фикр юритар экан, Ибрат вокеликка танкидий нуқтаи назардан ёндошган. Бу кўзголонни бошқа мҳаллифлардан фаркли равишда ҳукуматга қарши кутарилган ички низо сифатида баҳолаган ҳамда Русия истилоси арафасида халқни хонлик атрофига бирлашиш ўрнига, ички низолар оқибатида ватанни кулдан бой берилганининг сабабларидан бири сифатида талқин қилган. Пулатхон шахси хақида ёзар экан уни «бу киши Муродхон деганнинг ўғли эмиш» - деб ёзади, сўнгра қиғиз-кипчок уруғлари дархол хонзода бўлмаса ҳам отини хонзода куйиб, тинчликни бўзиш мақсадида атрофдан кўзголончиларни тўплам фитна уюштирганликларини, бундан Насриддинхон хавфда қолганлигини эътироф этади. Аслида бу Пулатхон қиғиз йигити, сохта Пулатхон бўлиб, Самаркандда Бухоро амири даргохидан панох топиб тўрган хақикий Пулатхон Русия ва Худоёрхонга қарши кўрашишдан бош тортгандан сўнг ўзини Пулатхон деб атаб, унинг номи билан кўрашга чиққан Исхок Хасан кассоб ўғли эканлиги тарихчилар ва жамоатчиликка маълум.

Бироқ, тадқиқотчи олим Ш.Юсупов ўзининг «Ибрат закоси ёхуд бу фазилатни акс эттирган янги нашр^{1 2 3}» номли илмий мақоласида Исхокхон Ибрат хақида ёзар экан юқоригада ўзи муаррих Пулатхонни Муродхоннинг фарзанди сифатида кўрсатади, дегани холда кейинроқ «Нихоят, сохта Пулатхон номи билан майдонга чиққан тож

¹ Ибрат И. Уша асар. Б. 82-83.

² Уша жойда. Б. 84.

³ Юсупов Ш. Ибрат закоси ёхуд бу фазилатни акс эттирган янги нашр // Ўзбекистон адабиёти ва санъати 2005. 8 апр.

даъвогарининг аслида кимлигидан беҳабар бўлган «Тарихи Фарғона» мҳаллифи уни Қўқон хони Олимхоннинг ўғли сифатида тақдим этади»¹ деб ёзади. Аммо И. Ибрат томонидан ёзилган «Тарихи Фарғона» асарининг Ўзбекистан Республикаси Фанлар академияси

2

Шарқшунослик институтида сақланаётган 10117 ракамли нусхасида ҳамда У. Долимов ва Н. Жабборовлар томонидан нашр қилинган «Танланган асарларда»^{1 2 3} ҳам бундай факт учратилмайди. Демак, тадқиқотчи олим Ш.Юсуповнинг Ибрат ҳақидаги бу фикри асосланмаган.

Ибрат асарда Абдурахмон Офтобачи ва унинг Пулатхон билан иттифок тўзганлиги, Русиянинг Қўқон хонлигига бостириб кириши, Насриддинхоннинг Қўқон хонлиги тахтини эгаллаши ҳамда рус аскарлари томонидан Пулатхоннинг Маргилонда осиб улдирилиши каби мҳаммоларни ёритади. Офтобачининг Оренбургга сургун қилиниши, Пулатхон тарафдорларидан Баликчи калъасида Валихон тура, Тўрақўрғонда Ботура қабилар Русияга қарши газот учун кутарилганлиги, кўзголон учун Скобелев томонидан Маргилонга лак пули, яъни штраф солингани⁴ каби фактларга тўғри ёндошади.

Қўқон хонлигининг рус армиясидан енгилиши сабабларини Ибрат бефикрлик, беҳунарлик ва беилмлилик ҳам харбий илмдан беҳабарлик, ҳукуматнинг тадбирсизлиги, мунтазам армиянинг йўқлигида деб билади. Худоёрхоннинг давлат арбоби сифатида ҳуқуқларига беихпослиги ҳамда унинг ҳуқуқларига беихпослиги каби

¹ Уша жойда.

² Ибрат И. Тарихи Фарғона. ... Инв. 40117. Б. 84.

³ Искокхон тура Ибрат. Танланган асарлар. Т.: Манавият. 2005. Б.127-128.

⁴ Ибрат И. Тарихи Фарғона. Б. 77-79.

сабаблар ҳам Қўқон хонлиги таназзулининг асосий сабабларидан бўлганлигини кўрсатади¹.

Ибрат асар ёзиш давомида халқ хотираларидан унумли фойдаланади. Жумладан, Худоёрхон хуфияси ва ҳам махрами, саройда у билан доимий хамроҳ бўлган Мулла Ориф билан суҳбати асарни ишончли далиллар билан бойитади. Унда Худоёрхоннинг Қўқондан чикиб хаж сафарига боргунига қадар ҳамда 1299 хижрийда (милодий 1882) Коррухда вафот этгунига қадар воқеалар ишончли далиллар асосида ёритилади^{1 2 3 4}. Бу давр мҳаллиф томонидан 8 йил бўлиб, туккизинчи йилида вафот бўлган экан деб эътироф этилади, бироқ, хижрийни мелодийга айлантирганимизда бу салкам 7 йил, хижрий ҳисобга кўра 7 йилу 7 ой эканлигини аниқлаш мумкин. Ш.Юсупов мақоласида эса бу факт салкам олти йилни ташкил этади - деб келтирилади. 2005 йилда нашр этилган Ўзбек Миллий энциклопедиясида Худоёрхоннинг вафот этган йили 1884 йил деб

4

кўрсатилади .

Ибрат хон авлоди кейинги вакиллари билан ўзаро алоқаси туфайли улар ҳақида ҳам маълумот беради. Асарда Худоёрхон авлодларидан 6 угил бўлиб, ундан Насриддинбек, Урмонбек, Фансуруллохбек мархум, Муҳаммад Аминбек, Саййид Умарбек, Ибн Яминбек ҳар қайсилари генерал-губернаторнинг хос маҳкамаларида хизматда эканлиги, амакибаччалари Назирбек Суфибек ўғли ҳам

¹ Уша жойда. Б. 82-83.

² Уша жойда. Б. 79-94.

³ Юсупов Ш. Ибрат закоси ёхуд бу фазилатни акс эттирган янги нашр // Ўзбекистон адабиёти ва санъати 2005. 8 апр.

⁴ Ўзбек Миллий энциклопедияси // Давлат илмий нашриёти. Т.: 2005. Б. 511.

ховли-жой қилган бўлиб, дехкончилик, тижорат ва баъзилари ҳукумат ишида машгул эканликлари ҳақида фактлар келтирилади¹.

Ибрат Қўқон хонлиги иктисодий, ижтимоий, маънавий ахволи ҳақидаги фикрларини яқунлар экан, рус ҳукумати даврида водийнинг ижтимоий ҳаётига ҳам алоҳида тўхталади. Асари мукаддимасига хулоса ўрнида аввал мустақил хонлар томонидан бошқарилган улканинг бу даврга келиб Россия томонидан босиб олинганлиги, унинг беш уездга булиниб, Қўқон, Маргилон, Андижон, Наманган, ^w 2 Уш шаҳарларидан иборат идора қилинаётганлигини эътироф этади .

Асарда Россиянинг водийни босиб олгач олиб борган сиёсатини миллат зиёлиси сифатида коралайди. Улкада рус босқинчилигидан сўнг тижорат ва зироат ишлари ривожланганлиги, темир йўллар кириб келганлигини эътироф этгани холда Ибрат, мустамлакачиларнинг уни хом ашё базасига айлантганликларини каттик коралайди, маҳаллий аҳолини пахтадан келадиган фойдага алданиб, иктисодиётини хонавайрон қилганликларини далиллар билан кўрсатиб беради . Бундан кўринадики, Россия ҳукуматининг Фарғона водийсини хом ашё базасига айлантириши аҳоли учун кимматга тушади.

Ибрат рус империясининг Урта Осиёни хом ашё базасига айлан-тириш борасидаги сиёсатини «Туркистон вилоятининг газити» рўзномасининг 1913 йил декабр сонисида эълон қилинган «қарз»^{1 2 3 4}

¹ Ибрат И. Тарихи Фарғона. Б. 94-95.

² Уша жойда. Б. 19-20.

³ Уша жойда. Б. 20-21.

⁴ Ибрат И.
қарз//Турк

қозилик мансабида тўрган Исхокхон аҳолига пахта орқали келган қарздорликни жахондаги энг маразликлардан бири деб ҳисоблайди. Бинобарин, пахта экмасдан аввалги иктисодий ҳаёт ҳамда халқнинг бугунги кундаги аҳолини очиб беради¹. Архив манбаларидан олинган маълумотларга кўра, Россия Урта Осиёни босиб олгач Фарғона водийси улар учун пахта хом ашёсини етказиб берувчи мустамлака сифатида катта аҳамият қозонади. Улар улқада маҳаллий пахта навларига нисбатан юқорига ҳосил берувчи америка навини иқлимлаштиришга киришадилар. 1880-1890 йилларда Наманган уездида Кул, қизилравот, Андижон уездида Жалолобод, Ойим, Амирбек, Маргилон уездида Кирмачи, Арабмозор, Қўқон уездида Ултарма каби тажриба майдонлари ташкил этилади^{1 2}.

Ҳукумат томонидан пахта эккан дехқонларни қўллаб-қувватлаш, 1884 йилда улқада 1-десятина ердан олинадиган даромад маккажухоридан 36, бугдойдан 41, бедадан 80, пахтадан 100-200 сумга тенг бўлсада, улардан олинадиган солиқ бир хилда бўлади³. Фойдага қизиққан дехқон оммасининг аксар қисми пахта етиштириш ва сотиш билан шугулланиб, оқибатда иктисодий инкироз вужудга келади. Ибрат асари «Мукаддима»си сўнгида Фарғона аҳлининг қадимий халқлигини таъкидлаб, унинг хунармандчилик ва бошқа соҳаларда тараққийда бўлганлигини кўрсатади, ислом давлати даврида Фарғона аҳлининг саноатлари юқорига бўлганлигини, хидиршоҳий номли гиламлари кийматда, рангда, маҳкамликда ва тозапикла қошган кипчок кифиз ва қоракатпок гиламлари билан икки

¹ Уша жойда.

² Ўз МДА. Ф-И. 329. рўйхат. 15. иш 690 в. 12.

³ Ўз МДА. Ф-И. 19. рўйхат 1. иш 92 в. 12.

чанд* баҳода сотилганлиги ва рус давлати даврида бу ишлар янада ривожда бўлганлигини ёзиб қолдиради¹. Бу билан Ибрат Фарғонани пахта мустамлакасига айлантириб қуймай, уунармандчилик ва саноат тараққиётини йўлга қуйиш орқали тараққиётга эришиш мумкин деб ҳисоблайди.

Ибрат асарда шу даврда улжада халқнинг илмга бўлган муносабатини танқид қилиб илмнинг таназзулда туриши, таваккал иш тутишларини* ^{1 2} айтиб «Маданият учун уар қайси вақтдаги замона илмини қайси бири ривожда бўлса, ани билмак зарурдур³ - деб кўрсатади. У халқнинг билимга, тараққиётга қизиқиши йўқлигини таъкидлаб, умрни арзон уйинга сарф этиб, мусофир булмасалар ҳам мусофирлардан маишатда ноқис бўлиб, аксар аюолининг қарз балосига мубтало⁴ эканликларини эътироф этади.

Асарнинг эътиборли жихатларидан бири Ибрат хонликка карашли шауарлар қадимий тарихи ҳақида фактлар беради. Асарнинг «Шаури Андижон тарихи» деб номланган қисми «кутадгу билиг»⁵, «Тарихи фаришта»^{6 7} каби номлари келтирилган қадимий қўлёзма асарларга асосланиб ёзилади. Андижон сўзи аввалда Андигон бўлиб, араблар бостириб келгачгина «кофи» арабчада «жим» уқилиб Андижон бўлганлиги, лугавий маъноси «мардлар» сўзига тўғри келиши ёки иккинчи бир карашларга кўра турк уруғларининг ўзбекларини «анд» деб аталиши ҳақида ёзиб қолдиради . У Андижон шаўрини Фарғона

* Икки чанд - икки баробар юқорига.

¹ Ибрат И. Тарихи Фарғона. ... инв. ¹ 10117. Б. 21-22.

² Уша жойда. Б. 22.

³ Ибрат И. Тарихи Фарғона. Б. 22.

⁴ Уша жойда.

⁵ Уша жойда. Б. 96.

⁶ Уша жойда. Б. 97.

⁷ Уша жойда. Б. 95-96.

водийси шахарлари ичида энг кадимийси деб кўрсатиб, унинг
 милоддан аввалги вақтларда Угўзхон ва Букухон даврида ҳам
 бўлганлигини эътироф этган: «Тарихи қутадгудан мустазод булурки,
 Андижон турт минг йилдан мукаддам, яъни Угўзхон вақтида шахар
 бўлса ҳам, андин аввал ҳам ободон шахар экан»¹.

Исхокхон кариялар билан суҳбат асосида Андижон сўзининг
 лугавий маъноси «Одинажон» эканлиги, Афросиёби Туроншохий
 кизига урда қилиб, унинг шарафига Одинажон деб атаганлиги, бу
 кейинчалик халқ тилида «Андижон» деб шухрат топганлигини ёзиб,
 «Тарихи Фаришта» асарида Андижон шаҳрининг пайдо бўлган
 вақтини 230 йиллар деб кўрсатиб утилганлигини эътироф этади*².
 Юқоригадаги фактлардан кўринадики, Андижон шаҳрининг келиб
 чиқиш тарихини ўрганишнинг ўзи алоҳида бир илмий тадқиқотларни
 талаб этади.

Асарда Ибрат 1316 хижрий (1902 милодий) да бўлиб ўтган Анди-
 жон зилзиласи ҳақида фикр юритиб, ҳукумат ёрдамида аввалидан бир
 неча маротаба обод бўлганлигини таъкидлайди. Андижон шаҳри
 билан қизиққан укувчиларга «Бобирнома» асарини ўқишни тавсия
 қилади³.

Асарда мҳаллиф Шаҳрихон шаҳри тарихига тўхталиб, Умархон
 буйруғи билан Холмухаммад додхоҳ тожик томонидан 1250 хижрий
 (милодий 1832) да⁴ бино қилинган деб ёзади. Шаҳрихон ҳақидаги

¹Уша жойда. Б. 96.

²Уша жойда. Б. 98.

³Ибрат И. Уша асар. Б. 98.

⁴Ибрат И. Тарихи Фарғона. Б. 98.

томонидан¹ тасдиқлансада, кўрсатилган сана Ибрат асарида нотўғри келтирилган. Умархоннинг замондоши Дилшоди Барнонинг шу даврда ёзилган «Тарихи мухожирон» асарида келтирган маълумотига кўра бу сана 1821-1822 йилларга тўғри келади^{1 2}.

Ибрат асарда «Наманган тарихи»га тўхталиб, унинг хақидаги маълумотлар тарихларда жуда кам сақланиб қолганлиги³ни эътироф қилиш билан Наманган шахрига бундан 400 йил мукаддам Абдуллахон даврида асос солинганлиги, «Наманган сўзи форсий лафз илан Намак-кон» бўлиб, ерлари шурхок бўлганлиги, Абдуллахон Фарғона тарафларга келган вақтда бир неча сардобалар курдирганлиги ёзиб қолдирилган⁴.

Мҳаллиф асарда Наманганнинг Сардоба, Лаббайтого, Дегрезлик ва Чуқуркуча номли маҳаллалари ҳамда авлиё ва машойихлардан Анжир Фаганавий, Мулла Бозор Охунд, Боборахим Машраблар хақида маълумот беради⁵, тугилиб усган ери Тўрақўрғон қадимий тарихига ҳам қисқача тўхталади. Манбаларда Тўрақўрғоннинг совет даврида 1935 йилда туман сифатида ташкил этилганидан кейинги маълумотлар бор⁶. Ибрат далилларини «Тарихи Чингизия» асарига асосланиб ёзиб, унда Тўрақўрғоннинг то рус ҳукумати ўрнатилганига қадар бўлган тарихини беради¹. Бунга кўра, Туркистонда рус ҳукумати ўрнатилгунча Наманганнинг бошқарув ҳукумати Тўрақўрғонда бўлиб, ислом ҳукуматдорлари ислом аскари (милодий VIII аср бошларида В.К) учун бу ерни кургон қилади. Урда ичида

¹ Дилшод Б. Тарихи мухожирон. ЎзР ФА ШИ, қ- инв. ¹ 1207. Б. 19.

² Уша жойда. Б. 4-5.

³ Уша жойда. Б. 98-99.

⁴ Уша жойда. Б. 99.

⁵ Уша жойда. Б. 100-101.

⁶ Уша жойда.

Абдулваххоб, куча огзида Абдулазиз номли араб авлиёлари Косон уруши даврида келиб, шахид бўлиб кумиладилар. Уларнинг кабрлари бугунги кунда сақланиб қолиб, лакаблари билан урда ичидагиси қоровул ота, куча огзидагиси Фалосбон ота номи билан аталади. Исхокхон асарда яна бир азизлар Мир Шикор ота хақида маълумот келтириб: «Тўрақўрғоннинг жанубида турт чакирим ерда, биёбонда мадфундурлар» - деб кўрсатади. Мир Шикор номи бугунги кунда кишлокнинг номи бўлиб, Миришкор сифатида сақланиб қолган. Ибрат келтирган маълумотга кўра, Мир Шикор ота 94-хижрийдаги (милодий-713) Жарир ибн Абдуллохнинг мугуллар билан қилган урушида шахид бўлган арабдир³.

Ибрат асарида Тўрақўрғоннинг XV асрга, кадимий тарихига оид фактлар, жумладан, Наманганнинг гарбида икки бозорлик касоба эканлиги, дашти кипчок хонларидан Ахмадхон, яъни Шигайхон бино қилганлиги, Ахмадхон исмига қалъа кушиб «қалъайи хон*» деб, бу лафз биносига тарих бўлгани, 861-чи хижрий (1457-милодий) да бино бўлгани, бироқ, Шигайхоннинг Юсуфтура ва Яъкубтура деган угуллари бино қилиб, қалъайи хон деб ном куйсалар ҳам, уларнинг исмларига Тўрақўрғон деб шуҳрат бўлгани⁴ хақида ёзиб қолдиради.

Асарда ёзилишича, хонликлар даврида Наманган хокимига карашли 4-касабот бўлиб, Тўрақўрғон, Чуст, Чахортоғ, Косон хар бири бир беклик бўлган. Бу бекликлар Қўқоннинг энг катта бекларига, жасур кишиларига берилар эди. Давлат рус^{1 2 3 4}

¹ Ўзбек Совет Энциклопедияси. т. 14 Б. 219-220.

² Уша жойда. Б. 102.

³ Уша жойда.

* қалъайи хондан 861-хижрий, 1465-милодий йил чиқади. (Мах. Хас.)

⁴ Ибрат И. Уша жойда. Б. 101.

мустамлакачилари ихтиёрига утгач, Наманган шаҳри кучайтирилиб, ҳукумат, армия Наманганга кучирилади, мҳаллиф яшаб тўрган даврда Турахургон бир булистлик хишлохха айланиб холиб, Турахургонда урда холмай, жой номлари сахланиб холади.

Мҳаллиф 1916 йиллардаги Турахургон хахида, икки мадраса, турт нафар пахта завод ва ун беш нафардан зиёдроҳ пахта саройлар бўлиб, уртасидан Косон сойи утади. «Суви ниҳоят тоза ва хавоси ҳам ниҳоят покиза бир хасабадурки, муни йигирма минг нуфуси бордур»¹ - деб ёзиб холдиради.

Хулоса хилиб шуни айтиш мумкинки, Ибратнинг «Тарихи Фарғона» асари миллий тарихчилик анъаналарига мувофиқ ёзилган бўлиб, унда Фарғонанинг энг хадимий даврларидан қухон хонлиги ҳукмронлиги, рус босхини, водийнинг ундан кейинги дастлабки даврлари ҳамда қухон хонлиги территориясида жойлашган шаҳарлар тарихига оид мҳаммолар баён этилади. Асарни ёзиш давомида Исхоҳхон вохеликка танхидий ёндошади, шунингдек, асарда Фарғона ахолисининг ўзоҳ тарихий утмишга эга бўлган халх сифатида кўрсатиб, миллий тарихчилар анъаналарига мувофиқ, қухон хонларининг саидлар авлодига мансублиги ва тожу тахтга давогарлиги исботланади, маҳаллий тарихчилар асарларидан ҳамда ўзи кўрган вохелик ва суҳбатлар асосида тўпланган манбалардан фойдаланади.

Ибрат қухон хонлигининг Россия томонидан босиб олиниси мҳаммосига ижтимоий арбоб сифатида ёндошиб, асарда тожу тахт учун кўраш олиб борган шахзодалар фаолияти миллий давлатга

¹ Ибрат И. Тарихи Фарғона. Б. 102-103.

хиёнат сифатида мҳаллиф томонидан кораланади, шунингдек мамлакатдаги кучлар уртасидаги парокандалик улканинг рус мустамлакасига айланиб қолишининг биринчи сабаби сифатида кўрсатилади.

Ибрат рус уукуматига қарши кўрашда қахрамонлик кўрсатган мулла Олимкул, Валихон тура ва Ботура кабиларнинг хизматларини юқорига баҳолайди. Россиянинг Қўқон хонлигини босиб олгандан сўнг Фарғона водийсида олиб борган мустамлакачилик сиёсатини коралайди.

«Тарихи Фарғона» асари Ибратнинг тарихчи олим эканлигини яққол исботидир.

2 §. Исоқхон Ибратнинг миллий маданиятни ривожлантириш концепцияси.

Бугунги кун талаблари тарихчи олимлар зиммасига «утмиш ёзма манбаларини тадқиқ қилиш ва жамлаш, уар томонлама илмий-қийосий тахлил қилиш орқали холисона тадқиқот натижаларига»¹ эга бўлиш каби салмокли ва маъсулиятли вазифани куймокда. Ёзма манбаларни тадқиқ қилиш ва жамлаш халқимизнинг утмишдаги ижтимоий-сиёсий, иктисодий-маънавий, маданий ҳаёти мҳаммоларини тадқиқ этишда ва тадқиқотлар кучини бойитишда муҳим аҳамиятга эга. Шундан келиб чиққан холда бугунги кунда кўплаб қўлёзмалар фондларидаги манбаларни ўрганиш тарихчи олимлар ва тадқиқотчиларнинг диққат марказида бўлиб келмокда. Шу нуқтаи назардан Иб-

¹ Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг ЎЗР ФА Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисидаги қарори. //Маърифат. - 1998. - 20 июль.

ратнинг тарихий-тараққиёт талабларини ўзида акс эттирган «Тарихи маданият»¹ номли қўлёзмаси XX аср дастлабки 30 йиллигига оид маънавий мерос сифатида муҳим аҳамиятга эга.

Рисоланинг ёзилиш вақти даврий жихатдан XX асрнинг дастлабки 30 йиллигига тўғри келади. Профессор Д.А.Алимова бу давр маданияти тарихини ўрганиш «маданий тараққиёт тарихида энг машаққатли ва зиддиятли давр бўлиб, шу хусусият бу масалага оид тарихий адабиётларда ўз аксини топган»¹ 2лигини таъкидлайди. Шунингдек, у 30 йилларгача бўлган маданият мўҳаммоларини ўрганишни даврий жихатдан икки боскичга бўлади.

1. XX аср бошларидан октябр тунтаришигача бўлган давр.
2. 1917 йилдан 30-йиллар уртасигача бўлган давр.

Чунончи, маданият мўҳаммоларини ўрганиш илмий ва публицистик йўналишда борган, деган хулосага келади³. У бу даврга оид асарларга: «...уша замон зиёлилари мақолаларида маданият мўҳаммолари куйилган, унинг келажакда ривожлантириш йўллари таҳлил этилган ва бу соҳадаги ҳаққоний аҳвол акс эттирилган. Жадидлар энг долзарб бўлган илм-фан, маориф ва маърифат, таълим-тарбия ва янги мактаблар масалаларини биринчи ўринга қўйганлар»⁴ деб баҳо беради. Инчунин, жадидларнинг бу соҳада олиб борган ишлари, ёзган асарлари, миллий хусусиятларни сақлаб қолган ҳолда шарқ ва ғарб маданиятини тараққий эттиришга интилиш ғоялари беқиёс аҳамиятлидир. Жадидлар ўз вақтида илм-фан, мактаб, маориф, мада-

¹ Ибрат И. Тарихи маданият. ЎзР. ФА ШИ. қ-инв. № 10117.

² Алимова Д.А. XX асрнинг дастлабки уттиз йиллигида Ўзбекистонда маданият мўҳаммоларини ўрганиш тарихидан //Ўзбекистонда ижтимоий фанлар.-1993. №10-20. Б.93.

³ Уша жойда.

⁴ Алимова Д.А. XX асрнинг дастлабки уттиз йиллигида Ўзбекистонда маданият мўҳаммоларини ўрганиш тарихидан //Ўзбекистонда ижтимоий фанлар.-1993. №10-20. -Б.93.

ний тараққиёт мхаммоларига жиддий муносабатда бўладилар, миллат тараққиёти учун бу мхаммоларни давр талаби даражаларига мувофик ривожлантириб борадилар, хал қилишга ўринадилар. Бундай ғоя ва карашлар Ибратнинг шу даврга оид илмий мақолаларида¹ ҳамда асарларида илгари сурилган бўлиб, бунда илм-фан, таълим-тарбия, мактаб ва маориф масалаларига алохида эътибор қаратилади ва уни такомиллаштириш йўллари тахлил этилади. У ўз фаолияти давомида мамлакатда тараққиёт, юксалиш, ривожланиш учун илм-фан, маорифни энг биринчи зарурият деб билади.

Аср бошлари жадиidlари мустакил давлатнинг моддий ҳамда маънавий заминини яратиш^{1 2 3} юзасидан иш олиб борадилар. Бу соҳада Ибрат ҳам ижод қилиб, «Тарихи маданият» рисоласида мустакил давлатнинг моддий ва маънавий замини ҳақида мулоҳаза билдиради. Бунда унинг ўзок вақт хорижий юртларда бўлиб, бу юрт илм-фани, техникаси, ижтимоий ҳаёти, тили ва дини билан яқиндан танишлиги жуда катта фойда беради. Рисола бугунги кунга қадар тадқиқот манбаи сифатида ўрганилмаган, чунончи Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлғезмалар фондида икки нусхада сақланиб, хали кўпчилик омма эътиборига маълум эмас. Бу икки нусха ҳам Ибратнинг «Тарихи Фарғона» асари билан бир муқовада жойлашган. Биринчи асар қ-инв. №11616 раками остида сақланади, каттик муқовали, 20 варақ, 40 бетдан иборат. қулғезма охирида ёзилган вақти

¹ Ибрат И. Письмо из Наманганского уезда //Туркистон вилоятининг газети.-1905.-10 июнь. Редакцияга хат //Туркистон вилоятининг газети.-1907.-11 ноябрь. Редакцияга хат //Уша рўзнома.-1908.-13 январь. По поводу выборов должностных тўземцев в Наманган //Уша рўзнома.-1910.-21 март. Наманганская железная дорога //Уша рўзнома.-1911.-13 октябрь. Открытие Коканд-Наманганской железной дороги //Уша рўз.-1912.-15 июль. Из газеты Вақт. //Уша рўз.-1913. № 20.

² Ибрат И. Луғати ситта ал-сина. Т.: Ильин, 1901; Санъати Ибрат ралами Мирражаб Бандий Тўрақўрғон. Матбааи Исҳоқия. 1908; Жоме ул-хутут. Наманган. Матбааи Исҳоқия. 1912; Тарихи Фарғона. ЎзР ФА ШИ. қ-инв. № 11616, қ-инв. №10117; Тарихи маданият. ЎзР ФА ШИ. қ-инв. №11616; қ-инв. №10117.

³ Ўзбекистон Республикаси мустакил давлат. -Т.: Адолат, 1995. -Б.41.

хижрий 1344 йил, милодий 1926 йил деб кўрсатилади. Бу ҳақда Ибрат рисола охирида «1344-нчи хижрийда, милодий 1926 йил 10-нчи январда тамом килдим»¹ - деб ёзади. Рисоланинг иккинчи нусхаси қўлёзма фонди инв. №10117 раками остида сақланади. Мукова каттик жилдли, 18 варок, 36 бет, 2 бети буш қолдирилган. Асарнинг охирги бетида 1925 йил милодий, 1344 йил хижрийда охирига етказилган деб кўрсатилади. Бу нусхада Ибрат томонидан ёзилган «1344 йил хижрийда, 1925 йил милодийда, тамом вассалом»^{1 2} - деган ёзувлар асарнинг 2-чи бети, эътизор қисми охирида ёзиб қолдирилади.

Рисола хатини таккослаш асосида катъий хулоса билдириб, шуни айтиш мумкинки, у Ибратнинг «Тарихи Фарғона» асарини кучирган хаттот Иноятхон Тўрақўрғоний томонидан кучирилган.

Биз ўрганаётган нусха 2-нусха бўлиб, унинг охирги бетида «1374 хижрий хамда 1955 йил милодий»^{3 4} ёзувлари хам бор. Бу ёзувлардан шундай хулосага келиш мумкинки, бу нусха Ибратнинг «Тарихи Фарғона» асарини кучирган хаттот Саид Наимхон тура Тўрақўрғоний томонидан 1955 йилда кучирилган.

Икки асар хдм араб графикасида, хат турларидан насталик ёзувида ёзилган. Рисола дастлаб 1917 йил Октябрь тунтаришидан олдин ёзиб тугалланади, бироқ у босмахонада йўқолганлиги сабабли Ибрат 1925 йилда авлоди исломга ёднома сифатида қайта тиклайди .

Жадидлар асар ва мақолаларида «маданият» сўзи кўпинча «тараққиёт» маъносида ишлатилади. Бу хусусият Ибрат асарига хам хос бўлиб, у уч қисмга булинган, бўлар эътизор, асосий қисм ва

¹ Ибрат И. Тарихи маданият. ЎзР ФА ШИ. К-инв. №11616. -Б. 139.

² Ибрат И. Уша асар. инв. №11616. -Б. 106.

³ Уша асар. Инв. № 10117. -Б. 138.

⁴ Уша асар. -Б.114.

хулоса. Эътизор қисмида мҳаллиф укувчидан ўзр сураш орқали рисолани ёзишдан мақсадини халқнинг маданий тараққиёт ва таназзул ҳақидаги фикрларни кенгайтириш, тараққиёт мохиятини тушунтириб бериш эканлигини эътироф этади. Шунингдек, хусусий мактабларда таълим олаётган талабаларнинг тараққиёт йўл-йурик-ларидан маълумот олишлари, тараққиёт йўналишларини ўзида акс эттирган рисола муассаса кишиларига ҳам фойда беришини кўзда тўтган ҳолда, уқиганлар маданиятни асоси билан билиб, миллатга фикр ва мулоуазалари орқали ёрдам беришини мақсад қилганлигини ифодалайди¹.

Асарнинг асосий қисми муқаддимасида у «маданият» сўзига таъриф бериб, бугунги кунда ҳам кўплаб баус ва мунозараларга сабаб бўлаётган тил мҳаммосига тўхталади. Аср бошларида ибораларнинг бир-бирига қушилиб омикта тил бўлиб бораётганлигидан ташвишланган мҳаллиф ота-онаси туркий, шауари туркий бўлгани ҳолда ауолининг форсий тилда сўзлашаётганлигидан русча, туркча, арабча сўзлар аралашиб омикта тил бўлиб тўрганлигидан нориззо бўлади. Бу маданият Туркистонга Эрондан кириб келганлигини айтиб»^{1 2}, муассаса сўзини қуйидагича таҳлил қилади: «Масалан, муассаса сўзларида «авижроқум» десак, ав-русий, ижро-арабий, кум-арабий. кани мунда туркий? «Улка буйруклари» деганда эутимол тамом туркий бўлса, эмди кам-кам булур»³. Асарда Ибрат томонидан кутарилган бу мҳаммо, бугунги кунда ўзбек лисонининг жозибасини

¹ Ибрат И. Тарихи маданият. Б.

² Уша жойда. -Б. 108-109.

³ Уша жойда..

қайтариш, фан арбоблари, атамашунослар, луғатнавислар олдида тўрган асосий вазифалардан биридир.

Ибратнинг хориж мамлакатларига қилган саёхати унга таъсир ўтказиб, бу вақт давомида дунёкараши кескин ўзгаради, Еарб ва Шарк мамлакатлари уртасидаги тавофутни англаб етади. Бу вақт ичида у тараққий этган мамлакат ва шауарларнинг тараққиётдаги ашёлари билан танишиб, бўларни мамлакатда жорий қилмоқчи, халқининг турмуш тарзини енгиллатмоқчи бўлади. Бунинг учун биринчи навбатда илм-фан, техника заруриятини тушуниб етади, тараққиёт йўлларини кўрсатади. Чунончи, у асарда хориж шауарларида кўрган муассасаларидан тортиб масжид ва мадрасалар, уарбий хизматдаги енгилликлар, пул сакловчи омонатхоналар, кечаю- кундўз фаолият кўрсатадиган савдо дуконлари, мактабхоналар, жазохоналар, ауоли учун зарурий кичик ижтимоий уолатларгача санаб келтиради. Маданиятга эришган шауарни у қуйидагича тасвирлайди: «Маданият деган сўз низом ва конун остида идора бўлиб, халқи илм ва уунарни билиб, қилиб тургон касби ила бауўзур тириклик қилса, ана ушал ерни шауар ва одамларини маданий дерлар»¹.

Маданий тараққиётга эришган шауарлар сифатида мҳаллиф Россиядан Петроград, Москва, Одесса, Европадан Берлин, Мадрид, Лондон, Рим, Вашингтон, Шарқда Токио, Истамбул ва бошқа катта ва кичик шауарларни санаб утади¹.

Ибрат шауарларнинг тараққиётга эришиш сабабларини очиб бериш мақсадида ўзига савол билан мурожаат қилиб, бу ривожланган

¹ Ибрат И. Тарихи маданият. -Б. 109.

шахарлар маданиятга қандай эришган? Илмни ўқиб, халқлари қаламни ўзига бир асбоб қилганларигина маданиятга эришган - деган хулосага келади. Кетмонсиз дехкончилик булмайди, уроксиз урилмайди, дуқонсиз туқилмайди, бўларга албатта асбоб даркор. Маданиятни топадиган ва юргизадиган асбоби илм экан буни албатта ўзлаштириш зарур - деб ҳисоблайди. Ибрат бу фикрлари билан Туркистондаги қолокликнинг, ижтимоий ва мустамлакачилик зулмининг асосий сабаби сифатида саводсизлик ва жаҳолатни кўрсатади. Уни олдини олиш учун биринчи навбатда мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётини тараққий эттириш кераклигини назарда тутди ва бу борада ўзига хос концепция яратади.

Ибрат асарда мустикал давлатнинг моддий заминларидан бири сифатида қишлоқ билан шаҳар уртасидаги муносабатни тушуниб, улар уртасидаги тафовутни қамайтириш зарур деб топади ҳамда мамлакатда қишлоқларнинг аҳоли оғир эканлигини, қишлоқ маданиятга кирмас экан, шаҳар маданиятига ҳалал беришини эътироф этади. Шаҳар билан қишлоқни бир-биридан ажратиб булмаслигини, улар бир-бирига боғлиқ ҳолда тараққиётга эришишини кўрсатиб бериш мақсадида мухаммога иккинчи томондан ёндошиб, қишлоқни ишлари шаҳарга, шаҳарни ишлари қишлоққа тушиб туради, уларни бир-бировидан ажратиб булмайди - дейди. Шаҳарни эҳтиёжини қишлоқ, қишлоқни эҳтиёжини шаҳар битириб, бу ижтимоий туриш асосида бир-бирини ҳожатини чиқаришини, бунга аҳамият бериш кераклигини таъкидлайди.^{1 2 3 4}

¹ Уша асар. -Б .112.

² Ибрат И. Тарихи маданият. Б.113

³ Уша асар. Б.115.

⁴ Уша асар. Б.116.

Ибрат асарда кишлокнинг ижтимоий мхаммолари билан чегараланиб қолмай мамлакатнинг иктисодий мхаммолари билан ҳам қизиқади. У хужаликни тараққий эттириш учун, биринчи сув мхаммосини ҳал қилиш кераклигини айтиб, кишлокларда етиштирилаётган уосил ауоли учун етарли эмаслиги, уосил олиш учун ерлар борлиги, бироқ сув мхаммо бўлганлиги учун деукон хужалигини тараққий эттиришга имкони булмаслиги, сувнинг иложи бўлса бу хужаликларни ҳам тараққиётга олиб чиқиш мумкинлиги ҳақида сўз юритади. Пахтани ўзини экиш етарли эмас деб топиб, маданий экинлардан бугдой, арпа, шоли, маккажухори, мош шунга ўхшаш овкатлар кам эканлигини, агар сувнинг иложи бўлса у вақтда ер кўп, пахталар ҳам, овкатлар ҳам кўп бўлади, канд бўлиши учун кизилча ҳам экилади¹ - дейди. Бинобарин, сувнинг зарурияти ҳақида Фарғонага сувдан зарур нарса йўқ, чунки, еримиз кўп, сувимиз оз, бу худуд дарёдан эмас тогдан сув ичадиган ерлар. Наманганни шимолий тарафига сув чиқариш иложини қилинса, бу ерда уар нима экиб, уар хил зовурлар қилинса бўлади¹ - деб фикрини баён этади. Бу фикрлари билан Ибрат сув иншооти куриш, сув билан таъминлаш масаласи мамлакатнинг кундалик ҳаётида аҳамиятга молик мхаммо эканлигини эътироф қилади.

У кишлокни огир ауволга солиб тўрган мхаммолардан яна бири ишсизларнинг кўпайиб бораётганлиги деб билади. У ишсизликни бартараф этиш чора-тадбирларини уйлар экан, бунга сабаб сифатида кишиларнинг саводсизлигини таъкидлаб, кишлоклардаги савод даражасининг пастлиги, ауоли катлами ичида йилда бир марта

¹ Ибрат И. Тарихи маданият. Б. 117.

дехкончилик орқасидан олинган хосил эвазига кун кечириб, огир ахволда яшаётган дехконлар хаётидан мисоллар келтириб, уларнинг бу қадар кийинчиликда яшашларига илмсизликларини сабаб қилиб кўрсатади. Х,еч бўлмаганда дехкончиликдан буш вақтларида илм олиш билан қизиқмасликларини, умрларини бекорчиликда утиб кетаётганлигини каттик танкид қилади, илмнинг орқасидан бундан ҳам кўпроқ пул топишлари мумкин бўлгани холда ўзларини йўқотиб бораётганликларини каттик куюниб ёзади². Бу билан Ибрат дехконларнинг тобора ахволларининг огирлашиб бораётганлигини, илм орқали тадбиркорликларини янада кучайтириш кераклигини назарда туттади.

Ибрат иктисодий мҳаммолардан яна бири сифатида озик-овкат саноатини йўлга қуйиш деб билиб, бу соҳада канд ва чой ишлаб чиқариш заводлари қуриш таклифи билан чиқади . Бинобарин, Исхокхон мамлакат саноати тараққиётида коғоз ишлаб чиқариш ишлари алоҳида ахамият касб этганлигини ҳисобга олган холда бу ҳақда шаҳарларимизда коғоз - хат ишига эҳтиёж кўплиги, ҳамма нарсалар материали тайёр, буни уддасидан чикиб, кенг ишлаб чиқаришга мос коғоз зовути бўлса яхши фойдали бўлар эди, корасувлари бор, алифлари ҳам тайёр, йил давомида ишлатиш ва фабрика қилиш ҳам мумкин, Қўқонда бор эди, бўзилди - деб фикрини

4

асослайди .

Ибрат рисолада мамлакатни ривожлантирувчи тармоқлардан бири

1 2 3 4

¹ Уша жойда. Б. 116.

² Ибрат И. Тарихи маданият. -Б.

³ Уша жойда. -Б. 117.

⁴ Уша жойда.

тўхталган. У бу даврда мамлакатда енгил саноат моллари ишлаб чиқарилишини, бироқ бу саноат моллари, жумладан оёқ кийим, палослар, гиламлар ва шолчалар, кигизлар кул саноатига асосланганлиги сабабли киммат эканлиги, халқ эса кўпроқ бошқа ердан келадиган арзон нархдаги завод моллари, чит, метрли мовутларни олишлари хақида гапириб, шу ердаги саноатни илм орқали такомиллаштириб, завод моллари ишлаб чиқишни йўлга қуйиш даркорлиги, булмаса ўзларида ипаклар, атласлар ва шойи, бекасам, алаклар етарли даражада борлигини тушунтиради. Бунинг учун ҳам керак бўладиган биринчи тадбир илм олиш эканлигини такрор - такрор эслатиб утади¹.

Ибрат асарда мамлакатда тоғ-кон саноатини йўлга қуйиш кераклиги хақида ҳам ўз мулохазаларини билдиради. Чунончи, бу конларни ишга тушириш орқали хориж талабларига мос равишда махсулот ишлаб чиқариш ва бу махсулотларни сотиш орқали мамлакат иктисодиётини таъминлаш ҳамда мамлакатни жаҳонга танитиш таклифи билан чиқади. Тоғларимиздаги олтин, кумуш, мис, темир, чуян ва кургошин, рангли металллардан конлар кўплиги, корзакий бир тоғ бутун аччик тошлар ва доривор нарсалар кони эканлиги, бу конларни, тасарруфини қилинмаса давлатга анча нуксон бўлишлигини эътироф қилади. Чунончи, у мамлакат заминида бўлган доривор усимликлар хақида ёзиб, бизни тоғдан афгон, хинд табиблари доим олиб кетиб турадилар. Бизда қовлаб олинадиган дорилар яна кўпдир - деб хабар беради. Юқоригада зикр этилган^{1 2 3}

¹ Ибрат И. Тарихи маданият. Б. 117.

² Уша жойда. Б.128.

³ Уша жойда.

тармоқларни ишлаб чиқаришга жорий этишни назарда тутиб, бўларни ишлаб чиқарса шаҳарларимиз катта шаҳарларга кушилиб, улар қаторида ҳисобланади. Бўлар маданият наъмуналари эдики, бошқа шаҳарларга шу ашёлари билан танилар эди. Бу ишлар қилиниши даркорлик ишлар эканлиги, бўларга ўринишнинг айна вақти

1

келганлигини таъкидлайди .

Ибрат асарда мамлакат тараққиётининг маънавий заминига ҳам эътибор қаратган бўлиб, у рисолада мамлакат ижтимоий-иқтисодий, маънавий, маданий ҳаётини изга солишда илм-фан, маориф ва маданият ишларини йўлга қуйиш заруриятига алоҳида баҳо берган ва бу борада ҳам ўзига хос концепция яратган. Ибрат рисолада илм олишнинг дастлабки учоғи сифатида бошланғич таълимга аҳамият бериб, маданиятни топадиган илм экан, илм бўлса мактаб билан бўлади. Мактаб булмаса оламни бутун ваҳшият тутиб, ҳамма хароб бўлиб, иш кулдан кетар^{1 2} - деб ёзади.

У мамлакатда мактабларни кўпайтириш, мажбурий таълимни жорий қилиш тарафдори бўлади. Туркистонликларни мактабга фақат мажбурий таълим орқалигина кенг жалб этиш мумкин, деган хулосага келади. Ибрат бу фикрини хулосалаб, мактаб булмаса бу оламда маданият жорий булмайди³ - деган асосли мулоҳазалари билан ўз қарашларига яқун ясайди. Унинг бу фикрлари бугунги кунда ҳам қимматлидир.

Ибрат ёзда дехкончилик билан ўриниб, кишда буш бўладиган

¹ Уша жойда. -Б. 129.

² Ибрат И. Тарихи маданият. -Б. 129.

³ Уша асар. -Б.114.

киш мавсумида уларнинг савод олишларини таъминлаш керак деб хисоблайди.

Бу ишларни кишлокда икки йўл билан - маҳалла мактабларини кучайтириш ва гапхоналар ўрнида кечки мактаблар ташкил этиш йўли билан амалга ошириш мумкин деб, маҳалла мактабини эски мактабни ислоу қилиш, хат ва қалам билан ўқитадиган муаллим, уоу имомни буюриб, ўз маҳалла харажати, овкати, уй - жойи, хат-саводини чиқариб, уар хил курсларга олинса бўлар эди. Баҳонада саводликлар кўпаяр эди¹ - дейди. Сўнгра гапхоналар ҳақида, кечки пайтда йигиладиган гапхоналар ўрнида кечки муаллимлар берилса, бир кишлокда лоакал унта гапхона ўрнида унта мактабхона бўлсагина маданият тараққий этади^{1 2} - деб, бу йўллар орали халқ орасига илм-фан тарқатишнинг афзал жихатларини тарғиб қилади.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, худди шу даврларда мамлакатда саводсизликнинг олдини олиш борасида мунозаралар, мактаблар, таълим-тарбия ҳақида кизгин бауслар кетмокда эди. Ибратнинг бу асарининг ёзилиши шу баус ва мунозараларга унинг муносабатини кўрсатади. Унинг ғояси билан ташкил этилган кечки мактаблар яқин кунларга қадар давом этган.

Ибрат рисолада кишлоклардаги миллий урф-одат ва анъаналардан келиб чиққан холда қизлар мактаби ташкил этиш ҳақида мулоуаза юритиб, бу ишнинг бир оз кийинрок кечиши мумкинлигини³, сўнгра бунинг сабабларини тушунтириб, ота - оналарнинг қизларини зутиёт қилиши, халқнинг илм кудратини билмагани хусус хотинларда

¹ Уша асар. -Б. 13.

² Уша жойда. -Б. 133-134.

³ Тарихи маданият. -Б

таассуф бўлиб, бўлар бу таассуфни йўқотишига камида эллик йиллар керак бўлади¹ деб хисоблайди. Чунончи, қизлар мактабига шу давр аёллари ва қизларни тезроқ жалб этиш мақсадида кишлоклардаги саводли отинбибилардан фойдаланиш лозимлигини, шундагина «беш-ун йиллар ичида ... уар кишлокда беш-ун муаллима тайёр бўлишини»¹ ² - умид қилади. Бу ишларга кўпроқ аёл муаллимларни жалб этиш кераклигини айтиб, буни қизларни ўқитишнинг энг кулай йўли деб хисоблайди. Бундан кўринадики, Исоқхон миллатнинг асосини ташкил килувчи аёлларнинг ижтимоий ҳаётда фаол катнашиши тарафдори бўлган.

Рисолада Ибрат завод ва фабрикаларда ишлаб чиқаришни амалга оширишга зурурий илмий муассаса сифатида уунар мактаблари ташкил этиш ғоясини илгари суради. Бу даврда уунар мактаблари нима учун зарур эди? - деган саволни ташлаб, унга ўзи мамлакатдаги миллий саноатнинг майда тармоклари, кичик корхоналар, фабрика ва заводларда ишчи кучи, кадрлар керак. Шунинг учун Ибрат яна уунар мактаби ва кимёвий, тиббий, мууандисий, тужжорий бўларга керак³ - деб уйлайди. Хунар мактабларини ташкил этиш орқали Исоқхон мамлакатнинг саноат тармогидаги кадрларга бўлган эутиёжини бартараф этиш мумкин деб хисоблайди.

Бинобарин, Ибрат иктисодиёт тармоқларидан бири бўлган саноат ишлаб чиқарилиши ҳақида фикрлар экан, бу ишларни амалга ошириш учун биринчи навбатда жойларда олий таълим мактаблари ташкил этиш кераклигини назарда тутди. Чунки, бу вақтда фақат Тошкентда

¹ Уша жойда.

² Уша жойда. -Б.136

³ Ибрат И. Тарихи маданият. Б. 136.

Урта Осиёда биринчи олий даргоу - Урта Осиё Давлат Университети ташкил этилган эди. Ибратнинг олий таълим ҳақидаги бу фикри ижросини бугунги кунда Фарғона, Андижон, Наманган, Самарканд, Жиззах, қарши ва Ургенчда олий укув юртлари ташкил этилганлиги мисолида кўрамиз. Бинобарин, асарда олий таълим мактаблари ҳақида: «Олий курслар ўз шауарларимизда ҳам очилса кўпроқ талабалар кириши умидликдур. Мусофират ила мувожиратни анча фарқи бордур. Ўз жойида ота-онасининг олдида тавофсиз ўқийдур, бул ҳам булур иншоллоу» - деб фикр юритади. Бу билан Исоқхон мамлакат тараққиёти учун зарур бўлган кадрлар тайёрлаш ишларига ҳам бефарқ эмаслигини кўрсатади. Бу мҳаммони ҳал қилишнинг бирдан-бир йўли талабаларни ўқитиб, сўнгра уларни ўрни-ўрни билан жойлаштириш кераклигини назарда тутаяди. Бу ишларни йўлга қуйиш учун маорифга укумат яхши давом этиши, курсларга талабалар юбориш, ундан келганларни ўрнига қуйиш, сўнгра маданият ривожланади³ - дейди. Бу фикрлардан кўринадики, Ибрат мамлакат тараққиёти учун энг аввало саводсизлик ва жауолатни бартараф этиш зарурий деб билади. Халқимиз орасидан саводли, илм-фан, техника асосини билган миллий зиёлилар етишиб чиққандагина миллий давлат тараққиётига эришиш мумкинлигини асослаб беради.

Мҳаллиф асарида илмий тадқиқот институтлари зарурияти ғоясини ҳам илгари суриб, кимёвий уунарлар билан тошлардан

¹ Семёнов А.А. ташкилотчилигида 1920 йил кўзида ташкил этилган. XX асрнинг дастлабки уттиз йиллигида Ўзбекистонда тарих фани. -Т.: Фан, 1-қисм.-1994.-Б.10.

² Ибрат И. Уша асар. -Б. 118.

³ Уша жойида. -Б.130.

рангларни олса, бизда ундан сўнг маданият камолига етади¹ - деб хисоблаб, мамлакат тараққиётини замонавий билимлар эгаллаган етук мутахассислар бирлашиб яратган илмий кашфиётлар самараси орқалигина амалга ошириш мумкин деб билади.

Мҳаллиф рисолада мактаблар ва олий укув юртларининг заруриятини, таълим ва тарбия энг биринчи ҳал қилиниши керак бўлган мҳаммо эканлигини тушунтириш билан чекланмай, бу мактабларни ташкил этиш чора - тадбирлари, маблағ мҳаммоси, шунингдек, мактабларга керакли жиуозлар ҳақида ҳам фикр юритиб, бошлангич таълим мактаби, олий ҳамда илмий тадқиқот институтлари, кечки мактабларда бу ишларни ташкиллаштиришда уукумат бош ислохотчи бўлиши зарурлигини таъкидлайди. Бинобарин, у уозир ҳамма халқ илмни нима эканлигини билиб қолдилар, бунга уозир уукуматимиз ҳаракати билан яхши ҳаракатлар бор. Аммоки, давом эттирилиши даркор, ишсиз бир бола олим булмайди. Маориф шуъбамиз, мактабларимиз шу хилда кетиб турса ун йил ичида маданиятга кирган бўлар эдик^{1 2 3} - деб мулоуазасини баён этади.

қишлоқларда катта ёшлилар мактаблари очиш ҳақида ҳам рисолада берилган бўлиб, Ибрат уукуматдан маблағ кутиб утириш каби усулдан воз кечиш тарафдори бўлади. Бу ишларни ташкиллаштиришда ўқишни истаган кишиларни ўзларини ҳаракатлари ҳам бўлса бу мактаб ва маорифга ёрдам бўлар эди деб

¹ Ибрат И. Тарихи маданият. -Б. 129.

² Уша жойда. -Б. 134-135.

³ Тарихи маданият. -Б.132.

даъво килаётган ёш давлатнинг маънавий асосини ташкил қилган ҳамда улар бугунги кундаги ислохотлар билан ҳам чамбарчас боғлиқ.

Ибрат асарда ҳукумат таъминоти мҳаммосига ҳам тўхталиб, уларни йўлга қуйишда хорижий давлатларнинг тажрибаларидан ўрганишни эътироф этади. Бунда муҳандисликка асосланган хориж фирмалари тажрибаларидан мисол келтириб, кўрган шаҳарларида ҳукумат тарафидан иморат муҳандис маҳкамаси бўлиб, унда муҳандислар кишилар томонидан бериладиган аризага мувофиқ иморат солиб, сарфини койдага мувофиқ тулар эдилар. Муҳандислар аризага биноан сарфларини ҳисоблаб эгасига айтиб, сўнг унинг розилиги билан уч хоналик иморатлар бир ойлар ичида битиб, энг юқорига каватида ҳам оқар сувигача бор булгачгина, бир неча йиллар давомида маҳкаммага ижара тулайди. Шу бахона ҳукуматга пул иморатлардан ҳосил бўлади ва ҳукумат бюджети шаҳар ичида кўп бўлиб, молияси шу орқали тулади¹ - деб фикрлайди. Бунинг билан Ибрат миллатимизни иш юритишда хориж фирмалари ишбилармонлари ва тадбиркорлари тажрибасидан ўрганишга чакиради.

Мҳаллиф асарида нашриёт ишларига ҳам аҳамият бериш кераклигини таъкидлайди. «Бизни Фарғонадаги хурофотларни кўплигига қараганда, - деб ёзади у - ҳар йили уч-турт адад дафъига китоб бостуриб таркатиш лозим эди. Ваҳоланки, бир дона ҳам йўқ. Лоақал бирор дона журнал, рисолача ҳафталик мактаб учун даркор эди. Мана шу хил ақл тарозусига сигмаган нимарсаларни танкиди ва илм тарғибига хизмат булур эди. Намунаи маданият деб тараққийпарвар кориларга ва муаллимларга фойдалиқ ва ҳам эълонлар шунда нашр

¹ Уша жойда.

этилуб турар эди. Бизларга йўл бўлар эдики, миллатга фойдалиқ асарлар йотибдурки, биздан кейингиларга қолур»¹. Бу фикрлари оркали у дунёнинг илм-фани, техника ютуқларини эгаллаб олинмас экан, уар бир инсон буни тулик тушуниб етиб, бунга караб ҳаракат қилмас экан, тараққиётга эришиб булмайди, деб хисоблайди.

Хулоса ўрнида ўзининг илм-фан, маориф ва маданият, тараққиётга оид қатор асарлари рўйхатини келтиради. Жумладан: «...янги асарлардан миллат ва мактабга фойдалиқлари, чунончи: 1-чи «Тарихи Фарғонаи умрони» назмий, 2-чи «Тарихи ууррият» назм, 3-чи «Мезон ул-замон», 4-чи «Луғати ситта-ал-сина», 5-чи «Жоме ул-хутут», 6-чи «қурбошилар замони», 7-чи шул китоб «Тарихи маданият». Бўлар ҳаммаси миллий китоблар. Аммоки, 8-чи «Девони Ибрат» номли газалиёт баур қилган, уттиз йил ичинда жам бўлган тарих шеърлардурки, мунда куби тарихлар ва миллий касидалар ва аулокий танкидлар, бошимиздан ўтган уодисаларни жами бир газалиёт китобдурки, бу ҳали босма бўлмаган, интишор этилмагандур. 9-чи мундин кейин, «Гулшани роз»ни туркий назми, 10-чи «Мушкулот ул-гаройиб» деган, 11-чи «Мўзабзаб» деган, 12-чи «Туркистонда турли машаққатлар», 13-чи «Барзах» деган асарларимиз инкилоб даврида таълиф булди (йўқолди). Хрзирда «Тазкираи сувайдо» деган арабий тиб китобни туркий қилмоқда иштиголдаман. Умр мусоада қилса, аммоки «Таржимаи уолим» тайёр бўлган. Бул яхтти тарихи саёхатнома Афғонистон, Хиндистон, Арабистон саёхатларидур. 15-чи «Сайри жибол» фочо ота саёхати ва

¹ Ибрат И. Тарихи маданият. -Б. 138.

мадхидурки, бир жўз туркий назмдур»¹. Ибратнинг бу асарлари илмий жихатдан тарихий мерос сифатида кимматлидир.

Бинобарин, Ибрат асарда бугунги кунда хали топилмаган «Тарихи хуррият» номли асари хақида ҳам кискача маълумот келтириб утади. Унга кўра бу асар назмий бўлиб, эски ҳукумат ағдалириб, янги ҳукумат барпо булмасдан аввал ёзилган. Чунончи, унинг мазмуни маданият тўғрисидаги тарғиботлардан иборат бўлиб, мҳаллиф асарида бу вақтларда хуррият олиш ўрнига Наманган бойларининг бир-бири билан низолашиб, жадинд - кадим жанжали авж олиб, мухторият билан ишлари булмай, ўзаро жанжал қилиб юрганларида бўлар ахволларига афсус қилиб «Тарихи хуррият» асарини ёзганлигини, бу асар 45 саҳифадан иборат бўлиб, инкилоб даврини аввалидаги ходисаларни билишни истаган кишига яхшигина маълумот берадиган асар^{1 2} эканлигини ёзади. Мҳаллифнинг бу фикридан «Тарихи хуррият» асари ҳамда унинг мазмуни хақида бирмунча маълумотга эга бўлиш мумкин.

Ибрат «Тарихи маданият» асарида 1918 йилдан Фарғона водийсида бўлиб ўтган истиклолчилар ва ҳукумат уртасидаги конли тукнашувлар хақида ҳам кискача маълумот берган бўлиб, бу ҳақда ёзар экан у дастлаб тарихга бўлган муносабатини қуйидагича ифодалайди: «тарих деган нарса хар кайси замонни ўзига мувофиқ ахволиясини айтур»³. 20 йилларда ёзилган асарлар хақида фикр юритилганда эътироф этиш керакки, ҳукмрон коммунистик мафкўра бу давр адабиётларига бутунлай сингиб кетмаган бўлсада, маълум

¹ Уша жойда. Б.139.

² Ибрат И. Тарихи маданият. -Б.

³ Уша жойда. -Б.124

маънода жиддий таъсирини ўтказган. Миллат зиёлилари советларнинг дастлабки берган ваъдаларига, шiorларига ишонганлар. Шу сабабли Исхокхон асарда истиклолчилик харакатини инкилобдан бирор йил кейин бошланганқигини эътироф этсада, Хукон мухториятини конга ботирилганлиги хақида хеч кандай маълумот келтирмайди, чунончи, истиклолчилик харакатига салбий муносабат билдириб, бу харакатнинг бошланишига истиклолчиларни сабабчи сифатида кўрсатади. Бу фикрлар асарда қуйидагича берилган: «Кишини харакатга соладургон ишлар ути инкилоб давридан бирор йиллар кейин, ...Хуканд эли бир беилм кишини бош қилиб отини курбоши лакаб куйуб, беасос 50-60 йигит қилиб, Хукандни душмандан мухофазат киладургон киши деб куйдилар. Бу нодонлар дафъатан хукуматга қарши булуб, бизни хукуматимизни кулимизга бермайдур, ман уруш киламан деб Хукандни мадрасаи Жомеъсига одамларни йигиб уруш қилмоқ бўлганда... Эргаш курбоши бирдан урдага ут куйиб, хар ерда армани, урус, курса улдуриб олам бўзилди»².

Исхокхон ўз ўрнида хукумат томонидан истиклолчиларга қарши олиб борилган уруш тафсилотларига хам тўхталиб: «Хукумат карасаки, ахвол бўлакча, лоилож (ноилож) истамсадан туриб туф куйди, расталарга хам ут куйилди, курбошилар хукуматга қарши булди, шахарда тура олмай атроф кишлокларга кочиб чиқди, ...кўп кишилар кушилдилар, хатто хукуматдан хам кўп одамлар уларга кириб кетди» - деб баён қилади. Бу фикрлардан кўринадики, Ибрат^{1 2}

¹ Уша жойда. -Б. 124.

² Ибрат И. Тарихи маданият. -Б.

³ Уша асар. -Б.126.

советларнинг шиорларида берган ваъдаларига ишонган, бу эса маълум маънода унинг дунёкарашига жиддий таъсирини ўтказган. Бу унинг кейинчалик совет мактабларидаги фаолиятида ҳам кўринади. Мҳаллиф бу воқеликларни муфассал «қурбошилар замони» асарида ёзиб қолдирганлигини эътироф этиб, асаримизни уқисинлар, албатта, каноатланадурлар»¹, деб ёзади. Бундан маълум бўладики, бу асар 1918-1924 йиллар орасида Фарғона водийсида бўлиб ўтган истиклолчилик тарихи билан боғлиқ воқеаларни ўз ичига олиб, бу икки китоб бугунги кунга қадар етиб келмаган.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Ибратнинг «Тарихи маданият» асарида мустақил давлатнинг ҳам моддий, ҳам маънавий заминини яратиш мҳаммосига асосий эътибор қаратилган. Рисолада Ибрат давлат тараққиётининг моддий замини сифатида маҳаллий саноатни ривожлантириш, сугориш иншоотлари қуриш, мамлакатда кишлоқ хужалигини юритиш, ички ва ташқи савдони йўлга қуйиш, мамлакатдаги фойдали казилмалар, уларни қайта ишлаб тайёр маусулот чиқаришни ўзида ташкил қилиш, четга хом ашё ўрнига тайёр маусулот чиқаришга эришиш каби мҳаммоларни олган бўлса, давлат тараққиётининг маънавий замини сифатида мактаблар, жумладан қизлар мактаби, кечки мактаблар, кўп мутахассислик уунар-техника мактаблари, олий укув юртлари, илмий тадқиқот институтлари ташкил қилиш, нашриётлар, турли иутисосликка, жумладан мууандисликка оид фирмалар ташкил этиш мҳаммоларини кутариб чиқади. Жумладан, у халқимизни хориж фирмалари

¹ Уша асар. -Б. 127.

ишбилармонлари ва тадбиркорлари тажрибасидан ўрганишга чакиради.

Ибрат рисоласининг бошқа тарихий асарларидан фаркли жихати шундаки, мҳаллиф асарни ёзиш давомида ўзидан олдин ёзиб қолдирилган асарлардан ёки бирор бир хужжатдан тарихий манба сифатида фойдаланмай, балки шу давр кишиси сифатида кўрган - билганлари асосида ўз нуқтаи назарининг баёнини беради. Унинг мҳаммоларга бундай ёндошиши Еарб ва Шарқ халқлари ҳаётини ўзаро таккослаш асосида юзага келган. Демак, мҳаллифнинг хориж мамлакатларига қилган саёхати ўз ижтимоий ҳаётини, турмуш даражасини кўтариш учун қилган саъй-ҳаракатларида ҳамда унинг асарларининг юзага келишида муҳим ўрин тутди.

Рисола дастлабки ўриниш сифатида миллий давлат асосларини яратиш, мамлакатда жорий этиш мҳаммоларига бағишланган бўлганлиги учун ҳам миллийликка интилиш миллатчилик сифатида кораланиб, 20 йиллар совет тўзуми назоратидан ута олмай, қўлёзма холида бугунга қадар қолиб кетади. 20 йиллардан бошлаб «ерли халқ зиёлиларига ишончсизлик билан караш, уларни турли ижтимоий фаолиятдан чеклаш, зиёли эмас, зиёнли деган мафқўравий тамгалар осиш»¹ одат тусига кирганлиги, Ибратнинг халқ душмани тамгаси остида катагон қилинганлиги - бўларнинг ҳаммаси совет сиёсати моҳиятини очиб беради.

3 §. Ибратнинг маърифий карашлари.

Ибратнинг маърифий карашларини ўрганишда унинг «Мезон ул-замон» асари алоҳида аҳамиятга эга. Бу асар ҳақидаги дастлабки

¹Шарафиддинов О. Мустафо Чукай, Чулпон, Отажон Х,ошим. Истиклол фидоийлари. -Т.: -1993. -Б.5.

маълумот Ибратнинг «Тарихи маданият» асарида келтирилган бўлиб, мҳаллиф асарни «миллат ва мактабга фойдалиқ» бошқа асарлари қаторида санаб келтиради¹. Ибратнинг маърифий карашлари ҳақида фикр юритишдан олдин унинг ушбу асари ҳақида қисқача маълумот беришни лозим топдик.

Асар қўлёзма уолида бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти фондида инв. №11618 раками остида бир нусхада сақланади. Уни ўрганиш асосида шундай хулосага келиш мумкинки, у 37 варак, 74 бет, уар бети 11 қатордан иборат. Бугунги кунда 3 вараги тушиб қолган, 34 варак, 68 бети сақланган. Бундай хулосага келишимизга сабаб, уозирда сақланиб қолган 2-сауифа буш, юқорига қисмида «Мезон, Исоқхон тура, 37 варак» деган ёзувлар бор. Асарнинг 3 - бети четига «Мезон ул- замон» деб ёзилган бўлиб, пастига кавс ичида «Замона тарозуси» деб ёзилган ёзув бор. Асар ҳақида яна шундай маълумотлар бериш мумкинки, у ўзок вақт ёмон уолатда сақланган, айрим бетларини эркин ўқиш мумкин бўлгани холда (4, 5, 12, 13, 49, 50, 51, 52, 53, 54, 59, 61, 62, 64, 65, 66, 67, 68), айримларининг хатлари учирлиб, қўлёзманинг чакка остида қолганлиги кўринади (3, 6, 7, 8, 9, 10, 14, 15, 43, 44, 20, 21, 22, 23, 24, 25), айрим саҳифалари эса учирилган хат устидан қайта ёзилганлиги сабаб, аввал ёзилган ёзувлар билан чаплашиб, хатни ўқишни бир қадар мураккаблаштирган (3, 16, 17, 18, 19, 8, 9, 10, 28, 29, 30, 31, 32, 33, 47, 48, 55, 56, 58, 60, 26, 27). қўлёзманинг 3-бети юқорига қисми унгида ^{vj} Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси

¹ Ибрат И. «Тарихи маданият». ЎзР ФА ШИ. қ- инв.№10117. Б.139

² Мезон ул замон. ЎзР ФА ШИ. қ- инв.№11618.

³ Уша жойда. Б.3.

Шарқшунослик институты томонидан куйилган мухр (печать) бор. Айрим саҳифалар четига ингичка ёзув билан сўзлар қайта ёзиб куйилган. Сиёҳи кук, хати насталик. Асарнинг ёзилган вақти курсатилмаган, бироқ, Ибрат томонидан бу асар бошқа асарлари қаторида «Тарихи маданият» асари сўнгида келтирилган¹. Мҳаллиф асари матнини тадқиқ қилиш орқали октябрь тунтаришидан кейин ёзил-

2

ганлиги ҳақидаги маълумотга асослансак, шундай хулосага келиш мумкинки, Ибратнинг «Мезон ул замон» асари 1917-1925 йиллар оралигида ёзилган.

Мақолаларимиздан бирида ушбу рисола мҳаллиф томонидан 7 мезонга булинганлиги^{1 2 3 4} ҳақидаги маълумотларни берган эдик. Кейинги тадқиқотлар натижасида рисоланинг барча саҳифалари қайта тикланди ва мҳаллиф уни 9 мезондан иборат қилиб

4

тўзганлигини аниқладик .

Ибратнинг «Мезон ул-замон» асари ҳақида яна шуларни эътироф этиш лозимки, бу асарнинг 2001 йил профессорлар Х.Коматцу ва Б.Бобожоновлар ҳамкорлигида араб имлосидаги нашри ва рус тилидаги таҳлили эълон қилинди⁵. Китоб мҳаллифи томонидан худди шу даврда тайёрланган илмий диссертацияда Ибратнинг бошқа асарлари қаторида «Мезон ул-замон» асарининг ўзбек тилидаги таҳлили ҳам берилди, ушбу диссертация 2002 йил ноябрда химоя

¹ Ибрат И. Тарихи маданият. ...Б. 139.

² Мезон ул замон. ...Б.5.

³ Воҳидова К.А. Исхоқхон Ибратнинг «Тарихи Фартона», «Тарихи маданият», «Мезон ул замон» асарлари тарихий, илмий, маданий манба сифатида. //Ўзбекистон тарихининг долзарб мҳаммоларига янги чизгилар. Даврий тўплам. №2.- Т.: Шарқ. 1999.Б.122.

⁴ Ибрат И. Мезон ул замон. ...Б.61,65.

⁵ Коматцу Х. Бобожонов Б. Исҳоқхон тура ибн Джунайдуллах Хаджа. Мизан аз заман.Тошкент-Токио.: 2001.

⁶ Воҳидова К. Исхоқхон Жунайдуллоххужа ўғли Ибрат ва унинг тарихий илмий мероси. Тарих фанлари номзоди дис-я. Т-2002.

2005 йил апрел ойида У.Долимов ва Н.Жабборовлар Исхокхон Ибратнинг ушбу асарини қирлча ёзувда ифодалаб “Танланган асарлар” номли нашрларига киритдилар¹. Олиб борилаётган тадқиқотларнинг барчаси И. Ибрат фаолиятини мустақиллик йилларида ўрганишга эътибор янада кучайганлигидан далолат берса, иккинчи томондан баркамол авлод, ёшларимизнинг маънавий дунёкарашини шаклланишида муҳим ўрин тутди.

Жадидларнинг маърифий фаолиятини ўрганиш ва кўзатишлари асосида тарихшунос олима Д.А.Алимова қуйидаги асосли мулоҳазани билдиради: «Ижтимоий-тараққиёт талаблари жадидларда Оврупа илмий техника тафаккури, маданияти, иқтисодий ва ижтимоий, сиёсий ютуқларига қизиқиш уйғотди. Лекин Туркистон жадидлари Оврупо турмуш тарзига қур-қурона таклид қилмай, балки, айна пайтда улар буржуа ахлоқининг ислом талабларига зид бўлган хусусиятларининг кириб келишига қаршилик кўрсатишга ўринганлар. Туркистон шароитида тараққиётга интилиш ва уни таъминлаш учун зарур бўлган бу икки йўналишни уйғунлаштириш лозимлигини тўғри тушунган жадидлар қуръон ва ҳадислардан ўз карашларини тасдиқловчи фикрларни излаб топиб, уларни янгича ўқиб, фикрлашга ҳаракат қилганлар»^{1 2}. Худди шундай мулоҳазалар буюк маърифатпарвар, жадид олими Ибрат асарида ҳам ўз аксини топган. Бинобарин, у рисоланинг ҳар бир мезонида алоҳида мҳаммо бўйича мулоҳаза юритади, халқимиз ижтимоий ҳаётидаги диний муносабатлар, урф-одатлар ҳамда кийим-кечакларидаги қадим ва

¹ Исхокхон тура Ибрат. Танланган асарлар. Т.: Манавият. 2005. 198 б.

² XX асрнинг дастлабки уттиз йиллигида Ўзбекистонда тарих фани (Тарихшунослик очерклари) II-қисм. -Т.: -Фан, - 1994. -Б.211.

жадид муносабатларига тахлил бериб, улар томонидан илгари сурилган ғояларни халққа етказишни мақсад қилади.

Асарнинг «Мукаддима» қисмида Ибрат замондошлари бўлган шайхлар, олимлар, бойлар ва уокимлар, чунончи бутун исломдаги минглаб кишиларнинг Оллоуни ҳисоб китобини билгани ҳолда, мол-дунёга мубтало бўлганликларини, уларни мактаб, дин хизматига савоб йўлида ёрдам қилишга тарғиб қилинса ёмон қуришларини, Оллоунинг бойликка хирс қўйган бандаларини жазолаши фақат исломда эмас, ҳамма динларда борлиги, бундан ортиқ нодонлик булмаслигини кўрсатиб, асарни ёзишдан олдин у кишилар кунглини бойликка хирс қуйишдан қайтариб, сўнгра мақсадини баён этмок эканлигини кайд этади .

Ибрат инсонларнинг кунглини бойликка эътиқод қуйишдан сақлашнинг бир йўли сифатида амри маъруфни тавсия қилиб, қуръон оятларидан фойдаланиб одамларни яхши амалларга буюриб, ёмон амаллардан қайтаришни ўз олдиға мақсад қилиб қуяди. Бинобарин, бу амри маъруф оғзаки булмай, кўпроқ жамиятға фойдаси тегиши учун асарлар орқали ёзиб қолдирилиши зарур деб ҳисоблайди².

Ибрат асарининг биринчи мезони сифатида асрларни ўз қонуниятида тутиб турувчи мезон тарозусини кўрсатади . Унинг фикрича, уар бир замоннинг ўзига хос тарозуси бўлиб, у доимий ривожланишда, тараққиётда, янгилинишда бўлади. уар бир замон ўз қонуниятлари билан асбоб ва ашёларигача янгилиниб туради. Замон ўзгариши билан кириб келаётган ашё ва асбоблар Оллоунинг ўз халқига ато ^{1 2 3}

¹ Ибрат И. Мезон ул замон. Б.3-4.

² Уша асар. Б.4.

³ Уша асар. Б.4-5.

қилган нарсаларидур. Бўлар фақат замон тарозуси билан улчанади. Айрим шариат конунчилари бу янгиликни жараёнини халққа осон бўлиши учун қабул қилсаларда, айримлари бўларни инкор этиб

1

халқни кийинчиликка соладилар .

Ибрат асарида кадим ва жаид масаласига ҳам тўхталиб, ислом аули, олимлар уртасида оддий сўзлар учун ҳам ихтилоф келиб чиқаётганлиги, бу Оллоунинг ҳам амрига мувофиқ келмаслигини эътироф этади ва бир фикрга келиб бирлашиш зарурлиги уеч кимнинг уаёлига келмаётгани туфайли бу гаразлар тўплана бориб, жаид ва кадим уртасидаги жанжалларга сабаб бўлаётганлигини кўрсатиб беради. қуръон ва уадисларга асосланиб мўаммоларни шариат конуни бўйича баҳолаш орқали турли тортишувлар келиб чиққанлиги, халққа, миллатга Оллоу томонидан бажарилиши катъий буюрилган ишлар қолиб кетиб, уаром ва ҳалолнинг жанжалини қилиб юрганликларини ёзади^{1 2}. Бу фикрлар орқали Ибрат жаид ва кадим уртасидаги низонинг кераксиз эканлиги, Оллоу томонидан уламо ва бойлар, авом халқнинг ҳам бажариши керак бўлган вазифалари бел- гилаб берилганлиги, иттифок бўлиш энг биринчи зарурият эканлигини тушунтириб беради.

Ибрат асарда халқимизнинг янги жорий бўлган ашёларини уаром деб, қачонки расми таомилга киргандан сўнг истеъмолга киритганликларини³ ёзиб, халқнинг кийинчиликларини беилмликдан деб билади⁴. Шунингдек, у Муҳаммад пайгамбар уадисларидан келтириб,

¹ Уша асар. -Б. 4-5.

² Ибрат И. Мезон ул замон -Б.6-7.

³ Уша жойда. -Б.7.

⁴ Уша жойда. -Б.8.

қилибдурларки, «Ал-илму иззуд дунйа ва-ш-шарофу-л-охироти» деб /Илм дунё азиз-мукаррамлиги ва оуират шон-шарафидур/. Иккинчи бир уадислари «Утлибу-л-илма ва лав кана би-с-Сийн» /Гарчи, Чинмочиндан бўлса ҳам илм талаб кил/»¹. Ибрат бу фикрлари билан халқини илм талаб қилишга, хориж илм-фани техникасини ўрганишга чакиради. Мамлакатнинг хорижий мамлакатлардан орқада қолишининг сабаби сифатида ҳам илмсизлик ва жауолатни кўрсатади¹
23.

Ибрат ўз асарида қайси бир ишни қилишга ўринилмасин, каттик ҳаракат билан амалга ошириш мукаррар эканлигини таъкидлаб, ўз фикрларини қуръон ояти орқали кўрсатиб, инсон фақат ўз ҳаракати туфайли бирон бир мақсадига эришиши мумкин, бировнинг яхши амалларидан унга уеч бир наф булмаслигини айтиб, халқ Оллоунинг сўзларидан уеч бир зарар курмаслигини, меҳнат қилиб каттик ўриниш орқали ният қилинган барча нарсага эришиш мумкинлигини эътироф қилади, буни мезоннинг бизга кўрсатадиган вазни, деб баҳолайди.

Мҳаллиф асарда жамият ҳаётида илмда, уунарда, маишатда юз бераётган кадим-жадид муносабатларини тушунтириб, аввалги асрларнинг одамлари, чунончи боболаримиз илмда, уунарда, маишатда жисми доимий машаққатда ўтганлиги, бугунги кунда фан ва техника ривожланиши орқали халқ маишат ва роуатга эришганлигини айтади. У «Боболарингиз чакмок чакар эдилар, гугурд қандоқ роуат, корачирог ёкар эдилар, электрлампа қандоқ

¹ Уша асар. -Б. 8.

² Уша жойда. -Б.10.

³ Ибрат И. Мезон ул замон -Б.8-9.

роҳатдир»¹ - дейиш билан, бунга сабаб замон тараққиёти эканлигини таъкидлайди. Ибрат сафар давомида ҳам кадим-жадид муносабатларига дуч келиш мумкинлигини айтиб, сафарга чиққанда унинг машаққатларига караб вазн қилиш лозимлигини мисоллар орқали тушунтириб, Тошкентга бир ҳафта кўп меҳнат, йигирма сум сарф билан бир ҳафтада сарт аравада борилган эканлиги, ҳукумат ҳаракати билан темир йўллар солиниб, уч соатда турт сум сарф билан борилишини, бошқа ишлар ҳам бу тариқа осонлигини, мезон қилганда фарқи билинишини эътироф этади .

Ибрат бу ишларни таҳлил қилар экан жаҳидлар томонидан илгари сурилган ғоя ва карашларни қўллаб қувватлайди, миллат ҳаётида юз бераётган янгиликлар моҳиятининг тушунтириб беришга интилиб, миллатни улардан кочиб, тор фикр доирасида қолиб кетмасликка чакиради. Қичкина фикр ва тор мусулмончилик билан муддаога етиб булмаслиги, катта йўлдан юриб турли - туман илм, хунар ва касб ўрганиб, бошқа халқлар олдида гариб, ожиз бўлиб турмаслик, бунинг учун албатта ҳаракат даркор эканлигини тушунтиради^{1 2 3}. Бинобарин, Ибрат фикрларини асослашда қуръон оятларидан фойдаланиб, Оллоҳ сизларга енгилликни истайди, сизга огир бўлишини истамайди, деса, биз ўзимизни ўзимиз кийинликка солиб, Худо қилган деб кийинликдан чикмаслигимиз, Худо қилган деб иймонга келмаслик билан баробардир⁴.-дейди. Ушбу фикрлари билан Ибрат халқимиз ҳаётидаги кийинчиликларнинг барчасига халқимизнинг илмсизлиги сабаб эканлигини очиб беради. Ибрат бу мезонида халқнинг турмуш

¹ Уша асар. -Б.9.

² Уша асар. -Б. 9.

³ Ибрат И. Мезон ул замон -Б.11.

⁴ Уша жойда. -Б.10.

тарзини енгиллатиш, тараққиётга олиб чиқиш учун жадинлар томонидан олиб борилаётган ҳаракатни куллайди, ўз фикр ва мулоуазаларини қуръон ва уадислар орқали халқнинг онгига сингдириш учун астойдил ҳаракат қилади.

Рисоланинг иккинчи мезонини мҳаллиф Ислом ва шариат масалаларига батишлайди. Чунончи, дин ва шариат бир нарса бўлиб, мусулмонларни бирлаштириш ва иттифокда тутиш эканлигини эътироф этади ва халқни бирлаштириш орқали тараққиётга эришиш мумкин деб ҳисоблайди. Шунингдек, бу Оллоу олдида охиратдаги фарз эканлигини, парокандаликнинг олдини олиб иттифок бўлиб, бирлашиб иш тутиш лозимлиги, бирлашган халқлар тараққиётда олдинлаб кетаётганлигини таъкидлаб, қуръон оятларини келтириб, барча кишиларни бирлашишга, булинмасликка чакиради¹.

Исоқхон асарида халқни бирлашишга даъват этиб қолмай, уларни нифок чиқариб ауолининг тинчини бўзиш, жанжал ва низо, келишмовчиликдан сақланишга чакириб, бундай ишларнинг таъсири нафақат одамнинг ўзига, балки урут-авлодига, атроф миллатга, бутун оламга таъсир этиши фарз қилинган ишларда ҳам кўрсатилганлиги ҳақида фикр юритади ва қуръон оятларидан фойдаланиб, ўзаро кўрашлар орқали миллатни сустлашишдан, қувватсизланишдан асрашга ўринади ва уар бир ишда Оллоуга суяниб иш тутиш кераклигини эътироф этади. Юқоригадагилардан маълум бўладики, Ибрат ўз халқини бирлашишга, нифок чиқармасликка, уар бир ишни иттифок билан низоларсиз ҳал қилишга, ожиз булмасликка ундайди^{1 2}

¹ Уша асар. -Б. 12.

² Ибрат И. Мезон ул замон -Б. 12.

ва фикрларини қатор қуръон суралари ва уадислар орқали исботлаб беришга интилади.

Ибрат ушбу мезонида инсонларни бир ота онадан таркалган ака - ука биродарларга қиёс қилади. Биродарлар канчалик бир бирига ёрдам берса, уларнинг ҳаёти ҳам шунчалик яхши бўлишлигини, инсонлар ҳам худди шу биродарлар каби иш тутиши кераклигини айтади. Бинобарин, ўз фикрларини асослар экан, инсонларни бир инсоннинг танаси аъзоларига қиёслайди. Инсоннинг бир аъзоси шикаст топса, эутимол бу инсоннинг вафоти билан якунланиши мумкин бўлган уолатларни назарда тутиб, жамиятдаги инсонларни ўзаро бир - бирига ёрдам бермаслиги худди шундай окибатларга олиб келиши мумкин эканлигини таъкидлайди¹.

Мҳаллиф рисолаининг 3 - мезонида ауолининг феъл-атворидаги айрим иллатларни танкид остига олади. У сўзланган сўз ва амалиёт бирлиги масаласига алохида эътибор каратиб, фирибгарлик билан бир - бирларини кийнаш Оллоу томонидан каттик кораланганлигини кўрсатиб беради^{1 2}. Йирик савдогарлар кичик савдогарларни уйла йўли билан касодга учратганликларини бир неча мисоллар орқали кўрсатиб, бойларнинг юз сум пулларини бир йилга 25 сум фойдага беришлари, аммо бефоиз берилди, деб уйлаган ночор кишилар бундан кеч хабар топишлари, (аслида фоиз билан пул бериш қуръони каримда кораланган), баҳоси 20 тийинлик газламани майда савдогарларга қарзга 6 газини 3 сумга беришлари, банкдан келадиган

¹ Ибрат И. Мезон ул замон -Б. 14-20.

² Уша асар. -Б.26.

зарарларини халққа берган беҳужжат пуллари ҳисобига сочиб юборишлари кабилар шулар жумласидандир¹.

Асарда Ибрат тижоратга ўринган кишиларни ҳалол бўлишга даъват этиш билан савдо ишида шариатдаги инсонларга ҳилоф бўлган учта катта гуноҳ борлигини эътироф қилади. Бўлардан биринчиси - тарозида кам оладилар ва ўзини ҳам, ўзгани ҳам гуноҳкор қиладилар ва бундан куркмайдилар. 2 - хиёнатдурки, сотувчи мол баҳосидан ташқари парту деган удумга кўра, пудидан бир кадок олиб қолиш одат тусига кирибди, ундан харидорлар беҳабар бўлади. 3 - патта берилмаган кишига суммасига 5 тийин штраф соладилар, уламолар бу ишлар хусусида маъруза қилишлари ўрни эди қилмадилар^{1 2 3}, дейди. Бинобарин, машойихлар ва қозилар ҳақида ҳам фикр юритиб, ҳукуматдорлар ўз маишат ва ҳашамлари билан овора эканликлари, қозилар эса аҳли ислом эҳтиёжи, халқ ишидан ва ҳукумат сурокларидан бушамай, халққа маъруза қилишга вақт топа олмаётганликларини ёзиб қолдиради . Мҳаллиф бу мезонини укувчилар маъруза сифатида қабул қилишларини айтиш билан мулоҳазасини яқунлайди⁴.

Ибрат асарининг 4-мезонида янги ва эски даврни таккослаб, халқни тараққиёт йўлларига олиб чиқишни миллатга хизмат қилиш деб билади. Бинобарин, олим ва фозилларнинг бугунги вазифаси - халққа тараққиёт йўлини кўрсатиш миллатга энг катта хизмат эканлиги, чунки замон касб ва ҳунар замони бўлиб, илм-ҳунар арбоби қандай, илмсиз халқ қандай, буни мезон қилиш халқимиз

¹ Уша асар. -Б.26-27.

² Уша жойда. -Б.27.

³ Ибрат И. Мезон ул замон.-Б.27-28.

таназзулининг кай даражада эканлигини аниқловчи омил бўлишини¹ - кўрсатиб беради.

У асарида кадим-жадид муносабатларининг ўтган ва келгуси замонни ўзаро таккослаш орқали қиёсий тахлилини беришга интилиб, аввалги асрларда халқ уйида меумон бўлса чирог йўқ, курук куга, хашак ёкиб куйишар экан*^{1 2} ёки бундан уттиз беш йиллар аввал бир маҳаллада ут йўқ бўлса, ут аутариб иккинчи маҳаллага бориб, ут олиб келинганда маҳалладагилардан рауматлар эшитилган^{3 4}. Бу фикрлари билан мҳаллиф халқнинг аввалги ауволи билан бугунги кунини солиштириб, халқ ҳаётига кириб келаётган янгиликларнинг афзаллик жихатларини очиб беришга интилади.

Ибрат нима учун айнан масаланинг шу жихатига эътиборини қаратган? Чунки, айрим уламолар халқ ҳаётига кириб келаётган янгиликларни диний акидалар билан боғлаб, халқни қурқитишга ўринганлар. Жумладан, самоварнинг халқ ҳаётига кириб келиши шундай фикрларнинг уйғонишига олиб келган. Бу уақда Исоқхон асарида берилишича, янги самовар чиққан вақтда буни курмаган кадимчилар киёмат аломатига ухшатадилар. Чунки, утинни ҳам, сувни ҳам солиб, бир-бирига араллашиб кетмаган холда, эгаси жумракдан кайнок сув туширса бу уларни уайратга солган, чунончи, у асарда иккинчи бир мисолни келтириб: «Ламфа янги келганда бандаи адад 7-чи усталовой ламфа олган эдим. Азбарои янги ва антика китоб курмакка деб, они куб кишилар отини гавуари сероб

⁴ Уша асар. -Б.28-29.

¹ Уша асар. -Б.29.

² Уша асар. -Б.29-30.

³ Уша асар. -Б.30.

⁴ Ибрат И. Мезон ул замон. -Б.30.

деган шул эмиш деб, содда кишилар куб таажжуб килдилар. Уларнинг таажжуби буки, шамдек дар бир соатда неча маротаба учини кесмас экан ва шамдек окиб кетмас экан, бирдек ёниб турар экан деб истидсон (макташ) қилганларида саводли муллаларимиздан бунга карши, буни равшанида ултириб булмайдур йоги даром эмиш, иншои насронийдир амали, алал хусус саждага куйиб булмайдур деб неча неча хурофотларни чиқариб бўлганлар. Мундин беш йил утди, утмади ушал муллалар дамма шаръе ва хурофни тарк қилиб ўзлари олиб истеъмол этдилар. Мана бул феъл даммаси соддалик, маданий эмасликдир»¹. Бу билан Ибрат кадимчи уламоларнинг янгиликларга бўлган муносабатини якқол кўрсатиб беради.

Ибрат асарида келтирилишича, маданий тараққиётга эришиш учун биринчи навбатда Оллод томонидан фарз қилинган машрикдан магрибгача адли ислом кодир бўлса, сафар қилиши лозим топилади. Бундан мақсад Оллод бандаларини сарф-даражат қилиб сафарга чиқиш орқали мусофирлик машаққатини кўрсатиш билан дунёни ўрганиш, олам халқи тараққиётидаги курмаган нарсаларни куриб, эътиқодини комил қилиш эканлигини айтади¹. Бундан кўринадики, Ибрат жадондаги мамлакатлар илм-фани борасидаги ютуқларни маданий жидатдан орқада қолган давлатлар томонидан ўзлаштирилишини дам Оллоднинг қуръонда келтирилган фарзларидан бири-даж сафари билан боғлайди ва унинг модиятини тадлил қилиб кўрсата олади.

Ибрат асарда оламнинг бошланиши ва тугаллангунига қадар бўладиган ва чиқадиган нарсалар ояти қуръонда баён қилинганлиги-

¹ Уша асар. -Б.31.

ни, аммо бизнинг кадимчи уламолар уади ҳам янги нарсаларга уаром деб, ўзок йиллар давомида орқада қолиб келганликларини ёзиб, худо бандаларига дарёларда юрмokka шундог осонликлар яратганлигини ёзиб қолдиради^{1 2}. Бироқ, асарда бу янгиликларга кадимчи уламоларнинг муносабатини танкид қилиб: «Мана бўларга назари гумроу ила бокмок курук суфилар ишидурки, тамадин, таримайдин қолдирмок ёки маданийликни уоуламасликдандур»³ - деб баҳолайди.

Мҳаллиф асарда фақат маиший турмуш билан чекланмай, Туркистон кадимчи уламоларининг илмга муносабатини баҳолаб, янги услубда қурилган иморат ва либосларгагина эмас, илм йўлида янги коидалар чиқариб миллатга хизмат қилганларга ҳам бизнинг Туркистон кадимчи уламолари кўпинча яхтти назар билан карамасликларини танкид қилади⁴. Чунончи, Ибрат Х.,Х., Ниёзий томонидан очилган жаид мактабининг кадимчи уламолар қаршилигига учраганлиги, унинг қозилар съездида мууокамага куйилганлиги, усули савтия мактабига кадимчи уламолар қарши бўлганлиги, маргилонлик усули жаид муаллими кадимчи уламо билан мунозара қилиб, ўзи ўқитадиган илмларини қозилар уўзурида, съезд мажлисида имтиуон этиб, шаръий ва ношаръийлигини аниқлаб беришни съезд мажлисидан сўраганлигини, бу уақдаги муаллим фикрларини келтиради: «Бул мен ўқитадургон илмларимни сизларга уўзўрингизда кўрсатай, агар дуруст, шаръий бўлса, менга бу илм дурустдур деб хукм қилиб кулимга хужжат берингизлар. Агар ношаръий ёки авлодларингиз илмида бўзук илмлар бўлса мени ман

¹ Уша жойда.- Б.32.

² Ибрат И. Мезон ул замон.- Б.33-34.

³ Уша асар.- Б.35.

⁴ Уша асар.- Б.35.

қилинглар»¹ деб, сўнгра ўқитадиган бошлангич таълим ва медицинага оид дарслар бўйича шогирдларини савол ва жавоб қилганда уламо ва қозилар кўз ёши чикиб, раҳматлар айтиб бу усулда ўқитишни шаръий деб ҳукм қиладилар.

Бинобарин, Ибрат баъзи одамлар усули жаҳид деганда дин ислохотини тушунишлари, шу йусинда тортишувлар қилсаларда, аслида усули жаҳидни мохиятан билганликларини, бу янгиликлар халқнинг турмуш тарзига кириб келиши кескин ўзгаришларга сабаб бўлишидан куркишларини эътироф этади. Шунингдек мҳаллиф ўз даврида ҳамма шаҳарларда усули жаҳид мактаби жорий бўлиб, ҳамма нафини билиб, сарт ва ўзбеклар ҳаммасидан муаллимлар кўпайиб мактаб очганлиги, усули жаҳид - янги қоида, янги тартиб жорий бўлганлигини кўрсатиб, бу борада ўзи томонидан очилган жаҳид мактабини мисол келтирган ҳамда кўп ёшлар қаторида катта ёшга кирган савдогарлар ҳам ўқиб, хат саводини чиқариб, маишати тижоратларида осонликлар мушоҳада қилганликлари, бу замоннинг мезони натижасидир^{1 2 3 4}, деган фикрга келади.

Ибрат бу мезонини, ҳар замон ўз вақтига қараб ҳаловатда эканлигини эътироф этиш билан яқунлайди¹.

Ибрат асарнинг 5-мезонида халқнинг (1290 хижрий) аввалги ҳаёти билан XX аср дастлабки 30 йиллиги оралигидаги турмуш тарзини солиштирган ҳамда 1290 (милодий 1873) хижрийдин бўёнги ахволларини ўзаро қиёслашни мақсад қилади. Мҳаллифнинг фикрича, бу вақтда аҳоли бекорчи ва дангаса эди. Энди иш-иш деб

¹ Уша жойда. - Б.35-37.

² Ибрат И. Мезон ул замон.- Б.37-38.

³ Уша асар.- Б.38.

⁴ Уша асар.- Б.39.

югуриша бошладилар. Ауолининг барча катламларини замонага караб тезрок юришга ҳаракат қилишлари - тараққиётнинг яқинлашуви эканлигини айтиб^{1 2}, бу мезонида кишиларнинг бир қадар тараққиётга эришганларини мисоллар билан тушунтиради. Жумладан, асарда маҳаллада аввали вақтлари кази - карталар, яхши уй-жой амалдор ва бойларда бўлиши, бугунда ҳамманинг уйида ош, ун, модадан сўнгги лампа, самовар бўлгани, хафтада бир мартаба қилинадирган ош имконсиз уар кунни қилиниши, уар маҳаллада икки- уч кишида от бўлганлиги, уозирда оти йўқ чулок хукмида эканлиги, бир киши юз сум қарз бўлса, умрбод ундан кутила олмагани холда бугун имом мартабасида бўлган киши 1000 сум қарзи бўлса бепарво бўлиши, аввалги вақтда саксон-туксон йилда бойлар қаторига бир шауарда бир ёки икки киши кирган бўлса, энди беш йил тижорат қилиб 100 мингга кодир бўлишларини айтиб, ўз даври ижтимоий ҳаёти тараққиёт ва ривожланиш боскичини кўрсатиб беради³.

Исоқхон бу борада илмга ҳам эътибор қилиб, шундай ўзгаришлар юз бераётганлигини айтиб: «Уттиз йил хатми китоб қилган кишилар ҳам бор, ичинда ун йилда хатми қилганлар ҳам бор аввалгидан ортиқрок, ... мезони замон тарозуси бундин иборатдир»⁴ - деб кўрсатади. Чунончи, Ибрат ўзи яшаб тўрган асрга баҳо бериб, «асримиз илму-уунар, ҳаракат асридур, турмок асри эмас. Гофил ... гафлат уйкусидан тургунча бозор олами утиб кетадир»¹, дейди ва «кимки эътиборли бўлса олдинда юрар» каби мақол билан мулоуазасини яқунлайди.

¹ Уша асар.- Б.39.

² Уша жойда. -Б. 39.

³ Ибрат И. Мезон ул замон. - Б.39-40.

⁴ Уша асар.- Б.41.

Рисоланинг 6-мезонида мҳаллиф маиший турмушда руй бераётган исрофгарчиликка эътибор каратади. Унинг фикрича, халқимиз ортиқча, худо ва пайгамбар буюрмаган машаққат ва сарфларга дучор бўлиб, бўлар урфга айланганлигини кўрсатади^{1 2}. Бекорчи урф, сарф уаражат сифатида асарда Ибрат биринчи навбатда улганга қилинадиган сарфларни танкид остига олиб, бизнинг халқимизда урф бўлган нарса улганга сарф қилинадиган уайр-эусон эканлигини айтиб бу аслида ёмон бўлса керак деб ҳисоблайди. Чунки, бир киши улса, унинг беш унта фарзанди қолиб уовлисининг ярмини даруол сотиш ёки бойлардан пул қарз олиш эвазига маҳалла ва шауарга жаноза қилиб сарф қилади. Бойларга 1 сум, урталарга 50 тийин, оуири 10 тийиндан, имомларга тун беради. Бу акчаларни қарз олган эди, яна имомларга топширади, ўқитадигани бир жанозадир»³ дейди.

Асарда фидя уусусида ҳам фикр юритилган бўлиб, мҳаллиф уни кераксиз одат деб ҳисоблайди. Унга кўра оталарнинг ун икки ёшдан ўтган умрига ёшини таккос қилиб садака берилади ва буни фидя деб, улганни дафн қилган имомга бу пулдан озгина бериб, қолгани таркатилади⁴. Асарда Ибрат жанозадан кейинги сарфлар ҳақида: «...ушал куни беш юз сарф бўлса, бир йил мобайнида яна беш юз сарф булур, чунончи, 2-3 кундин сўнг маърака ошлари катта сарф булур»⁵, деб ёзиб қолдиради. Йигирма, кирки улўқий каби беууда сарфлар ҳам улганнинг етимлари устидаги юк эканлигини таъ- кидлайди.

¹ Уша жойда.

² Уша жойда. -Б.41.

³ Ибрат И. Мезон ул замон. - Б.42.

⁴ Уша асар.- Б.43.

⁵ Уша жойда

Ибрат халқ маросимларидан тўйларга ҳам катта эътибор қаратган, жумладан, угил тўйлари, пойгалар, никоҳ тўйлари, фотиха тўйи, киз тўйи, киз сеплари¹ мҳаллиф томонидан танкид остига олинади. Тўйларда фотихага беш юз сарф бўлса, кейинги тўй куни албатта икки минг сарф бўлиши, бу сарфлардан ўғли ва кизига бирон наф йўқлиги, бўлар ўрнига тижорат ёки бўлак касб ишлари қилиб қуйсалар, бўларга вақтида дастлабки кумак бўлар эди^{1 2}, дейиш билан мҳаллиф ёш оилани иктисодий жихатдан химоялаш мҳаммоларига эътибор қаратади.

Бу мезонда бекорчилик, дангасалик ва танбаллик каби хусусиятлар ҳам танкид остига олинган. Айникса, Ибрат бу ўринда урф ва расмга кириб қолган «чойхона»ларни танкид остига олган. Маълумотларга кўра чойхоналар мусофир бойларга ҳамда йўловчилар учун қурилади. Бироқ, бу даврда аксар кишилар чойхонага боғланиб қолганлар³.

Ибрат асарда бекор ва беҳуда юрган ёшларни ҳам танкид остига олиб, уч ой киш бекор юришларини тўй ва гап деган суҳбатлари бўлиб, уларда гийбат булмай, китоб, масала уқилса, ёшларнинг дунёкараши кенгайиши мумкинлигини эътироф этади⁴. Исхокхон бу фикрларни билдирар экан хунарли бўлишни ёшларга маслахат бериб, ҳеч бир пайгамбар ва авлиё хунарсиз бўлмаганлигини айтиб, ёшлар ҳам ишлаб, маишатларига керак хунар қилсалар тўғри йўлда юрган бўлар эдилар⁵, деган хулосани беради.

¹ Уша асар.- Б.44-45

² Уша жойда.- Б.45-46.

³ Уша асар.- Б.47.

⁴ Ибрат И. Мезон ул замон.- Б.48.

⁵ Уша асар.- Б.48-49.

Шунингдек, мхаллиф Туркистон ва Фарғона халқларининг уар бир янгиликдан ўзларини четга олиб туришлари, бу таассуфлари уларга машаққат келтиришини, уатто бу таассуф нафақат ауоли орасида, балки ишончли олимлар тарафидан ҳам билдирилиб туришини куюниб ёзган, уларга янги асбоблар уар ишни осонлик билан қилиш учун чиқарилганлиги неча бора таъкидлансада, Туркистон ва Фарғона халқлари буни бидъат билишларини¹ ёзиб қолдиради.

Ибрат Туркистон аулининг сурат ва расмга муносабати ҳақида фикр юритар экан, яна шундай таассуфга дуч келади ва танкид остига олади. Меумондорчиликлардан бирида талабалар қаламдонида бир подшоунинг расми борлигини кўрган мезбон уламо уни даруол йўқ қилишни сурайди. қаламдон эгаси йўқ қилган ҳамда ундан суратни севган кичик ва каттага «Оллоунинг хукми тенгми ёки меъёри борми?», деб сурайди. Саволига, ҳаммасининг хукми бир, уоу зарраси булсун, уоу Кууикофдек, деб жавоб олади. Буни куриб утирган Ибрат уртада тўрган самоварнинг туртта сурати борлиги, чойнакда, пиёлада, тарелькада, гугурдларда, пулда ҳам сурат борлигини айтса, Қўқондан келган меумон уламо мезбонга ёшларга бу гапни айтишнинг ўрни эмаслигини айтиб, сўнгра мезбон уламо хизматкорлари билан суратларнинг ҳаммасини яширишга қарор қилади. Бу воқеликка нисбатан Ибрат «...агар сувратни перуези каттик бўлса эди, магарда диния харом дер эдилар»^{1 2} - деб хулоса билдиради.

¹ Уша асар. - Б.49-50.

² Уша жойда. - Б.52-54

Бу уакда фикр юритар экан, Исоқхон дунё кўрган инсон сифатида шу даврда айрим кадимчи уламоларнинг бу хил тор караш-ларидан афсусланган, тараққиётга, маданиятга халқимизнинг эришиши зарурият бўлиб тўргани холда, уларнинг салбий муносабатларини танкид қилган. Шунингдек, уларнинг арзимас мхаммоларга эътибор бергани холда халққа бажариши шарт бўлган фарзларни айтмасликлари, Ибрат эса бўларни халқга билдириб, катта гуноулардан қайтармокчи эканлигини айтади. Бу уолатда ҳам аксар уламолар газета ва журналларни уаром деб, бу илмни ўқишдан халқни ман қилганликларини, Фарғонада юздан бир киши янги китоб, рисола ва журналларни ўқишини, шунинг учун ҳам Фарғонада бу даврда янги илмий адабиётларнинг камлигини эътироф этади¹. Бундан кўринадики, шу даврда кадимчи уламолар жамият тараққиётида юз бераётган янгиликларни тўғри тушуна олмай, уларнинг барчасига харом назари билан караганлар, шунингдек Исоқхон таъкидлашича, бу карашлар қуръон ва уадислар билан исботланмаган.

Ибрат рисоланинг 7 - мезонида замонни бир фаол муаллим сифатида кўрсатган ва аули мусулмонни замон билан ҳамнафасликка чакирган. Хар бир давр подшоуларидан то уокимларигача замонага караб иш тутиши зарурият эканлиги, унинг зиддига иш тутишга уеч ким кодир эмаслиги, чунончи замон аулига турли хилдаги саноат ишлаб чиқариш орқали таълим бериши, аули ҳам унинг таълимида бўлиб, зиддига иш тута олмаслигини эътироф этади^{1 2}.

¹ Ибрат И. Мезон ул замон. -Б.54-55.

² Уша жойда. -Б.55-6.

Бу мезонда замоннинг асоси бўлган ёш авлод уша замон хохиши билан иш юритиши, буни килмагани холда уни замон қабул кила олмаслиги хақида фикр юритилади. Жумладан, мҳаллиф ёзишича, янги замон хохиши - янгиликнинг хаётга кириб келишидан иборат бўлиб, хар кайси замон келажакдаги тараққиёт илми кераклигини кўрсатади. Замонга қарши айтилган сўз ёки иш маъкул булмаса, бу замон ахлига маъкул булмайди¹, деб ёзади. Шунингдек, Исхокхон мулохазаларини мисоллар билан исботлаб: «...Чунончи, бирон сафарга тева (туя) бирлан боринг ва илмгаррок ерда кургонда, албатта, қабул килмишлар, ёки, гугурд ёкманг чакмок чакинг у эса албатта макбул булмас»^{1 2} - дейди.

Мҳаллиф бу мезонда замон ва вақт утиб бориши билан авом халқнинг кириб келаётган янгиликларни қабул қилиб бораётганликларини хам эътироф этиб, замон хамма нарсани - инсонларни феъл-атворларини, расм ва улчовларини, озик-овкат, иш - фаолиятларини ўзгартириб туради. Бизнинг халқлар, хусусан, уламо ва диндорларимиз янги чиққан нарсадан пархез килар эдилар. Бугунда ўзлари одат килдилар, жумладан фойтун арава талаш, бошқа нарсалар мезонни биринчи фаслида айтиб утилган³, деб фикр юритади.

Ибрат бу мезонида хар бир янгилик замоннинг талаб ва эхтиёжидан келиб чикиб, бандаси бунга амал қилиши, замон хам унинг токатидан ортиқ хеч бир вазифа юкламаслиги хақида фикр юритади, чунончи гарб ва шарқни солиштириб оллох гарбдан бошлаб

¹ Ибрат И. Мезон ул замон. -Б.56.

² Уша жойда. -Б.56-57.

³ Уша жойда. -Б.57.

шарққа караб инсониятни маданиятга солиб келаётганини, шарқликлар кадимдан касбу-камолотлари улуг бўлсада, бугунга келиб орқада қолганликлари учун бу ишлар бўлаётганлигини тушунтириб беришга ҳаракат қилади.¹ Бу фикрлари орқали мхаллиф Шарқ халқларини кадимий одоб ва аулок, маданиятга эга бўлганликлари, аммо гарбнинг бугунги кундаги тараққиётидан орқада қолганликларини, маданиятга туликлигича эришиш, бугунги кундаги илм-фан ютуқларини ўзлаштириб олиш бутун шарқликлар олдида тўрган вазифалардан бири эканлигини эътироф қилади. Шунингдек, мисоллар орқали тушунтириб беришга ўриниб «Замоннинг ушбуга юрмаслиги шунга ухшарки, бир уовли ичинда бир отадан ун фарзанд бўлиб, бўларнинг баъзиси ота амрида ва баъзилари бўлак ерда юриб оталарининг сўзини олмай, нифок қилиб, иттифоқини кулдан бериб, бир сум мулкларини бермай, оталари бўларни мауруми меърос қилиб, нокобил деб бўлакларга ўтказгандек. ...Замон фарзандини нокобил мутаассиблари бўлганидан, бўларга кичик ўғлидан кейин мартаба берди. Кичик ўғли куб кобил, оталарини рафторига караб юруб отасига ҳам макбул булди. Аули илмга ҳам қабул булди, кўп мулкларга соуиб булди. Аули шариф ўз истилоулари нечаларни янги дин деб от куйдилар, алхолда, укаларига буйин кисибдурлар. ...Бу замон савтидурки, окилга карар ва акл ҳам ургатар, сўзига кирмаса, йўлидан юрмаса ўз уолига ташлар куяр. ...Бўлар қабул килмаслар ва оталарини амрини килмаслар, сўнгра замон бўлак окилларга таълим киладур, бўлар қолурлар, билмам оталари таълимотларин қачон олурлар. Бўлар таълим олгунича аввалгилар муддаога етадурлар. Мана тасаввур, фикр қилса замон

¹ Уша жойда. - Б. 57.

хукми кўришиб турадур»¹. Бу фикрлари билан Исоқхон, уар бир инсонни замон билан ҳамнафас бўлишга чакиради, замондан орқада қолиш, ёки замон конун - коидаларига мос келмайдиган иш юритишдан сақланиш кераклигини кўрсатиб беради. Бунинг учун биринчи навбатда билимли ва илмли бўлишни таъкидлаб ўз фикрларини қуйидаги хулоса билан яқунлайди: «қалбинда, фауминда мезони бор зот тартиб билурлар ва илм килурлар»².

Рисоладаги 8-мезон халқимизнинг миллий хусусиятларидан келиб чикиб, либосларга бағишланади. Ибрат халқимизнинг либосларга бўлган муносабати инсоннинг ўзига бўлган муносабатидан юкорирокда туришини таъкидлайди. Халқимизни либосга эътибор бериб, инсоннинг ички дунёсидан беҳабар холда муносабатда бўлишларига танкидий кўз билан карайди. Жумладан бу уакда: «Бизни умумий ҳаммасидан бир жабали* зоти фаолларидур, ўз шауарларини либосидан бошқа мамлакат либосини курсалар ихйо* билан ишлари йўқ. Салласи бўлса муносабати ҳам мусулмон деб ушлаб эътиқод килурлар. Аммоки, телфак ёки шляфа, ё фес, ё бўлак хил туффи кийган бўлса они уозирида (шауарли, утрок) ёки шул киши йахо ва олдин десангиз, албатта нафрат килурлар» . Мҳаллиф буни мисоллар билан тушунтириб: «Бир киши уажга бориб анда туриб қолиб бирор замон мусофиротда арабча куйлак кийиб келган экан, они ўғли нафрат қилиб отамиз уажда бўзилиб келибдур дегонлар, ёки бир вақтлар Намангандин бир мўйсафид яхудий катта салла ураб

¹ Ибрат И. Мезон ул замон. -Б.60-61.

² Уша жойда. -Б.61.

* Эътиборли.

* Ўзлаштириш.

³ Ажнабий.

Ибрат И. Мезон ул замон.-Б.62.

муйлабини олдириб, катта тасбех ушлаб тогда, қиғизда Бухородин янги келган катта эшон деб шухрат бўлиб, кўп акчалар жамлаб турганда бир художуй киши таниб «эй фалони яхудийку» деб, ул яхудий эй садага шул айбни ошкор килма деб, илтижо қилиб кочган экан. Бизнинг халқни ихлоси либосга, одамга эмас»¹. Бу фикрлари билан Ибрат бир инсонга ёки миллатга бахо беришда унинг ташки кўриниши ёки либоси биринчи ўринда инсоннинг ички киёфасини бера олмаслигини, унинг кийган либосига караб кофир ёки мусулмон деб ажратиш тўғри эмаслигини эътироф этади.

Араб либослари хақида ёзар экан мҳаллиф бу либосларни халқимиз тулик қабул қилиб олмаганликларини, бу либослар арабларда пайгамбар (а.в.) даврларидан қолганлигини таъкидлаб, у даврдаги либослар хақида фактлар келтиради: «Пайгамбар (а.в.) камис лари икки хил экан. Бири кабоки садр сакияда чоки бор, бири суманки котиф* тагидан чоки бор, хар иккиси хам бадавийларда расмдур»².

Ибрат халқимизни хитой, мугул кийимларидан пархез қилиши хақида гапирар экан бўларга у қадар каттик эътироз килмасаларда, Оврупо либосларига эътирозлари кўплигини айтиб³, бу либослар аср бошларидан бугунга қадар бир неча марта ўзгарганлигини эътироф этади⁴. Бинобарин, Ибрат замонада юз бераётган ўзгаришларга яхши назар билан караб, уни танкид қилишдан тўхташ лозимлигини, «Бу

¹ Уша асар. -Б.63.

*Қуйлак

ЖЭркактларнинг ўзун ва кенг устки кийими.

ЖУртасида.

* Елка.

² Уша жойда. -Б.65.

³ Ибрат И. Мезон ул замон. -Б.64-65.

⁴ Уша асар. -Б.66.

табодул* билдирмак мақсад эмас, табодули замон илан мухорабадан тўхтамак керак»¹ - деган хулосага келади.

Сўнгги 9-мезонда мҳаллиф бир аср илгари ўтган одамларнинг наф* (фойдалик) ишларини кўрсатишни ўз олдига мақсад қилади. Чунончи, бу аср одамларининг ижобий хислатларини кўрсатиб: «...ул аср одамлари содда, софдил, тўғри, хиёнат ва баъзи адовати азоблари кам бўлиб, бўлса ҳам ошкора эмас экан, бунга сабаб исломнинг янгилиги, маркам ушлаганлиги, ёки мухтариб (тош тарозу ва тартиб назоратчиси) хил ислом хафта ва ба хафта тахкик кўзатиб тўргани сабаб бўлса керак. Алуолки бу хил одамлар мингдан бир балки, койил дар уоким одамдур»².

Бинобарин, мҳаллиф бу давр одамлари либослари хадида қуйидагича муълумот беради: «Ул вадтни либослари бошларида калин факталики туффи, бўз куйлак, кулда туқилган тунлари, шул бўзни кук, ко-рага моил пахталик бир кабат оёк кийими, тиргокдин қилинган кофиш (ковуш) мауси йўқ эди»³. Ибрат бу давр одамлари истеъмол қиладиган озик - овкат турлари миллий бугдой ош, гужа, қарилар атала, куча, тарик ош, сут-катиқдан иборат эканлигини айтади⁴. Бинобарин, И.Ибрат бир аср олдинги вақтдаги тўй ва маъракани ўтказиш тартиби хақида ҳам маълумот бериб, мажлислар, катта маъракаларда, жувонча тўйлар, суннат тўйларида дастурхон ўрнига ташқари жойларга утиргизиб, белгиланган одам томонидан чакирилиб, бир кун ош, бир кун нон тамом бўлар эди. Ифторларда

*Ўзгариш.

¹Уша асар. -Б.65.

²Фойдалик.

³Уша асар. -Б.66.

⁴Уша жойда. -Б.67.

киши олдига иккита нон, бир косадан сув куйиб, суюк ош билан ифтор бўлар, никоу тўйларида маҳаллага бир ош зигир ёг билан икт (тугун) ҳалос эди. Мана бир асрни мезони фарки, иккинчи мезондаги шон-шавкат, сарфу беуудаларни укидингиз. Мана болу (эутимол), мана табодул, мана мезон. Бўлар ҳаммаси маданиятдан наъмунадур, аммо бу нарсаларни назорати бўлиши керак*¹.

Ибрат бу мезонида ўзи яшаб тўрган даврдан бир аср тарихга кайтиб, уша даврда Урта Осиё мусулмон аюолисининг турмуш тарзи, жумладан одамлари ва уларнинг психиологияси, истеъмолдаги либослари ҳамда озик-овкатлари, тўй-маъракалари ҳақида кимматли маълумот беради. Бу фактлар XIX аср мусулмон шарқ аюолиси тарихи ва тараққиёт боскичларини ўрганишда ва баҳолашда аҳамиятлидир.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Ибрат «Мезон ул замон» асарини ёзиш давомида Туркистон, хусусан Фарғона водийси халқлари ҳаёти ва турмуш тарзига оид махсус мҳаммоларни ўрганиб, улар ҳақида мулоуазаларини билдиради. Мҳаллиф асарни ёзиш давомида оммага жадидлар мафкўраси, дунёкараши ва фаолияти асосини, муддаосини етказиб беришни мақсад қилади, бинобарин дунё кўрган олим, 10 дан ортиқ тил билган мутахассис, мусулмон шарқ мутафаккири, халқ қозиси, қуръон ва шариат конун - коидалари, тараққий этган гарбнинг бу борадаги билимларидан хабардор инсон сифатида мҳаммога ёндошади. Мулоуазаларини 9 мезондан иборат қисмларга бўлиб, аюолининг асосий оммаси дунёкараши ва

⁴ Уша жойда.

¹ Ибрат И. Мезон ул замон . -Б.67.

қизиқишларидан келиб чикиб, содда тилда, равон баён этади. Ибратнинг бу асари Туркистон жадиdlарининг мақсадлари, фикр ва маслаклари, ғоя ва карашларини ўзида акс эттирган манба сифатида кимматлидир.

Мустакиллик шарофати билан совет тўзуми даврида инкор қилинган ва йўқотиб ташлашга ўринилган миллий манбаларни тадқиқ қилишга эътибор кучайди. Исоқхон Ибратнинг «Тарихи Фарғона», «Тарихи маданият», «Мезон ул замон» каби асарлари хдм шулар жумласидандир. Бу асарларда Ибрат карашлари тарихийлик, маърифатпарварлик, жадиdчилик, дин ва шарқона анъанавийлик билан йугрилган яхлит таълимот сифатида кўрсатилади. Ибрат бу борадаги ҳаракати билан XIX аср охири, XX аср бошларида И.Гаспринский ғояларини қўллаб қувватлайди ҳамда бутун шарқда миллатни уйғотиш ва маърифатли қилиш, сиёсий-иқтисодий эркини таъминлаш мақсадида фаолият юритади. У ўз таълимотини рўзномаларда чоп эттирган мақола ҳамда рисолаларида тизимли тарзда кўрсатиб берган.

ХУЛОСА

Исоқхон Жунайдуллоххўжа ўғли Ибрат ва унинг тарихий илмий мероси (XIX аср охири - XX аср бошлари)ни ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижаси кўрсатмоқдаки, 70 йилдан ортиқ совет тарихшунослигида тарих фанини ривожлантиришга ўз хиссасини қўшган сиёсий арбоблар, шунингдек тадқиқотчи олимлар, миллий зиёлилар, ишбилармон ва мулкдорлар, миллатнинг зиёли катлами бўлган жадинлар фаолияти мавқеи беркитиб келинган, ҳукмрон коммунистик мафкўра шароитида жадинчиликнинг Туркистон халқлари тарихида тўтган ўрни инобатга олинмаган. Уни ижтимоий ҳаракат сифатида олиб ўрганилмай, аксинча тор доирадаги маълум синфлар, гуруҳлар манфаати учун хизмат килувчи, «миллатчилик» «реакцион» мафкўра сифатида исботлашга ўринилган, улар фаолияти кейинги йилларда эътироф этилсада, салбий баҳоланган, аҳамияти пасайтирилган ҳолда ўрганилган. Табиийки, бундай шароитда нафақат жадин намояндалари, уларнинг илмий марказлари, жамиятлари ёки умум Туркистон миқёсидаги жадинчилик ҳаракатини ўрганиш ҳам мумкин бўлмаган.

Фақат Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришгандан сўнг бу мавзунини ўрганишга кенг имкониятлар яратилди.

Ибрат фаолиятини, ҳаёти ва ижодини, жадинчилик ҳаракатининг бир қисми сифатида ўрганиш асосида қуйидаги хулосаларни билдириш мумкин.

Урта Осиёнинг Россия томонидан босиб олиниши, мустамлакага айлантирилиши, миллий манфаатларнинг топталиши мамлакатда тубдан ислохот ўтказишни заруриятга айлантирган. XIX аср охирларига келганда И.Гаспрали карашлари жадинлар учун ғоявий таълимот вазифасини бажариб, жадинчилик ҳаракати алоҳида ижтимоий ҳаракат сифатида шакллангач, миллат зиёлилари унинг атрофида бирлашадилар. Ушбу жараён Туркистоннинг бир қисми бўлган Фарғона водийсида янгича дунёкарашни ўзига сингдира олган Исоқхон Жунайдуллоххўжа ўғли Ибрат каби миллатпарварларни етиштириб чикаради.

Ибратнинг Еарб ва Шарқ илм-фани, техника тараққиёти ва маданиятини таккослай олиш ҳамда мамлакатнинг шу асосда тараққиёт йурикларини ишлаб чиқиш даражасига етган жадин сифатида шаклланишида дастлаб оила мактаби, мадраса таълими, Кукон маърифатпарварлари мухити ҳамда миллий матбуот вужудга келгунига қадар Туркистон маърифатпарварлари ҳаётида алоҳида ўрин тўтган Крим мусулмонлари нашрлари - Козонда чоп этиладиган «Вақт», «Юлдўз», Бокчасаройдан чиқариладиган «Таржумон» рўзномалари ҳамда унда чоп этилаётган И.Гаспринский ғоя ва карашлари муҳим ўрин тутди. Натижада, 1886 йилда Туркистон миқёсида Исоқхон Ибрат жадин мактабига асос солади. Ибратнинг жадин сифатида шаклланишида давр тақозоси билан Кукон маърифатпарварлари ҳамда И.Гаспралининг «Таржумон» газетаси муҳим рол уйнайди. Бу Ибрат тасаввурида улкан ўзгариш ясайди, у тараққийпарвар жадин ва улар ғоялари тарғиботчиси даражасига кўтарилиди.

Ибратнинг ижтимоий арбоб сифатида шаклланишида хаж сафари, 10 дан ортиқ хориж тилини ўрганиши, хориж фан-техника маданияти билан танишиши сезиларли таъсир кўрсатади. У ўзининг «Луғати ситта ал-сина», «Санъати Ибрат қалами Мирражаб Бандий», «Жоме ул-хутут» асарларида ва бошқа шеърий тўпламларида жади́длар ижтимоий ва ғоявий таълимотининг у ёки бу жихатлари тизимини кўрсатиб беради. Ибрат карашлари дин ва шарқона анъанавийлик билан йугрилган. Унинг Еарб ва Шарқ тараққиёти ютуқларини мамлакатда жорий қилишга ўриниши чор маъмуриятига ҳамда кадимчиларга ёкмайди, натижада унинг томонидан жорий қилинган янгиликлар таъкикланади. Жади́длар томонидан бошланган маърифий ва маданий ишлар рус ҳукумати даврида маъмурий ҳукумат томонидан таъкикка учраган бўлса, кейинчалик октябр тунтаришидан кейин совет ҳукумати томонидан бутунлай йўқка чиқарилган. Жади́длар ҳам маънавий, ҳам жисмоний жихатдан тарихдан учириб ташланган.

Ибратнинг ижодий фаолияти 3 йўналишда борган - тарихий, поэтик - тилшунослик, публицистик. Ибрат публицистикаси икки йўналишда борган, тарихий ва жади́длар ғоя ва карашларини акс эттирган.

Тарихий мақолаларида ўз даврида ижтимоий ҳаётни камраб олган воқеликларга миллий тарихчи сифатида муносабати акс эттирилади. Ибрат Туркистон археология хаваскорлари тугарагининг норасмий вакилларида бўлиб, 1912 йилда тарихнинг ёрдамчи, палеография соҳасида «Жоме ул-хутут» асарини яратади. Бу эса унинг тарихчи олим сифатида шаклланишида муҳим роль уйнайди.

Ибрат мақола ва асарларида воқеликка танқидий ёндошув мавжуд, бу хусусият ундан кейин тарих саунасига чиққан жадиждлар асарларига ҳам хосдир. Ибрат ғоя ва қарашлари асосида илм-фан, таълим-тарбия, инсон қамолоти ва у орқали таракқийётга эришиш жамият таракқийётининг бошқа соҳалари қамситилмаган ҳолда асослаб берилган.

XIX аср охири-XX аср бошларида улқани мустанлақачилик зулмидан қутқариш, миллатни уйғотиш, жаҳон таракқийётига етишиш орқали сиёсий-иқтисодий мустанқилликка эришиш бўлган жадиждлар ғоявий таълимотини яратишда Исоқхон Жунайдуллоххўжа ўғли Ибратнинг ҳам хизматлари эътиборга лойиқ. У ўз ғоя ва қарашларида синфийликни инқор этган, улқани инқироздан қутқариш, миллатни уйғотиш ва таракқийётга етишиш орқали сиёсий мустанқилликка эришиш мумкин деб ҳисоблагани ҳолда, ислом қонуниятларига асосланади, таракқийёт қонуниятларини ислом назарияси орқали асослаб беради.

Ибрат октябрь тунтариши орқали мустанқил давлат тўзилишига ишонади ва маориф тизимида ўз фаолиятини давом эттиради, миллий таълим ва тарбияга хизмат қилади, бироқ ҳуқмрон мафқўра тазйики остида фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлади ва қатагон қилинади.

Аллома 50 йилларнинг охирида фарзандлари саъй - ҳаракатлари билан оқланади.

Ибрат меросини қайта тиклашда замондошлари томонидан ёзиб қолдирилган дастлабки манбалар энг муътабар манбалар бўлиб, улардаги фактлар Ибратни олим, маърифатпарвар, янгиликпарвар жадижд зиёлиси сифатида гавдалантиради. Унинг серқира ижодий

фаолияти миллат зиёлиларининг аср бошларида олиб борган фаолиятларини ёритиб беришда муҳим ўрин тутади.

Мавзу тарихшунослигини ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасида шундай хулосага келиш мумкинки, совет даври шароитида яратилган манбалар ҳукмрон коммунистик мафкўра нуқтаи назаридан ёзилиб, уларга нотўғри талқинда ёндошиш, у ёки бу жихатларининг аҳамиятини пасайтириб кўрсатиш, беркитиб утиш уоллари билан характерланади. Бу даврда яратилган тадқиқотларнинг кўпчилиги ҳукмрон коммунистик мафкўра шароитида ёзилганлиги муносабати билан тарихийлик қонунияти бўзилган, яъни мўаммоларга ёндошишдаги холислик, уаққонийлик йўқолиб, ҳукмрон мафкўрага бўйсундириш мақсадида сохталаштиришларга йўл қуйилган. Яратилган адабиётларда катагон қилинган миллат зиёлилари ҳаёти, илмий, ижодий фаолияти ўзок вақт давомида яширилиб, аҳамияти пасайтирилиб, мафкўравий талабларга бўйсундирилиб, талқин этилган. Совет даврида миллатнинг зиёли қатлами бўлган мўаллифлар мажбурият юзасидан иш тўтган, чунки асарлар мафкўравий талабларга жавоб бермаса, чоп этилмаган.

Мустиқиллик шароитида яратилган илмий тадқиқотлар туфайли мавзунинг айрим сауифалари қайта тикланди. Уни миллий манфаатлар юзасидан қайта куриб чиқиш, тарихий воқеликка холисона ёндошиб, уаққонийлик нуқтаи назаридан таҳлил қилина бошланди. Исоқхон Жунайдуллоххўжа ўғли Ибрат ҳаёти ва ижоди, илмий мероси борасида илмий жамоатчилик ва кенг китобхонлар оммасига тақдим этилган бу тадқиқотлар унинг кенг қирали фаолиятига янгидан, чин маънода баҳо бериш ва халққа етказиш имқониятини вужудга келтирди. Бу борада ҳали кўплаб тадқиқот ишларини олиб

бориш мумкин. Бу ишлар бугунги кунда мустакиллик учун кўрашган инсонлар хотираси миллат онгига қайтарилаётганлигидан ҳамда мустакиллигимизни мустахкамланиб бораётганлигидан далолат беради.

Аср бошларида жаид намояндаларининг кўплаб тарихий - илмий асарлари ёзилди. Бу даврда Ибратнинг «Тарихи Фарғона», «Тарихи маданият», «Мезон ул-замон» асарлари ҳам яратилди.

Юқоригада келтирилган айрим жўзъий камчиликларга карамай, мҳаллифнинг «Тарихи Фарғона» асари миллий тарихий манба бўлиб, унда Фарғона водийсининг энг кадимий даврларидан Қўқон хонлиги хукмронлиги, рус босқини, улканинг рус хукумати кулига ўтгандан кейинги дастлабки даврлари ҳамда Қўқон хонлигида жойлашган шаҳарларнинг кадимий тарихига оид мҳаммолар ёритилади. Асарни ёзиш давомида Ибратда аср боши жаидларига хос хусусият, хар бир вокеликка танкидий ёндошиш кўринади. Бинобарин, Исхокхон асарда Фарғона водийси ахолисининг ўзок тарихий утмишга эга бўлган халқ сифатида кўрсатади, махаллий тарихнавислар анъаналарига мувофиқ Қўқон хонларининг саидлар авлодига мансублиги ва тожу - тахтга давогарлигини исботлайди, асарни ёзиш давомида махаллий тарихчилар асарларига асосланади. Хонликнинг Россия томонидан босиб олиниб таназзулга учраши сабабларини ижтимоий арбоб сифатида баҳолаб, хонликнинг халқ томонидан қўллаб-қувватланмаганлиги деб кўрсатади. Насриддинхон, сохта Пулатхон ва бошқа тожу тахт учун кўрашган шахзодалар фаолиятини каттик коралаб, беилмлилик ва беҳунарлилик окибатида замонавий курол ярог ва мунтазам харбий кушин тўзилмаларининг йўқлиги кабиларни енгилиш сабаблари деб хисоблайди.

У Туркистоннинг Россия босиб олишига қарши чикиб унга қарши кўрашда Урта Осиё халқларининг, хусусан Мулла Олимкул (айрим манбаларда Алимкул) хизматларини юқорига баҳолаб, вокеликларни манбалар асосида исботлайди.

Россия босиб олгандан кейин иктисодиётнинг огирлашиб бораётганлиги, пахта якка уокимлиги, ауолининг қарздорлик юки остида қолганлиги, ауволининг ночорлиги каби вокеликларнинг тарихий, ижтимоий - сиёсий жихатдан мантикий тахлилини беради. Тарихий манба сифатида асарда кўрсатилган маълумотлар Қўқон тарихнавислик мактабида «Тарихи Фарғона» асарининг тўтган ўрни ва аҳамиятини кўрсатиб беради.

Ибрат асарни ёзиш давомида улканинг энг кадимий даврларидан то ўзи яшаб тўрган вақтларига қадар муфассал баёнини беради. Бу билан у ўзидан олдин ўтган тарихчилар Фазлий Фаргоний, Мушриф, Дилшоди Барно, Андалиб ва Мутриб, Муҳаммад Хдкимхон, Тожир Абу Убайдулло, Абдулвосеъ Манзур, Муҳаммад Олим Тошкандий, Мулла Холбек, Муҳаммад Солиухужа, Муҳаммад Ризо Маргилоний, Муҳаммад Тойиб ва бошқа Қўқон тарихнависларининг тарихчилик анъаналарини давом эттиради.

Ибратнинг «Тарихи Фарғона» асари миллий нуқтаи назардан ёзилган бўлиб, Россиянинг мустамлакачилик сиёсати инкор қилинади, шу билан бир қаторда синфий карашлар талабларига ҳам жавоб бера олмаган, шу нуқтаи назардан асар уар икки андозага ҳам мос келмайди, нашр этишга руусат ҳам берилмайди. Ибрат асар орқали Фарғона водийсининг кадимий тарихи, ютуқ ва йўқотишларини тарихий изчиллик билан баёнини беради. Исоқхон Ибрат томонидан ёзилган ушбу асар миллий давлатчилик тарихини

ёритиб беришда ҳамда ёш авлодни миллий руҳда тарбиялашда муҳим ўрин тутди.

Жадидлар жамият тараққиётида давлатчиликнинг моддий ва маънавий заминига алоҳида эътибор қаратганлар. Бинобарин, халқнинг фаровонлигини таъминлашда моддий замин муҳим роль уйнаган бўлса, жамият учун зарур бўлган комил инсонларни етиштиришда маънавий заминнинг ахамиятини ўз вақтида англаб етганлар. Чунончи, улар таълим-тарбияни ҳамда мамлакатнинг иқтисодий тараққиётини тубдан ислох қилишда, аввало халқнинг психологиясини, миллий хусусиятларини инобатга олган ҳолда, миллий тамойилларга асосланган, Шарқ ва Ғарб таълим услубларининг афзалликларини бирлаштирган бир бутун дастур ишлаб чиққанлар. Бунда улар нафақат назариётчи, балки амалий фаолият олиб бориб мактаблар, нашриётлар очганлар, журнал ва рўзномалар чоп эттирганлар, дарслик, кулланмалар яратганлар. Ибратнинг «Тарихи маданият» асарида ҳам маданий тараққиётга эришиш йўллари, уларни илмий - маданий тараққиёт ютуқлари асосида такомиллаштириш кўзда тутилган. Жадидлар томонидан илгари сурилган иқтисодий, маънавий, таълимий, маданий тараққиёт мақсадлари бугунги кунда мамлакатимиз томонидан амалга оширилган ислохотларда ўз аксини топмоқда. Шу нуқтаи назардан улар томонидан илгари сурилган ғоя ва қарашлар ватанимиз тараққиёти йўлида ўтказилаётган ислохотлар пойдевори бўлиб хизмат қилади.

Ибратнинг «Тарихи маданият» асари миллий руҳда ёзилган бўлиб унда қисман совет мафкўраси таъсири сезилади. Жадидлар

асарларида «маданият» сўзи истилохи кўпинча «тараққиёт» маъносида ишлатилади.

Ибратнинг «Мезон ул замон» асарида жадиждлар томонидан илгари сурилган ғоя ва карашларни қуръон ва хадисларга асосланган холда халққа етказиш мақсад қилинади. Мҳаммога мҳаллиф Еарб ва Шарқ илмий ютуқларидан хабардор, диний илмлар мутахассиси сифатида ёндошади, мусулмончилик анъаналарини сақлаб қолган холда тараққий этган Еарбнинг илм-фан, техника ютуқларини жорий қилиш тарафдори бўлади. Асардан унинг Фарғонада жадижд мактаблари, кадим-жадижд муносабатларига карашлари ўрин олган.

Ибрат асарлари мазмуни турли йўналишда ёзилган эканлигига карамай, уларнинг ғоясини бир мақсад - янгиликни жорий қилиш орқали мустамлакачилик асоратидан кутулиш, миллатни мустикал давлатлар қаторига олиб чиқиш мақсади бирлаштиради.

Жадиждлар ўз даврида маслак, мақсади, кўраш дастурига эга бўлган етакчи куч эдилар. Улар совет хукумати ўрнатилгандан сўнг хам ўз мақсадларидан кечмадилар. Аммо вазият, хукмрон мафкўра уларнинг мақсадларини амалга оширишга имкон бермади. Бу мақсадга эришиш бугунги кун авлодларига насиб этди.

Республикамиз давлат мустикаллигига эришгач миллий кадриятларимизни тиклаш, маданий-маърифий меросимизни ўрганиш ва асраб-авайлашга алохида эътибор берилмокда. Жумладан, Наманган вилоятида катагон йилларида вайронага айлантирилиб, оёкости қилинган Мулла Бозор Охунд макбараси мажмуининг ўз ўрнида қайта тикланиши, вилоят марказида “Мерос” маданий маърифий ва илмий марказининг ташкил этилгани хамда карийб

эллик гектар майдонда Боборахим Машраб боғи бунёд этилгани фикримизнинг далилидир.

Жумладан, Ибрат томонидан ташкил қилинган «Ударник» номини олган босмахонага 1991 йилда «Исхокхон Ибрат» номи берилди¹. Сайрам кишлоғи худудидаги Калинин номли жамоа хужалиғи 1991 йил 27 июнда № 85/8 Халқ депутатлари Тўрақўрғон совети ижроия комитети қарорига кўра «Исхокхон Ибрат» номи билан атала бошланди. Шундай қарор 1991 йил 31 июлда Наманган вилоят халқ депутатлари ижроия кумитаси томонидан ҳам чиқарилган бўлиб, унда Калинин номли жамоа хужалиғига Ибрат номини бериш кўзда тутилган. 1996 йилда Ибрат номли жамоа хужалиғи ва Тўрақўрғон туман жамоа хужалиқлари хиссадорлик компаниялари ёрдамида, жамоа маданият ишлари бўйича ўринбосари Б.Низомов ташкилотчилигида «Исхокхон Ибрат» номли музей биноси қурилди ва фойдаланишга топширилди^{1 2 3}. Бинобарин, Тошкент шаҳридаги бир куча «Исхокхон Ибрат» номи билан юритилади.

Айниқса, юртбошимизнинг 2004 йил 17 сентябрда Наманганда бўлиб ўтган Халқ депутатлари Наманган вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган “қонун ва адолат устиворлиғи эркин ва фаровон ҳаёт кафолатидир” номли маърузасидан сўнг Наманган ахлининг ижтимоий ҳаётда фаоллиғи янада ортди⁴. Вилоятнинг сўнгги йиллардаги ижтимоий иқтисодий тараққиётида вилоят раҳбари И.Нажмиддиновнинг хизматлари

¹ Исхокхон Ибрат номли босмахона директори А. Алиев билан ўтказилган суҳбат материалларидан. Суҳбат 1994 йил апрелда К.Воҳидова томонидан ўтказилган.

² Халқ депутатлари Наманган вилоят Совети президиумининг қарори. 1991. 31 июль. № 49/7.

³ Музей 1996 йилдан буён Б. Низомов раҳбарлигида Тўрақўрғонда фаолият кўрсатмоқда.

бекиёс. Жумладан, бу даврда вилоятда маданий-маърифий соҳада кўплаб ишлар қилинди. Наманганда ҳар йили анъанавий машрабхонлик, ибратхонлик кунлари, “Наврўз”, “Гуллар байрами” ўтказилаётгани фикримизнинг яққол исботидир. Бинобарин, вилоят ҳокимлигининг 2005 йилда И. Ибратнинг “Танланган асарлар” тўпламини нашр этирилишига хомийлик қилиши, асарнинг тақдимот маросимини пойтахтда ва асар мҳаллифи тугилган юртда ташкил этилиши миллий тарихимизга эътибор беришни яна бир қарра тасдиқлайди.

Бироқ, кейинги йилларда Тўрақўрғон туманида ташкил этилган И.Ибрат номи билан юритилаётган мўзей бир оз қаровсиз қолди, натижада ўз фаолиятини тўхтатиб қуйди.

Орадан кўп утмай мамлакатимиз биринчи президенти И.А.Каримов 2015 йил 26 ноябр куни халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясига ташриф буюрди ва Наманганнинг қадимий кифоаси, асрий обидаларини эътиборга олган ҳолда бу юртнинг бой ва қухна утмишга эга эканлигини, бу замин Муг қалъа, Ахсикент қаби археологик ёдгорликлар юрти эканлигини айтиб утди. Бинобарин, Наманган, Чортоқ, Чуст ва Учқурвон шаҳарларидаги тарихий обидалар, бундан икки минг йиллар аввал пишиқ гиштдан бунёд этилган Қосон - Ахсикент ер ости сув тармоғи аждодларимизнинг улкан ақд заковати ва юксак маданиятидан далолат беришини эътироф этди.

Мамлакатимиз биринчи президенти И.А.Каримов бу диёрдан етишиб чиққан Исҳоқхон тура Ибрат, Бобораҳим Машраб, Нодим

¹ Каримов И.А. қонун ва адолат устиворлиғи эркин ва фаровон ҳаёт қафолатидир.// Ўзбек Халқи ҳеч қачон ҳеч қимга

Намангоний, Чустий, Хабиб Саъдулла каби шоир ва алломалар бутун халқимизнинг фахру ифтихори ҳисобланишини алоҳида таъкидлади. Наманганнинг бой тарихини, бу заминда камол топган улуг зотларнинг ибратли ҳаёти ва фаолиятини, бу юрт билан боғлиқ муҳим саналарни янада чуқур ўрганиш, уларни муносиб нишонлаш учун кенг кулагдаги илмий изланишларни амалга ошириш барчамизнинг бурчимиз эканлигини айтди*¹ ва тегишли вазирлик ва идоралардан бу масала юзасидан укуматга таклифлар киритилиши уар томонлама мақсадга мувофиқ деб ҳисобланди.

Мамлакатимиз раубарининг алломага нисбатан бу қадар уурматини эътиборга олган ҳолда унинг таваллуд куни олдидан 2016 йил 12 март куни Тўрақўрғонда туман миқёсида Ўзбекистон Республикаси Олий ва Урта махсус таълим вазирлиги Наманган муандислик технология институти жамоаси, Тўрақўрғон туман уокимлиги ва Республика маънавият ва тарғибот маркази туман булими билан ҳамкорликда Ватан ва миллатни юксак тараққиёт даражасида қуришни орзу қилган, таълим тизимини ривожлантиришга бутун куч - гайратини сафарбар этган комил инсон Исхокхон тура Ибрат таваллудининг 154 йиллиги муносабати билан “Ҳдмюртимиз рууига эутиром” мавзусида илмий - амалий тадбир ўтказилди. Тадбирда Исхокхон тура Ибрат асарларидан наъмуналар тингланди, унга бағишланган сауна кўринишлари ижро этилди. Тадбир иштирокчилари асосан туман фаурийлари бўлиб, тадбирдан сўнг қуръон ўқиб, Исхокхон тура Ибрат рууини шод этдилар.

2016 йил 5 ноябр куни

Ўзбекистан республикаси

президентлигига номзод Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг Наманган вилояти сайловчилари вакиллари билан учрашуви бўлиб

утди. Ўзбекистон республикаси президентлигига номзод Шавкат Миромонович учрашувда Наманганнинг машхур Ахсикент, Мунчоктепа, Айритом, Мугтепа каби меъморий ёдгорликлари утмишда бу худуднинг ўзига хос цивилизация ва бой маданият ривожланганлигидан далолат беришлигини эътироф этди. Наманган кадимдан кўпдан - кўп истеъдод эгаларининг парвозига канот берган илохий бир макон бўлиб, бу юртда тугилиб ижод қилган Махдуми Аъзам Косоний, Боборахим Машраб, Фазлий, Нодим Намангоний, Исхокхон Ибрат, Мухаммад-шариф Суфизода сингари шоир ва маърифатпарварларнинг номларини хурмат билан тилга олди. Шу ўринда миллий уйғониш даврининг етук намояндаларидан бири, Ватан ва халқ истиклоли учун жонини фидо қилган улуг бобомиз Исхокхон тура Ибрат номини алохида эхтиром билан тилга олиб, унинг араб, форс, рус, хинд, урду, инглиз, францўз тилларини яхши билган, энг кадимий ёзувлардан финикия, яхудий, сурия, юнон ёзувларини чуқур ўрганганлигини, дунёнинг кўплаб мамлакатларида бўлиб, Шарқ ва Европа илм-фани, маданияти ва санъати билан яқиндан танишган, юртимизга илгор маданият ва техника янгиликларини олиб киришга интиланган инсон сифатида баҳолади.

Исхокхон тура Ибратнинг илк матбаачилардан бири сифатида, 1908 йилда Оренбург шаҳридан литографик машина олиб келганлиги, Тўрақўрғондаги дастлабки босмахона унга тегишли бўлганлиги, илмий - педагогик асарлар яратган, мактаб ва кутубхона очган, ахоли учун замонавий боғ барпо қилган, хозиргача ноёб бўлган олти тилдан

ибрат луғат барпо қилган инсон сифатида эътироф этди. Ибратнинг “Фарғона тарихи” асари мамлакатимиз тарихига оид нодир манбалардан бири эканлигини айтиб, советлар даврида 75 ёшни коралаган кекса адиб бўлганлигига карамай, 1937 йиллар конли катагонларига дучор бўлган фозил кишилар қаторида катагон қилинганлиги, турмада азобланиб вафот этганлигини, Ватан ва юрт тараққиёти йўлидаги фидокорона хдети нафақат ўз даврида, балки бугунги кунда ҳам барчамиз учун хдқикий ибрат наъмунаси бўлиб хизмат қилаётганлигини таъкидлаб утди. Шунингдек, мамлакатимиз биринчи президенти И.А.Каримовнинг давомчиси сифатида унинг 2015 йил 26 ноябр куни халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида тегишли вазирлик ва идоралардан бу масала юзасидан ҳукуматга таклифлар киритиш хдқидаги фикрларига мувофиқ холда, Тўрақўрғонда Исоқхон тура Ибратдек улуг зотнинг халқимиз учун қилган буюк хизматлари эътирофи сифатида замонавий боғ яратиш, ёдгорлик мажмуасини ташкил этиш ва Тўрақўрғонни республикаимиз аюолиси учун севимли бир зиёратгоуга айлантириш кераклиги, бу ерда ёшларимиз учун тил ўрганиш бўйича “Ибрат мактаби”ни ташкиллаш хдқидаги таклифларни берди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Миромонович Мирзиёев маърузасида Наманган адабий мухитида камолга етган Мухдммадшариф Суфизода, ана шундай эзгу анъаналар давомчилари Рафик Мумин, Чустий, Иулдош Шамшаров, Парда Турсун, Усмон Носир, Зафар Диёр, Тургун Пулат, Хусниддин Шарипов, Хдбиб Саъдулла каби атоқли адиблар, олимлар, ижолкорлар санъаткорларнинг эл юрт олдидаги хизматларини

этироф этди ва уларнинг изидан бориб, ўзининг истеъдод ва кобилиятларини намоён этаётган наманганлик ёшлар ҳақида гапириб, улар келажагига биз катта умид ва ишонч билан караймиз¹, - деган фикрларни билдирди. Албатта, бу таклифлар вилоят аули, зиёлилар, кенг жамоатчилигимиз, давлат идоралари томонидан самимият билан қабул қилинди.

Бугунги кунда Исоқхон Ибрат тугилиб усган Тўрақўрғон шаурида бунёдкорлик ишлари кизгин давом этмокда. Бу ерда салкам уч гектардан иборат алломага бағишланган уйёбон, 400 укувчига мўлжалланган тиллар мактаби, унинг ёнида укувчилар учун махсус ётокхона, спорт зали, замонавий мусикали фаввора, олимга бағишланган уайкал қуриш, унинг атрофини хориждан келтирилган 10дан ортиқ манзарали дарахтлар билан безаш кўзда тутилмокда. Худудда мавжуд бўлган 1879 йилда қурилган Еойибназар қози мадрасасини қайта тиклаш ишлари келгусида бу худуддаги иншоотлар билан биргаликда Тўрақўрғон шаури чиройига янада чирой кушади, - деб уйлаймиз. Мажмуада бунёд этилиши кўзда тутилган замонавий босмахона Исоқхон Ибрат бошлаган ишларни давоми сифатида кўз унгимизда намоён бўлади. Келгусида, албатта бу жойлар Тўрақўрғон аули ва бу ерга ташриф буюрувчи меумонлар учун севимли зиёратгоуга айланади.

Шундай қилиб, Ибратнинг фаолияти, ижодий тажрибалари, ғоя ва карашлари ёш авлодни миллий қадриятлар рууида тарбиялашда, бугунги кундаги сиёсий ислохотлар мохиятини тушуниб етишда жуда катта аҳамиятга эга. Халқнинг миллий қадриятлари «миллий ўзликни

¹ Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси президентлигига номзод Шавкат Мирзиёевнинг Наманган вилояти



англашни, таъбир жоиз бўлса, миллий ифтихорни тиклаш ва устириш жараёнида ғоят мухим ўрин тутди»¹. Мустакиллик шароитида бугунги кунга келиб, республикамизда Исхокхон Жунайдуллоххужа ўғли Ибратнинг хаёти ва фаолиятини ўрганиш ва тарғиб этиш куннинг энг долзарб мавзусига айланиб бормокда.



Хулоса якунида шуни айтиш мумкинки, утмишга караб иш тутиш хайрлидир. Зеро, Ибрат ўзининг “Тарихи Фарғона” асарида «Тарихлар гамни тоза килур, лекин мундин ахли андешалар ибрат олурлар»^{* 1 2} деб ёзади.

сайловчилари вакиллари билан учрашувдаги нутки. // Наманган хакикати газетаси. 2016 йил 5 ноябр.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистан XXI аср бусагасида: хавфсизликка тахдид, барқарорлик шартлари, тараққиёт кафолатлари. -Т., 1997. Б.-140.

² Ибрат И. Тарихи Фарғона. ...инв. № 10117. -Б.77.







Исхоцхон тура Ибрат КП-17500/110

Мусанниф Исхокхон расмидурки, ўз фотографиясида олинуб, мунда куйилмишдур. 1336 нчи хижрий ойинда таржима қилиниб итмомига етурмишдур, валлахиалам биссаваб.



иохокиящАШРИЕТида
дтазггашэггашагаа


تشیبہ جہانگیر / 1 کس / 1


مؤلفی مولانا جہانگیر صاحب

حاجی
مطبعہ اسٹیوڈیوہ جاب قلیندی


Литографія ИСХАКІЯ

въ г. Наманганъ.





ИСҚОҚХОН ИБРАТ
(1862-1937)



Исхокхон тура Ибрагнинг рафикаси
Собирахон Исхокова




Исхокхон Ибрагни литография ускуналарини Тўрақўрғонга олиб келиниши
(Рассом Т.Ашуров)



Исдокхон тура қли Фотидхон Исоков

КП- 17500/65



Ибратнинг кизи Апипахон Исдокова ва куёви Абдукаххор
КП - 17500/62



ТуракурФондаги “Ибрат” номли мўзей экспозицияси

КИРИШ.....	5
1-БОБ. ИСҚОҚХОН ИБРАТНИНГ ИЖОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ	
ПОРТРЕТИ.....	13
1§. Ибратнинг тарихчи олим сифатида шаклланиши, жадидчилик харакатида иштироки.....	14
2§. Исхоххон Ибрат - ижтимоий арбоб ва унинг хаёти хамда фаолиятига сиёсий мухитнинг таъсири	41
3§. Исхоххон Жунайдуллоххужа уҒли Ибрат меросини хайта тиклаш тарихи ва унинг хозирги замон махаллий тарихчилари томонидан ёритилиши.....	67
II-БОБ. ИСҚОҚХОН ИБРАТНИНГ ТАРИХЧИ СИФАТИДА ВАТАН ТАРИХИ МҲАММОЛАРИГА МУНОСАБАТИ («ТАРИХИ ФАРҒОНА», «ТАРИХИ МАДАНИЯТ», «МЕЗОН УЛ-ЗАМОН» АСАРЛАРИ АСОСИДА).....	
1§. Ибратнинг ФарҒОНа тарихи, унинг ижтимоий, аънавий ахволи ва мхаммоларига харашлари.....	108
2§. Исхоххон Ибратнинг миллий маданиятни ривожлантириш концепцияси.....	146
3§. Ибратнинг маърифий харашлари.....	166
Хулоса.....	192
Илова	207-217

ВОХИДОВА КОМИЛАХОН АБДУЛЛОЗИЗОВНА

Тарих фанлари номзоди

ИСОКХОН ЖУНАЙДУЛЛОХУЖА ЎҒЛИ ИБРАТ ВА УНИНГ

ТАРИХИЙ-ИЛМИЙ МЕРОСИ

(XIX аср охири - XX аср бошлари)

Вохидова Комила Абдуллозизовна - тарих фанлари номзоди. Мутахассислиги - 070009 - тарихшунослик, манбашунослик, тарихий тадқиқот усуллари.

Воуидова Комила Абдуллозизовна 1968 йил 27 февралда Наманган вилояти ТуракурФОН тумани Сайрам киттлоҒида туҒилган. Миллати ўзбек. 1985 йилда Низомий номи ТДПнинг тарих факултети кундўзги булимига ўқишга кириб, 1990 йилда тугатган.

1992 - 1994 йилларда Наманган Давлат университетида “Умумий тарих” кафедраси кабинети мудир, стажёр тадқиқотчиси, 1995 - 2002 йилларда - Ўзбекистан Фанлар академияси Тарих институтига аспиранти, кичик илмий ходими, илмий ходими, 2002-2006 йилларда Наманган муандислик-иктисодиёт институтига “Миллий истиклол ҒОяси” кафедраси ассистенти, катта ўқитувчиси, 2006 - 2008 йилларда - ФарҒОНА политехника институтига “Ўзбекистан тарихи” кафедраси катта ўқитувчиси, 2008 -2015 йилларда - Наманган муандислик-технология институтига “Ижтимоий- фанлар” кафедраси катта ўқитувчиси, доцент вазифасини бажарувчи, 2015 йилдан уозирга қадар “Ижтимоий- фанлар” кафедраси доценти в.б лавозимларида ишлаб келмоқда.

Воуидова Комила Абдуллозизовна 1 нафар илмий монография, халқаро ҳамда республика миқёсидаги конференциялар ва тўпламлар, шунингдек, журнал ва рўзномаларда 45 дан ортиқ илмий мақола ва укув-услугий ишлар мҳаллифидир.

Оилали, 3 нафар фарзанди, 3 нафар набираси бор.



